



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**«АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ УЧУН ФАН, ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИЯ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР»
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

**«НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИИ ДЛЯ АПК:
СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
«SCIENCE, EDUCATION AND INNOVATION FOR AGRO-
INDUSTRIAL COMPLEX: PROBLEMS AND PROSPECTS»**



I - Тўпلام

22-23 ноябрь 2019 йил

ТОШКЕНТ – 2019

Кириш сўзи

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш албатта етук малакали кадрлар томонидан жаҳондаги илғор тажрибаларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Ҳукуматимиз томонидан соҳага етук малакали кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, сунгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис - техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151 - сонли қарорлари қабул қилинган бўлиб, айнан шу қарорларнинг ижроси юзасидан институтимизда қатор ишлар амалга оширилиб, янги ўқув бинолари қурилди, барча ўқув ва лаборатория бинолари мукамал таъмирдан чиқарилди. Шунинг билан бирга юқорида қайд этилган қарорларда олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлашда ўқув жараёнининг сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4410-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиб, “ЎзКлассАгро” компаниясида кафедра филиали ва махсус ўқув аудиторияси ташкил этилди. Талабаларимизнинг ҳафтанинг бир куни машғулотларини шу ерда ўтамоқда. Шунингдек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган чет мамлакатларнинг замонавий “Case”, “John Deere”, “Ростсельмаш” қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилди. Ўқув жараёнининг сифатига эътибор кучайтирилиб, шу корхоналарнинг институтимизда махсус аудиториялари ташкил этилди. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари олиб келинди ва ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистоннинг тупроқ ва иқлим шароитлари қишлоқ хўжалигидаги эртапишар муҳсулотлар етиштириш учун жуда қўлайдир. Хорижий мамлакатларда эртапишар маҳсулотларга бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маҳсулот етиштиришнинг шу йўналишига эътибор қаратиш лозимлигини эътироф этади.

Бугунги кунда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлиги ва интеграциясини янада кучайтириш институтимиз профессор-ўқитувчилари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Институт профессор-ўқитувчилари ўзларининг илмий-тадқиқот фаолиятларини республикамизнинг қатор йирик корхона ва ташкилотлари билан инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ечимини кутаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилган йўналишларда илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ҳозирда институтда илмий-тадқиқот ишларида 36 кафедраларда 464 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормок. Уларнинг 2 нафари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, 56 нафар фан доктори, профессорлар, 184 нафари фан номзоди ва PhD илмий даражаси ва илмий унвонларига эга, 221 нафари катта ўқитувчи ва ассистентлардан иборат.

Институтда 5 та фундаментал, 20 та амалий, 2 та ёш олимлар амалий ҳамда 5 та инновацион грант лойиҳалари, 10 дан ортиқ соҳа ташкилотлари билан тузилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ҳамда хўжалик шартномалари, 60 дан ортиқ Давлат бюджети ҳисобидан ташаббускор илмий ишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Жами, илмий-тадқиқот ишларига институтда 3 173 886 минг сўм миқдоридagi бюджетдан ташқари маблағ жалб этилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича институт олимлари томонидан 40 дан ортиқ монографиялар, 25 дан ортиқ дарсликлар, 60 та ўқув қўлланмалар, чет эл илмий журналларида 300 га яқин, халқаро анжуманлар тўпламларида 450 дан ортиқ, республика илмий журналларида 350 га яқин, республика илмий конференциялар тўпламларида 400 дан ортиқ илмий – услубий ишлар чоп этилган.

Шу билан бирга йилига 5-8 та ихтиро учун патент, 10 ортиқ ишланмага фойдали модел учун патент, 40 га яқин муаллифлик гувоҳномалари олинмоқда.

Институтда инновацион ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил изланувчилар, магистрантлар, иқтидорли талабалар, ташкилот ва муассаса вакилларидан иборат. Ушбу гуруҳлар томонидан вилоятнинг корпоратив ҳамкорлик йўлга қўйилган корхоналар ва ташкилотлари фаолиятига оид муаммолар банки аниқланиб, улар экспертизадан ўтказилади ҳамда мавзулар кафедраларда шакллантириб борилади. Муаммо ечими билан боғлиқ долзарб мавзуларда докторлик ва магистлик илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Агросаноат мажмуаси учун фан, таълим ва инновация, муаммолар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманида йиллар давомида олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари муҳокама этилади ва зарурий тавсиялар берилади.

Умуман олганда, олимларимиз томонидан бугунги замон талабларига мос ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор янги технологияларни ишлаб чиқиш борасида қатор ишланмалар ва ихтиролар яратилиб, амалиётган кенг тадбиқ этилмоқда. Бу эса мамлакат аграр соҳасини ривожланишига амалий ёрдам бермоқда.

Бугунги анжуманнинг асосий мақсади ҳам, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда чуқур назарий, ҳамда инновацион тадқиқотлар олиб бориш бўйича фикр алмашиш, тайёрланаётган ёш кадрларни ушбу соҳада эришилган ютуқлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан яқиндан таништириш ва уларни бу соҳага жалб қилиш асосида юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган. Бугунги анжуманни кўтаринки руҳда ўтишини ва ёшларимизга ушбу анжуман доирасида бўлиб ўтадиган мулоқот чоғида фаол бўлишни тилаб қоламан. Анжуман ишига муваффақият тилайман.

Ў.П.Умурзаков

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
Механизациялаш муҳандислари институти
ректори, и.ф.д., профессор

“Агросаноат мажмуаси учун фан, таълим ва инновация, муаммолар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. – Т.: ТИҚХММИ, 2019йил. – 452 бет.

Илмий-амалий анжуман материалларидан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари ва талабалари шунингдек, агросаноат мажмуасини ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Ташкилий қўмита раҳбари:

и.ф.д., профессор **Ў.П.Умурзаков**

Тахрир хайъати:

т.ф.д., профессор **Б.М. Худаяров,**

т.ф.д, профессор **Ш.У. Йўлдошев,**

т.ф.н., доцент **А.С.Бердышев,**

т.ф.д., профессор **М.Р.Бакиев,**

т.ф.н., доцент **Х.И.Туркменов,**

т.ф.д., профессор **Ш.Ж.Имомов,**

т.ф.н., доцент **А.Бобожонов,**

п.ф.д., профессор **З.К.Исмаилова.**

Тўплагга киритилган материаллардаги маълумотлар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланади.

©. ТИҚХММИ Ташкилий қўмита

**ЕРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
КИМЁВИЙ МЕЛИОРАНТЛАРНИ ЕРГА СЕПИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Худаяров Бердирасул Мирзаевич – т.ф.д., проф., Йигиталиева Рухшона
Рустамжон қизи – талаба

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти

Аннотация

Ушбу мақолада ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қўлланиладиган кимёвий мелиорантларни ерга сепиш механизмларини яратиш зарурлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: кимёвий мелиорант, агротехник тадбир, кислоталик муҳит, кесакланиш, тупроқ унумдорлиги.

**МЕХАНИЗМЫ ДЛЯ РАСПЫЛЕНИЯ ХИМИЧЕСКИХ МЕЛИОРАНТОВ,
ПРИМЕНЯЕМЫЕ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ПОЧВЫ**
Худаяров Б.М., Йигиталиева Р.Р.

Аннотация

В этой статье приведены данные о необходимости создания механизмов для распыления химических мелиорантов, применяемых для улучшения мелиоративного состояния почвы.

Ключевые слова: химический мелиорант, агротехническое мероприятие, кислотный котел, усадка, плодородие

**MECHANISMS FOR SPRAYING CHEMICAL MELIORANTS USED TO
IMPROVE THE RECLAMATION STATE OF THE SOIL**

Hudayarov B.M., Yigitalieva R.R.

Abstract

This article presents data on the need to create mechanisms for spraying chemical ameliorants used to improve the reclamation state of the soil.

Key words: chemical ameliorant agricultural event, the acid boiler, shrinkage, fertility

Кириш: Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ошириш эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича бирмунча вазифаларни бажарилишини талаб этмоқда.

Кейинги ўн йилликда олиб борилган кузатувлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, йилдан - йилга эрларнинг шўрланиш ва кислоталик даражаси ортиб бормоқда ва бу ўз навбатида суғориладиган эрларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шўрланиш даражаси юқори бўлган суғориладиган эрларнинг шўрланишини камайтириш, кислоталиги юқори бўлган эрларни нейтралланишига эришиш тадбирларини ўтказиш ҳамда далага берилладиган мавсумий суғориш нормаси миқдорини камайтириш, озуқа қатламидаги сув-туз, ҳаво ва иссиқлик таъминотини меъёрлаштиришдан иборат.

Бунда суғориладиган эрларнинг шўрланиш даражаси 50 фоизга камаяди, кислоталик муҳити меъёрий ҳолатга келади ва табиий гидроэкокимёвий мувозанат меъёрлаштирилади, пахта ҳосилдорлиги 3,5-4,0 центнерга ортади, тола сифати яхшиланади.

Кимёвий мелиорантларни қўллаш билан олиб бориладиган кимёвий мелиорациялаш усулида шўрланганлиги юқори бўлган суғориладиган эрларнинг шўрланганлик даражаси 1 йилда 50% га камаяди, кислоталиги меъёрлашади, суғориш сувларидан самарали фойдаланилади. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши мувофиқлашади, ҳосилдорлиги ошади.[8]

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз суғориладиган экин майдонларининг ҳудудларга кўра 50%дан ортиғи ҳар хил даражада шўрланган ва кучли шўрланган эрларга тўғри келади. Энг ачинарлиси бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шўрланган ва кучли шўрланган эрларни шўрини ювиш билан буни яхшиланишига эришиб бўлмайди. Шу

сабабли кимёвий мелиорация усуларини қўллаган ҳолда, яъни кимёвий мелиорантларни қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Экин майдонларини шўрланишига қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

- дала рельефининг етарли даражада текис эмаслиги ва сувни тўпланиб қолиши;
- амалиётда тупроқ шароитига мос келмайдиган агротехник тадбирларни қўлланилиши;

- фермер хўжаликларидида шўрланган ерларга ишлов беришда агротехник тадбирларга амал қилмаслик ёки кимёвий мелиорациялаш усулларини қўлламастик.

Бугунги кунга келиб қуйидагиларни амалга ошириш йўли билан шўрланган, шўрланганлиги юқори, кесакланишга мойил ерларнинг таркибини яхшилаш мумкин:

- шўрланган ерларни кимёвий мелиорантлар (КМ) ёрдамида кимёвий мелиорациялаш тадбирларини олиб бориш;

- шўр тупроқларда КМ ва оҳак аралашмаси билан кимёвий мелиорациялаш тадбирларини ўтказиш;

- шўрни камайтириш билан биргаликда ўғитлаштирилган мелиорант сифатида КМдан фойдаланиш (КМнинг 1 тоннаси таркибидида 10 кг гача фосфоритлар сақланади);

- биовоситаларва органик ўғитларбиланКМнингкомпостирашвақўллаш.[2,3]

Қишлоқ хўжалигидаги шўрланган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ 3932 сонли Фармони қабул қилинган.

Тадқиқот услуги ва услубияти. Хўжалик шартномаси мавзуси бўйича Тадқиқот қилинган суғориладиган экин майдонлари Хоразм вилояти “Қуйи-Амударё ИХТБ қошидаги МЭ” таклифига биноан илмий тадқиқот ишларини Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Хоразм СИУ си Бобо Хударган ф/х ва Шовот туманидаги Пўлат Маткарим СИУ си Матюсуф Аноргул ф/х лари суғориладиган ер майдонларида олиб борилди. Бунда тажриба учаскаларини танлаш даланинг шўрланганлик даражасини, кислоталигини ва кесаклаш даражаси кўрсаткичлари босқичма-босқич (ижобий-салбий) олиб борилди. Танланган тажриба даласи тупроғининг дастлабки ҳолатини ўрганиш учун намуналар олинди ва таҳлил қилинди. Танланган фермер хўжаликлари тажриба далаларига кимёвий мелиорантлар киритилди. Танланган фермер хўжаликлари пахта, ғалла, шוליға ихтисослашган. Фермер хўжаликлари ерларида коллектор-зовур тармоқлари барпо қилинган бўлиб, суғориш тармоқлари муҳандислик хусусиятга эга. Экинларни суғориш учун сув далаларга шох ва ўқ ариқлар орқали етказилади ва эгатлаб суғорилади. Хўжаликларнинг тупроқлари кам, ўртача ва кучли шўрланган.

Тажриба тизими

Мазкур дала тажрибалари ҳар бир шакл учун, 3 та вариантда (2 т /га, 3,5 т/га ва 5 т/га), 1 хил ўғитлаш меъёри, 1 хил экин нави ва эгат қатори ораси кенлиги 60 см да ўтказилади.

1-жадвал

Экинларнинг ўсиши ва ривожланишига ерларни кимёвий мелиорацияланишини таъсири

Т.р.	Вариантлар	Суғориш тартиби	Шўр ювиш
1	Ишлаб чиқариш	Анъанавий усулда суғориш тартиби асосида парвариш қилиш	Хлор миқдори 0,01% га етгунча шўр ювиш
2	Шудгорлашдан олдин кимёвий мелиорант киритиш	Суғоришдан олдин тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-85-65% бўйича суғориш	Хлор миқдори 0,01% га етгунча шўр ювиш самарадорлигини ошириш
3	Экишдан олдин кимёвий мелиорант киритиш		

Ѓўзани ўсиши ва ҳосилдорлиги ошишининг кимёвий мелиорантдан фойдаланган холда назорат қилиниши ўрганилганда, КМ назоратга нисбатан шудгордан олдин сепилган вариантта ғўзанинг ўсиши бир хилдагилиги кузатилди, аммо назорат варианты ҳамда экишдан олдин КМ берилган ҳолга нисбатан анча турғунлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Кимёвий мелиорантлар билан кимёвий мелиорацияланган далалардаги ғўзанинг ўсишининг солиштирама узунлиги

№	Вариантлар	Солиштирама узунлиги, м					Ўртача узунлиги, м
		1	2	3	4	5	
1	Назорат	1,25	0,85	0,70	0,80	0,47	81,4
2	КМ шудгорлашдан олдин сепилган	0,95	0,85	0,80	0,80	0,75	0,83
3	КМ экишдан олдин сепилган	1,25	0,85	0,70	0,75	0,70	0,85

Тажриба даласида экинларни ўсиши, ривожланиши ва кўчат қалинлиги

Фенологик кузатув натижалари, яъни тажриба далаларида ғўзани ўсиши, ривожланиши ва кўчат қалинлиги бўйича маълумотлар 3-жадвалда келтириб ўтилган. [1]

3-жадвал


Ѓўза ўсимлигининг фенологик кузатув натижалари

№	Вариантлар	№	Пахтани шонадан кейинги тизими		
			Очилган пахта сони	Кўсақлар сони	Бўғимлар сони
1	Назорат	1	20	6	16
		2	13	2	14
		3	8	5	18
		4	6	6	12
		5	5	4	13
		Ўртача сони	10,4	5	15
2	КМ шудгорлашдан олдин сепилган далада	1	13	14	27
		2	18	20	1
		3	8	5	15
		4	7	11	21
		5	12	7	13
		Ўртача сони	12	11,4	19
3	КМ экишдан олдин сепилган Дала	1	18	4	14
		2	10	6	20
		3	9	5	17
		4	7	4	16
		5	4	5	13
		Ўртача сони	10	5	16

Кимёвий мелиорациялашни ернинг ҳосилдорлигига таъсири

Хозирги вақтга келиб, Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг 40% дан ортиги шўрланган, тақирлашган ва кислоталиги юқори ерларга тўғри келади ва бу кўрсаткич йилдан-йилга афсуски, ортиб бормокда. Лекин уларга кимёвий мелиорациялаш технологиялари элементларига таянган холда агротехник ишлов берилиб, тупроқ тузилишини яхшиланишига, ҳосилдорлигини оширишга етарлича эътибор берилмаяпти. Шу сабабли далага агротехник қоидаларга риоя қилган холда кимёвий мелиорациялаш усуллари элементларидан фойдаланилса, унда ижбой натижаларга эришилади, бунда куйидаги ишларни бажарилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:


- шўрланган ва шўрланиш даражаси юқори бўлган ерларга кимёвий мелиорантлар билан ишлов бериш, натижада



жараён содир бўлади ва тупроқга сувни кириши билан шўрнинг камайишига эришилади;

- тақирланган ерларга кимёвий мелиорантни киритилиш билан магний-кальций балансини камайтиради ва ернинг кесакланини камайишига олиб келди;

- кислоталик даражаси юқори бўлган ерларга кимёвий мелиорантларнинг оҳак билан киритилиши ундаги кислоталик миқдорини кескин камайтиради ва ердаги туз-сув мувозанатини бир маромга олиб келади:



Кимёвий мелиорантлар комплекслардан шўрланган, тақирлашган ва кислоталик даражаси юқори бўлган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда кимёвий мелиорант сифатида фойдаланиш (йўналишига қараб босқичма-босқич 3-5 йилгача олиб борилиши мақсадга мувофиқдир).[4,5,6]

Шунинг учун агротехник қоидаларга риоя қилган ҳолда кимёвий мелиорация усуллари элементларини ернинг мелиоратив ҳолатини чуқур ўрганиб кейин қўлланилса, шўрланган ва юқори шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига олиб келади.

Хулоса: Юқоридагилардан келиб-чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, юқорида амалга оширилган агротадбирлар қўл кучи ёрдамида амалга оширилган. Бироқ тупроққа кимёвий мелиорантларни қандай чуқурликда ва кенгликда, қанча масофадаги узунликда локал бериш ва уни амалга оширадиган механизмлари ҳақида адабиётларда маълумотлар келтирилмаган. Бу эса биз муҳандислар олдида деҳқончиликда ҳали механизациялашмаган тадбирлар мавжудлиги ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг конструкцияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш вазифасини юклайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари / Нурматов Ш., Мирзажонов Қ., Авлиёкулов А., Безбородов Г., Аҳмедов Ж., Тешаев Ш., Ниёзалиев Б., Холиқов Б ва б.; Шамсиев А таҳрири остида. –Тошкент.: ЎзПИТИ, 2007. – 147 б.
2. Кац Д.М. О режиме грунтовых вод Южной Хорезме. «Сельское хозяйство Узбекистана», 1959, №5. С. 27-29.
3. Рахимбаев Ф.М. Сельскохозяйственные гидротехнические мелиорации. Практикум. // Ташкент - «Меҳнат»,-1988.- с. 368.
4. Мухамедов Г.И., Комилов К.Ў. ва бошқалар. Гидроэкологик муаммоларни олдини олишда гидрокимёвий мелиорантларнинг ўрни. Республика илмий-техникавий конференцияси илмий ишлари тўплами. Жиззах. ЖизПИ, 2009 й. 11-12б.
5. Мухамедов Г.И., Комилов К.Ў. Интерполимерный комплекс в мелиорации. Целлюлоза ва унинг хосаларининг кимёси ва технологияси. Республика илмий-техникавий анжуманининг мақолалар тўплами. Тошкент. ТКТИ. 2009. 21 б.
6. Комилов К. Гидрокимё. Ўқув қўлланма – Тошкент: ТИМИ, 2010. – 231 б.
7. Комилов К.Ў, Мухамедов Г.И. Интерполимерные комплексы в решении гидроэкологических проблем. IV Всероссийская конференция по химической технологии. Сборник докладов. Москва. РХТУ. 2012.с.452-454.
8. Комилов К.Ў, Мухамедов Г.И., Матякубов Б.Ш. ва бошқалар. Суғориш сувини тежашда кимёвий мелиорантлардан фойдаланиш. //Агро илм. Махсус сон, 2016. 82-83 б.

УДК:66.047

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ғ.Рахматов, М.Холдоров, Б.Омонов., Фарғона давлат университети

Аннотация

Мақолада пахтани функционал керамика асосидаги инфрақизил қуритиш қурилмаси ва унинг самарадорлиги таҳлил қилинган.

Калит сўз: функционал керамика, инфрақизил нурланиш, самарадорлик.

АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПЕРЕРАБОТКИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ

Ғ.Рахматов, М.Холдоров, Б.Омонов.

Аннотация

В статье анализируется функциональной керамические инфракрасная сушилка на лопко и ее эффективность.

Ключевые слова: функциональная керамика, инфракрасное излучение, эффективность.

ANALYSIS OF EFFICIENCY OF PROCESSING AGRICULTURAL PRODUCTS

G.Rakhmatov, M.Xoldorov, B.Omonov.

Abstract

The article analyzes the functional ceramic infrared dryer for cotton and its effectiveness.

Keywords: functional ceramics, infrared radiation, efficiency.

Кириш. Мева ва сабзовотлар кўпчилик витаминлар, минерал моддалар, ароматик ва физиологик актив моддаларнинг асосий манбаи ҳисобланиб, инсоннинг тўла қимматли озиқланишида зарурдир. Мева ва сабзовотларни сақлаш ва қайта ишлаш аҳолини бутун йил бўйи бу маҳсулотлар билан таъминлашнинг асосий мезонидир.


Асосий қисм. Назарий жиҳатдан маҳсулотларни қуритиш йўналишидаги асосий мақсад фойдали микроэлементларни сақлаган ҳолда, маҳсулот таркибидаги сув миқдорини белгиланган кўрсаткичларгача пасайтиришдир. Бу йўналишда турли усуллар қўлланилиб келинган. Қуритишда иссиқлик ташувчи агентни маҳсулот билан ўзаро таъсирлашуви: конвектив, контактли, радиацияли, диэлектрик ва вакуум остида олиб борилган. Бунда асосан иссиқлик агенти сифатида турли ёқилғилар, турли иссиқлик берувчи ТЭНлар қўлланилади. Бунда ҳавони қиздириш қимматга тушиши ҳисобига маҳсулот таннархи ортиб кетади. Шунинг учун энергия тежамкор, экологик хавфсиз бўлган технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Қуритиш қурилмасидаги ҳаво оқимини бошқариш жараёнини тўғри танланиши маҳсулотнинг қуриш тезлигини оширади. Функционал керамика асосидаги импульсли инфрақизил нурлар таъсири остида қуритиш қурилмасида буғланиш жараёнининг тезлиги катта бўлгани учун маҳсулотдан ажралиб чиққан буғларни олиб кетилиш тезлигини ошириш қурилманинг самарадорлигини ва маҳсулот сифатини таъминлашда асосий факторлардан бири ҳисобланади [1]. Чунки ажралиб чиққан буғнинг ишчи ҳажмда ушланиб қолиши нурлатгичдан чиққан энергиянинг ортиқча сарфланишига, яъни қўшимча яна сув буғларида ютилишига олиб келиши, натижада эса маҳсулотнинг қизиб кетишига олиб келади. Бу эса нафақат энергиянинг ортиқча сарф бўлишига, шунингдек маҳсулотнинг қизиб кетиши натижасида кўриниши ва таркибининг ёмонлашувига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун буғни олиб кетишнинг икки хил тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари. Эжекторлар ёрдамида. Бу ҳолда иссиқ ҳавонинг табиий юқорига кўтарилишидан фойдаланилади. Бунда буғ оқимини тезлаштириш учун эжекция жараёни қўлланилади. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундан иборатки, уни ихтиёрий ўлчамдаги қуритиш мосламаларида қўллаш мумкин ва бунда қурилманинг конструкциясини қайта ишлаш талаб этилмайди [2]. Таклиф этилаётган тизимда қурилма девори ва эжектор орасидаги каналда деярли сўргич (мўри) ҳосил бўлади, у эса маҳсулотдан ажралган буғни интенсив чиқариб юборилишини таъминлайди (расм 1, а). Эжекторлар 0,2-0,4 мм қалинликдаги металл қопламалардан қурилманинг ўлчамларига қараб бурчак шаклидаги мосламалар тайёрланади. Эжекторларни жойлаштиришда маҳсулотга қаратилган томонининг бурчак йўналиши маҳсулот солинадиган тагликнинг марказига тўғри келишини назорат қилиш зарур. Бунда камерадан буғни олиб чиқиб кетиш учун ҳаво сўргичларни ишлашига сарфланаётган қўшимча энергия тежаб қолинади.


Лабиринтли тизим қўлланилди (расм 1, б). Бу ҳолда бир вақтда солинадиган хом-ашё миқдорини 1,6 мартагача орттириш имкони бўлади ҳамда маҳсулот турига қараб энергетик сарфни 15-25 % гача пасайиши таъминланади. Бундай конструкция қуритиш учун конвектив жараёни тўлиқ қўллашни имконини беради. Унинг камчилиги бўлиб, каналнинг геометрик ўлчамларини ва шаклини жуда аниқ ҳисоблаш кераклигидан иборат. Унча катта бўлмаган

конструктив ўзгаришларда ҳам қурилманинг максимал эффективликка эга бўлиш учун жуда аниқ моделлаштириш зарур бўлади, акс ҳолда жараёни максимал самарадорлиги кузатилмайди.



1-расм. Буг олиб кетиш тизими

Нурлатгичларнинг сони ва жойлашиш конфигурациясини тўғри танлаш муҳим роль ўйнайди. Юқори самарадорликка эга бўлган усул сифатида шахмат усулида нурлатгичларни жойлаштириш тавсия қилинади. Бунда тагликнинг юқори ва остки томонидан тенг тақсимланган нурланиш соҳалари ҳосил қилинади (2-расм).



Расм-2. Нурлатгичларнинг жойлашиш схемаси

Нурлатгичларнинг сони ва хом-ашё юзасига нисбатан жойлашиш баландлиги иккита ёнма-ён нурлатгичдан чиқадиган тенг томонли учбурчакнинг учи тагликнинг хом ашёнинг тўлдириладиган қисми юзасида турадиган қилиб танланади. Остки томондан тушадигани эса тагликнинг остига мос келиши керак. Эжекторнинг формаси ва эгрилик бурчаги пастки эгилган томонининг проекцияси тагликнинг марказидан ўтадиган чизикқа тушадиган қилиб лойиҳалаштирилади. Эжекторларни жойлаштиришда улар нурлатгичдан чиқаётган нурлар йўлини кесиб қўймаслигини таъминлаш керак. Ана шу ҳолда ажралган буғларни олиб кетишнинг максимал даражасига эришилади ва тушаётган энергиядан тўлиқ фойдаланилади.

Лабиринт тизимда эса, юқоридагилардан ташқари буғ оқими каналининг юқори қисмига қараб торайиб боришини таъминлаш керак бўлади. Бу буғ-ҳаво аралашмаси оқимини тезлигини оширади ва хом-ашё юзасидаги буғни олиб кетилишини тезлаштиради. Бу эса, ўз навбатида хом-ашё температурасининг нисбатан пасайишига ва буғланиш жараёнини фаоллашишига олиб келади.

Кўп токчали қуришиш қурилмаларида энергетик қувватни тагликлар бўйича тақсимланиши қуришиш жараёни параметрларига катта таъсир кўрсатади. Атроф-муҳитнинг бир хил шароитларида пастки токчаларда жойлашган тагликларга тушаётган энергетик қувватнинг 15-25 % га ортиқ бўлиши энг эффектив ҳолатни таъминлайди. Чунки қурилманинг остки қисмидан кириб келаётган ҳаво оқими юқори тагликларга таъсир қилаётгандан совуқроқ бўлади. Маҳсулотнинг қуриши жараёнида ундаги сув миқдори камайиб бориши натижасида ўзгармас энергетик қувватда ажралиб чиқаётган буғ миқдори қўшимча ажралган иссиқликни олиб кетишга етарли бўлмай қолади. Шунинг учун бундай

қуритиш шкафларида энергетик қувватни икки марта камайтиришга имкон берадиган махсус режим киритилган бўлиб унда маҳсулотни белгиланган миқдордаги намлик даражасига келтирилади.

Бундай ҳолатни бошқа йўл билан ҳам амалга ошириш мумкин. Қуритиш жараёнида хом-ашё ҳам оғирлик жиҳатидан, шунингдек ҳам ҳажм жиҳатидан камаяди (масалан сабзи 8-11 марта, пиёз 12 марта, карам 40 марта ва ҳ.к.). Шунинг учун умумий оғирлиги 3-4 марта камайдигандан сўнг, юқорида жойлашган тагликдаги маҳсулотни пастдаги тагликларга солиш орқали зарур миқдордаги маҳсулот қалинлигини таъминлаш орқали ортиқча иссиқликни олиб кетиш учун етарли буғ ажралишига эришиш мумкин. Бўшаган юқоридаги тагликлар янги хом-ашё билан тўлдирилади. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам ортади.

Бу усул нисбатан катта қуритиш қурилмаларида (масалан, фермер хўжаликларида) қўллаш учун қулай ва самарали бўлади. Чунки бунда худди узлуксиз режимда ишлагандаги ҳолат бўлади.

Минора типдаги қуритиш конвейерларида хом-ашё солинган лентанинг ҳаракатланиши давомида қуритилаётган маҳсулот юқори қаватдаги лентадан пастки лентага ағдарилиб тушиши натижасида қуриш жараёни тезлашади [3]. Пастки қаватдаги ленталарда ҳаракат тезлиги камайрилиши ҳисобига улардаги маҳсулот қалинлиги ортиб боради ва натижада ортиқча иссиқликни олиб кетилишига етарли буғ ажралади. Натижада юқори сифатли маҳсулот олинади.

Хулоса

1. Эжекция жараёнини қўллаш орқали табиий ҳолда маҳсулот таркибидаги сув буғларини ташқарига чиқиб кетиши таъминланади (эжектор тизими);
2. Эжектор тизимини қўллаш қуритиш тезлигини оширади;
3. Тавсия қилинган ўзгаришлар таркиби ва товар кўриниши сифатли бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайди;
4. Энергия тежамкор, самарадорлиги юқори қуритиш қурилмаси яратилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Р.Х.Рахимов и др. “Особенности синтеза функциональной керамики с комплексом заданных свойств радиационным методом” Тошкент., часть 6. 24 бет.
2. К.Онаркулов, Ғ.Рахматов ва б. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини инфрақизил нур билан қуритиш технологиясига доир”, ФДУ хабарлар., Фарғона., 2014 й., №2., 48-50 б.
3. G.Rakhmatov “Installation of the IR dryer of raw cotton”., European Science review., Austria, Vienna., 2016 May-June.

УДК 656 (075)

УЛУЧШЕНИЯ СМАЗЫВАЮЩИХ СВОЙСТВ КОНСИСТЕНТНЫХ СМАЗОК ДЛЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ МАШИН

Доц. З.Х.Алимова

Ташкентский институт по проектированию, строительству и эксплуатации
автомобильных дорог.

Халикова Н.А. PhD, и.о. доцента Ташкентский институт инженеров ирригации и
механизации сельского хозяйства.

Аннотация

В статье анализированы основные характеристики консистентных смазок, влияющих на работу агрегатов сельскохозяйственных машин. Рассмотрены пути уменьшения износа деталей сельскохозяйственных машин с использованием консистентных смазок с различными добавками.

GREASE IMPROVEMENTS FOR GREASE FOR AGRICULTURAL MACHINES

Abstract

The article analyzes the main characteristics of greases that affect the operation of the units. And also it was considered ways to reduce the wear of car parts using greases with various

additives. The results of laboratory studies of samples of industrial lubricants and samples with an additive based on molybdenum sulfide and recommendations for their use are presented.

Надёжность эксплуатации машин и механизмов и их долговечность неразрывна связана с применением качественных смазочных материалов, в том числе консистентных смазок. У каждого смазываемого узла своя специфика работы. Смазка поглощает энергию ударов, предотвращая тем самым усталостное разрушение тел качения.

Консистентные смазки представляют собой трехкомпонентную коллоидную систему, состоящую из базового масла (дисперсной среды), загустителя (дисперсной фазы) и модификаторов (малорастворимых присадок и наполнителей). Каждая из этих составных частей выполняет свою специфическую функцию, т. е. загуститель придает смазке густоту, масло смазывает поверхности трения, а присадки улучшают их функциональные свойства.

Для уменьшения износа деталей используются консистентные смазки на основе дисульфида молибдена MoS_2 , графита, солей олова, кадмия, свинца, цинка, дисульфид вольфрама (WS_2), фталоцианин меди ($C_{32}H_{16}N_8$), а также полимерные материалы — политетрафторэтилен.

Нами было изучены: условия применения консистентных смазок, ассортимент пластичных смазок, пластичные смазки зарубежного производства, и основные характеристики пластичных смазок, которые влияют на работу агрегатов сельскохозяйственных машин. А также было рассмотрено пути уменьшения износа агрегатов с использованием смазок с различными добавками.

Изучено что, применение добавок MoS_2 к консистентным смазкам увеличивает ресурс узлов трения и снижает вероятность задира высоконагруженных деталей и эластичность при низких температурах.

Таблица 1.

Изменение свойств консистентных смазок в присутствии различных до

Смазка с добавками	Температура каплепадения, °C	Пенетрация при 25°C	Коллоидная стабильность, %
Солидол без добавок	85	260	3
Солидол с добавкой молибден сульфид			
3%	86	265	4,7
5%	88	268	5,8
10%	96	271	12,5
15%	100	280	14,9
Солидол с добавкой марганец сульфид			
3%	86	265	4,4
5%	90	268	5,5
10%	95	271	12,0
15%	99	280	15,2
Солидол с добавкой графита			
3%	80	250	3,2
5%	78	255	4,1
10%	70	260	5,3
15%	65	265	8,2

В табл. 2 приведены данные по уменьшению износа (в процентах) деталей сельскохозяйственных машин при использовании консистентных смазочных материалов на основе MoS_2 .

Таблица 2.

Уменьшение износа деталей при использовании консистентных смазок на основе молибдена сульфида

Наименование узла	Уменьшение износа на, %
Крестовины карданной передачи	30
Детали рулевого механизма	38
Шкворень поворотного кулака	47
Шаровые пальцы рулевых тяг	49

Из анализа физико-химических свойств консистентных смазок мы пришли к заключению, что применение дисульфида молибдена MoS_2 имеет кристаллическую решетку, причем в параллельных плоскостях чередуются слои атомов молибдена, каждый из которых с обеих сторон окружен, прочно связанными с ним атомами серы. Поскольку связь между двумя атомами серы достаточно слаба, сдвиговое сопротивление по плоскости их раздела очень мало. В тоже время адгезия частиц молибдена дисульфида к поверхности металла настолько велика, что достаточно небольших контактных давлений 0,4... 0,5 МПа с относительным сдвигом, чтобы эти частицы образовали на поверхности металла прочную пленку. Коэффициент трения с увеличением удельной нагрузки уменьшается, достигая 0,02 (при 2800 МПа). Это обеспечивает:

- уменьшение расхода смазочных материалов;
- повышение надежности и снижение металлоемкости механизма;
- уменьшение эксплуатационных расходов.

Нами были проведены в лабораторных условиях ряд экспериментов с применением молибдена дисульфида (MoS_2), учитывая способность его образовывать прочную пленку на поверхности металла и широкий интервал рабочей температуры. Для этого использовали 100 гр. смазки «Солидол Ж» и в разных количествах от 0,4 до 1гр MoS_2 . После тщательного перемешивания в фарфоровой ступе мы получили однородную массу и провели испытания по определению температуры каплепадения, растворимости в воде, пенетрации, коллоидной стабильности. Результаты анализа приведены в таблице 3.

Таблица 3

Результаты эксперимента, по определению качества смазки после введения дисульфида молибдена.

№	Показатели	Солидол Ж	Содержание MoS_2 в Солидоле (гр)			
			0,4	0,6	0,8	1
1	Внешний вид и цвет		коричневый			
2	Температура каплепадения, °С	85	110	130	150	175
3	Водостойкость		Не растворяется			
4	Пенетрация	260	270	285	290	295
5	Коллоидная стабильность	3	4	5	6	6

Из таблицы следует, что присутствие MoS_2 в солидоле влияет на его отдельные показатели. Так температура плавления солидола находится в пределах 85-100°С, при введении MoS_2 в зависимости от его количества (от 0,4 до 1 гр.) в смазке температура каплепадения повышается до 175°С. Также повышается число пенетрации и увеличивается коллоидная стабильность. Из приведенных опытных данных и анализа мы пришли к заключению, что присутствие дисульфида молибдена в солидоле существенно улучшает качество смазки, с повышением концентрации MoS_2 показатели значительно отличаются от из начальных.

Содержание MoS_2 мы ограничили до 1гр, так как при эксплуатации автомобилей нет необходимости применять смазки с более высокими полученными показателями. Полученную смазку можно применять как в открытых так и в закрытых узлах автомобиля,

особенно в неразборных, таких как шаровые шарниры, рулевые тяги. Содержание MoS_2 придаст смазкам запасные свойства в зонах предельного и смешанного трения. При этом смазка будет работать долговечно, до выхода самого узла из строя.

ИСПОЛЬЗУЕМАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Кириченко Н.Б. Автомобильные эксплуатационные материалы: Учебное пособие.—М.: Издательский центр «Академия» 2012.-208стр.
2. Джерихов, В. Б. Автомобильные эксплуатационные материалы: учеб. пособие. Ч. II. Масла и смазки / 2009. – 256 с.
3. Гнатченко И. И. и др. Автомобильные масла, смазки, присадки: Справочное пособие.— М.: «Издательство «Полигон», 2000.— 360 стр.
4. А.П.Сырбаков, М.А. Корчуганова. Топливо и смазочные материалы: учебное пособие / – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2015. – 159 с.

УДК: 631.674/634.7: 634.8

СБОР МЕСТНОГО ПОТОКА ВОДЫ В ОРОШЕНИИ ВИНОГРАДНИКОВ В ПЕРЕДГОРНЫХ РАЙОНАХ

А.Жуманов - Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства,

Аннотация

В статье представлена информация о водоснабжении виноградников в горных районах, методах водосбережения, в том числе орошения (дождевой воды), плодородия почв, съемок и сбора местных сточных вод при критической нехватке воды в виноградниках. Каждый из них кратко описан и сделаны выводы. В нем также рассматривается работа, проделанная с использованием вышеупомянутых местных методов сбора сточных вод, а также рекомендации по орошению виноградников в предгорьях.

Ключевые слова: плодородия почв, съемок, сбор местных сточных вод, по орошению виноградников в предгорьях.

COLLECTION OF LOCAL WATER FLOW FOR IRRIGATION OF VINEYARDS IN FOOTHILL AREAS

Abstract

The article presents information on water supply of vineyards in mountain regions, methods of water conservation, including irrigation (rain water), soil fertility, surveys and collection of local wastewater in critical water shortages in vineyards. Each of them is briefly described and conclusions are drawn. It also examines the work done using the aforementioned local methods for collecting wastewater, as well as recommendations on the irrigation of vineyards in the foothills.

Key words: fertility of soils, surveys, collection of local wastewater, irrigation of vineyards in the foothills.

Введения. Вода является источником жизни для любого живого организма, включая растение. Организм растений является неотъемлемой частью его внутренней структуры и оказывает непосредственное влияние на его рост, развитие, урожайность и качество урожая; сложные физиологические процессы, такие как фотосинтез, транспирация и дыхание, являются нормальными и интенсивными. Сады и виноградники являются относительно засухоустойчивыми, но они могут хорошо расти и давать богатые урожаи в нужное время, хорошо расти и давать богатые урожаи, [1].

К.В.Смирнов, Л.М.Малтабар и другие ученые сказали, что виноградные листья и ветви 71-73%, кластеры 80-85%, 30%, 40%, имел ржавчины в организме составляет 50-55% воды, вода к корням большая часть которого расходуется на транспирацию и дыхание, и только часть воды потребляется непосредственно для производства органического вещества. В условиях Центральной Азии, включая Узбекистан, виноград требует 1 т и 44-50 м³ воды для сбора урожая[2].

Наряду с другими сферами сельское хозяйство играет важную роль в дальнейшем укреплении экономики страны. В Республики нехватка оросительной воды, выращивание,

садоводство, высококачественные и водосберегающие технологии являются наиболее важной и актуальной задачей. Обладая многолетним опытом дальнейшего развития аграрного сектора и повышения благосостояния людей, мы должны увеличить плодородие сельскохозяйственных угодий, производить обильные и высококачественные культуры и выращивать различные фрукты, такие как виноград, миндаль. Это играет решающую роль, чтобы сделать горные и предгорные районы виноградарства наиболее эффективными Карши Кашкадарьинской области Яккабаг, Ургут, Самарканд, Сурхандарьинской Байсун Денов, Ахангаран Чирчик район Ташкента и Ташкентской области.

Выбирая место для виноградарства в горных и предгорных районах, необходимо обратить внимание на: площадь посадки, она должна быть не менее 10-15 гектаров и должна быть расширена. Чтобы иметь возможность механизировать виноград и заботу, площадь не должна превышать 10 градусов Цельсия, он должен быть уложен. Влажные участки склонов, которые не такие легкие и сухие летом, пригодны для виноградарства. Виноград должен быть посеян досрочно, и семена должны быть посеяны на южных склонах более высокой зоны, чтобы их содержание в сахаре было высоким. Для лучшего использования дождевой воды (наводнения) виноградные насосы должны располагаться вертикально. Там, где виноград, посаженный в наклоне 5-10 градусов, в винограде насосы постепенно подвергается более чем на 10 градусов наклона, это место для первых шагов в виде роликов. Область, в которой должен быть построен виноградник, должна быть тщательно сформирована. Чем глубже почва, тем глубже она, тем лучше виноградная рассада и тем сильнее рост. Сколько виноградных саженцев высаживается на горной местности, каждый гектар зависит от сортов винограда, почвенных и климатических условий. В то же время желательно размещать между рядами винограда 2,5-3 м и между 1,5-3 м в среднем ряду, [3].

В нашей Республике виноградарство распространено с древних времён. И сегодня вопросы садоводства находятся в центре внимания правительства. Сегодня спрос на изюм отвечает не только внутреннему рынку, но и спросу на внешнем рынке.

Повышение садоводства до высокого уровня, создание и размещение фруктовых деревьев и сортов винограда, пригодных для почвенных климатических условий, использование новых и современных агротехнологий для повышения их производительности, тем самым расширение ассортимента плодоовощной продукции и увеличение спроса на фрукты и виноградную продукцию.[4] 5

Объект исследований: В целях совершенствования технологии орошения фруктовых садов и виноградников на основе научных исследований были проведены научные исследования в области фермы «Нормумин» Яккабогского района, Кашкадарьинской области.

Поле экспериментов расположено в Яккабагском районе Кашкадарьинской области, на территории фермы Б.Худоярова, непосредственно прилегающей к горным склонам. Предложенная экономическая зона расположена в холмистой части Хантогского хребта, западной ветви Гиссарского хребта. Ферма Нормумин выращивается по схеме 3X2,5., 3X2. По этой причине 1 элемент. Площадь виноградных саженцев (10000 м²) определяется по следующей формуле:

$$X = \frac{10000}{a \cdot b};$$

где: X - количество телок на гектаре гектара,

a - диапазон строк,

b - диапазон пузырьков в строке.

Влажность почвы, накопленная за счет осадков в низинах Узбекистана, недостаточна для хорошего урожая винограда. Влажность почвы регулируется орошением в определенные периоды цикла роста. Годовое количество осадков составляет 450-500 мм. в горных и горных районах не менее 1/2 орошения можно орошать или орошать 1-2 раза. Также важны не только орошение в регулировании водного режима, но также своевременная и качественная обработка почвы, сорняков, мульчирование, сбор местных сточных вод, посадка защитных деревьев и другие агротехнические мероприятия. Знание агрофизических свойств почв орошаемого и тропического сельского хозяйства имеет важное значение для повышения их

продуктивности. Физические свойства почв и физические процессы, происходящие в них, относятся к числу основных факторов формирования почвенной природы. Поэтому их внимание всегда уделяется их изучению, и теперь больше внимания уделяется изучению этого вопроса.

Кашкадарьинская область континентальный климат и в то же время из-за жаркого лета, зима очень холодная, северные арктические холодные воздушные потоки, температура низкая. В январе средняя температура воздуха может снижаться с 0°C до +2°C, иногда от -15°C до -25°C зимой. Лето жаркое и сухое, и это длится долго. В июле температура поднимается с +44°C до +47°C днем. Во второй половине лета ветра Гармсела дуют в течение 7-15 дней, нанося значительный урон сельскохозяйственным культурам. Увеличивается количество осадков на северо-востоке. Годовое количество осадков 290-300 мм, осадков 320-550 мм и 550-650 мм в горах. Дождь выпадает в основном весной и зимой. Как вы можете видеть на картинке, максимальный месячный ливень в течение месяцев составляет три месяца, то есть март 50 мм, декабрь 45 мм и 39 мм.

Как видно из рисунка выше, количество осадков произошло в январе, феврале, марте, апреле, сентябре, октябре, ноябре и декабре. Как видно из этого, мы видим, что в оставшиеся месяцы осадков мало или нет. Горные и горные зоны принципиально отличаются от их равнин, в зависимости от их почвенно-климатических и экономических условий. Поэтому создание виноградника, выбор сортов, их размещение и уход в этих областях требуют особого внимания. В настоящее время в ряде горных и горных районов Узбекистана (Бахмал, Ургут, Хатирчи, Китаб, Яккабог и Шахрисабз и др.) происходит развитие виноградников и выращивание изюма из высококачественных сортов винограда. По результатам исследования, проведенного научно-исследовательским институтом садоводства и виноградарства академика Махмуда Мирзаева, в горных и горных районах страны можно построить более 700 тысячагаектаров земли. Однако для этого требуется особая подготовка к почвенно-климатическим условиям этих земель,[4].

Важнейшим фактором, вызывающим промывку воды под воздействием естественной местной воды, является форма, длина и наклон склона. Глубина деградации почвы более активна на склонах, чем на склонах и на равнинах. Толщина уменьшает скорость потока и увеличивает длину. Следует отметить, что крупные, тяжелые частицы и микрокредиты почвы находятся на дне потока воды, а легкие частицы движутся по поверхности водного потока. Ю.М.Денисов рекомендует следующее выражение для расчета Q_{max} , образованного растворенным льдом и ледниковой водой для рек Центральноазиатского региона,[5].

$$\bar{M} = \frac{0.325 * h}{2,64 * \delta_h + 0.020\sqrt{h}}: \text{л/сек, км}^2$$

В этом утверждении: h - полная толщина расхода воды, мм;
 δ_h - среднее квадратичное удлинение высоты бассейна.




Рисунок 2.Схема предлагаемой технологии и техника полива виноградников, посаженных на адырныхи террасированных склонах.

На картинке ниже находится бассейн, где основная ферма Нормум собирает природную дождевую воду. Длина акватории 3,8 м, глубина 2 м, ширина-2,2 метра. Орошение виноградных саженцев «Султан-Сорт» проводилось на фермерском поле. В первом случае использование воды, собранной из альпинистских садов и виноградников в последующих бороздах.



Рисунок 3. Сбор местных сточных вод.

При выращивании виноградников из горных районов в первом случае является то, что вода, используемая для последующих борозд, будет подвергаться последующим бороздам. В результате процесса из-за дождя смывается с поверхности почвы частицы, тяжелые капли дождя падают почти силой, наклон почвы частей посыпаются на мелкие частицы, посыпаются примерно в то же время из-за наклона и сильного потока воды, частицы почвы расплавляются в пыли, мутное водопроницаемое состояние.

Фермерское хозяйство “Нормумин ота”, принадлежащее Ассоциации водопользователей Яккабагского района Кашкадарьинской области, работает над ирригацией 3 гектарами земли, с 3 местными естественными оросительными водами.

Предотвращает попадание входящей и наружной частей пруда из местной сточной воды путем распыления воды и испарения пленки.

Вывод. Фермерское хозяйство “Нормумин ота” расположенное в Яккабагском районе Кашкадарьинской области, было введено в эксплуатацию на участке площадью 1 га гектара на испытательном полигоне. Вода, которая поднимает местный поток-это бассейн. Общая площадь бассейна пруда составляет 2,2 м в ширину, глубина 2 м, а его длина составляет 3,8 м, т. е. 17 м³ воды. Новая технология орошения была использована для орошения винограда при сборе этих местных потоков и нехватки воды. В июне и июле орошение виноградников путем сбора воды будет более теплой, а недостаток влаги будет менее продуктивным, с использованием собранной воды для орошения в результате урожайности винограда.

Использованные литературы:

1. Программа «Улучшение производства овощей, бахчевых, картофеля, фруктов и винограда и их комплексное размножение в 2004-2010 годах» Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистана. Т., 2003., 14-стр.
2. Мирзаев М.М., Собиров М.Қ.-Садоводство-//Т., “Меҳнат”, 1987г.,126-б.
3. Мирзаев М.М. -Виноградарствопредгорно-горнойзоныУзбекистана-//Т.,“Издательство Фан”, 1980г,236-стр.
4. Рибакон А.А., Остроухова С.А.-Садоводство в Узбекистане-//Т.,“Ўқитувчи”, 1981г., 506-стр.
5. Сирлибоева З.С., Саидова С.Р.-Расчет гидравлики-//Т.2004г, 91-стр.
6. Саидходжаева Д.Х., Абдумуталипова Х. -Нетрадиционный метод поливов интенсивных садов и виноградников на склонах адырных земель -//Т. «Образовательные технологии» №6 2016 г 27-31стр.

УДК 631.6 : 633.51

ШЎРЛАНГАН ВА ШЎРХОК ЕРЛАР ШЎРИНИ ЮВИШ УЧУН ПОЛОЛГИЧЛАР ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Хажиев М.Х. - т.ф.н., доц., Мирнигматов Б.Т. - катт.ўқит.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Шўрланган ва шўрхок ерлар шўрини ювиш учун поллогичлар тизимини яратиш, саноат асосида ишлаб чиқариш ва уларни қишлоқ ва сув хўжалиги амалиётига жорий этиш натижасида бу ерларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлиги кўпаяди ва маҳсулот сифатини яхшиланади.

Калит сўзлар: қишлоқ ва сув хўжалиги, ер, фермер, шўр, шўрхок, экин, агротехника, агромегиорация, пол марзаси, поллогич, ҳосил, бульдозер, маҳсулот, сарф-харажат, таннарх.

О СОЗДАНИИ СИСТЕМЫ ПАЛОДЕЛАТЕЛЕЙ ДЛЯ ПРОМЫВКИ ЗАСОЛЕННЫХ И СОЛОНЧАКОВЫХ ПОЧВ

Хажиев М.Х., Мирнигматов Б.Т.

Аннотация

В результате создания, освоения и внедрения в сельском и водном хозяйстве системы палоделателей для промывки засоленных и солончаковых почв приводит к повышению урожайности и качества сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: сельское и водное хозяйство, земля, фермер, засоленность, солончак, культура, агротехника, агромегиорация, пал, палоделатель, урожай, бульдозер, продукт, расходы, себестоимость.

ABOUT CREATING A SYSTEM OF CREATORS FOR RINSES OF SALTED AND SALONATIC SOILS

Khajiev M.Kh., Mirnigmatov B.T.

Abstract

As a result of the creation, development, and implementation of a palletizer system for washing saline and saline soils, it leads to an increase in the yield and quality of agricultural products.

Keywords: agriculture and water management, land, farmer, salinity, salt marshes, culture, agrotechnology, land reclamation, fell, lumber maker, crop, bulldozer, product, costs, cost.

Республикамиз суғориладиган ерларнинг 70 фоиздан кўпроғи турли даражада шўрланган [1–3,11]. Хозирги вақтда Орол денгизининг қуриб бориши Марказий Осиёда экология мухитининг янада ёмонлашувига, экин экиладиган ерларнинг янада интенсив шўрланишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулотлари сифати йилдан-йилга пасайиб кетмоқда, уларни етиштириш учун сарфланадиган сув ресурслари хажми, сарф-харажатлар ва бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи ошиб бормоқда.

Республикамиз Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мегиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга кўра, ерларнинг мегиоратив ҳолатини тизимли равишда яхшилаш, унинг иқтисодий самарадорлиги ва экологик ҳолатини талаб даражасида сақлаш шу куннинг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ерлар шўрини ювиш ишларининг агротехника, агромегиорация ва экология талаблари, меъёрлари ва қоидалари асосда бажарилмаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган ерларнинг шўрини ювиш ишлари хажмининг камайишига ва шўр ювиш сифатининг пасайишига, сизот сувларининг ер сатҳига кўтарилиб кетишига ва ер ости сувининг минераллашувини ошишига олиб келмоқда. Бу эса республикамизда

етиштирилаётган кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва сифатининг йилдан йилга пасайиб кетишига сабаб бўлмаоқда [11].

Из таблицы видно, что при высокой температуре сушильного агента хлопок-сырец нагревается до температуры 120 °С. При этом из-за сухости часть волокна обрываются, внутри семени активируются химические и физические процессы, что влияет на качество получаемых продуктов [5].

Далее, в процессе вращения и поступательного движения на барабанах при относительно высокой температуре качественные параметры хлопка сырца ухудшаются, т.е. снижаются сортность волокна, что экономично не выгодно. Дополнительно, приведет до 25% механическому повреждению, изменению цвета и микроструктуры волокна и большому расходу энергии.

Ежегодно в Узбекистане изготавливается 80-85% хлопок-сырец первого сорта. В свою очередь для сохранения естественных качеств хлопкового волокна требуются разработка новых способов сушки сырца.

Результаты исследований. Нами предложена технология сушки хлопка-сырца с использованием импульсных инфракрасных (ИК) излучений [6].

Кварцевая трубка диаметром 10 мм покрыта функциональной керамикой толщины 20-40 микрон. Внутри трубки размещена нихромовая спираль диаметром 10 мм. При этом получается импульсные инфракрасные излучения с максимумом на длине волны 16 мкм и 10 мкм, которые дали хорошие показатели по качеству волокна.

В зависимости от содержания влаги изменением технических параметров установки, можно изменить скорость сушки хлопка- сырца.

Для исследования выбраны тип С-6524 выращенные в условиях Ферганской области хлопок-сырец 1 и 2 сорта с влажностью 10,5% и 12,4%. Образцы хлопка-сырца сушили при режиме 60°С в течение 2 минут. Результаты исследования приведены в таблице 1.

Величины	Сорт С-6524	
	I-сорт	II-сорт
Время сушки, минут	2	2
Начальная влажность, %	10,5	12,4
После сушке, %	9,7	11,4
Разницы, %	0,8	1,0

Результаты исследования показывает, что влажность за это время снизилась соответственно до 9,7 и 11,4%. Сушеные хлопок-сырца очистили на приборе ЛКМ-2, в аппарате ППВ отделяли волокна. Качество волокно определяли в лаборатории «КАЧЕСТВА». Результаты анализа приведены в следующих таблицах (табл.2, 3).

Таблица 2

Технологические параметры хлопкового волокна под воздействием инфракрасных лучей от функциональной керамики (сорт С-6524, 1-сорт)

№	Upper Half Mean Length (UHM)	Uniformity Index (Unf)	Strength (Str)	Mikroare (mic)
1	1.13	82.2	36.1	4.2
2	1.15	81.9	34.4	4.2
3	1.14	83.4	34.5	4.3
4	1.14	82.9	34.3	4.2
min	1.13	81.9	34.3	4.2
max	1.15	83.4	36.1	4.3
сред	1.14	82.6	35.2	4.25

Таблица 3

Технологические параметры хлопкового волокна под воздействием инфракрасных лучей от функциональной керамики (С-6524, 2-сорт)

№	Upper Half Mean Length (UHM)	Uniformity Index (Unf)	Strength (Str)	Mikroare (mic)
1	1.19	81.8	36.5	3.5
2	1.16	83.4	35.9	3.6
3	1.17	83.2	36.6	3.5
4	1.19	82.9	36.2	3.5
Min	1.16	81.8	35.9	3.5
Max	1.19	83.4	36.5	3.6
сред	1.17	82.6	36.2	3.5

С целью сопоставления основных показателей волокна в табл.4 приведены технологические параметры хлопкового волокна сущенные в сушилках барабанного типа.

Таблица 4.

Технологические параметры хлопкового волокна сущенные в сушилках барабанного типа (С-6524, 1-сорт)

№	Upper Half Mean Length (UHM)	Uniformity Index (Unf)	Strength (Str)	Mikroare (mic)
1	1.12	80.4	25.9	4.8
2	1.11	83.0	35.5	4.9
3	1.10	84.1	32.0	4.8
4	1.09	84.5	31.7	4.7
Min	1.09	80.4	25.9	4.7
Max	1.12	84.5	35.5	4.9
сред	1.10	82.4	30.7	4.8

Таблица 5.

Технологические параметры хлопкового волокна сущенные в сушилках барабанного типа (С-6524, 2-сорт)

№	Upper Half Mean Length (UHM)	Uniformity Index (Unf)	Strength (Str)	Mikroare (mic)
1	1.07	80.0	37.1	4.6
2	1.08	81.5	28.3	4.5
3	1.16	84.8	31.6	4.5
4	1.08	86.3	30.1	4.6
Min	1.07	80.0	28.3	4.5
Max	1.16	86.3	37.1	4.6
сред	1.11	83.1	32.7	4.5

Из таблиц видно, что основные показатели такие, как максимальная средняя длина(дюйм) (UHM), индекс равномерности по длине (Unf), удельная разрывная нагрузка (Str), показатель микронейра (mic) в основном улучшается. Результаты были взяты на установке промышленного тестирования хлопка-HVI.

Выводы. На основании вышеизложенных можно сделать следующие выводы. Сушка хлопка-сырца с помощью импульсных ИК-излучений дает следующих преимуществ:

1. В 2 раза, уменьшится потребление электроэнергии;
2. Исключается использование жидкого топлива;
3. Качественные показатели хлопкового волокна не изменяется, порой улучшается;
4. Технология переработки значительно упрощается.

Использованная литература:

1. Э.Т.Шайхов, Н.Нормухамедов и др. "Пахтачилик", Ташкент, Мехнат, 1990 г., с.284.
2. Пахтани дастлабки ишлаш мувофиқлаштирилган технологияси "Ўзпахтасаноат" уюшмаси "Пахтатозалаш ИИЧБ" ОАЖ регламенти, Ташкент, 2012 г.
3. Т.А.Очилов, О.А.Услямов, Э.Т.Лайшева "Қуритиш жараёнининг пахта толаси таркибидаги нуксонлар миқдори таъсири", Ташкент, 2005 г., с.62.

4. А.А.Исмоилов, А.Қ.Усмонқулов “Чигитли пахтани куритиш жараёнида чигит тузилишининг ўзгариши”, Ташкент, 2007 г., с.51-52.
5. А.Э.Эгамбердиев, Ш.И.Ибрагимов, А.Б.Амантурдиев “Селекция, разведение и биологии”, Ташкент, Наука, 2009 г., с. 128.
6. G.Rakhmatov “Installation of the IR dryer of raw cotton”, European Science Review, Vienna, Austria, №5-6, 2016 y.

УДК 631.0925

ТУПРОҚҚА ЧУҚУР ИШЛОВ БЕРУВЧИ ИШ ЖИХОЗИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ТУПРОҚ ҚАТТИҚЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТАҲЛИЛИ

Холова С.О.- стажёр ўқитувчи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизация муҳандислари институти

Аннотация

Ушбу мақолада тупроққа чуқур ишлов берувчи юмшатгичларнинг параметрлари ва уларнинг тупроққа ботиш чуқурлигини ўлчовчи датчикни ўрнатишнинг таҳлилий натижалари ҳамда тавсия этилаётган иш жихозини курсатгичларини ҳисоблашнинг назарий асослари келтирилган.

Калит сўз: ўткир учли иш иш жихози, зичлаш, кесиш, тупроқнинг майдаланиш даражаси

ANALYSIS OF THE PARAMETERS OF A DEEP-DUTY WORKING EQUIPMENT AND CONTROL OF SOIL STIFFNESS

Kholova S.O.

Abstract

This article presents the parameters of deep soil softeners and the results of the installation and analysis of sensors for measuring the depth of their soil. The theoretical basis of the proposed trinity.

Keywords: sharp-pointed work equipment, stamping, cutting, soil leveling

АНАЛИЗ ПАРАМЕТРОВ ГЛУБОКО РЫХЛИТЕЛЬНОГО РАБОЧЕГО ОРГАНА И КОНТРОЛЬ ПЛОТНОСТИ ГРУНТА

Холова С.О.

Аннотация


В данной статье представлены параметры глубоко рыхлителя грунта и результаты анализа установки датчиков для измерения глубины разработки грунта. Теоретические основы расчета предлагаемой конструкции.

Ключевы слова: острое рабочее оружие, штамповка, резка, выравнивание грунта

Кириш. 2019 йил 17 июнда Ўзбекистон Республика Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Бу фармонга биноан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3988,5 минг гектарни, кўп йиллик дарахт-зорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4760,4 минг гектарни ташкил қилаётгани ва ўзлаштирилмаган ерларни босқичма-босқич ўзлаштириш мақсад қилиб қўйилганлиги мавзунинг аҳамиятини ва долзарблигини очиб беради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт – шароитлар яратиш бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. **Тадқиқот услуби.** Ўткир учли ва ботиш чуқурлигини ўлчайдиган датчикли чуқур юмшатгичлар амалий тажрибалар орқали синовдан ўтган бўлмасада, бироқ унинг назарий асослари аввал олиб борилган тадқиқот

натижалари билан солиштирилган ва лойиҳалаш услуби очиб берилган. Эксперимент натижалари эълон қилинмаганлигига қарамай, ўрнатилаётган датчиклар протатиплари билан ўрганишга эришилган. Олинган ўлчамлар нисбийлиги билан фарқ қилади.

Тупроқни зичлашган остки қатлами плуг таглигини юмшатувчи ва чуқур юмшатувчи иш қуролини лойиҳалашга қуйидагилар асос қилиб олинган. Иш қуролининг тупроқни юмшатувчи қисми икки ёнли тиг бўлиб кенглиги ҳаракат йуналиши бўйича тупроқ ҳолатига қараб 40–60 мм атрофида қилиб ясалган. Иш қуролини тупроққа нисбатан ўрнатиш бурчаги β кам тортиш қаршилигини таъминлаш мақсадида $\beta=35\dots40^\circ$ градус атрофида қабул қилинади. Иш қуролини туткичдан олдинга жойлаштириш тупроқни туткичга емирилган (майдаланган) ҳолда таъсир этиш имконини яратади. Бундан ташқари тупроқ остига кўмилган бегона ўтларни ва кам қувватли қатламларни тупроқ юзасига чиқиб кетмаслигини олдини олади. Туткични бўйлама-вертикал текисликдаги шакли айлана ёйи шаклида бажарилган. Бунда туткичнинг эгри чизиқли бўлаги шундай танланганки, иш қуролидан ўтаётган тупроқ туткичдан кам қаршилиқ билан ўтиб кетиши керак. Асосан тупроқнинг юқори унумдор қатлами ҳар йили плуглар ёрдамида ишлов беришга жалб этилиши ва бу қатлам остки қатламга нисбатан юмшоқ ҳолатда бўлишлигини инobatга олиб туткичнинг эгри чизиқли бўлагини айнан зич қатламга мослаб лойиҳалаш қаттиқ қатламли тупроқларни эгри чизиқли туткичдан осон ўтиб кетишини ва қаршилиқни маълум меъёрда камайишини таъминлайди. Бундан ташқари эгри чизиқли шаклини айнан қуйи қатламда бўлиши тупроқ остки унумсиз кам қувватли қатламини устки унумли қатлам билан аралашиб кетишини олдини олади. Бу асосий агротехника талабига жавоб беради.



1-расм. Ўткир учли ишчи органининг “Solid Works” да чизилган макетлари

Тажрибавий агрегатнинг тақрибий текширув натижалари. Ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида тавсия этилаётган параметрларга эга бўлган чуқур юмшаткичлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилиб, унинг тажрибавий нусхаси тайёрланди. Комбинациялашган агрегат иш органлари ўрнатиладиган рама, уни тракторга осииш қурилмаси, ўнг ва чап томонлама ағдаргичли корпуслар, чуқур юмшаткич ва тупроққа ботиш чуқурлигини ўлчовчи датчик.


Агрегатнинг ҳаракат тезлиги v нинг ошиши чуқур юмшаткичнинг тортишган қаршилигини кўпайтиради. Агрегатнинг ҳаракат тезлиги 1,60...1,65 м/с бўлганда ишчи органининг тортишга қаршилиги 1,0...1,5% интенсив ўсади. Тезликни бундан юқори бўлишида тортишга қаршилиқ 2...3% га ошади. Чуқур юмшаткичдан фойдаланишда Rz/Rx нисбат асосий кўрсаткич ҳисобланади. Rx нинг қиймати ва Rz йўналиши чуқур юмшаткичнинг барқарор ишлаши ва тупроқ тикилмаслигига сезиларли таъсир кўрсатади. Rz/Rx нисбатнинг қиймати назарий ҳисобга кўра 0,10...0,12, яъни тажрибадан икки марта кичик. Бу чуқур юмшаткичнинг туткичи юмшатишган тупроқ худудида ишлаши натижасида рўй беради.

Тупроқни майдаланиш сифатига исканани увалаш бурчаги α_0 , ишлов бериш чуқурлиги H ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги v катта таъсир кўрсатади. Искананинг увалаш бурчагини 150 дан 210 гача ошириш тупроқ фракциясини 10 мм бўлишига олиб келади. Бу агротехник талабларни қаноатлантиради. Ишлов бериш чуқурлигини 0,15 м дан 0,25 м гача ошириш тупроқ фракциялари ўлчамини 10...0,25 мм гача камайтиради ва у 68,0...68,9% ни ташкил этади. Агрегатнинг ҳаракат тезлигини 1,2 м/с дан 2,0 м/с гача ошиши тупроқнинг майдаланиш даражасини 5...7% га оширади, яъни 92...96% ни ташкил этади. Хулоса қилиб

шуни айтиш мумкинки, тупроқнинг майдаланиш даражаси $\alpha_0=15...210$, $H = 0,25...0.5$ м ва $v=1,2...2,0$ м/с оралиқларда бўлганда агротехник талабларни қаноатлантиради[1].

Шундай қилиб, чуқур юмшаткич $\alpha_0=15...170$, $\beta_{кўн} = 40...450$, $\beta_{бўй} = 16...210$ каби параметрларга эга бўлганда, ишлов берилгандан кейин 0,5 м чуқур юмшатиш агрегатнинг 1,2 м/с дан 2,0 м/с тезлигида энг кам тортишга қаршилиги ва етарли майдаланиш сифати таъминланади.

Методика. Тупроқни чўзиш йўли билан майдалаш, сиқилишга қараганда тахминан 10 баробар кичик куч талаб етилади. Чўзилиб тупроқни кесиш деформация бажаради ва шунинг учун иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган восита ҳисобланади. Бирок, чўзилувчан деформация унинг соф шаклида кузатилмайди, лекин тупроқнинг хусусиятларига қараб, ажралиш, буриш ёки бурма билан давом этади. Ҳар хил йўллардан (қурук тупроқдан) бир неча сантиметрга (қаттиқ тупроқ) қадар давом этадиган пичоқнинг битта циклини ташкил этувчи фазалар ҳар хил бўлади [2].



2- расм. Кесиш ҳолатининг иш режимлари: а - зичлаш (сиқиш); б - эгилиш; в – қирқим (кесиш); д – синиш (одимлаш); д - тупроқни кесишнинг оддий схемаси [2]

Учликни ясашда легиранган пўлатдан фойдаланилади. Легиранган пўлат таркибида хром, никел, молибден, ванадий, марганес, кремний, титан бор. Кимёвий-физикафий хоссасига кўра иссиқбардош ва оловбардош ҳисобланади. 1 кг легиранган пўлат Стал 45ХН 15.720 сўмни ташкил этади. Бугунги кунда айнан Хоразм вилояти Урганч заводида плуг учликларининг ясалаётгани маҳсулотни маҳаллийлаштириш учун қулайдир. Ҳамда алмашинувчан

учликлар ҳисобига чуқур юмшатгичларни устунларини ҳимоялашимиз ва узоқ муддат ишлатишимиз мумкин.

Натижа. Чуқур юмшатгич билан тупроққа ишлов беришда тупроқ қаттиқлигини ва ботиш чуқурлигини бошқариш. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қўлланиладиган чуқур юмшатгичлар билан тупроққа ишлов бериш жараёнида турли муаммолар юзага келади. Уларда бевосита тупроқнинг бир меъёрдаги чуқурлигини ва қаттиқлигини аниқлашга боғлиқ. Муаммони ечиш учун чуқур юмшатгичга ультратовушли датчиги ўрнатилади. Бу ультратовушли генератор датчикги бўлиб, тупроқ ва чуқур юмшатгич ҳосил қилган чуқурликни тўхтовсиз ўлчаб туради. Тупроқнинг қаттиқлигини аниқлаш мақсадида Г01Н33/24 датчиги қўлланилади. Рамага маҳкамланган ҳолда деформация ҳисобига тупроқнинг қаттиқлигини аниқлаймиз. Ишни мувофиқлаштириш мақсадида кўрсаткичлар кабинада жойлашган дисплейга узатилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур юмшатгични чуқур қайта ишлашнинг бир хиллиги тўғрисида тезкор маълумот олишдир. Текширув трактор кузатув қурилмаси, юмшатгич чуқурлиги сенсори ва дастурий таъминот ёрдамида таъминланади.



3-расм. Датчикнинг ишлаши

Пастки платформа, тупроқ чуқурлиги - сенсор (ультратовуш радар) ердан масофани ўлчайди. Ҳаракатсиз тупроқ, ҳаракат пайтида об-ҳаво шароити сенсор кўрсаткичларини таъсир қилмайди. Сенсор ҳар хил операциялар пайтида эрни чуқурлигини назорат қилиш учун ишлатилиши мумкин.


Трактор ҳаракатланаётганда, сенсор ўртача стабиллик қийматини (сантиметр) олиш учун математик усулдан сўнг сониядан бир неча марта ерни масофадан ўлчайди. Агар ушбу мослама

61 см масофада бўлса, 56 см устидаги дастгоҳдан ерга қадар бўлган масофа 5 см чуқурликка тўғри келади. Ушбу соҳада, дастурий таъминотининг ва трактор йўлидаги чуқурлик сезгичларининг ўқишлари ботиш чуқурлик харитасини ташкил қилади. Бу бошида ботиш чуқурлигини бир хиллигини баҳолаш имконини беради ва техниканинг бузилиш соҳаларини аниқлайди. Мисолларда номинал ботиш чуқурлиги 5 см, яшил эса номинал чуқурликдан 1 см дан ортиқ масофа, сариқ - 1-3 см, қизил эса номинал қийматдан 3 см ёки ундан ортиқ бўлган қисмни ифодалайди.

Одатда, тажриба соҳасидаги технологиялардан фарқи йўқ. Яшил бутун майдон бўйлаб доминант бўлиб, сариқ ва қизил чизиқлар тенг равишда тақсимланади ва майдоннинг тартибсизлигини акс эттиради.

1- схема. Чуқур юмшатгич билан тупроққа ишлов беришда тупроқ қаттиқлигини ва ботиш чуқурлигини бошқариш схемаси

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги техникаларни 35% маҳаллийлаштиришга эришилди. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги техникаси эргономик қулай ва замонавий жиҳозланган. Ушбу моделда протатип деб, датчикларнинг комбинацияси орқали уруғ экиш ишчи жиҳозда уруғнинг экиш чуқурлигини оператив ҳолда билиш имкониятини яратувчи, бундан ташқари клапнлар бошқарувини ягона дисплей орқали амалга оширувчи қуйидаги комбинациялашган



уруғ экиш тракторини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу ерда датчикларнинг вазифаси уруғни ерга тушиш чуқурлигини ўлчаса, бизнинг лойиҳамизда чуқур юмшатгични тупроққа ботиш чуқурлигини кўрсатади ва маълумотни дисплейга узатади. **Хулоса.** Тупроқни чуқур юмшатиш сифати асосан ишчи орган билан тупроқ қатламини кўтариш ва эгиш қийматларига боғлиқ бўлади. Тупроқни кўтариш исканани увалаш бурчагига, тутқичнинг кўндаланг-вертикал текисликдаги қиялик бурчаклари таъсирида кечади. Шунинг учун тутқичнинг қиялик бурчаги ва исканани увалаш бурчагини тупроқни бўйлама ва кўндаланг деформациясига таъсири ўрганилди. Чуқур юмшатгичка ўрнатилган ботиш чуқурлигини ўлчайдиган ультратовуш датчиги қўшимча қурилма ҳисобланиб, ерни бир текисда юмшатишни таъминлайди ҳамда назорат қилишни осонлаштиради. Тавсия қилинаётган ўткир учли ишчи органининг учлигини алмашилмайдиган қилиб, қолиб асосида тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам алоҳида тайёрланаётган учлик таннархини 15...20% га туширади. Экспремент ўтказиш учун танланган New Holland TD5.110- тракторини “Ўзарготехсаноатхолдинг” корхоналари томонидан 320 млн сўмдан - 266 млн сўмга 15% арзонлаштирилгани ва Президентимиз фармони асосида мавжуд Класстерлар айнан шундай қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланаётгани фикримизнинг исботидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рудаков Г.М., Ибраимов Р.И. О бороздном обресе отвала корпуса двухъярусного плуга //Механизация хлопководства. Реф.сб.- Ташкент, 1968.№4.-С.3...4.
2. А.Н. Капустин. Основы теории и расчета машин для основной и поверхностной обработки почв, посевных машин и машин для внесения удобрений. Издательство Томского политехнического университета 2012
3. www.rumbler.ru;
4. www.yahoo.com;

УДК: 631. 352

МАШИНА ДЛЯ СБОРА СЕМЯН ПАСТБИЩНЫХ РАСТЕНИЙ

Садыров А.Н.¹ – к.т.н., с.н.с., Тулаганов Б. К.²-соискатель,

Научно-исследовательский институт механизации сельского хозяйства¹.

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства²

Аннотация

В статье приведены материалы состояния аридных пастбищ. Важным условием сохранения их продуктивности является систематическое улучшение. Эти работы связаны с прочной семенной базой. Существенные объемы работ по улучшению связаны с большой потребностью семян. Проблема может быть решена путём механизированной заготовки семян. Сделан обзор исследований по созданию машин для сбора семян. Предложено техническое решение проблемы.

Ключевые слова: Аридные пастбища, кормовые растения, семена, уборки семян, механизация, косилка.

MACHINE FOR COLLECTING SEEDS OF PASTURED PLANTS

Sadyrov A.N., Tulaganov B. K.

Abstract

The article presents the state of arid pastures. An important condition for maintaining their productivity is systematic improvement. These works are associated with a solid seed base. Significant amounts of improvement work are associated with a large need for seeds. The problem can be solved by mechanized harvesting of seeds. A review of research on the creation of machines for collecting seeds. A technical solution to the problem is proposed.

Key words: Arid pastures, fodder plants, seeds, harvesting, mechanization, mower.

Естественные кормовые растения пустынных и полупустынных (аридных) пастбищ, занимающих в Узбекистане почти 20 млн. гектаров, представляют собой кормовую базу каракулеводства и аридного животноводства в целом. Животноводство здесь - одно из основных отраслей хозяйственного использования обширных пастбищных угодий.

Аридные пастбища отличаются разнообразием рациона, относительно высокой питательностью растений, длительностью выпаса, возможностью круглогодичного использования.

Вместе с тем имеются и существенные недостатки: низкая (2,0-4,0 ц/га) урожайность кормовых растений, колебания урожая по годам и сезонам года.

По различным типам пастбищ урожайность кормовых растений может возрастать вдвое и снижаться в 3-5 раз по отношению к среднему году. По данным исследователей в зависимости от погодных условий в течение каждых 10 лет бывает один очень урожайный, два урожайных, четыре среднеурожайных, два неурожайных и один выражено неурожайный год [1].

Запасы и питательная ценность пастбищных кормов существенно (до 2-х и более раз) уменьшаются к зиме.

Снижению кормовой продуктивности пастбищ способствуют также бессистемный и чрезмерный выпас, техногенные и антропогенные факторы. Особенно большой вред наносит кормовой продуктивности пастбищ бытующая практика ручной (кетменной) вырубки полукустарников на топливо и сено. Глобальные изменения климата последних десятилетий, проблемы Арала тоже были не в пользу продуктивности пастбищ. Причины эти, а также недостаточность работ по улучшению пастбищ приводят к росту объемов деградированных пастбищ. Так, за последние 15 лет различная степень деградации коснулась почти 40 % пастбищ, что привело к снижению общей продуктивности на 21-23% [2].

Отмеченные моменты сдерживают развитие каракулеводства, аридного животноводства в целом, а в неурожайные годы приводят к потерям поголовья.

Анализ состояния вопроса показывает, что для дальнейшего стабильного развития аридного животноводства необходимо проведение масштабных работ по восстановлению

деградированных, улучшению низкоурожайных и узко сезонных пастбищ. Практическая реализация этих работ нуждается в обеспечении посевным материалом перспективных пастбищных кормовых растений.

Анализ состояния естественных пастбищ показывает, что для восстановления деградированных, а также улучшения низкоурожайных и узкосезонных площадей требуется существенный объем семенного фонда

Семена большинства кормовых растений, перспективных для улучшения пастбищ, созревают, как правило, поздней осенью, что предопределяет необходимость сбора их в короткие агротехнические сроки – до выпадения осадков. Семена, попавшие под осадки, создают проблему необходимости их экстренной сушки, так как быстро теряют всхожесть от самосогревания. Отсюда вытекает сжатость агротехнических сроков заготовки семян. С одной стороны желательно чтобы семена хорошо созрели, с другой - чтобы они не попали под осадки.

Семена пустынных кормовых растений высевают в конце ноября - декабре или в январе-феврале следующего года. На более длительный срок семена не оставляют ввиду их специфической особенности быстро терять всхожесть

Потребность большого объема семян, короткие агротехнические сроки заготовки, обусловленные климатическими условиями, дефицит рабочей силы, присущая аридной зоне, быстрая потеря всхожести настоятельно ставят задачу необходимости механизации процесса их уборки.

Для решения проблемы в разные годы проводились специальные исследования по механизации процесса.

Так, в КазНИИМЭСХ была разработана технология сбора семян дикорастущих кормовых растений отбиванием семян с кустов и одновременным всасыванием их при помощи воздушного потока. Для реализации технологии на базе фуражера ФН-1,2 было разработано техническое средство - пневмотранспортер с выбивающими рабочими органами (рис.1).

Техническое средство состоит из погрузочного устройства 1, вентилятора 2, всасывающего трубопровода 3, выбивающих рабочих органов пальцевого типа 4 и конфузора 5. Технологический процесс работы машины протекает следующим образом. Выбитые семена рабочими органами 4, расположенными в конфузоре 5, подхватываются воздушным потоком, создаваемым вентилятором 2 и загружаются в транспортные средства через погрузочное устройство 1. Результаты проверки этой машины на сборе семян терескена показали, что производительность ее доходит до 0,32 га/час, полнота сбора семян 75%, чистота семян – до 40-43 %.

Исследователи КазНИИМЭСХ также сообщают об эффективности по сравнению с ручной уборкой использование переоборудованных зерноуборочных комбайнов.

Переоборудование комбайна заключается в навешивании на мотовило брезентовых накладок шириной 100-120 мм для сметания осыпавшихся семян с режущего аппарата на платформу жатки. На решетный стан под жалюзийными решетками устанавливают дополнительное третье решето с круглыми отверстиями. Это решето способствует очищению семян от крупных примесей, которые забивают зерновой шнек.




Рисунок 1 – Схема сборщика семян

Число оборотов молотильного барабана устанавливают 1000-1100 в минуту, при зазоре между билами барабана и декой на входе 30 мм и на выходе 10 мм.

Известна также раздельная уборка с использованием комбайна или подборщика-измельчителя [3]. Прямоекомбайнирование начинают при созревании 85-90% семян, а к раздельной уборке приступают при созревании 75-80% семян. Стебли растений с семенами скашивают в валки жатками и подсушивают в течение 4-5 дней. После чего убирают комбайнами или подборщиками-измельчителями.

Раздельный способ позволяет на 4-5 дня раньше приступить к уборке семян при этом значительно сократить их потери от осыпания в процессе заключительного этапа созревания. Кроме того семенной ворох раздельной уборки отличается относительной чистотой.

Анализ применения указанных способов механизации процесса показывает, что они весьма энергоемки и сопряжены с высокими эксплуатационными затратами. Кроме того, применение их проблематично в техническом обеспечении из-за дефицита в пустынной зоне зерновых комбайнов и подборщиков-измельчителей. Главное – они повреждают семена, в первом случае - при прохождении через молотильную камеру комбайна и во втором случае – при прохождении через измельчающий барабан подборщика-измельчителя. Недостаток этот является также следствием легкой травмируемости семян многих пустынных кормовых растений.

Исследования научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства показали возможность использования на уборке семян пустынных кормовых растений косилки-копнителя, предназначенного для заготовки сена с естественных пастбищ [4]. Косилка (рис. 2) снабжена роторным режущим аппаратом 1 с горизонтальной осью вращения, наиболее приспособленным для работы в абразивной среде пустынных пастбищ, бункером 3, в котором через дефлектор 2 накапливается срезанная и частично измельченная биологическая масса.





Рисунок 2 - Схема роторной косилки-копнителя

Опыты, на примере уборки семян кейреука и изеня, показали не только возможность, даже целесообразность использования ее на уборке семян пустынных кормовых растений. Результаты производственной проверки (таблица) свидетельствуют, что роторная косилка по сравнению с комбайновой уборкой обеспечивает увеличение полноты сбора семян более чем в два раза и снижение затрат на 20-30 %.

Таблица - Техничко-экономические показатели машин на сборе семян кейреука и изеня
(Данные Абдуллаева М.)

№	Основные показатели машин	Сбор семян машинами			
		кейреук		изень	
		СК-4	КПП-2,0	СК-4	КПП-2,0
1	Кол-во обл. персонала	1	2	1	2
2	Машины	СК-4	КПП-2,0	СК-4	КПП-2,0
3	Производительность, га/час	2,6	1,26	2,6	1,25
4	Полнота сбора семян, %	17,9	45,0	25,6	55,6
5	Выработка машин, ц/га	1,8	2,16	1,09	1,12
6	Затраты труда, чел. час/ц	0,56	0,93	0,91	0,89
7	Металлоемкость, кг/ц	9,09	6,05	2,36	1,06
8	Затраты, руб/ц:	6,15	4,13	9,96	7,95

Недостатком способа было то, что семенной ворох, убранный косилкой, нуждался в ручном выделении семян из убранный вороха. В направлении устранения этого недостатка конструкция косилки была усовершенствована по авторскому свидетельству А.С. № 288826 [5]. Усовершенствованный вариант косилки (рис. 3) снабжен колеблющимся решетом.



режущий аппарат 1, дефлектор 2, бункер 3, колесо 4, решето 5, шарнир 6, пружина 7, клапан 8, лоток 9.

Рисунок 3 - Схема технологического процесса косилки по АС № 288826.

В работе режущий аппарат 1 срезает кусты растений, частично измельчает их и транспортирует в бункер 3 через дефлектор 2 с помощью создаваемого им воздушного потока. Срезанная масса вместе с семенами попадает на колеблющееся решето 5. Семена просеиваются через решето на днище 10 бункера, а кормовая масса остается на решете. По мере накопления кормовую массу выгружают с помощью разгрузочного клапана 8. Разгрузку семян осуществляют поворотом днища 10 бункера гидроцилиндром 11 через лоток 9. Уборщица семян оказалась низкой полнота сбора семян из-за отсутствия поступательного перемещения массы семенного вороха по решету. По мере накопления измельченной массы на поверхности решета, процесс выделения семян снижался, несмотря на колебания решета. Семена, не успевая пройти через набранную массу, уходили в потери. Чем больше массы скапливалось на поверхности решета, тем ниже был эффект выделения семян.

В настоящее время в рамках проекта КХ-Атех-2018-229 “Разработка эффективных технических решений по защите аридных пастбищ от деградации и повышения их продуктивности” головной конструкторской организацией АО «БМКБ-Агромаш» разработана конструкторская документация усовершенствованного технического средства на базе роторной косилки для сбора семян с активным сепаратором и начато его изготовление. В техническом средстве (рис. 4) предусмотрен активный сепарирующий механизм в виде каскадно расположенных сепарирующих барабанов.

Техническое средство состоит из роторного режущего аппарата 1 с горизонтальной осью вращения и подвесными ножами 2, дефлектора 3, сетчатого отражателя 4, активного сепаратора с барабанами 5. В работе скошенная и частично измельченная масса, отражаясь от отражателя 4, поступает на сепаратор, барабаны 5 которого активно протряхивая перемещают всю массу к выходу. В процессе перемещения семена и мелкий органический сор проходят сквозь промежутки барабанов активного сепаратора попадают в бункер, а крупные измельченные стебли сходом с сепаратора выбрасываются на прокос.




Рисунок 4 - Схема технического средства с активным сепаратором

Освоение производства технического средства и оснащение ими каракулеводческих фермерских хозяйств позволит механизировать процесс заготовки семян перспективных для улучшения пастбищ кормовых культур, что будет способствовать широкому разворачиванию работ по улучшению пастбищ.

Выводы

1. Практическая реализация проблем восстановления деградированных и улучшения низкоурожайных и узкосезонных пастбищ нуждается в производстве существенного объема семян пастбищных кормовых растений, который может быть решен путем механизации их заготовки.

2. Наиболее целесообразным направлением механизации уборки семян пустынных кормовых растений является разработка технического средства на базе роторной косилки-копнителя с активным сепаратором.

Использованная литература

1. Семеноводство пустынных пастбищных растений. Под редакцией Гаевской Л.С.. Ташкент, ФАН 1974, 99 с.
2. Эргашев И.Т., Махмудов М.М., Исмаилов Ё. И. «Научные основы природоохранной технологии фитомелиорации аридных пастбищ Узбекистана. Ташкент ФАН, 2006. 130 с.
3. Шамсутдинов З.Ш., Рудаков Г.М., Ландсман М.И. и др. «Рекомендации по механизированной заготовке семян пустынных кормовых растений». Ташкент, Госагропром, 1987, 11 стр.
4. Абдуллаев М. «Исследование процесса и параметров машин для сбора семян кормовых растений пустынной зоны». Дисс. на соискание ученой степени канд. техн. наук. Ташкент, 1974. 169 с.
5. А.С. № 288826 «Роторная косилка» 08.ХП.1971 года.

ИЧКИ ЁНИШ ДВИГАТЕЛЛАРИДА ВОДОРОД ЁҚИЛҒИСИНИ ҚЎЛЛАШ МУОММОЛАРИ

Имамов Ш.Ж.- т.ф.д., доц., Хажиев М.Х.-т.ф.н., доц., Мирнигматов Б.Т.-катт.ўқит.
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада машиналар ички ёниш двигателларида (ИЁД) водород ёнилғисини қўллаш муоммолари таҳлил қилинган. Бу двигателларни қўллаш ёнилғи-мойлаш материалларига сарфланадиган харажатларни камайтириш ва атроф-муҳитни яхшилаш имкониятини беради.

Калит сўзлар: машина, двигатель, дизель, водород, ёнилғи, машинасозлик, қишлоқ хўжалиғи, мелиоратив, технология, электромобиль, бензин, конструкция, экология.

ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДОРОДНОГО ТОПЛИВА В ДВИГАТЕЛЯХ ВНУТРЕННЕГО СГОРАНИЯ

Имамов Ш.Ж., Хажиев М.Х., Мирнигматов Б.Т.

Аннотация

В статье анализируются проблемы использования водородного топлива в двигателях внутреннего сгорания машин. Широкое использование этих двигателей позволит снизить стоимость горюче-смазочных материалов и улучшить состояние окружающей среды.

Ключевые слова: машина, двигатель, дизель, водород, топливо, машиностроение, сельское хозяйство, мелиорация, строительство, транспорт, технология, электродвигатель, бензин, строительство, экология.

PROBLEMS OF HYDROGEN USE FUEL ON INTERNAL COMBUSTION ENGINES

Imamov Sh. Zh., Khajiev M.Kh, Mirnigmatov B.T.

Annotation

The article analyzes the problems of using hydrogen fuel in internal combustion engines of machines. The widespread use of these engines will reduce the cost of fuels and lubricants and improve the environment.

Key words: machine, engine, diesel, hydrogen, fuel, mechanical engineering, agriculture, land reclamation, construction, transport, technology, electric motor, gasoline, construction, ecology.

Халқ хўжалигида углеводород ёқилғисни ишлатадиган жуда кўп миқдордаги кишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш ва транспорт машиналари паркиннинг кўпайиб кетиши бир томондан, жуда кўпдаражада ёқилғи зоҳираларининг камайиб кетиши иккинчи томондан эса олимлар ва инженер-техник ходимларга бошқа турдаги ёқилғи зоҳираларини излаб топишни асосий масала қилиб қўйди[1-5].

Айрим мамлакатларда ёқилғи сифатида биологик ёқилғини ишлатиш бўйича олиб борилаётган кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари(ИТИ) натижалари шуни кўрсатадики бу турдаги ёқилғи ҳеч қачон нефть асосида ишлаб чиқарилаётган ёқилғи ўрнини турларини тўла қоплай олмайди ва ҳозирги кунда бу турдаги ёқилғи ишлатилаётган углеводородли ёқилғининг фақат 1% нигина ташкил этаётгани халос.

Машинасозлик компанияларнинг иш тажрибаларидан маълумки, машинаички ёниш двигателларини электр энергияси манбаига алмаштириш жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Хусусан, автомобилни электр энергиясига ўтказиш, бу унинг бир кунлик босиб ўтган йўлининг кескин камайишига ва шу сабабли уларнинг сезиларли даражасамарадорликнинг пасайишига ва унинг мулк эгаси иқтисодий зарар кўришига олиб келади. Бундан ташқари замонавий илм-фан ва технологиялар электромобилларни кичик габаритли ва юқори қувватли аккумулятор батареяси билан таъминлашда муоммалар мавжуд [3-4].

Гибрид двигателларни (ички ёниш+электр ёки ички ёниш+гидромотор) қўллаш маълум миқдорда бензин ва дизель ёқилғисига бўлган талабни камайтиради, лекин углеводородли двигателлардан томонан воз кечишга олиб келмайди, чунки бу турдаги двигателлар баҳосининг юқорилиги ҳаммани ҳам иқтисодий жиҳатдан қаноатлантирмайди.

Машиналар ИЁДни водород билан ишлашга мослаштириш ва бунинг натижасида улардан чиқадиган газлар билан атроф муҳитга салбий таъсирини(заҳарли газлар салмоғи 10 мартагача)камайтириш ҳозирги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда[5-7].

Бу талабларга жавоб берадиган ёқилғи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- жуда катта ҳажмдаги ёқилғи ресурсларига эга бўлиши;
- унинг таннари жуда юқори бўлмаслиги;
- замонавий ИЁДнинг конструкцияси ўзгартирмасдан ёки жуда кам ўзгартiriшлар киритиб янги турдаги ёқилғига ўтиш керак;
- двигатель ишлаши даврида атроф муҳитга минимал таъсир кўрсатилиши лозим;

-янги ёқилғининг энергия манбаи сифатида фойдалилиги ҳозирги вақтларда амалиётда қўлланилаётган турларига нисбатан жуда кўп марта юқори бўлиши керак. Бу талабларни яна давом эттириш мумкин [3,4,7].

Бензин, дизель ёқилғиси, биоэтанол ва газни (пропан, бутан) ёқилғи сифатида ишлатиш натижасида атроф муҳитга жуда кўп миқдорда унга турли хилзиён етказадиган моддалар ёнган газлар сифатида тарқалишидир. Бунинг натижасида атроф муҳитга салбий таъсир этилади, ҳаво ифлосланади бунинг натижасида инсонлар ва жонли организмлар турли хил касалликлар билан заҳарланадилар [3-5].

Водород ёқилғининг энг катта афзаллиги эса бу - унинг экология жиҳатдан тозалигидир [3-5]. Водородли ички ёниш двигателининг ҳозирги вақтда кенг қўлланилаётган двигателларга нисбатан энг муҳим афзалликларидан яна бири унда мураккаб ва қимматбаҳо таъминлаш тизимининг бўлмаслиги ҳисобланади. Шу билан бирга, албатта унинг ҳозирги мавжуд классик тизимдагидвигателларга нисбатан жуда юқори ф.и.к. га эга бўлганлигидир.

Шу билан бирга водород ёқилғиси ўрнатилган двигатель маълум камчиликларига эга:

- водород баки ва қўшимча жиҳозлар ўрнатилиши ҳисобига машина массаси ошади;
- тоза водородни ички ёниш двигателда ёндиришда ҳавасизлик даражаси нисбатан паст бўлади. Унинг тез ёниб кетиши ва портлаш эҳтимоли жуда юқори;
- ишлабчиқарувчилар башорат қилаётган, яқин келажакда қўлланилиш эҳтимоли бўлган водородли ёқилғи элементлари баҳосининг нисбатан юқорилиги;
- машинада водород ёқилғисини сақлаш учун қўланиладиган идиш (бак) конструкциясининг зарур даражада такомиллаштирилмаганлиги;
- шу кунларгача машинага ўрнатиладиган водород ёқилғиси бакини қайси материалдан тайёрлаш керак деган саволга аниқ бир хил жавобнинг йўқлиги;
- ҳозирги кунларда машина бакини водород ёқилғиси билан ташиш ва тўлдириш учун станция тизимларининг ҳалқ хўжалигида ташкил этилмаганлигидир [3 -7].

Водород ёқилғиси билан ишлайдиган двигателларда мавжуд бўлган техник-технологиква ташкилий камчиликларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, яқин келажакда уни қўллаш эҳтимоли жуда юқори даражада бўлиб, ундан бошқа турдаги ёқилғини ишлатишимконияти ҳозирча мавжуд эмас деб ҳисобланади [3,4].


ИТИ ва ТКР натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ҳозирги вақтда ИЁДда водородни ёқилғи сифатида ишлатиш ишлари турли хил вариантларда амалга оширилаётганлиги аниқланди [1-5]:

- водороднинг фақат ўзини ёқилғи сифатида ишлатиш;
- уни бошқа турдаги ёқилғи турлари билан бирга қўшиб ишлатиш;
- водородни ёқилғи элементларида ишлатиш.

Водородни ишлаб чиқаришнинг энг осон усули бу электролиз усули ҳисобланади (1-расм) [3-4]. Бу усулда водород сувдан қарама-қарши электр разряди таъсири остида бажарилади. Ҳозирги кунда 90% дан кўпроқ водород шу усулда углеводород газларидан ажратилиб олинади.



1-расм. Ёқилғи элементли водородли двигатель конструкцияси.



2-расм. Водородли двигатель ёнилғи элементининг ишлаш принципи.

ИТИ ва ТКР ишлари таҳлили шуни кўрсатадики [1-5], тоза водородни ички ёниш двигатели таъминлаш тизимида қўллаш мумкинлиги амалда исботланган, лекин бу усулда водородни ишлатиш кенг даражада амалга оширилмаган. Бунинг қуйида кўрсатилган объектив сабаблари бор:

-водород ёқилғисини саноат асосида олиш жуда катта ҳажмда электр энергияси харажатларини талаб этиши;

-ишлаб чиқарилган водород ёқилғисини сақлаш учун жуда юқори даражада герметик идишлар зарурлиги;

-машиналарёқилғи бакларини водород ёқилғиси билан тўлдириш учун таъминлаш станциялар тизимининг ташкил этилмаганлигидир.

Машиналар ИЁДда водородни ёқиш учун унга фақат водород билан таъминлаш тизими ва уни сақлаш учун махсус герметик бак ўрнатилади. Уни қўллаш водородни ва бензинни двигатель ёқилғиси сифатида ишлатиш имкониятини беради. Бу усулни ҳозирги кунда BMW и Mazda компаниялари ўз автомобилларида кенг қўлламоқдалар[3-5]. Бундан ташқари Германия ва Буюкбритания бирлашган қироллигида тепловозлар двигателини водород ёқилғиси билан ишлатишга кенг қўламда мослаштирилмоқда.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда водород ёқилғисини ишлатилаётган углеводород ёқилғилари билан биргаликда аралашма сифатида ишлатиш усули ҳам мавжуд[1-5]. Бу усулда водород ёқилғисини ишлатиш, юқорида келтирилган, тоза водородни машиналар двигатели ёқилғиси сифатида ишлатиш каби муоммоларни келтириб чиқаради ва маълум даражада бензин ва дизель ёқилғини иқтисод қилиш имкониятини яратади.

ИТИ таҳлил қилиш натижасида шу нарса аниқландики, келажакда ёқилғи элементлар ёрдамида ишловчи ИЁДи энг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши кутилмоқда (2-рам).

Бу усулда ишлайдиган двигателни, унинг техник томонларига эътибор бермасдан водород ва кислородни ёқилғи элементи деб аталадиган қурилмада бир бири билан бириктирилади ва бунинг натижасида электр токи ҳосил этилади ва бу ток машинани юргизиш учун берилади. Бунда тизимда кўшимча маҳсулот сифатида буғ шаклидаги сув ҳосил бўлади ва ташқарига чиқариб юборилади. Бу усулда ишлайдиган водородли двигателларни Nissan, Toyota и Ford фирмалари ўз автомобилларига ўрнатмоқдалар [3-5].

Ўтган асрнинг 70 йиллари охирида ривожланган, нефтни энг кўп ишлатадиган давлатлардан бири ИТИ и олиб борувчи ходимлари нефть зоҳиралари тугагандан кейин унинг ўрнини фақат водород олиши мумкинлигини кўрсатдилар. Бу соҳада АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Россия ва бошқа давлатларда жуда кенг даражада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [1-5].

Бу даврда Санкт-Петербург Политехника университети олимлари ИЁДни водород ёқилғисида ишлаши мумкинлигини ўргандилар, лекин ҳали бу даврда нисбатан арзон ва хавфсиз водород ёқилғисини сувдан олиш усули излаб топилмаган эди.

ИТИ таҳлили шуни кўрсатадики, водород ёқилғисини асосан учта усулда: сиқилган, суюлтирилган ва боғланган (парошок) ҳолида сақлаш мумкин. Сиқилган водородни сақдаш учун жуда мустаҳкам идишлар (баллонлар), суюлтирилган ва боғланган (парошок ҳолида) водородни сақлаш учун эса махсус бакларни яратиш керак. Боғланган водород бу парашоксимон шаклга келтирилган модда бўлиб, ундан газ олиш учун уни махсус идишда қиздириш керак бўлади.

Санкт-Петербург Политехника университети илмий ходимлари томонидан водородни тўғридан тўғри автомобиль бортида сувдан олиш технологияларини ишлаб чиқилди. Албатта бу усулда сувдан водород олиш усули учун махсус реактор яратиш талаб этилди, лекин унинг конструкцияси сиқилган газ боллонидан соддароқ. Шу билан бирга у водород баллонларга нисбатан яхшироқ томонлари ҳам бор.

Бунда машина ҳеч қандай ташқи таъсирга боғлиқ ва унда умуман ёқилғи муоммоси бўлмайди. Унинг бақини фақат сув билан тўлдирилса бўлди, бошқа ҳеч қандай муоммо бўлмайди. Унинг бақига сув ва магний солинади ва ундаги бўлиб ўтадиган кимёвий реакция туфайли водород ва сув аралашмаси ҳосил бўлади. Бу аралашма бензинга қўшимча сифатида двигателга берилади. Ёнмайдиган аралашма машинани бутунлай хавфсиз қилиб қўяди[1-5].

Яратилган реактор конструкцияси нисбатан мураккаб, лекин мутлақ хавфсиз бўлиб

қолади. Қурилмада ҳосил бўлган водород махсус бақда йиғилмасдан, тўғридан тўғри двигатель таъминлаш тизимига берилгани сабабли унда катта босим ҳосил бўлмайди. Бу машина бензинда, тоза водородда ва водород-бензин аралашмасида ишлайдиган бўлади.

Двигателнинг турли хил иш режимларидаги аралашма таркиби салт режимидаги тоза водородда ва жуда кам даражада водород қўшиладиган максимал юкланишда ишлайди. Бу режимларда водород 3% қўшилиб, жуда оз бўлсаям ёқилғи сарфини камайтиради. Двигателдан чиқарган ёнган газларнинг зарарлик даражаси салт юришда ва хусусий режимларда 10 мартагача камайиши аниқланди [1-3].


ИТИ натижасида шу нарса аниқландики, двигательга қанча кўп даражада водород ёқилғиси берилса, шунча унинг иш режими яхшиланади. Тажрибалар, айниқса, камбағал режимларда двигатель иши яхшиланишини кўрсатди.

Водород билан бирга пайдо бўлган сув буғи двигатель ичидан чиқадиган газларда азотнинг пайдо бўлишини икки марта камайтирди. Двигателга водород бериш натижасида унинг ф.и.к. 5-7% (айрим хусусий режимларда эса 20%) га ва иш муддати 5-10% гача ошади ва двигательнинг заҳарли газларни атроф муҳитга чиқаришини кўрсатувчи СН и СО бўйича кўрсткичи ўн мартагача камайди [1-5, 7].

Университетда бажарилган ИТИ лар натижасида шу аниқландики, ҳар қандай бензинли ва дизель двигателини водород ёқилғиси билан ишлатиш имконияти мавжуд. ИЁД ни водород ёқилғиси билан ишлатишга ўтказиш учун унга қўшимча 100 кг ли монтаж конструкция (сув ва магний зоҳираси билан бирга) ўрнатиш талаб этилади. Бунда двигатель конструкциясига минимал ўзгартиришлар киритилади ва бунинг учун кетган меҳнат сарфи двигательни газга ўтишда сарфланадиган сарф-харажатлардан ошмаслиги аниқланди.

Германия, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Россия ва бошқа давлатларда бу йўналишда кенг доирада ИТИ ва ТКР ишлари давом эттирилмоқда ва уларда водород ёқилғиси билан ишлайдиган машиналар парки катта қисмни ташкил этади.

Маълумки, планетамизда нефть зоҳирлари чегараланганлиги сабабли келажакда бизни нефть ва унинг маҳсулотларга бўлган катта дефицит кутуб турмоқда ва шу сабабли ҳозирги куннинг ўзида нефть баҳоси жуда юқори. Бу маълумотлар нефть ўрнига альтернатив ёқилғиларни топиш ва шу асосда халқ хўжалиги учун альтернатив двигателлар ишлаб чиқишни тақоза этади. Бу йўналишда водород ёқилғиси билан ишлатиладиган ИЁД ўзининг жуда муносиб ўрнига эга. Кўп йиллик маълумотларни таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики водород ёқилғи сифатида жуда кўп йиллардан бери ишлатилиб келинмоқда ва унинг баҳоси 2-5 кг/долл дан кўп эмас [3-5], шу сабабли яқин келажакда унинг халқ хўжалигида жуда кенг даражада қўлланиш имконияти мавжуд.



3-расм. В.С. Кашеевтомонидан ишлаб чиқилган водородлидвигатель схемаси: 1-цилиндр қапқоғи, 2-поршень, 3-копқоқ усти, 4-камера, 5-поршень ичи, 6-ҳаво киритиш клапани, 7-чиқариш клапани, 8-предкамера, 9-ҳаво бериш клапани, 10-ёндириш свечаси.

Водород ёқилғисиде ишлайдиган ички ёниш двигатели пропанда ишлайдиган ИЁД каби ишлайди. Шу сабабли пропандан водородга ўтиш жуда осон ва қулай. ИТИ маълумотларига кўра ҳозирги кунда тахминан 25 % заҳарли газлар турли хил турдаги машиналар, жумладан транспорт воситалари ҳисобига юз беради [1-5].

Ҳалқаро энергетика агентлигининг берган маълумотларига кўра 2050 йилда бу рақам икки марта ошиши кўзда тутилган. Шу сабабли қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда транспортда водородли двигателларни қўллаш жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлади [1-5]. 3-расмда инженер Кашеев В.С. томонидан ишлаб чиқилган двигателнинг схемасини келтирилган. ИЁД поршени п.ў.н. дан юқори томонга ҳаракат қилганда унинг ёндириш камерасига водород берилади ва ёндирилади (дастлаб кириш тактида 6 ҳаво киритиш клапани орқали ҳавосўриб олади). Шу вақтнинг ўзида чиқариш клапанлари очилади. Атмосфера босимининг фарқи ҳисобига ёнган газлар чиқариш коллектори орқали чиқарилиб юборилади.

Хулоса

1. Яқин келажакда водород ёқилғисини машиналар ИЁД да водород ёқилғисини кенг қўламда қўллаш имконияти яратилади.

2. Машиналарда водород ёқилғисини қўллаш ёқилғи-мойлаш материалларига сарфланадиган харажатларни кўп марта камайтириш ва атроф-муҳитни яхшилаш имкониятини беради.

3. Водород ёқилғисини қўллаш натижасида ИЁД атроф муҳитга чиқариб юбориладиган захарли газлар миқдори 10 мартагача камаяди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Вагнер В.А. Улучшение экономических и экологических характеристик дизелей методом насыщения жидкого топлива водородом. Автореф. дисс. ... к.т.н. - Барнаул, 1984. 16 с.
2. Галышев Ю.В. Конвертирование рабочего процесса транспортных ДВС на природный газ и водород. // Автореф. ... дисс. ... доктора техн. наук. - Санкт-Петербург, 2010. 36 с.
3. Раменский А.Ю. Применение водорода в качестве топлива для автомобилей // ООО «Инженерно-технический центр «Водородные технологии» (ИТЦ ВТ) (http://www.cleandex.ru/articles/2015/11/06/the_use_of_hydrogen_as_a_fuel_for_cars).
4. Радченко Р.В., Мокрушина А.С., Тюльпа В.В. Водород в энергетике : учеб. пособие . — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2014. — 229 с.
5. Спиридонов В.Д., Сиваков В.В. Проблемы в использовании водородного двигателя. // Актуальные направления научных исследований XXI века: теория и практика. ВГЛТУ им. Г.Ф. Морозова. - Воронеж: ВГЛТУ, 2015. 419-422 б.
6. Тимур Чмерук. Водород — материал будущего для Украины, или Как нам стать энергонезависимыми. // Ситуация на Украине (<https://inosmi.ru>).
7. Холмянский И.А. Конструирование двигателей внутреннего сгорания: конспект лекций. // СибАДИ—Омск: СибАДИ, 2010.—153 с.
<http://krutimotor.ru/vodorodnyj-dvigatel-ustrojstvo>
<http://www.ruseconomy.ru>
<http://altinfoyg.narod.ru>
<http://www.tek-ua.com>
<http://www.goldformula.ru>
https://ru.wikipedia.org/wiki/водородный_транспорт.
<https://hi-news.ru/research-development/perspektivy-ispolzovaniya-vodorodnogo-dvigatelya-v-avtomobilyax.html>

УДК 631.3

ДОН МАЙДАЛАГИЧ МАШИНАЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

кат. ўқ. Ш.Х. Абдурахмонов, асс. А.А. Бозорбоев

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада ҳозирги вақтда фойдаланиб келинаётган дон майдалагичлар таҳлил қилиниб, уларнинг авфзаллик ва камчиликлари ўрганилди. Таҳлиллар асосида хулосалар келтирилган бўлиб, келажакда дон майдалагич конструкцияларини яратишда асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Калит сўзлар: Дон, майдалагич, ишчиорганлар, маҳсулот сифати, майдаланган озука, энергия сарфи, иш уними, майдаланган маҳсулот заррачалари.

ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИЙ ЗЕРНОДРОБИТЕЛЬНЫХ МАШИН

Аннотация

В статье анализируются используемые в настоящее время дробилки зерна и их преимущества и недостатки. На основании проведенного анализа сделаны выводы, которые могут быть использованы в качестве основы для создания зерноперерабатывающих структур в будущем.

Ключевые слова: зерновые, измельчители, рабочие, качество продукции, гранулированный корм, энергопотребление, рабочий процесс, гранулированные частицы.

PROMISING AREAS OF DEVELOPMENT AND IMPROVEMENT OF GRAIN CRUSHER DESIGNS

Abstract

The article analyzes the current grain crushers and their advantages and disadvantages. Based on the analysis, conclusions are drawn that can be used as the basis for the creation of grain processing structures in the future.

Key words: grain, crusher, working bodies, product quality, granular nutrients, energy consumption, labor productivity, granular particles.

Албатта, дон ва соя маҳсулотларини етиштириб хом-ашё сифатида сотиш жуда катта фойда келдтиради, аммо қайта ишланган маҳсулотни сотиш орқали ундан ҳам кўпроқ даромад олиш мумкин.

Донларни озука учун қайта ишлашнинг бир тури майдалашдир. Кўп миқдорда дон, дуккакли экинларни қайта ишлаш учун майдалагичлар юқори иш уними, кам энергия истемоли ва ресурстежамкорлиги, якуний маҳсулот сифати зоотехник талабларга жавоб бериши керак (доннинг гранулометриктаркибининг бир хиллиги, ўлчамлар хусусиятларига мувофиқлиги). Амалдақўлланилаётган озуқаларни майдалаш усули бўйичауларни куйидагича гуруҳлашимиз мумкин: зарб билан уриш, эзиш, бўлаклаш, ишқалаш, ёриш, эгиш, қирқиш. Амалда кўпинча юқоридаги турли майдалаш усуллари биргаликда қўлланилади.

Мисол учун, ишқалаб майдалашдагисиқиш ва силжитиш жараёни жуда мураккаб деформацияланишлар йиғиндисидан иборат. Бизга маълум бўлган майдалаш турларининг ҳар бири ўзининг устун майдалаш усулларига эга.

Болғачали майдалагичларда-бузарбадир, бўлаклашдауёриш, валецли ва сиқиб майдалашда у эзилади, конуссимон майдалагичларда эса-ишқалашдир.

Жағсимон майдалагичларда (1а - расм), материал иккита тўртбурчак шаклдаги плиталар (жағлар) орасида эзилади ва понасимон шаклдаги иш жойини ҳосил қилади. Қоида бўйича битта плита кўзгалмайди, иккинчиси эса ҳаракат узатувчи қурилма ёрдамида тебранма ҳаракат қилади.

Материал жағсимон ишчи органга тушганда у эзилади, эгилади, баъзида ишқаланади ва ишлов берилган материал тебрама ҳаракат натижасида ишчи камерадан чиқиб кетади. [1]

Жағсимон майдалагичларни ўзини алоҳида жиҳоз сифатида фойдаланиш мумкин, конуссимон майдалагичлар билан биргаликда қўллаш орқали эса майдаланган материалларни охирги ўлчамларини камайтириш имконини беради. Жағсимон майдалагичларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида қўллаш мумкин бўлиб, қаттиқ материаллар тош, бетон, шиша, керамика, руда, минераллар ва бошқаларни майдалашга мўлжалланган. Ушбу турдаги майдалагичлардан донларни майдалашда фойдаланиб бўлмайди.

Сўнги вақтларда барабанли майдалагичлар билан таққослаганда, майдаланган материал бирлиги учун сарфланган электр энергия сарфи сезиларли кам, иш унуми юқор бўлган конуссимон инерцион майдалагичлардан кўпроқ фойдаланилмоқда[2].

Уларда эзиш жараёни икки конуснинг орасидаги иш жойида хом ашёни эзиш йўли билан амалга оширилади: ҳаракатланмай диган ташқи ва ҳаракатланадиган ички конус. (1б-расм)

Ушбу турдаги майдалагичларнинг афзалликлари, майдалашдан ҳосил бўлган маҳсулотнинг заррачалари катталиги тақсимотининг юқори даражадаги бир хиллигидир. Ушбу майдалаш мосламасининг камчиликлари, майдаланмайдиган материал ишчи камерага тушиши натижасида ҳаракат берувчи механизмининг ортикчаюқлиниши ва катта юқлинишда тўхтаб қолишидир.

Валецли майдалагичлар морт бўлган материалларни майдалашга мўлжалланган бўлиб, у ёрдамида айниқса донларни майдалашқўл келади ва тегирмон комплексларини ишлатишда қўлланиши мумкин. Валецли майдалагичларнинг асосий ишчи элементлари горизонтал ўққа ўрнатилган бир-бирга қараб айланувчи цилиндрсимон валлардир. (1в-расм)

Ушбу турдаги майдалагичларнинг афзалликлари юқори иш унумига эга эканлиги шунингдек, аспирацион тармоқлари, бункерлар ва филтрларнинг бўлмаслигидир. Аммо бу дон майдалагичларнинг ҳам талайгина камчиликлари мавжуд, уларни ёғ миқдори кўп ва намлиги юқори бўлган донларни майдалашда ишлатиб бўлмайди, чунки ишчи органлари юзаларига чанг ва бошқа нарсалар ёпишиб қолади.


Шундай бўлишига қарамасдан валецли дон майдалагичлар қўлланилиб келинмоқда. Бу майдалагичлар маҳсулотни бир жуфт бир бирига қараб айланадиган цилиндрсимон валлар орасидаги бўшлиқда майдалайди.

Валецлар ўзининг ўткир қирралари билан маҳсулотни кесади ва сирпантиради. Валларнинг тезлиги бир хил эмас.

Майдалаш даражасини ростлаш валлар орасидаги тирқишни яъни, бир вални иккинчи валга нисбатан силжитиш орқали материалга берилаётган босим ва ишчи камерага тушаётган маҳсулот миқдорини ўзгартириш орқали ростланади.

Валларнинг материалларга бераётган босими пружина ёрдамида ростланади. Бу турдаги майдалагичларда соя ва шу каби таркибида ёғ миқдори кўп бўлган донларни майдалаш имкони йўқ.

Турли хил озукаларни майдалашда универсал бўлган болғачали майдалагичлардир. Уларнинг асосий ишчи қисми-бу роторга шарнирли ўрнатилган болғачалардир (1г-расм).



1-расм. Майдалагич схемалари:

а–Жағсимон майдалагич; б–конуссимон майдалагич; в–валецли майдалагич; г– болғачали (зарбли) майдалагич; д–шарсимон тегирмон; е–шарсимонвибрациалитегирмон; ж– тоғарасимон майдалагич; з–югурувчи ишчи органли майдалагич; и–дискли майдалагич; к–сидиручи ишчи органли майдалагич.

Маҳсулотни болғачали майдалагичларда майдалашда олинган заррачаларнинг катталиги болғаларнинг айланма тезлигига, шакли ва жойлашишига, элакнинг конструкцияси ва ундаги тирқиш ўлчамига, шунингдек аспирация усулига боғлиқ.

Тайёр майдаланган маҳсулотнинг болғачали майдалагичдан чиқиши ротор ва вентилятор ҳосил қилиб берадиган ҳаво оқими орқали амалга оширилади.

Болғачали майдалагичларнинг авфзалликлари ичида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ҳар қандай синадиган ва толали материалларни майдалаши мумкин.

Аммо бу авфзалликлар билан бир қаторда унинг ҳам бир қатор камчиликлари бор. Эксплуатация қилиш даврида болғачаларнинг тез ейилиши ва уларни тез-тез алмаштирилиши; майдаланган маҳсулотни алмаштирилувчи элементлар орасидаги тирқиш ва элакларда туриб қолган заррачаларни қайта майдаланиши натижасида якуний майдаланган маҳсулот ўлчамларининг ҳар хиллиги; майдалашда энергия сарфининг юқори бўлгани ҳолда майдаланган донни сепарациялаш эффективлигининг пастлиги ва мос равишда маҳсулотни ишчи камерада бўлиш вақтини узоқлиги, бу турдаги майдалагичларнинг асосий камчиликларидир.

Хулоса

Юқоридаги таҳлиллар асосида янги технологик схемалар ва улар асосида майдалаш машиналарини яратишда куйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Энергия сарфини камайтириш.
2. Майдаланган заррачаларнинг бир ўлчамга эга бўлишини таъминлаш.
3. Чорва моллари ва паррандалари учун дон материалларидан майдаланган ёрма зоотехник талабларга жавоб бериши.
4. Озуқаларни майдалаш машиналарига бошланғич маҳсулотни юклаш ва тайёр маҳсулотни тўкиб олиш жараёнларини тўлиқ механизациялаш.

Дон майдалагичлар устида олиб борилган таҳлиллар натижасида чиқарилган хулосалар ва кўп йиллик ушбу борада олиб борилган тажрибалар асосида энергия ва металл сифими кам, майдаланган дон бўлакчаларининг бир хиллигини мумкин қадар таъминлайдиган роторли-дискли дон майдалагич машинасини яратишни истикболли деб қабул қилинди, бу борада изланишлар олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Озуқаларни майдалаш машиналарини яратиш истикболлари/ Наманган муҳандислик технология институтида 24-25 майда бўлиб ўтадиган илмий –амалий конференция.//Наманган-2017й. Б-349-351
2. Совершенствование процесса измельчения зерна / Ю.Б. Курков, И.В. Бряков, В.К. Бряков, А.Ю. Курков // Механизация и электрификация технологических процессов в сельскохозяйственном производстве: сб. науч. тр. ДальГАУ – Благовещенск, 2010. – Вып. 17. – С. 229 – 231.

УЎТ 631.331

ПНЕВМАТИК АППАРАТНИНГ ЭКИШ ДИСКИДАГИ ТЕШИКЛАР ГУРУҲИ СОНИНИ АНИҚЛАШ

Қорахонов А.–т.ф.н. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти,

Толибаев А.Е. – т.ф.н. Қишлоқ хўжалиги техникаларини сертификатлаш ва синаш маркази

Аннотация

Мақолада пневматик экиш аппарати билан соя уруғини гуруҳлаб экиш бўйича олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган. Пневматик сеялканнинг ҳаракат тезлигининг пневматик аппаратининг экиш аниқлигига таъсири ўрганилди.

Таянч сўзлар: пневматик сеялка, пневматик экиш аппарати, гуруҳлаб экиш, соя уруғи, сеялканнинг ҳаракат тезлиги, экиш аниқлиги, пунктир ва уялаб экиш, экиш схемаси.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ГРУПП ЧИСЛА ОТВЕРСТИЙ ВЫСЕВАЮЩЕГО ДИСКА ПНЕВМАТИЧЕСКИХ АППАРАТОВ

Караханов А., Толибаев А.Е.

Аннотация

В статье приведены результаты экспериментального исследования высева семян сои пневматическими высевающими аппаратами групповым способом. Изучено влияние скорости движения пневматической сеялки на точность высева.

Ключевые слова: пневматическая сеялка, пневматический высевающий аппарат, групповой высев, семена сои, скорость движения сеялки, точность высева, пунктирный и групповой высев, схема высева.

DEFINITION OF GROUPS OF NUMBER OF HOUSINGS OF SOWING DISC OF PNEUMATIC UNITS

Karaxanov A., Tolibaev A.E.

Abstract

The article presents the results of an experimental study of sowing seeds of soybean pneumatic sowing devices in a group way. The influence of the speed of the pneumatic seeder on the accuracy of sowing has been studied.

Keywords: pneumatic seeder, pneumatic sowing device, group sowing, soybean seeds, seeder speed, sowing accuracy, dotted and group sowing, sowing pattern.

Кириш. Соя-сердаромад экин. У юқори сифатли озуқа ва озик-овқат сифатида кенг қўлланилади. Бундан ташқари, соя экинлари тупроқнинг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, тупроқни азот билан бойитади. Шунинг учун ҳам соя ундан кейинги ўсимликлар учун керакли озуқани тўплаб бериш хусусиятига эга [1].

Соя донидан 300 дан ортиқ турдаги озик-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Соя донида оксил ва ёғга жуда бой. Унинг донида 55 фоизгача оксил ва 20-27 фоизгача ёғ ташкил қилади. Соя кундалик ҳаётимизда ҳам зарур бўлган витаминлар ва минералларга бой ўсимлик ҳисобланади [2,3].


Ўтказилган агротехник тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароити соядан 3,0-3,5 тоннагача ҳосил олиш имконини беради. Бунга эришиш ва уни етиштиришда харажатларни камайтириш учун мақбул агротехник талабларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот услубиёти. Экспериментал тадқиқотлар ГОСТ 31345-2007 Давлатлараро стандарт бўйича олиб борилди [4]. Пневматик сеялканинг ҳаракат тезлигининг V_c экиш аниқлигига T_e боғлиқлик графиги ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари. Сояни етиштиришда экиш усулларига эътибор бериш керак бўлади. Соя экинларини экиш бўйича олимларимизнинг тавсияларига кўра, соя уруғини иккита усулда: пунктир ва уялаб экиш керак бўлади.

Республикамызда шароитларидан келиб чиқиб, сояни уялаб экиш мақсадга мувофиқ. Унда бир гектар майдонда уруғларнинг экилиш меъёри таъминланиши зарур бўлади. Бу усулда экишни амалга ошириш учун пневматик экиш аппарати дискида тешиklar гуруҳлаб жойлаштирилади. Бундай усулда экишнинг афзаллиги экиш баҳорда серёгин бўлганда ҳар битта уяга 2 та ва 3 тадан уруғлар экилиши ҳисобига тупроқ юзасида пайдо бўлган қатқалоқларни ёриб чиқиш имконияти яратилади [5].

Уруғларни уялаб экишни амалга ошириш учун экиш дискидаги тешиklar гуруҳи радиал ўққа нисбатан ҳар хил бурчаклар остида жойлаштирилди (1-расм).




1-экиш диски; 2-хаво сийраклашишини ёпувчи стенка; 3-тешиклар гуруҳи

1-расм. Экиш дискидаги тешикларнинг жойлашиш схемаси

Бунда тешикларнинг жойлашиши радиал ўққа нисбатан нисбатан маълум бурчакларга γ фарқ қилди. Мақбул бурчакни аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Бунда ҳар бир уяга 3 тадан уруғ ташланишидан келиб чиқиб, экиш дискидаги тешиклар 3 тадан гуруҳлаб жойлаштирилди. Ҳар бир гуруҳдаги тешикларнинг жойлашиш бурчаклари экиш дискининг айланиш йўналиши бўйичарадиал ўққа нисбатан 0, 10, 20 и 30 градус бурчаклар остида жойлаштирилди (1-расм).

Экспериментал тадқиқотларни ўтказишда сеялканнинг ҳаракат тезлиги 1,47 м/с ва уядаги уруғлар ораси 15 см деб қабул қилинди. (2-расм).



2-расм. Уялар узунлиги l_{δ} ва ўртача квадратик оғишининг $\pm\sigma$ тешиклар гуруҳи бурчаклари γ га боғлиқлик графиги

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, тешиклар гуруҳи радиал ўққа нисбатан 20° бурчак остида жойлашган экиш диски билан уруғлар экилганда ҳосил бўлган уянинг узунлиги 3,2 см ни ташкил қилди. Бу бурчакни ўзгартирилиши, яъни бурчак қийматини камайтириш ёки катталаштириш уянинг узунлигининг чўзилишига олиб келди. Шунингдек 20° бурчак остида жойлашган экиш дискининг ўртача квадратик четланиши ҳам минимал кўрсаткичларга эга бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экиш дискидаги тешиклар гуруҳи радиал ўққа нисбатан 20° бурчак остида жойлашганда уруғлар экиш дискдан маълум бурчак билан кетма-кетликда ерга тушиши, уруғларнинг минимал уя ҳосил қилишини кўрсатади.


Юқоридаги тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, соя уруғини уялаб экишни амалга ошириш учун 32; 36 ва 40 та гуруҳга эга бўлган 3 та пневматик экиш диски ишлаб чиқилди. Ҳар бир дискда 3 тадан тешиклар очилди. Ўрта концентрик қаторда 195 мм ли

диаметрдаги тешиклар жойлаштирилди. Ташқи қатордаги тешиклар гуруҳи 200 мм ни ва ички қатордаги тешиклар гуруҳи 190 мм ни ташкил қилди. Шундай қилиб ҳар бир тешиклар орасидаги масофа 7 мм ни ташкил қилди. Тешикларнинг ўртача диаметри бўйича пневматик экиш дискининг айланма тезлиги аниқланди.

Уруғларни экиш аниқлиги 15x3 схемаси бўйича экспериментал тадқиқотлар олиб борилди. Сеялканинг ҳаракат тезлиги 0,28 м/с интервал билан 1,19-2,58 м/с ораликларида олиб борилди.

Олинган маълумотларга асосланиб, 15x3 схемаси бўйича ҳар хил экиш дисклари билан ўтказилган экспериментал тажрибани таҳлил қиламиз. Бу ерда уялар ораси – 15 см ни, ҳар бир уядаги уруғлар сони 3 тани ташкил қилди. Келтирилган расмдаги боғлиқларда 32 та тешиклар гуруҳида энг кичик экиш аниқлигини кўрсатди. Сеялканинг ҳаракат тезлигининг 1,19 м/с дан 2,58 м/с гача ошиши билан экиш аниқлиги 89,5 дан 66,7% гача камайди. Сеялканинг 0,28 м/с интервал билан ҳаракатлангандаги экиш ноаниқлиги 2,4 % дан 7,6 ва 6,4 % гача ортиб борди. Сеялканинг ҳаракат тезлиги 1,75 ва 2,03 м/с оралиғида бўлганда 1,8 % гача камайиши кузатилди (3-расм).

Уруғларни экиш аниқлиги бўйича ўртача кўрсаткич 36 та тешиклар гуруҳи бўлган экиш дискида кузатилди. Сеялканинг ҳаракат тезлигини 1,19 м/с дан 2,58 м/с гача ошиши билан уруғларни экиш аниқлиги 94,9 % дан 69 % гача камайди. Бу ерда ҳам сеялканинг ҳаракат тезлиги 0,28 м/с интервал бўлганда экиш ноаниқлиги 1,7% дан 11,4% гача ортиб борди.



3-расм. Сеялканинг ҳаракат тезлигининг V_c экиш аниқлигига T_e боғлиқлик графиги
1,2,3 – экиш дискидаги тешиклар гуруҳи сони, тегишли равишда 32, 36, 40

Экиш аниқлиги бўйича 1,19 м/с дан 2,58 м/с гача бўлган ораликда 40 та тешиклар гуруҳига эга бўлган экиш диски юқори кўрсаткичга эга бўлди, яъни экиш аниқлиги 96,3-75,6 % оралиғида бўлиб, олдинги кўрсаткичлардан 6,6% га юқори бўлди.

Экиш аниқлигининг ўзгаришининг эгри чизиғи олдинги кўрсаткичларга мос равишда параболик шаклига эга бўлди. Бу эса 0,28 м/с интервал билан сеялканинг ҳаракатини ошириб борганда барча экиш дискидаги уруғларни экиш аниқлиги камайиб борди.

Шуни таъкидлаш керакки, бир хил шароитда қабул камерасида уруғларни дискга сурилишида ҳар хил дискларнинг сеялканинг ҳаракат тезлигига нисбатан уларнинг айланиш тезликлари ҳар хил. Шунининг учун ҳам уруғларнинг экиш аниқлигида ўзгаришлар кузатилди.

Хулоса

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экиш дискидаги тешиқлар гуруҳи радиал ўққа нисбатан 20° бурчак остида жойлашганда уруғлар экиш дискидан маълум бурчак билан кетма-кетликда ерга тушиши, уруғларнинг минимал уя ҳосил қилишини кўрсатди. Экиш дискидаги тешиқлар гуруҳи 40 тани ташкил қилган диски билан сеялқанинг ҳаракат тезлиги 1,19 м/с ва 2,58 м/с оралиқларида соя уруғларини юқори экиш аниқлиги таъминланди. Бу эса тешиқлар гуруҳи 32 ва 36 бўлган экиш дискларига нисбатан экиш аниқлиги 6,6% кўпроқни ташкил қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ёрматова Д., Бойниёзов Э. Тупроқ унумдорлигини сақлаш//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008.–№6.– Б.5.
2. Романов Х.С., Мирзажанов К.М., Талибуллин Р.Т. Выращивание сои. –Ташкент: Мехнат, 1990. – 112 б.
3. www.private.peterlink.ru/soros/soya.html.
4. ГОСТ 31345-2007. Сеялки тракторные. Методы испытаний. – Минск, 2007. – 69 с.
5. Толибаев А.Е.Определение оптимального угла отклонения групп отверстий на высевальном диске //Агро илм. – Тошкент, 2012. – №3(23) – С.76-77.

УДК 612.3: 613.287.51

СУТНИНГ ИНСОН ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Н.Э.Саттаров - қ.х.ф.н., доцент. А.Н.Борогов - мустақил тадқиқотчи
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада йил сайин ўсиб бораётган ер шари аҳолисининг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини кондиришдаги сутнинг аҳамияти баён қилинган.

Сут таркибидаги фойдали моддаларнинг ёш болалар, ёши улуг кексалар ва ўспирин ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ва шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзи: сут, оқсил, сут ёғи, сут қанти, минерал моддалар, ёғ кислотаси, қурук модда, организм тўқимаси, сут дарёси, витаминлар, ферментлар, гормонлар, иммун таначалар, ҳазмланиш, сўрилиш, бактериологик хусусияти, аминокислоталар, қатик, қаймоқ, тварог, илмий асосланган меъёр.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МОЛОКА В ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЕЛОВЕКА

Н.Э.Саттаров, А.Н.Борогов

Аннотация

В данной статье приводится огромное значение молока и молочных продуктов, на которые ежедневно растет потребность населения на жизненно необходимые продукты питания.

Эта статья предоставляет информацию о важности и терапевтических свойствах этих питательных веществ в жизни детей младшего возраста, пожилых людей и подростков.

Ключевое слово: молока, белок, молочный жир, молочный сахар, минеральная вещество, молочные кислоты, сухое вещество, клеток организмов, молочных реках, витамины, фермент, гормон, иммунных тел, переваривать, уеваемость, бактериологический свойство, аминокислоты, кефир, сметана, тварог, научно обоснованных норах.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF MILK IN HUMAN LIFE

N.E.Sattarov, A.N.Borotov

Abstract

This article gives the enormous importance of milk and dairy products, for which the population's daily growing demand for vital food products is growing.

This article provides information on the importance and therapeutic properties of these nutrients in the lives of young children, the elderly and adolescents.

Keyword: milk, protein, milk fat, milk sugar, mineral, lactic acid, dry matter, cell organisms, dairy rivers, vitamins, enzyme, hormone, immune bodies, digest, digestibility, bacteriological property, amino acids, kefir, sour cream, creature, scientifically based burrows.

Бизга маълумки ҳозирги кунда ер шаримизда 7 млрд аҳоли истиқомат қилмоқда. БМТнинг маълумотларига қараганда 2050 йилга бориб ер шари аҳолисининг сони 9 млрд кишидан ошиши тахмин қилинмоқда. Кундан кунга ўсиб келаётган ушбу аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда сутнинг аҳамияти бекиёсидир. Тиббиёт фанлар академияси, озиқлантириш институти маълумотлари ҳамда илмий асосланган озиқланиш меъёр талабларига кўра вояга етган бир одам 1 кунда истеъмол қиладигон озиқ-овқат маҳсулотларининг 30% ни сут ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар ташкил этилиши лозимлиги белгиланган. Бунинг учун ҳар куни ўртача 500 грамм сут, қатик ёки йогурт, 25 гр сариёғ, 20 гр пишлоқ, 20 гр творог(сузма), 20 гр қаймоқ истеъмол қилиши зарур. Ушбу кўрсаткич ёш болалар ва мактаб ёшидаги болалар озуқа рациониди 2 баробар кўпроқ булиши тавсия этилганлиги сутнинг инсон организми учун ниҳоятда фойдали эканлигидан далолат беради. Афсоналарда ота-боболаримиз сутли дарёлар хақида орзу қилишган. Қадимда файласуфлар сутнинг кимёвий таркибини ва физик хусусиятларини билишмаган, аммо уни организмга ижобий таъсирини кўрсатишини билишган ва сутга “оқ қон”, “хаёт шарбати” деб таъриф бериб уни жуда қадрлашган. Гиппократ эса сутга “хаёт элексери” деб ном берган.

Академик И.П.Павлов сутнинг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан озиқавий қийматини ўрганиб шундай хулосага келган экан. “Сут табиат ўзи яратган беназир маҳсулотдир”.

Ҳозирги кунда инсон истеъмол қиладиган сутнинг 85% қорамол, 11% буйволар, 2% эчкилар, 1% қўйлар ва қолган 1% ва туялардан соғиб олинмоқда. Шундай экан биз инсон энг кўп истеъмол қиладиган қорамоллар сутининг фойдали хусусиятларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бунинг учун энг аввало ушбу сутнинг кимёвий таркибига назар солсак унинг 87,2-87,5% ни сув, қолган 12,5-12,8% ни қуруқ модда ташкил қилади. Қуруқ модда сутнинг энг қимматли қисми ҳисобланиб унинг таркибий қисмига оксиллар 3,3%, ёғлар 3,8% , сут қанти (лактоза) 4,7% қолган 0,7-1% ни ҳар хил минерал моддалардан ташкил топган.

Сут таркибидаги оксиллар 2 гуруҳга бўлинади. Казиен ва зардоб оксили. Сутдаги жами оксилларни биз 100% деб олсак шунинг 82% казиен, 12% албумин ва қолган 6% ни глобулин оксиллари ташкил қилади. Ушбу оксилларнинг инсон организми учун энг асосий қурилиш материали ҳисобланиб юқори биологик қийматга эга бўлганлиги учун организмда 96-98% ҳазм бўлади. Унинг таркибига метионин, тириптофан, лейцин изолейцин, валин, фениланилин каби ўрин алмаштириб бўлмайдиган аминакислаталар мавжуд. 1 литр сут таркибидаги оксиллар 142 грамм гўшт, 5 дона товуқ тухуми, 113 грамм пишлоқ, 800 гр оқ нондаги оксилларга тенг эканлиги ўтказилаган тажрибаларда исботланган.

Сут ёғи гилицелин ва ёғ кислоталаридан ташкил топган. Сут ёғининг таркибида 20 тадан ортиқ тўйинган ва тўйинмаган (ёғ кислоталари), линолелеик, ленолиник, архидоник каби ёғ кислоталарининг мавжудлиги унинг биологик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Юқоридаги кислоталар организмдаги хужайра ва туқималар ичидаги метобализмда иштирок этади ва асаб хужайраларнинг бир қисмини ташкил қилади. Қондаги халистиринни тартибга солади. Томирларнинг эластиклигини оширади ва простагландинларнинг синтезланишига ижобий таъсир кўрсатади. Сут ёғлари сут таркибидаги ёғда эрувчи АДЕ ва К витаминларининг асосий ташувчиси бўлиб, организмда 98% ҳазм бўлади. Бунинг асосий сабаби пас ҳароратда 28-36⁰ С да эришидир.

Сут қанти (Лактоза) сут таркибидаги асосий углевод глюкоза ва галактозадан иборат. Лактоза барча турдаги сут эмизувчилар сути таркибида мавжуд. Ушбу хайвонлар гуруҳи учун ўта муҳимлигини таъкидлайди.

Лактоза таркибида марказий асаб тизими фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган галактоза мавжуд. Галактоза марказий асаб тизими бош мианин асосий қурилиш материали ҳамда энергия манбаи ҳисобланади. Бош мианин ўсиши ва ривожланиши учун маҳсус озуқа вазифасини бажаради.

Бундан ташқари лактоза ичакдаги органик кислоталар Б группа витаминлари биотин, рибофлавин, никотиник ва фолий кислоталарни синтез қиладиган ўзига хос микроорганизмлар лактобациллус асидопхидусларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Натижада кислоталар концентрациясининг ошиши оксилларнинг осон парчаланишига ёрдам беради, Ичакларда зарарли микроорганизмларнинг кўпайишининг олди олинади оқибатда организмда ушбу бактерияларга қарши антибиотиклар ишлаб чиқарилади. Шундай қилиб лактоза осонгина сут кислотасига айланади бу инсон организми учун ўта муҳим жараён дир.

Лактоза инсоннинг юрак, жигар ҳамда буйраги учун ҳам асосий энергия берадиган манба ҳисобланади.

Лактоза ичакларда кальций, фосфор, магний ва барий каби элементларнинг организмга сўрилиш жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Натижада сут таркибида Д витамини кам бўлишига қарамасдан организмда рахит касаллигининг олди олинади. Ва ниҳоят сут таркибидаги лактозадан беморларни тинчлантириш учун ишлатиладиган дориларни ишлаб чиқариш учун ҳам хомашё сифатида фойдаланилади.

Сут минералларга жуда бой маҳсулот бўлиб, унинг таркибида 100 дан ортиқ турли хил моддалар, 16 хил витаминлар, 40дан кўпроқ минерал тузлар, 20 дан ортиқ ёғ кислоталари мавжуд. Ушбу минерал моддалар ичида кальций ва фосфорнинг аҳамияти жуда катта дир. Айниқса ёш гўдаклар ва болаларнинг склет суякларининг яхши ўсишида кальций ва фосфорнинг ўрни бекиёс дир. Одам танасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки у доимий равишда янгиланиш жараёни давом эттиради.

Инсон склетидаги кальцийнинг тахминан олтидан бир қисми ҳар йили янгиланар экан. Шунинг учун инсон танаси ҳаёти давомида доимий равишда кальций манбайига муҳтожлик сезар экан. Агар инсоннинг озуқа рационидида кальций элементининг етишмаслиги суякларнинг юмшаб қолиши ва парчаланишига олиб келар экан. Натижада остеопороз деб номланган касалликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ривожланаётган бола ва ўсмирлар организмидида калцийнинг етишмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг оқибатида болаларда суяк массаси 5-10% гача камайиб кетади. Болоғат ёшига етганда ушбу кўрсаткич хавфи 50% гача ошиши мумкинлиги тиббиётда кўрсатилган. Шунингдек мушак склет тизими касалликлари ривожланиши хавфини ҳам оширади. Ҳозирги кунда тиббиёт ходимлари калций элементи инсоннинг биоэнергия соҳасидидаги аҳамиятига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида айтишмоқда. Мунтазам равишда сут ва сутдан тайёрланган маҳсулотларни кўп истеъмол қиладиган одамларнинг ҳаётчанлиги, бакуватлиги, яхши кайфияти чидамлилиги, ақлий жиҳатдан етуклиги ва турли касалликларга камроқ мойил бўлиши тажрибаларда исботланган. Бундан ташқари калций элементи организмда ортиқча вазндан холос бўлишда ҳам муҳим рол ўйнар экан. Калций организмдаги ёғларни парчалаш (эритиш) да ҳам иштирок этиб инсоннинг семириб кетишининг олдини олади. Сут таркибида инсон эҳтиёжини кондириш учун етарли бўлмаган миқдорда темир ва мис мавжуд. Бу табиатнинг тасодифий хатоси эмас. Аксинча табиатнинг инсонга тухфа этган буюк неъматидеб қарашимиз керак. Чунки сут таркибида ушбу элементларнинг кўп бўлиши организмда витаминларнинг оксидланишга (йўқ қилинишига) олиб келар эди ва сутда метал ёки оксидловчи маза (тоам) пайдо бўлишига олиб келар эди. Эвалюция жараёнида табиат янги туғилган чақалоқлар жигарида ушбу элементларнинг омборини яратганлиги сабабли ёш гўдаклар кўкрак эмиш даврида қўшимча миқдорда темир ва мисга эҳтиёж сезмайди. Шунинг учун темир элементи кўп миқдорда фақат ўспиринлик, хомиладорлик, диарея ва ичак касалликларига чалинган даврда талаб этилади.

Бундан ташқари сут таркибида магний, калий, натрий хлор, олтингугурт шунингдек ҳар хил минерал тузлар (фосфат нитрат хлоридли тузлар, ферментлар, гормонлар) мавжуд бўлиб, улар ҳам инсон ҳаёти учун зарур бўлган функцияларни бажаради.

БМТнинг маълумотларига кўра ўрта умр куриш давомийлиги 70 йилдан ортиқ бўлган Скандинавия мамлакатларида аҳоли жон бошига йилига 450 кг дан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилса ўртача умр кўриш 38-45 ёшни ташкил этадиган Африка қитъаси мамлакатлари аҳолиси озиқа рационидида сут ва сут маҳсулотлари жуда кам бўлганлиги сабабли кўплаб касалликлар ва умр куриш ёшининг жуда камлиги энг асосий

сабаблардан бири деб қаралмоқда. Сут инсоннинг асаб тизимини ҳам тинчлантириш хусусиятига эга. Уйкуга ётишдан олдин 1 стакан илиқ сут ичиб ётган инсоннинг қанчалик тинч ухлаши барчамизга маълум. Шу сабабдан бўлса керак аксарят кўкрак сути билан озикланаётган гудаклар илиқ сут билан озиклангандан кейин тезда уйкуга кетади. Бундан ташқари сут таркибида организмда иммунитет ҳосил қилувчи антителла, антитокцеин, лактин, локтоферон ва простогландин деб номланувчи иммун таначалар мавжуд. Барча сут емизувчилар болалагандан кейин 7-10 кун давомида “Оғиз сути беради”. Ушбу сутнинг кимёвий таркиби табиий сутдан кескин фарқ қилади. Оғиз сутининг таркибидаги курук модда табиий сутга нисбатан 2 барабар кўп бўлади. Бундан ташқари унинг таркибида юқорида зикир этилган иммун таначаларнинг оғиз сути таркибида жуда кўп миқдорда учраши ва янги туғилган организмнинг ташқи муҳитнинг салбий тассуротларига мослашиши касалликларга чидамлилиғни ошириши учун иммунитет ҳосил қилишдаги аҳамияти тажрибаларда исботланган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки янги туғилган инсон ҳам ҳайвон ҳам ташқи муҳитга мослашиши учун биринчи имунитетни ўз онаси сутидан олар экан. Шу сабабдан бўлса керак она сутига”меҳр булоғи” деб таъриф берилган.

Ҳисоб китоблар шуни кўрсатадики, бир локтация даврида (300-305 кун давомида) 7000 кг сут берадиган соғин сигир ўзининг сути билан 240 кг юқори сифатли оқсил, 363 кг лактоза (сут қанди), 272 кг сут ёғи, 50,8 кг минерал моддалар шу жумладан 8,6 кг калций, 7,3 кг фосфор ажратар экан. Сут таркибидаги ушбу тўйимли моддалар вояга етган бир одамнинг оқсилга бўлган талабини 10 йилга, калцийга бўлган талабини 30 йилга, фосфарга бўлган талабини 25 йилга, рибофилавинга бўлган талабни 18 йилга, энергияга бўлган талабни 5 йилга қаноатлантирар экан. Сут таркибидаги ушбу тўйимли оқсилларнинг эквиваленти гўшти қайта ишлаш корхоналарида тирик вазни 544 кг бўлган 8 та буқанинг гўштига ёки тирик вазни 90 кг бўлган 28 та чучқанинг гўштига тенглаштириш мумкин экан. Сутнинг ана шундай шифо бахш хусусиятларидан унумли фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз ва уни кўпроқ истеъмол қилишни ёшидан қатъий назар барчага тавсия қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э.П. Шалопугина, Н.В. Шалопугина Технология молока и молочных продуктов. Изд. Даликов ико АМТЭК.
2. В. Флейман Молоко и молочное дело. Изд. М.Вологода 2017. С 550.
3. А.Нуржанова Технология молока и молочных продуктов. Астана фомант 2010.
4. Г.В. Твердохлеб, Г.Ю. Сажинов, Р.И. Раманаускас Технология молока и молочных продуктов. Изд. М.ДеАИ Принт 2006.

УЎТ: 636.082.2

ЧОРВАЧИЛИКДА СЕЛЕКЦИЯ-НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

И.Я.Эшматов қ.х.ф.н. У.А. Норинов қ.х.ф.н., Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,

ЧПИТИ, Н.Э.Саттаров қ.х.ф.н. А.Н. Боротов мустақил тадқиқотчи,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
М.И.Эшматова, Ш.И.Эшматова мустақил тадқиқотчилар

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришда селекция ва наслчилик ишларини олиб боришнинг аҳамияти тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар баён қилинган. ҳайвонларнинг зотларини такомиллаштириш, маҳсулдорлигини ошириш ва янги-янги яратишда нималарга эътибор қаратиши лозимлиги кўрсатилган.

Калит сўзлари: Наслчилик ишлари, Бушуев зоти, Қорабайир зоти, Хисор зоти, Жайдара зоти, линия (уруғ боши), оиласи, зот типлари, суний уруғлантириш, наслчилик китоби, хўжаликка фойдали белгилар.

СЕЛЕКЦИОННО-ПЛЕМЕННАЯ РАБОТА В ЖИВОТНОВОДСТВЕ

И.Я.Эшматов, У.А. Норинов, Н.Э.Саттаров, А.Н. Боротов, М.И.Эшматова, Ш.И.Эшматова.

Аннотация

В статье приводятся значение проведения селекционно-племенной работы в развитие животноводства в Узбекистане, кроме того указаны на что обратить внимание для создания новых пород и усовершенствования породы, а также увеличения их продуктивности.

Ключевые слова: Племенная работа, Бушуевская порода, Карабайирская порода, Гиссарская порода, порода Джайдара, линия, семейство, породный тип, искусственные осеменение, племенная книга, хозяйственные полезные признаки.

BREEDING AND BREEDING WORK IN ANIMAL HUSBANDRY

I.YA. Eshmatov, U.A. Norinov, N.E.Sattarov, A.N. Borotov, M.I. Eshmatova, SH.I. Eshmatova.

Abstract

The article gives the importance of conducting breeding and variable work in the development of animal husbandry in Uzbekistan, in addition, they point out that attention should be paid to creating new breeds for improving breeds, as well as increasing their productivity.

Key words: Tribal work, Bushuev breed, Karabayir breed, Hissar breed, Jaidar breed, line, family, breed type, artificial insemination, studbook, economic useful signs.

Чорвачилик тармоғида селекция ишларини олиб бориш, узок муддат давом этадиган сермашакатли меҳнат жараёни ҳисобланади. Шунинг учун ҳам чорвачиликда селекция ютуқларининг яратилишида янгиликлар кам учрайди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида урчитилаётган мавжуд қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар бизнинг ҳайвонот оламимиздаги энг катта бойлигимиз ҳисобланади. Уларни кўз қорачиғидай асраш ва мавжуд ҳайвонлар наслини такомиллаштириш, келгуси авлодларга ҳам мерос қилиб қолдириш ва улардан селекция ишларида оқилона фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Наслчилик тўғрисида”ги ва “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган қонуности меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириш барча чорвадорларнинг бурчи ҳисобланади.

Бугунги кунда чорвачиликда яратилаётган селекция ютуқларини Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Интеллектуал мулк агентлиги” мувофиқлаштириб боради. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Агроинспекция”нинг чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси чорвачилик бўйича “Интеллектуал мулк агентлиги”нинг ихтисослаштирилган ташкилоти ҳисобланади.

Чорвачилик тармоқларидаги қорамол, от, туя, қўй, эчки, товуқ, ғоз, ўрдак, бедана, балиқ каби ҳайвон турлари бўйича Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси томонидан белгилаган тартибларга мувофиқ яратилган селекция ютуқларини давлат экспертизасидан ўтказилади ва селекция ютуғига мос ёки нолойиқлиги бўйича хулоса беради. Муаллифлар чорвачиликда яратилаётган селекция ютуқининг расмий ҳужжатларини “Интеллектуал мулк агентлиги”га тақдим этади.

Республикамизнинг чорвачилик тармоқларида меҳнат қилаётган чорвадорлар чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзининг меҳнати ва соҳани ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари билан мағрурланади. Чорвачилик селекцияси билан шуғулланувчи олимлар, тажрибали мутахассислар урчитилаётган зотни такомиллаштириш, насл-сифатини яхшилаш, табиий муҳитга мослашган янги сермахсул ҳайвонлар гуруҳларини яратиш билан шуғулланади. Лекин, аксарият чорвадорлар селекция ютуқларига қўйиладиган талаблардан беҳабардир.

Чорвачилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қорамолчиликда ягона сут йўналишидаги “Бушуев” зоти, йиқичиликда халқ селекцияси билан яратилган “қорабайир” зоти, қўйчиликда халқ селекцияси билан яратилган “ҳисори” ва “жайдари” қўйлари, қорақўлчиликда ранг-баранг тери берувчи қўйларнинг 10 та зот ичидаги завод типлари ва паррандачиликда халқ селекцияси билан “қуланги” зотлари яратилган.

Юқорида келтирилган ҳайвон турлари авлоддан-авлодга ота мерос сифатида бизгача етиб келган.

Чорвачиликда селекция ютуқларига эришиш учун ўз соҳасининг билимдони, узоқ йиллар давомида соҳада меҳнат қилган тажрибали зоотехник, зоотехник-селекционер мутахассислар бўлиши зарур. Ҳозирги кунда чорвачилик тармоғини ривожлантиришда чорвадор фермерларимиз тармоқларда янгиликларни яратиш устида ишлар олиб боришга жуда ҳам кизиқадилар. Лекин, уларнинг аксарияти наслчилик ва селекция ютуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидан беҳабар. Шундай бўлсада, фермерларимиз ўзларининг мақсадлари йўлида мавжуд зотларни такомиллаштириш, урчитиш ва чатиштириш усулларидан фойдаланиб, ўзлари кутган натижаларга эришиш йўлида намунали ишлар олиб бориб, тармоқлар самарадолигини оширишда хорижий давлатларнинг селекция ютуқларидан фойдаланмоқдалар.

Бугунги кунда республикамизда қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг рўйхати қатъий белгилаган. Ушбу рўйхатга 19 та қишлоқ хўжалиги ҳайвон турлари киритилган ва улар вақти-вақти билан тегишли идоралар томонидан ўзгартирилиб турилади.

Ҳозирги кунда қуйидаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари давлат муҳофазаси рўйхатига қуйидаги ҳайвон ва парранда турлари киритилган.

1. Қорамолчиликда:

- сут-гўшит йўналишида - қора-ола, голштин, қизил чўл, бушуев зотлари;
- гўшит-сут йўналишида- швиц, қўнғир зотлари;
- гўшит йўналишида- санта-гертруда, абердин-ангус, қозоқи оқбош зотлари.

2. Қўйчиликда:

- гўшит-ёғ берувчи думбали қўйлар- хисори ва жайдари зотлари;
- қорақўл тери берувчи қўйлар- қора, кўк, кулранг, зармалла, кумуш, бронза ва бошқа ранглар.

3. Эчкичиликда:

- гўшит йўналишида – маҳаллий жайдари дағал жун берувчи эчкилар;
- тивит йўналишида -тивит берувчи эчкилар зоти;
- жун йўналишида -жундор эчкилар зоти;
- сут йўналишида- заанен, тоггенбург, альп ва нубий зотлари

4. Йилқичиликда:

- универсал зот -маҳаллий қорабайир;
- салт минилувчи –ахалтека, араб, гоновер;
- огир юк тортувчи –будённий зотлари.

5. Туячиликда:

- бир ўрқачли туялар;
- икки ўрқачли туялар.

6. Қуёнчиликда:

- гўшит йўналишидаги –маҳаллий, шиншилла, йирик кулранг зотлари.
- тивит йўналишидаги тивт берувчи зотлар

7. Паррандачиликда:

- тухум йўналишида: товук, цесарка ва бедана зотлари;
- гўшит йўналишида: товук, курка, ғоз, ўрдак, цесарка ва бедана зотлари.

8. Асаларичиликда:

- маҳаллий асалари;
- карпат зотли асалари.

9. Балиқчиликда:

- ўтхўр -сазан, карп, дўнгпешона, оқ амур;
- йиртқич-илонбалиқ, лаққа балиқ.

10. Мўйначиликда:

- Мўйна берувчи: норка, нутри, ондатралар

11. Ипакчиликда:

- тут ипак қурти зотларининг тухумлари.

Селекционер олимларимиз маълум бир ҳайвон турида узоқ муддатда танлаш ва саралаш усуллари билан яратилган зотнинг устуворлигини таъминлаши, зотни соф ҳолда сақлаши, зотни такомиллаштириши, замонавий технология талабларига мос сермахсул янги линия, оила, зот гуруҳлари, типлари, кросслари ва бошқа зотларни ўхшашлик, фарқланиш ва барқарорлик меъзонлари талабига мувофиқлигини таъминлаш орқали селекция ютуқларини яратади.

Мустақиллик йилларида селекционер олимларимиз томонидан мавжуд зотлардан фойдаланиб, янги зотларни келтириб чиқарган ва янги селекция ютуғида хўжалик фойдали белгиларини номоён этилишини, шунингдек селекция ютуғининг сифат кўрсаткичларини таъминлаган Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг олимлари ва хўжаликларнинг мутахассислари томонидан қорақўлчилик тармоғида 10 та ранг-барангликка эга бўлган қорақўл қўйларининг селекция ютуқлари яратган бўлса, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг селекционер олимлари ва мутахассислари қорамолчилик тармоғида гўшт-сут йўналишидаги қўнғир зотли қорамолнинг 2 та линияси ва 22 та оилаларини яратди. Янги қўнғир зотли қорамолнинг завод типини селекция ютуғи сифатида тасдиқлаш бўйича илмий -амалий ишларни олиб бормоқда.

Бугунги қорамолчилик тармоғини янада жадал ривожлантириш мақсадида Европа давлатлари генофондидаги қорамол зотларидан селекция ишларида режали ва самарали фойдаланиш мақсадида 2006-2018 йиллар давомида 80 минг бошга яқин насли ғунажинлар ҳамда 232 бош наслдор буқалар келтирилди. Натижада, бугунги кунда “Ўзнаслчилик” корхонаси томонидан Германия ва Австрия давлатларидан импорт қилинган наслдор буқаларнинг музлатилган уруғларини замонавий усулларда ишлаб чиқариб қадоқлаш ишлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон қорамолчилигида 2020 йилгача мўлжалланган селекция-наслчилик ишлари режаси ишлаб чиқилган. Селекция-наслчилик ишлари режасига мувофиқ ҳар икки йилда бир марта наслдор буқаларда танлаш ва жуфтлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Қорамолчиликда сигирларни сунъий уруғлантириш ишлари тизимли йўлга қўйилди ва селекция самарадорлигини жадаллаштириш имкони яратилди. Жорий 2018 йилда республикамиз аҳолиси хонадонларидаги ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларидаги 3,0 млн бош сигирни сунъий уруғлантириш чорвачиликда устувор вазифа ҳисобланади ҳамда дастур асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Наслдор буқаларнинг музлатилган уруғларини ишлаб чиқариш корхоналарига Европа давлатларидан ҳар йили 50 бош насли буқалар келтирилмоқда.

Европада Бутун жаҳон наслдор буқалар Маркази ташкил этилган. Бу марказда дунёдаги энг сара наслдор буқалар рўйхатга олинган ва уларнинг музлатилган уруғларидан селекция ишларида фойдаланиш йўлга қўйилган. Айнан шундай наслдор буқаларнинг авлодлари бугунги кунда Европа давлатларидан республикамизга импорт қилинмоқда. Импорт қилинган юқори маҳсулдорликка эга бўлган насли ғунажинлар ва буқалардан олинган авлодлардан наслчилик корхоналарига ёш буқачалар тайёрлаш имконияти вужудга келди. Бу борада, наслчилик мақомига эга бўлган хўжаликлардан юзлаб насли буқачалар тайёрлаш ва наслчилик корхоналарини ёш буқачалар билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш вақти келди ва бу ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Наслчилик корхонасига бир бош наслдор буқа тайёрлаб авлодларининг сифатига кўра баҳолаш учун камида 36 ой ёки 1095 кун вақт талаб этилади. Ёш насли буқачалар тайёрлаш ва уларни зоотехния талабларига мувофиқ хусусий маҳсулдорлигини баҳолаш ва улардан уруғлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда наслдор буқалар авлодларининг сифати бўйича баҳолаш тизимини яратиш бугун қорамолчилигида ўта долзарб ҳисобланади.

Наслдор буқачаларни парваришлаб баҳолаш тизимини йўлга қўйиш уруғ ишлаб чиқарувчи корхоналар учун жуда катта самара келтиради. Ҳаттоки, наслдор буқаларнинг музлатилган уруғларини қўшни давлатларга экспорт қилиш имконини беради.

Бу ишларни амалга ошириш учун нафақат қорамолчиликда, балки барча тармоқларда селекция ишларини тизимли юритиш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари, шунингдек барча чорвачилик соҳаларида зоотехниклар, зоотехник-селекционерлар, бонитерлар тайёрлаш бўйича ўқув Марказларини ташкил этиш

керак бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий усулларда селекция ишларидаги ҳисоб-китоби ҳужжатларини компьютерлаштирилган дастурини ишлаб чиқиш ва шу асосида селекция-наслчилик ишларидаги ҳисоб-китоби ҳужжатларини юритилишини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун чорвачилик йўналишларидаги фермер хўжаликларининг раҳбар ва мутахассислари билим кўникмаларини ошириш бўйича ўқитиш ва мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш керак.

Чорвачилик тизимида республикада урчитилаётган қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг Давлат наслдор ҳайвонлари китоблариини юритилишини таъминлаш ҳамда мавжуд урчитилаётган зотларимизнинг энг юқори маҳсулдорлик хусусиятига эга бўлган ҳайвонларни ушбу китобга киритиб боришни тизимли йўлга қўйиш вақти келди. Чорвачилик йўналишларида элита –рекорд ва элита класс билан баҳоланган ҳайвонларимизни яъни қорамолчиликда ўзбекистонда туғилиб ўстирилган рекордчи сигирларни, йилқиччиликда қорабайир зотига мансуб айғир ва бияларни, қўйчиликда “ҳисори” ва “жайдари” зотли кўчқор ва она қўйларимиз бўйича китобларни чоп эттириш ва жаҳон селекциясида тарғибот ва ташвиқотлар олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда хорижий давлатлар томонидан Ўзбекистон чорвачилигига қизиқишлар жуда катта, бироқ уларга миллий бойлигимизни тасдиқловчи Давлат наслдор ҳайвонлар китобида қайд этилган элита-рекорд, элита классга мансуб эркак ва она ҳайвонлар бўйича маълумотлар тўпلامларини кўрсатиш имкониятимиз мавжуд эмас.

Чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантиришда Давлат наслдор ҳайвонлар китобидан фойдаланиб, чорвачилик селекциясида саралаш ишларини режа асосида олиб бориш ҳамда уларнинг авлодларидан насли маҳсулотлар тайёрлаш имконияти пайдо бўлади.

Чорвачиликнинг барча тармоқларидаги зотларда селекция ишларини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш ҳам энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда чорвачилик тармоқларида ишбилармон тадбиркорлар сонининг ортиб бориши ҳисобига, улар томонидан қорамолларнинг сут, гўшт ва сут-гўшт йўналишидаги, эчкиларнинг жун ва сут йўналишидаги, паррандаларнинг тухум ва гўшт йўналишидаги турли зотларини хорижий давлатлардан келтириш иштиёқи ортиб бормоқда. Хорижий давлатларда яратилган селекция ютуқларининг тавсифида келтирилган энг юқори кўрсаткичларини интернет тармоғидан ўрганиб, шу зотни келтириб урчитишни афзал кўрмоқда.

Чорвачилик селекциясида зотнинг хўжалик фойдали белгиларини илмий асосда ўрганиш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун хориждан келтирилган зотлардан фойдаланишда, биринчи навбатда уларни илмий асосда ўрганиб, маҳаллий шароитда олинган ижобий ёки салбий натижаларини кенг оммага етказилишини таъминлаш зарур.

Демак, чорвачилик тармоқларида селекция ишларини мақсадли амалга ошириш билан бирга, жаҳон генофонди селекциясидан самарали фойдаланиш, ҳайвонларда соф зотли урчитиш, насли такомиллаштириш, танлаш ва саралаш усулларини қўллаш, янги маҳаллий сермахсул зотлар (линия, оила, тип ва зот гуруҳлари, кросс) яратиш имконини беради ва улар бош сонини кўпайтиришда қонунчилик талабларига мувофиқ бажарилишини таъминлаш чорвачиликни янада жадал ривожлантириш ҳамда янги ёш авлодларга янги зотларни мерос қолдириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шей Е.Б. Попов И.К. Разведение сельскохозяйственных животных. М. Рос. Аграр 2002 г. с 143.
2. Дунин. Научные-обеспечение селекционное-племенной работы в животноводстве. Материалы Всероссийского Сопещания по координации селекционное-племенной работы в породах сельскохозяйственных животных – Выпцек. Л п ВНИИ плем 2001г.
3. Ўзбекистон Республикасининг наслчилик тўғрисидаги қонуни. Тошкент 21.12.1995 йил. №165-І
4. Ўзбекистон Республикасининг селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуни. Тошкент 29.08.2002 й.

УЎК: 636.081/082

ЁШ УЛОҚЛАРНИ СУТ ИЧИРИШ ДАВРИДА ПАРВАРИШЛАШ

И.Я.Эшматов қ.х.ф.н. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,
Н.Э.Саттаров қ.х.ф.н. ТИҚХММИ,
М.И.Эшматова, Ш.И.Эшматова мустақил тадқиқотчи,
А.Н. Боротов мустақил тадқиқотчи, ТИҚХММИ.

Аннотация

Барча кавш қайтарувчи ҳайвонларда шу жумладан эчкиларда ҳам янги туғилган пайтда сут ичиш даврида ошқозон (катта қорин), тўр қорин, қат қорин овқат ҳазм қилиш жараёнида иштирок этмайди. Истеъмол қилинган оғиз сут тўғри ширдонга тушади ва ҳазмланади. Оғиз сути таркибида улоқчаларнинг яхши ўсиб ривожланиши ҳамда ташқи муҳит таъсуротларига чидамлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланадиган барча турдаги тўйимли моддалар, витаминлар, ферментлар, гормонлар ва иммун таначалар мавжуд. Мақолада ёш улоқларни парваришлашда нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги тўғрисида фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: соф зот, заанен, катта қорин, қат қорин, тўр қорин, ширдон, оғиз сути, микроорганизм, витаминлар, гормонлар, ферментлар, иммун таначалар

ВЫРАЩИВАНИЕ НОВОРОЖДЕННЫХ КОЗЛЯТ В МОЛОЧНЫЙ ПЕРИОД

И.Я.Эшматов, Н.Э.Саттаров, М.И.Эшматова, Ш.И.Эшматова, А.Н. Боротов

Аннотация

В первые дни после рождение козлёнок обязательно должен получить молозиво, в котором содержится повышенное по сравнению с обычном молоком количество питательных веществ витаминов, ферментов гормонов иммунных тел, которые обеспечивают новорожденному козлёнку нормальный рост и развитие образования иммунитета против болезни твореных микробов. Кроме того в статье приводятся технологии выращиванию, и кормлению новорожденных козлят в молочный период.

Ключевое слово: чисто породные, зааненская, рубец, книжка, сетка, сычуг, молозиво, микроорганизмы, витамины, гормоны, ферменты, иммунных тел.

BREEDING NEWBORN KIDS IN THE DAIRY PERIOD

I.YA. Eshmatov, N.E.Sattarov, M.I. Eshmatova, SH.I. Eshmatova, A.N. Borotov.

Abstract

In the first days after the birth of a kid, a goat must receive colostrum, which contains an increased amount of vitamin nutrients, hormone enzymes of the immune bodies, which provide the newborn kid with normal growth and development of immunity against the disease of creative microbes compared to ordinary milk. In addition, the article provides technologies for growing and feeding newborn kids in the dairy period.

Keyword: purely pedigree, saanen, scar, book, net, abomasum, colostrum, microorganisms, vitamins, hormones, enzymes, immune bodies.

Мавзунинг долзарблиги. Сутдор эчкичиликда янги туғилган улоқни парваришлаш усулларида тўғри фойдаланиш подани қайта тўлдиришда ўта муҳим вазифалардан ҳамда сутдор эчкичиликда янги туғилган улоқларни соғлом сақлаб қолиш ва уларни парваришлаш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси. Сутдор эчкичиликда янги туғилган улоқларни соғлом сақлаб қолиш ва уларни парваришлаш усулларида фойдаланиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Соф заанен зотли янги туғилган улоқлар ва соғин эчкилар.

Сутдор эчкичиликда янги туғилган улоқни тезда шилимшиқ моддалардан артиб тозалаш муҳим талаблардан ҳисобланади. Бордию, янги туғилган улоқни киндиги узилмаган

бўлса, 10-12 см узунликда кесиш керак бўлади. Нимжон туғилган улоқларга ўрнидан туришига ёрдам кўрсатилади, зарурат туғилганда оғзи очилиб оз-оздан 5-10 г-дан сут берилади. Шундан сўнг улоқ онасини эма бошлайди, бундай пайтда улоқ қорнидан суяб турилади, улоқ учун оёғида туриб эмиш қийин кечади.

Янги туғилган улоқни озиклантиришдан аввал онасининг елини илиқ сув билан ювилади ва куруқ сочиқ билан артилади. Елин сўрғичидан ажралган биринчи оғиз сути бошқа идишга соғиб олинади.

Ёш улоқларни парваришланишнинг бир нечта усуллар мавжуд бўлиб, хўжалик учун қулай бўлган усуллардан фойдаланилади.

Улоқни онаси билан бирга асраб эмдириб ўстириш усули энг кўп қўлланиладиган ананавий усул ҳисобланади. Бу усул билан улоқларни парваришлашда бир қатор қулайликларга эга. Улоқ онасининг ёнида улғаяди, улоқ жуда яхши жадал ўсади ва кўриниши ҳам тетик -дуркун кўринади, улоқ серҳаракат ва чакқон кўринишда улғайиб боради, улоқ бир сутка давомида оз-оздан 30-40 мартагача онасини эмади. Бу усулда улоқ парваришланганда ҳеч қандай касалликка чалинмайди, айниқса ошқозонида бузилиш кузатилмайди.

Янги туғилган улоқда овқат ҳазм қилиш тизимида ошқозон олди, тўр қорин ва қат қорин ишламайди. Қабул қилинган оғиз сути тўғридан-тўғри ширдонга бориб тушади ва тезда ачий бошлайди. Натижада казеин парчалари пайдо бўла бошлайди, унинг ўлчами улоқни ичган сути миқдорига қараб оз ёки кўп бўлиши мумкин. Онасини эмган улоқ ошқозонида суюқликни ажралиш жараёни ҳаракатга тушади, ичилган сут суюқлик ёрдамида парчаланаяди ва ошқозонда жадал сўрилади. Антитела, оғиз сутида кўп миқдорда бўлиши ҳисобига, ширдон суюқлиги орқали антитела қонга сўрилади ва турли инфекциялардан ҳимоя қилади.

Янги туғилган улоқларда ширдондаги шиллик қават 2 - 3 кун сақланиб туради, улоқни эмдириш биринчи 24 соат давомида амалга оширилади. Бу ҳолатда янги туғилган улоқни ташқи инфекциялардан сақлаш билан бирга, организмга тушган инфекцияларни йўқотади.

Оғиз сутини қабул қилган улоқда, сут таркибидаги тўйимли моддалар ва витаминлар кўп бўлади. Эчки елинида қолган сутда ҳам тўйимли моддалар ва витаминлар юқори бўлади. Елинда қолган сут бошқа идишга соғиб олинади. Оғиз сути бирмунча ташқи микроорганизмлар ва замбруғлардан холи бўлади.

Улоқни онаси билан бирга асраб парваришлашда, она эчкининг елинини доимо кузатиб борилади. Эчки кун давомида камида 2 - 3 марта соғилади, айниқса тукқан кунининг биринчи кунлари жуда ҳам эътиборли бўлиш муҳим. Улоқ биринчи кунлари онасининг елинидаги сутидаги оғиз сутини тўлиқ ича олмайди. Эчки елинида ҳосил бўлган оғиз сути миқдори ортиб боради, тўлиқ ичилмаган сут елин касаллигини чақиради.

Улоқни она-бола усулида асраш муддати 14-30 кун давом этади. Бу даврда эчкининг эгасига сут қолмайди, бироқ улоқ жуда яхши ўсади. Бу усулни қўллашда айрим улоқ онаси елинидаги ортиқча сўрғични сўриб қўяди ва баъзи оғриқли касалликни келтириб чиқаради ҳамда эчки азобланади. Бундай пайтда бошқа парваришлаш усулини қўллаш керак бўлади.

Эчки баҳор ҳамда ёзги мавсумда тукқанда яйловда шароитида боқилади. Бу даврда улоқ онасини яйлов шароитида эмиши зарур бўлади. Бунда улоқни онасидан ажратиш қийин кечади. Улоқ ёлғиз қолиши ҳисобига унда ташқи таъсир ҳолати кузатилади. Шунингдек улоқ онасидан эрта ажратилса, у онасини жуда тез унитади ва онасини эммай қўяди. Агарда улоқ онаси билан бирга улғайиб борса, бу даврда улоқ онасини бир ёш ва ундан катта ёшгача эмдириб юраверади. Бундай пайтда улоқни онасидан ажратишда оғиз бурун қисмига махсус бошвоқ тикиб боғланади.

Улоқни онасидан ажратишда эчки елинига махсус халта тикиб боғлаб қўйиш усули ҳам мавжуд. Бунда улоқ онасини сўрғичларини топаолмай қийналади ва мақсадига етишаолмайди.

Онасидан ажратиб асралган улоқ тезда бошқа ўтларни, хашакларни ва концентрат озуқаларни ейишга ўргана бошлайди. Улоқ 4 - 5 кундан бошлаб аста-секинлик билан майин хашак таъмини сеза бошлайди. 10 кунлигида озуқани чайнай бошлайди. 15 –кун концентар

озуқаларга қизиқиши орта боради. Бу усулда парваришланганда, улоқда ҳеч қандай ич бузилиш ва ички касалликлар келиб чиқмайди.

Улоқ онасини эмиш усулидан сунъий сут ичириш усулига ўтказилганда, айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу услда улоқча бироз қийналади, безовталанади, биринчи куни кўлда берилган сутни ичмайди, кейинчалик ўрганиб қолади. Улоқ қанчалик онасидан тез ажратилса, улар шунчалик сунъий сут ичишга тез кўникади.

Улоқ 14 кунлигида онасидан ажратилганда, муаммолар кам бўлади, 60 кунлигида ажратилганда, уларда кўникаш ҳолати бироз қийин кечади. Кўп маъраб безовталанади, узок давргача янги ҳолатга кўникаолмайди. Улоқ онасидан ажратилгандан сўнг тезда бошқа озуқа едиришга ўтказилмайди. Сут ўрнига 7 кун давомида қоришмали суюқ озуқалар билан ҳамда бўтқалар билан озиқлантирилади. Бордию, улоқда ошқозон бузилиш ҳолати кузатилса, ич кетиш юзага чиқса, уни яна олдинги сут ичириш ҳолатига танадаги ўзгариш меъёр ҳолатига тушгунча қайтарилди.

Улоқ онасидан ажратилгандан сўнг безовталаниш ҳолати 1 - 2 кунда босилиб тинчланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам она эчкига ва унинг боласига зиён-заҳмат етказмаслик ҳамда иложи борича улоқни онасида ажратиш муддатини чўзиб юбормаслик зарур.

Сут йўналишидаги эчкичиликда кўпинча улоқлар сунъий сут билан парваришланади. Туғилган улоқни биринчи марта эмдириш даврида онаси билан катакда бирга асралади. Агарда улоқни асраш жойи совуқ бўладиган бўлса, у ҳолда улоқ 2 - 3 кун иссиқроқ хонага олиб кириб турилади, чунки бу даврда улоқ шамоллаб қолмаслиги керак.

Янги туғилган улоқ биринчи кунлари кун давомида 5 - 6 мартагача сут билан озиқлантирилади. Кейинги кунлари 4 мартага, 10 кундан бошлаб 3 мартадан сунъий сут берилди. Улоқлар 15 - 20 кунлари 2 маҳал сунъий сут билан озиқлантиришга ўтказилади.

Биринчи кунлари улоқ соф оғиз сути билан ёки сут билан ҳеч қандай қўшимча қўшмасдан озиқлантирилади. Агар бошқа қўшимчалар қўшиб озиқлантирилса, улоқларда ич кетиш пайдо бўлади ва ўлим билан тугаши ҳам мумкин. Улоқларга 11 кундан бошлаб 20 г миқдорида сули қайнатмаси, сўнгра схема бўйича 200 г –гача сули қайнатмаси берилди.

Улоқларни сунъий сут ичириш схемасининг намунаси

Ёши кун ҳисобида	Сутда сут ичириш сони, марта	Суткада сут ичириш меъёри, г		Суюқ сули, г	Концентрат, г	Илдиз-меваллар, г
1-2	4	200	800	0	0	0
3	4	225	900	0	0	0
4-5	4	250	1000	0	0	0
6-10	4	300	1200	0	0	0
11-20	4	300	1200	200	0	0
21-30	4	300	1200	300	30	0
31-40	3	350	1050	500	50	40
41-50	3	250	750	700	100	60
51-60	3	150	450	800	150	100
61-70	3	150	450	800	200	200
71-80	3	150	450	0	200	250
81-90	3	150	450	0	300	250
Жами:			9900	3300	1030	900

Улоқни сут ичириш идиши ҳар доим тоза бўлиши, иложи борича сирли идиш бўлгани маъқул. Цинкли идишдан сут ичиришда фойдаланмаслик зарур, цинкли идиш ўзидан заҳарли моддалар чиқариши мумкин.

Улоқни биринчи марта сут идишидан озиқлантиришга ўргатишда, улоқнинг тумшуғидан ушлаб оғизга оз-оздан оғиз сути ёки сут берилди. Улоқ идишдан берилган сутни ютганидан сўнг ўзи эмишни бошлайди. Улоққа сутни катта ютумда бермаслик керак. Катта ютум билан берилган сут тўғридан-тўғри ширдонга бориб тушади ва у ерда казеинли парча бўлакчалари пайдо бўлади ҳамда уларни организмда ҳазм бўлиши қийинлашади, шунингдек ошқозонда чириш токсинларини келтириб чиқаради.

Улоқни биринчи кунлари иложи борича кичик тешикли сўрғич ўрнатилган шишали идишда озиқлантирилади.

Улоқларни асраш ва парваришда энг яхши усули 3 - 4 кун онасини эмдириш усули ҳисобланади. Кейин улоқ алоҳида эмдиришга ўтказилади. Агарда, янги туғилган улоқни онасини сути билан озиклантириш имкони бўлмаса, сунъий сут билан озиклантирилади. Бунинг учун 1 л сутга, 15 г балиқ мойи, 10 г ош тузи ва 2 - 3 дона товук тухуми кўшилиб, аралашма яшилаб аралаштирилади. Тайёр аралашма 37°C ҳолатга келтирилиб улоққа ичирилади. Янги туғилган улоққа совуқ ҳолда оғиз сутини ва сутни бериб бўлмайди, акс ҳолда шамоллаш касаллигини келтириб чақиради.

Демак, сут йўналишидаги эчкиларда янги туғилган улоқларни соғлом сақлаб қолиш ва уларни парваришда биринчи кунлари оғиз сути билан озиклантирилади, кун давомида 5 - 6 мартагача, кейинги кунлари 4 мартага, 10 кундан бошлаб 3 мартадан сунъий сут берилади. Улоқларга 15 - 20 кундан бошлаб кунига 2 маҳал сунъий сут билан озиклантиришга ўтказиш усули қўлланилганда, улоқни соғлом ва бақувват ўсиши таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эшматов И.Я. Сутдор эчкичиликни ривожлантириш омиллари. Тошкент Зооветеринария журнали №12, 2016 й.
2. Эшматов И.Я. Эчкиларнинг сермахсул гуруҳларини яратиш. Тошкент Зооветеринария журнали №3, 2017 й.
3. Кодырова Ч.Т. Генетические Факторы влияющие на биологические и хозяйственно полезные признаки коз молочного направления юга Кыргызстана Автореф. Дисс к.с.х.н Бишкек 2013

УДК 631.3

КОНУСНАЯ ВИБРАЦИОННАЯ ДРОБИЛКА ДЛЯ ИЗМЕЛЬЧЕНИЯ ЗЕРНОВЫХ МАТЕРИАЛОВ

Алижанов Д.А.- к.т.н., доцент, Едилбаев У.Д. - старший преподаватель, ТИИИМСХ
Жумамуратов Д.К.- ассистент, Нукусский филиал ТашГАУ,

Аннотация

В статье приведены анализ схем конусно-вибрационных дробилок используемых для измельчения горных и минеральных ископаемых материалов и предложена усовершенствованная конструктивно-технологическая схема, устройство и принцип работы конусной вибрационной дробилки для применения измельчения зерновых материалов на корм для животных и птиц.

Ключевые слова: конус, диск, вибрация, дробилка, анализ, схема, система охлаждения, подшипниковая опора, дебаланс, измельчения, зерно, корм, энерго затраты, эффективность, качество.

CONE VIBRATION CRUSHER FOR GRINDING GRAIN MATERIALS

Abstract

The article provides an analysis of the schemes of cone-vibration crushers used for grinding mountain mineral fossil materials and offers an improved structural technological scheme, device and principal of operation of the cone vibration crusher for application of grinding grain materials for animal and bizdfud.

Keywords: Cone, disk, vibration, crusher, analysis, circuit, cooling system, bearing support, lay on, grinding, grain, feed, energy consumption, efficiency, quality.

Введение. Одним из решающих условий ускорения роста темпов производства животноводческой продукции, повышения ее качества и снижения себестоимости является кормовая база – обеспечение животных и птицы полноценными кормами, сбалансированными по питательности в соответствии с запланированной продуктивностью.

При организации полноценного кормления животных весьма важное значение имеет рациональное использование концентрированных кормов, поскольку зерно является одним из главных компонентов комбикорма и других видов кормосмесей. При скармливании измельченного зерна увеличивается перевариваемость питательных веществ. Зерновой корм, измельченный до определенной зоотехническими требованиями крупности, повышает среднесуточный прирост живой массы на 25... 28 %. Поэтому измельчение зерновых кормов ведется с целью доведения исходного материала до определенного гранулометрического состава.

Для измельчения кормов применяют различные конструкции измельчающих машин. Прогрессивной схемой являются конусные инерционные дробилки[1]. Куски материалов в конусно-инерционных дробилках подвергаются усталостному разрушению под действием циклической нагрузки.

Методика исследований. Сделан анализ различных схем конусных вибрационных дробилок для помола зерна с различной степенью измельчения.

Известна дисковая мельница, содержащая корпус с приемной воронкой, внутри которого соосно расположены обращенные друг-другу рабочими поверхностями с режущими ребрами диски, один из которых закреплен на корпусе, а другой подвижный, посредством шаровой опоры закреплен на приводном валу, шаровая опора выполнена с двумя диаметрально противоположно направленными выступами, а подвижный диск – с пазами, в которых расположены выступы шаровой опоры с возможностью качательного движения, причем рабочие поверхности дисков выполнены с центральными расширяющимися друг к другу выемками с выгнутыми стенками, часть режущих ребер на них выполнена выгнутыми, а часть прямолинейными и выступающими над последними [2].

Недостатком известной дисковой мельницы является то, что при уменьшении зазора между дисками для получения мелкого помола резко падает производительность и поднимается температура рабочих поверхностей дисков. Применение водяных рубашек на неподвижном диске способствует конденсации влаги на рабочих поверхностях, образованию тестообразной массы и забиванию выемки дисков, что приводит к увеличению удельных энергозатрат и даже простоя мельницы.

Наиболее близкой по технической сущности к предлагаемой является конусная вибрационная дробилка, содержащая станину, на которой размещено регулирующее кольцо с наружным конусом, систему охлаждения узлов трения в виде кольцевых проточных полостей для охлаждающей среды, подшипниковую сферическую опору для внутреннего конуса с вертикально расположенным валом, на котором закреплен дебаланс, имеющий трансмиссию с подшипниковыми опорами в корпусах [3].

Однако в дробилке невозможно регулировать силу воздействия внутреннего конуса на зерновой материал и обеспечить переменную угол защемления, а также синхронизировать вынужденных колебаний создаваемой дебалансом, приводом и подвеской что приводит к увеличению удельных энергозатрат дробления, снижению эффективности и качества измельчения при различной степени измельчения, а также снижению эффективности сбора и выгрузки измельченного материала.

Задачей работы является создание конусной вибрационной дробилки, обеспечивающей снижение удельных энергозатрат дробления, повышения эффективности сбора и выгрузки измельченного материала, а также улучшения эффективности и качества измельчения при различной степени измельчения.

Результаты исследований. Поставленная задача решается тем, что в конусной вибрационной дробилке для измельчения зерновых материалов, содержащей станину, на которой размещено регулирующее кольцо с наружным конусом, внутренний конус с вертикально расположенным валом установленных на двух подшипниковых опорах с клиноременной передачей, на котором закреплен дебаланс, и систему охлаждения узлов трения, верхняя подшипниковая опора размещена в корпусе, прикрепленном к станине посредством подпружиненных регулирующих болтов. Кроме того, дробилка снабжена сборником для измельченного материала с установленным на валу выгрузным диском и

выгрузным лотком, а также внутренний конус в вертикальном сечении выполнен криволинейным и посадка верхнего дебаланса выполнен с зазором свободно вращающимся.

Установка верхнего подшипника на валу, выполненном единым и в корпусе с регулируемыми болтами на пружинах позволяет регулировать силу сжатия пружин, а следовательно и амплитуду и колебаний внутреннего конуса и силу воздействия на зерновой материал, что приводит к снижению удельных энергозатрат дробления при различной степени измельчения.

Снабжение вала сборником с выгрузным лотком и выгрузным диском для измельченного материала позволяет повысить эффективность процесса сбора и выгрузки измельченного материала.

Выполнение внутреннего конуса в вертикальном сечении криволинейным позволяет регулировать тонкость помола материала, что приводит к обеспечению улучшение эффективности и качества измельчения материала зернового материала при различной степени измельчения.

Насаживание верхнего дебаланса на вал с зазором свободно вращающимся позволяет синхронизировать вынужденных колебаний создаваемый дебалансом, приводом и подвеской что улучшает эффективность измельчения зернового материала.

Предлагаемая конусная вибрационная дробилка при наличии водяной рубашки в рабочей камере конденсации влаги не производит, так как контакт с измельчаемым материалом внутреннего и наружного конуса обеспечивается на ограниченной площади в отличие от дисковых мельниц, у которых этот контакт обеспечивается по всей поверхности дисков.




Рис. 1. Конструктивно-технологическая схема конусной вибрационной дробилки для измельчения зерновых материалов: 1-верхняя часть станины; 2-нижняя часть станины; 3-плита; 4-рама; 5-прокладка; 6-болтловое соединение; 7-регулирующее кольцо; 8, 14, 15-кольцевые герметичные полости; 9-наружный конус; 10-сборник; 11- лоток; 12, 13-подшипниковые опоры; 16-вал; 17-внутренний конус; 18-выгрузной диск; 19, 20 дебаланс; 21-клиноременная передача; 22-корпус; 23-регулирующий болт; 24-пружина; 25-27, 29-31-штуцеры; 28, 32-магистраль.

На рис. 1 показана конусная вибрационная дробилка для измельчения зерновых материалов в продольном разрезе.

Конусная вибрационная дробилка для измельчения зерновых материалов содержит станину, состоящую из двух частей – верхняя часть 1 станины и нижняя часть 2 станины, - установленных на плите 3, которая смонтирована на раме 4 с помощью амортизационных резиновых прокладок 5 и болтовых соединений 6. На верхней части станины размещены регулирующее кольцо 7 с кольцевой герметичной полостью 8, наружным конусом 9 и сборник 10 с выгрузным лотком 11. В середине верхней части 1 станины и нижней части 2 станины в подшипниковых опорах 12 и 13, снабженных кольцевыми герметичными полостями 14 и 15, размещен вертикально расположенный вал 16, который снабжен внутренним конусом 17, выгрузным диском 18, дебалансами 19 и 20 клиноременной

передачей 21 от электродвигателя (не показан). Верхняя подшипниковая опора 12 установлена в корпусе 22, который закреплен на середине нижней части 2 станины посредством регулирующих болтов 23 на пружинах 24. Каждая из полостей 8, 14 и 15 снабжены штуцерами 25 – 27 соответственно для подачи в них охлаждающей жидкости, например воды, которые объединены в одну магистраль 28. Полости 8, 14 и 15 снабжены также штуцерами 29 – 31 для отвода воды, объединенными в общую магистраль 32. Штуцеры для подачи воды 25 – 27, 29 – 31 и магистрали 28, 32 образуют систему охлаждения узлов трения.

При работе дробилки вращением дебаланса 19 и 20 создается центро-бежная сила заставляющая внутренний конус 17 совершать вибрационное движение внутри наружного конуса 9 и разрушать материал, подающийся в камеру, образованную конусами 9 и 17, переменного в вертикальной плоскости сечения. Измельченный материал поступает в сборник 10 и с помощью выгрузного диска 18 выходит через выгрузной лоток 11. Амплитуда колебания внутреннего конуса и сила воздействия на материал регулируется с помощью регулировочных болтов 23 и пружин 24.

Охлаждающая вода, циркулирующая в полостях 8, 14 и 15, отбирает тепло от дробящихся тел, что обеспечивает непрерывность процесса дробления без остановок дробилки для охлаждения.

Выводы: Предложенная конструкция по сравнению с прототипом позволяет регулировать амплитуду и колебаний внутреннего конуса и силу воздействия на материал, что приводит к снижению удельных энергозатрат на 15-20 % при различной степени измельчения, снабжение вала сборником с выгрузным лотком и выгрузным диском для измельченного материала позволяет повысить эффективность процесса сбора и выгрузки измельченного материала, выполнение внутреннего конуса в вертикальном сечении криволинейным позволяет регулировать тонкость помола материала, а также насаживание верхнего дебаланса на вал с зазором свободно вращающимся позволяет синхронизировать вынужденных колебаний создаваемый дебалансом, приводом и подвеской что приводит к обеспечению улучшение эффективности измельчения на 10-15 % и повысить качества измельчения материала зернового материала.

Использованная литература:

1. Алижанов Д. и др. Конусная вибрационная дробилка для измельчения зерновых материалов//Заявка №FAP 2018 0077, 07.06.2018.
2. Авторское свидетельство СССР №1366204. МПК В 02С 7/18. 1988 г.
3. Авторское свидетельство СССР №1165459. МПК В 02С 2/02. 1985 г.

УДК 631.3

ВИНТСИМОН ҚИРҚИШ АППАРАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ СТЕНДИ

Алижанов Д.А. – т.ф.н., доцент, Жуматов Я.К. – тадқиқотчи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Ишда озуқаларни майдалаш курилмасининг винтсимон қирқиш аппаратини лаборатория шароитида экспериментал тадқиқ этишга мўлжалланган лаборатория стенди конструктив-технологик схемаси, вазифаси ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: озуқалар, майдалаш, ишчи орган, бирламчи, иккиламчи, майдалаш аппарати, винтсимон, эксперимент, тадқиқ, стенд, айланишлар сони, частотали ўзгартиргич.

СТЕНД ДЛЯ ИССЛЕДОВАНИЯ ВИНТООБРАЗНОГО РЕЖУЩЕГО АППАРАТА

Алижанов Д.А., Жуматов Я.К.

Аннотация

В работе приведены конструктивно-технологическая схема, устройства и принцип работы лабораторного стенда для экспериментального исследования винтового режущего аппарата устройства для измельчения кормов.

Ключевые слова: корма, измельчение, рабочий орган, первичный, вторичный, измельчающий аппарат, винтообразный, эксперимент, исследования, стенд, частота вращения, частотный преобразователь.

STANDFORRESEARCHOFASCREWCUTTINGMACHINE

Alijanov D.A., Jumatov Y.K.

Abstract

The work presents a structural and technological scheme, devices and principle of laboratory bench operation for experimental study helical cutting apparatus of feed grinding device.

Keywords: feed, grinding, working body, primary, secondary, grinding apparatus, screw-shaped, experiment, research, stand, speed, frequency converter.

Кириш. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсишини тезлаштиришни ечадиган шароитлардан бири озука базасини яхшилашдир.

Республикамиз чорвачилигида чорва моллари рационининг асосий қисмини дағал озукалар ташкил этади. Уларни зоотехник талабларга мос майдалаб чорва молларини озиклантириш уларнинг ейилишини ва хазм бўлишини яхшилайти хамда чиқинди чиқишини камайтиради.


Дағал озукаларни майдалаш учун ҳар хил турдаги озука майдалагичлар қўлланилади. Истикболли ечимлардан бири майдалаш жараёнида нисбий энергия сарфини 2,5...4 марта камайтириш имконини берадиган винтсимон қирқиш аппарати қўлланилган майдалагичдир (1-расм).

Тадқиқот услуби: Винтсимон қирқиш аппарати бўйича асосий назарий ёндошишларни текшириш, пояи озукаларни қирқиш жараёнида ишчи тавсифларига таъсир этадиган факторларни аниқлаш учун махсус лаборатория стендини яратиш талаб этилади. У машинадабажариладиган реал жараёнга максимал яқин шароитда қирқиш аппаратининг поя билан биргаликда ҳаракати тавсифини экспериментал ўрганишни имконини бериши керак. Хусусан, пичоқ тиғи ва ва қирқиш аппарати валида динамикада содир бўладиган куч ва моментларни ёзишни таъминлаши талаб этилади. Лаборатория қурилмаси айланма ва ўқ бўйича кучларни ўлчаш ва айланаётган винтсимон пичоқдан ахборатларни тўғридан-тўғри назорат – ўлчов аппаратурасига чиқариш учун махсус датчиклар билан жиҳозланиши керак.

Юқорида қайд этилган жихатларни ҳисобга олган холда ва катта миқдорда мумкин бўлган ечимларни таҳлил қилиш яқунлари бўйича 1-расмда келтирилган стенд схемаси асос қилиб қабул қилинди.

Динамик жараёни экспериментал тадқиқ қилишни ўтказиш услуби қуйидагича. Стенд бункеридан поялар эркин, ўз оғирлиги билан қирқиш жуфтлигига туширилади ва винтсимон қирқиш аппарати белгиланган айланиш частотасида майдалаш ўтказилади. Поялар намлиги ўртач 20...30 %, винтли қарқиш аппарати айланишлар частотаси 200...1000 айл/мин.

Тадқиқот натижалари: Озукаларни майдалаш қурилмаси (1-расм) асосан бирламчи винтсимон қирқиш аппарати ва иккиламчи майдалаш аппаратларидан ташкил топган [1].



1-расм. Озуқаларни майдалаш учун қурилма

1-рама; 2-бункер; 3-шнек; 4-винтсимон пичоқ; 5- карама-қарши қирқиш бармоғи; 6- қирқигиш тиғи; 7- мустақкамлик қобурғаси; 8-шнек; 9-қўзғалувчан пичоқ; 10-қўзғалмас пичоқ; 11-нов; 12-юритма

Иккиламчи майдалаш аппарати “Волгарь-5” машинаси конструкциясидан қабул қилинган [2]. Шу сабабли бизлар учун қурилма винтсимон қирқиш аппаратини экспериментал тадқиқ қилиш, асосий назарий изланишларни текшириш ва дағал озуқаларни майдалаш жараёнига таъсир этувчи факторларни аниқлаш учун махсус лаборатория қурилмаси ёки стендини тайёрлаш керак бўлди. Винтсимон майдалагичнинг лаборатория экспериментал стендини тайёрлаш учун озуқаларни майдалаш ва майдалагичлар бўйича кўп йиллар олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асос қилиб олинди.

Мумкин бўлган ҳар хил вариантларни анализ қилиб бўлингандан сўнг лаборатория қурилмаси схемаси ишлаб чиқилди. Керакли ҳисоблашлар бажарилиб, стенднинг асосий конструктив ва тезлик ўлчамлари аниқланди ва улар асосида лаборатория қурилмаси стенд тарихасида тайёрланди.

Стенд умумий кўриниши 2-расмда келтирилган.




2-расм. Винтсимон озуқа майдалаш аппаратини экспериментал тадқиқ қилиш стенди

1-рама; 2-карама-қарши қирқиш бармоғи; 3- бункер; 4- шнек; 5-винтсимин пичоқ; 6-тасмали узатма; 7- электродвигатель

Винтсимон майдалагич лаборатория экспериментал стенди рама (1), карама-қарши қирқиш бармоғи (2), бункер (3), шнек (4), винтсимин пичоқ (5), тасмали узатма (6) ва электродвигатель (7) лардан тузилган. Винтсимон майдалагич лаборатория стендининг электр схемаси 3-расмда келтирилган.

3-расм. Винтсимон қирқиш аппарати юритмаси электр схемаси
Т-тармоқ; АЎ-автомат-ўчиргич; ЧЎ-частотали ўзгартиргич; М- асинхрон двигатель



Винтсимон қирқиш аппаратида 100-2800 мин⁻¹оралиғи диапазолида экспериментлар ўтказиш учун айланишлар сонини ўзгартириш частотали ўзгартиргич (ЧЎ) орқали амалга оширилади.

Хулоса

Стенда қуйидаги масалаларни ечиш мумкин:

1. У реал жараёнга максимал яқин ва майдалагич ишчи органлари билан озуканинг бир-бирига нисбатан таъсири тавсифини экспериментал ўрганиш.
2. Винтли пичоқ айланишлар сонини поғанасиз 100 дан 2800 мин⁻¹ интервалга ростлашни таъминлаш.
3. Пояга таъсир этадиган кучларини ўрганиш учун осциллографлашни бажариш.
4. Винтсимон ишчи органда қирқиш жараёнини ўрганиш учун тезкор кинога олиш услубидан фойдаланиш;
5. Иш унумини ва майдалаш сифат кўрсаткичларини ўрганиш.
6. Нисбий энергия сарфи кўрсаткичларини ўрганиш.
7. Озуқаларни қўл билан ёки транспортёрда юклаш ва узатишни таъминлашда технологик қўлай параметрларини аниқлаш.

Адабиётлар:

1. Патент РУз № FAP 00558 «Устройство для измельчения кормов» /Алижанов Д., Намазов Ж.М., Хужамурадов А.М., Раупов Т.А./ Расмий ахборотнома, 2010 г. №7. – с.42.
2. Коба В.Г. и др. Механизация и технология производства продукции животноводства. – М.: Колос, 1999. – 528 с.

УДК : 631.3:332

ДВИГАТЕЛ ЁНИШ КАМЕРАЛАРИДА СИҚИЛГАН ГАЗЛАР ГЕРМЕТИКЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Профессор Аширбеков И.А., доцент З.Ш.Шарипов,
доцент в.б. Б.Б.Хақимов (ТИҚХММИ)

Аннотация

Поршен ҳалқаси ва цилиндр гильзаси жуфтлигидаги ўртача босимнинг беқарорлиги, орасидаги тирқишдан қисман ишчи аралашма сизиб ўтиш оқибатлари ва двигателнинг асосий кўрсаткичларига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

УДАЛЕНИЕ ГАЗОВОГО УЧРЕЖДЕНИЯ ГАЗА, ОЧИЩЕННОГО В ДВИГАТЕЛЬНЫХ ПОЖАРНЫХ КАМПАХ

Аннотация

Имеется информация о нестабильности средней давления в паре кольцевых поршня и гильза цилиндров, эффектах частичной рабочей утечки из щели между двигателем и ее влияние на основного показатели эффективности двигателя.

REMOVAL OF THE GAS INSTALLATION OF GAS CLEANED IN MOTOR FIRE LIGHTS

Annotation

There is information on the average pressure instability in a pair of annular piston and cylinder liner, the effects of partial working leakage from the gap between the engine, and its effect on productivity and the effect on the main engine performance indicators.

Калит сўзлар: двигатель ёниш камераси, хаво заряди, герметик, инерция, сиқилган газ, ариқча, аккумуляция, гильза, учкун, тирқиш, қирралар.

Ички ёнув двигателларида иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантириш мураккаб жараёндр. Унинг табиий шароитларда кечиши кўшимча йўқотишларнинг содир бўлиши билан боғлиқ. Двигател ёниш камерасида содир бўладиган иссиқлик энергиясининг барқарорлиги узатилаётган ёнилғи аралашмасининг алангаланиш жараёнида ҳосил бўладиган газлар босимининг герметиклигини сақлаш ишларини қанчалик мақбул тарзда ташкил қилинишига ҳам боғлиқ. Ёниш камерасида ҳаво зарядини сиқиш жараёнининг цилиндрда поршен Ю.Ч.Н.га келган ҳолатидаги ҳарорат ва босим қийматини куйидаги аналитик ифодалар ёрдамида баҳолашимиз мумкин [1, 2, 3]:


$$T_c = T_a \cdot \varepsilon^{n_1 - 1}; \quad (1)$$

$$P_c = P_a \cdot \varepsilon^{n_1}, \quad (2)$$

бу ерда T_a , P_a – мос равишда цилиндрдаги ёнилғи кириш олдидаги ҳаво заряди ҳарорати ва босими; ε – сиқиш коэффициенти; n_1 – адиабата сони.

(1) ва (2) формулаларга кўра: $P_a = 0,9$ кг/сек ва $T_a = 323^\circ$ К чегараларида n_1 кўрсаткичининг ўзгариши T_c ва P_c қийматларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Ёниш жараёнининг жадал кечиши натижасида умумий ҳарорат алмашиниш вақти кам бўлиб, ёнилғи билан атмосферага тутун кўринишида чиқариб ташлаш даражаси двигателларда атиги 1,0 – 1,5 %ни ташкил этиши маълум [1]. Лекин бунга қарамасдан иссиқлик двигателлари ёниш камераларида, айниқса уларнинг ҳалқа-гильза жуфтликлари атрофида сиқилган газлар герметиклигини барқарорлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Двигател ишлаш жараёнида поршенга қиймати ва йўналиши бўйича ўзгарувчан газ босими, инерция кучлари ва поршенни цилиндр девори ён томонлама итарувчи кучлар таъсир этади. Поршен радиал йўналишда ва унинг баландлиги бўйича нотекис қизиш натижасида кўшимча ички термик кучланиш ҳосил бўлади. Поршен туби ва ички томонларида металл қатламнинг нотекис тақсимланиши сабабли ҳалқа жойлашган қирраларида маҳаллий кучланишлар ҳам тўпланиши мумкин.



1-гильза; 2-ариқча; 3-ҳалқа; 4-поршень.

1-расм. Поршен ҳалқасига кучлар таъсири (а) ва ҳалқанинг поршен ариқчаси ичкарида жойлашиши ҳолатлари (б)

Карбюраторли ва дизел двигателлардаги поршенлар алюминий қотишмаларидан тайёрланади, улардаги кенгайиш коэффициенти $(16-21)10^{-6}$ 1/град. тенг, пўлатдан ёки

чўянданясалган цилиндр гильзаларида эса $(11-12)10^{-6}$ 1/град. га тенг. Бу катта фарқ улар оралиғидаги тирқиш қиймати ҳарорат градиентига боғ иқ чўяндан тайёрланган юзалар иссиқлик тирқишлар қиймати ҳарорат ўзгаришига боғлиқ. Поршен ҳалқаларининг шакл ва конструктив параметрларини танлаш, уларнинг функцияларига қараб амалга оширилади: поршен усти бўшлиғида газ зичланувчанлиги; иссиқликни гильза деворларига узатилишига ва улар деворларидан мойни суриб ташлашга боғлиқ. Поршен ҳалқалари бўйича зичлаш бикрли лабиринтли турдаги ҳаракатланувчан элементлардан фойдаланилади. Улардаги газнинг сизиб чиқиши 0,5-1,0 % чегарасидаги тор қийматга тенг. Поршен Ю.Ч.Н.да турган ҳолатда биринчи ариқчадаги ҳалқадан кейин цилиндрдаги газ босими P га тенг, бу вақтда иккинчи ариқчадаги босим $P_0 \sim 0,65P$ ни ташкил этади.

1, а – расмда схематик тарзда ҳалқага таъсир этувчи куч ва босимлар кўрсатилган поршеннинг уст томонидаги босим ҳалқа орқасидан таъсир этиб уни гильзага қисади. Ишлаш жараёнида гильза бутун юза бўйича гильзага тўқнашмасдан фақат юқори ва пастки кирралари билангина тўқнаш келиши мумкин (1-расм, б).

Унинг бу каби тўқнаш келишини фойдаланиш жараёнида ҳалқа газларни ариқчалари асос қисмининг ейилиши тавсифида ўз тасдиғини топган. Юқори тезлик режимида поршен Ю.Ч.Н.да бўлганда ҳалқанинг ағдарилиш ҳолати инерция $P_{1/c}$ (1-расм, а) ва ишқаланиш $P_{ишқ}$ кучлари таъсирида сарф бўлиши мумкин. Бунга гильза ва поршеннинг деформацияланиши, ариқча ва ҳалқа текисликларининг цилиндр ўқиға ноперпендикулярлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Газларнинг ариқча орқали поршеннинг йўналтиргич пояси томонга сиқиб чиқиш тирқишдаги дросселланиши туфайли содир бўлади ва ҳалқанинг туб томонидан узоқлашган сари ҳалқанинг орт қисмида босимнинг аста-секин камайиши билан биргаликда кечади. Поршен Ю.Ч. Н.да турган пайтдаги ҳалқанинг орқа қисмидаги босим цилиндр ичкарасидаги босим P га тенг ва бу вақтда $P_2 \sim 0,65-P$ га тенг. Тўрт тактли двигателларда чиқариш ва киритиш пайтида ҳалқанинг орқа қисмидаги босим пасайиб улгурмайди ва унда қолдиқ босим содир бўлади. Босимнинг бу каби аккумуляцияланиши бикрлигини қисман йўқотган ҳалқаларнинг ишлаш қобиляти яхшиланади. Тўлиқ юкламасиз режаларда цилиндрдаги босим нисбатан кўп бўлмаслиги сабабли фойдаланиш жараёнида бикрлиги қисман пасайган ҳалқаларнинг газ билан зичлаш қобиляти камаяди. Шу боис ҳалқалар ўзининг газ тавсифида зичлаш қобилятларини ишончли сақлаган ҳоллардагина улар ҳам ишга яроқли ҳисобланади. Двигателнинг айланиш сони ошган ҳолатда газли зичланувчанлик уларнинг қобилятини компрессион ҳалқалар сонини камайтириш ҳисобига ошириш тавсия этилади. Мавжуд карбюраторли двигателларда компрессион ҳалқалар сони иккитагача, дизелларда эса катта босимларда икки учтагача камайтириш тавсия этилади. Чегаравий ейилган цилиндр гильзалари эса таъмирлаш ўлчамига келтириб тикланиши мумкин, ариқчалардаги ейилган поршендаги ариқчалар кенгайтириб ўлчами катта бўлган ҳалқалар ўрнатилиб таъмирлаш тавсия этилади.

Ҳалқалар радиал йўналишда титраган ҳолларда улар гильза деворларидан ортда қола бошлайди. Бунинг натижасида цилиндр ички бўлимининг герметиклиги бузилмайди, иссиқлик йўқотиш ёмонлашади, маҳаллий қизиш майдони ошади, мойлаш сифати ёмонлашади, ҳалқалар букила бошлайди ва ишқаланувчи юзалар жадал тарзда ейила бошлайди. Ҳалқалардаги титраш ҳолатлари двигателдаги айланиш сони маълум даражага етганида содир бўлиб, улар асосан гильза ариқчаларида нотекикликлар содир бўлганда ҳалқаларнинг букилган, поршен ҳалқаларидаги газ босимлари пасайиши натижасида содир бўлади. Ҳалқанинг радикал йўналишида титрашини камайтириш йўлларида бири, унинг бикрлигини ошириш, ҳалқа ортида поршен ариқчалари ҳажмини камайтириш ва ҳалқа баландлигини камайтириш ҳисобланади.

Ариқчалардаги газлар босими ҳалқаларнинг гильза юзаларига сиқиш кучини анча оширади: натижада мой сиқиб чиқарилади ва ишқаланиш ошади. Ҳалқа ва гильза юзалари оралиғида босим ортиши билан ҳалқанинг орқа қисмида чегаравий ишқаланиш содир бўлади, бундай шароит таъсирида, айниқса тепа ҳалқасида ва гильзанинг устки қисми белбоғида ейилиш жараёни орта бошлайди. Компрессион ҳалқалардаги ишқаланиш кучи поршен ҳалқаларида ҳосил бўладиган газларнинг ўртача босимиға ва ҳалқа баландлигиға b – га (1-расм, а) боғлиқ, чунки газ таъсиридаги ҳалқанинг сиқиш кучи унинг ички сиртиға

(арикча томонидан) мутонасибдир, яъни $\pi(D-2t)b$, бу ерда t – ҳалқанинг R радиал қалинлиги. Тадқиқотларининг кўрсатишича карбюраторли двигателларда компрессион ҳалқалардан тўғри келадиган ишқаланишга сарфланадиган иш ҳажми тақсимоти қуйидагича: биринчи ҳалқа 60%, иккинчиси 30% ва учинчиси 10% [1-жадвал].

Поршен ҳалқаларининг асосий конструктив параметрлари

1 – жадвал

Ҳалқалар	$\frac{D}{t}$	b, мм	$\frac{A_0}{t}$
Компрессион	20 - 25*	2,5 – 5,0*	3,2 - 40*
Мой сидириш	23 - 36*		

* юқори чегаралар дизелларга тегишли

Поршен гуруҳига тўғри келадиган двигателдаги ўртача босимга оид поршен гуруҳлар учун механик йўқотишлар 50-60% га етади. Двигател айланишлар сони ошган сари ўртача босим ҳам ортиб бориш тенденциясига эга. Шу боис барча иссиқлик двигателлари учун ишқаланишдаги механик йўқотишларини пасайтириш учун компрессион ҳалқалар сони ва улардаги баландликни камайитириш тавсия этилади. 1-жадвалда дизел ва карбюраторли двигателлардаги поршен ҳалқаларининг асосий конструктив параметрлари сон қийматлари келтирилган.

Ҳалқаларнинг асосий конструктив параметрларини танлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- 1) цилиндр диаметрининг радиал тирқиши нисбатан $\frac{D}{t}$, бу қиймат ҳалқа бикрлигига унинг ечилиш кучланишига боғлиқ;
- 2) ҳалқа баландлиги b ;
- 3) нисбий қиймат $\frac{A_0}{t}$, бу ерда ҳалқанинг пружиналаниш қобилияти, яъни ҳалқанинг эркин ҳолатидаги қирқим ва ҳарорат тирқиши ораллиғидаги фарқ. Профессор Б.Я. Гинцбург томонидан таклиф этилган назария асосида поршен арикчаси деворига таъсир этувчи газнинг ўртача босим кучини қуйидагича аниқлаш мумкин [4]:

$$P_{\text{ўрт}} = 0,425E \frac{\frac{A_0}{t}}{(3-\xi)\left(\frac{D}{t}-1\right)^{\frac{5D}{t}}}, \quad (3)$$

$\xi = 0,196$ қийматини ҳисобга олган ҳолда

$$P_{\text{ўрт}} = 0,425E \frac{\frac{A_0}{t}}{\frac{D}{t}\left(\frac{D}{t}-1\right)^{\frac{5}{8}}}. \quad (4)$$


бу ерда, E – ҳалқанинг бикрлик модули легирланган чўян учун $E \sim 1,2 \cdot 10^5 \text{ Мн/м}^2 \sim 1,2 \cdot 10^5 \text{ кг/см}^2$; E – радиал босим эпюраси шаклини боғланиш коэффиценти.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тебраниш ҳолатининг олдини олиш герметиклигини двигател айланишлар сони ошган сари ҳалқанинг радиал босими $P_{\text{ўрт}}$ ортиб боради (2-расм). Ҳалқа баландлиги кўпайиши билан ҳалқа массаси инерция кучи ортиши таъсирида поршен арикчаларининг ейилиши, ишқаланиш кучлари ва гильзалар ейилиш жараёни босим таъсирида орта бошлайди. Компрессион ҳалқаларда ўртача радиал босим $P_{\text{ўрт}} = 0,11-0,25 \text{ Мн/м}^2$ ($1,1 - 2,5 \text{ кг/см}^2$), баъзи ҳолатларда $0,35 \text{ Мн/м}^2$ ($3,5 \text{ кг/см}^2$) га етади, мой сидириш ҳалқаларида $P_{\text{ўрт}} = 0,2 - 0,4 \text{ Мн/м}^2$ ($2 - 4 \text{ кг/см}^2$). $P_{\text{ўрт}}$ нинг юқори чегаралари кичик диаметрли цилиндрли двигателларга тегишли: Ёниш камераси томонидаги биринчи компрессион ҳалқасидаги $P_{\text{ўрт}}$ – босим ҳам юқори даражада бўлиш лозим.

Поршенга ўрнатилган ҳалқанинг тирқиш қийматини қуйидагича аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \Delta_x^1 + (\alpha_x \cdot \Delta t_x - \alpha_T \Delta t_{T_2}) \quad (5)$$

бу ерда α_x ва α_T – ҳалқа ва гильза ашёларининг чизикли кенгайиш коэффицентлари; Δt_x – ҳалқанинг қизиш ҳарорати, $\Delta t_x = 200^\circ \text{C}$; Δt_T – гильзанинг қизиш ҳарорати; $\Delta t_T = 140^\circ \text{C}$ ҳалқалар қулфларидаги руҳсат этилган максимал тирқиш қизиган двигателлар учун $\Delta_k = 0,06 - 0,1 \text{ мм}$ олиш тавсия этилади.



2 – расм. Компрессион ҳалқалар баландлиги “b” нинг айланишлар сонига боғлиқ ўртача радиал босимнинг $P_{\text{ўрт}}$ ўзгариш графиги

Хулоса

1. Поршен ҳалқаларининг конструктив параметрларини узок муддат ишлаш қобилиятини танлаш уларнинг ўз функцияларини бажара олиш қобилиятига боғлиқ.
2. Поршен ҳалқаси цилиндр гильзаси жуфтлигидаги ўртача босимнинг барқарорсизлиги, ҳалқалар қулфлар орасидаги тирқишдан қисман ишчи аралашма сизиб ўтиш оқибатида двигател қувватининг пасайишига олиб келиш тенденциясига эга.
3. Гильзалар деформацияланиши ва ейилиши оқибатида газларнинг ўртача босими герметиклигининг айниқса ҳалқалар деформацияланиши гильза деформацияланишига мос келган ҳолда самаралилиги камаё бошлайди, бунга ишлаш жараёнида ҳалқалар гильза билан сирти бўйича эни, балки фақат юкори ва пастки қирралари билан тўқнашишлари сабаб бўлади.
4. Ҳалқа – гильза жуфтлиги герметиклигини таъминлашда ҳалқанинг мос келишини ва асосий конструктив параметрларини танлаш тавсия этилади.
5. Келтирилган аналитик ифодалар ишчи жуфтлик таркибидаги поршен Ю.Ч.Н.га келган захоти ҳалқага таъсир этувчи кучни аниқлаш имконини беради. Ҳалқа баландлиги ортиб боргани сари ейилиш ишқаланиш кучларининг кўпайиши ҳисобига ҳалқа ва гильзаларнинг ейилиш суръати ошиш тенденциясига эга, бу жараён компрессион ҳалқалар сонини камайтириш орқали ҳам таъминланиши қайд этилган.
6. Ҳалқалар қулфларидаги рухсат этилган максимал тирқиш қийматни қизиган двигателлар учун 0,06 – 0,1 мм олиш тавсия этилади. Чегаравий ейилган гильзалар таъмирлаш ўлчамига келтириб, ейилган поршенлар эса ариқчалари кенгайтирилиб катталаштирилган ҳалқалар ўрнатиб таъмирлаш тавсия этилади.
7. Келтирилган аналитик ифодалар двигатель ёниш камераларида сиқилган газлар герметиклигини барқарорлаштиришга ва уларни мақсадлироқ такомиллаштиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодиров С.М. Ички ёнув двигателлари. Тошкент: Янги аср авлоди. 2006.
2. С.М.Қодиров, О.У.Салимов, А.И.Проскурин. Двигателлар ва автомобил назарияси. Тошкент. 2011.
3. Латько В., Луканин В.Н., Хачиян А.С. Применение альтернативных топлив в двигателях внутреннего сгорания. – М.: МАДИ, 2002.
4. С.М. Қодиров, С.Е. Никитин. Автомобиль ва трактор двигателлари. 1992.

УДК 631.312.6, 631.333.5

ПУШТАГА ЎЎГИТ СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ҚУРИЛМА КОНСТРУКЦИЯСИ

Т.С.Худойбердиев – т.ф.д., профессор, А.Н.Худоёров – т.ф.н., профессор,
Б.Р.Болтабоев – т.ф.н., доцент, Б.А.Раззақов – мустақил изланувчи.
ТошДАУ Андижон филиали

Аннотация

Пахта ҳосилдорлигини орттириш мақсадида кузги пуштани олиш билан бирга, фосфорли ўғитни солиб кетиш услубидан фойдаланилмоқда. Ўғитни белгиланган қатламга солиш учун махсус қурилманинг бўлиши керак бўлади. Ушбу мақолада ўғитни кенг тасма шаклда солишни такомиллашган янги технологияси ва уни амалга оширувчи қурилма конструкцияси таклиф этилган.

Калит сўзлар. Пушта олгич, ўғитлагич, юмшатгич ўғит туширгичи билан, миқдорлагич ғалтаги, ростловчи клапан, ҳаракатлантирувчи таянч ғилдирак, тасмасимон ўғит солиш услуби.

УСОВЕРШЕНСТВОВАНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ВНЕСЕНИЯ УДОБРЕНИЙ В ГРЯДКИ И КОНСТРУКЦИЯ УСТРОЙСТВА ДЛЯ ЕЁ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ

Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Р.Болтабоев, Б.А.Раззақов.

Аннотация

С целью повышения урожайности хлопчатника используется способ осеннего формирования грядок с одновременным внесением фосфорных удобрений. Для послойного внесения удобрений необходимо специальное устройство. В статье приводятся результаты разработки новой технологии послойного, широколенточного внесения удобрений а также предложена конструкция устройства для осуществления этой технологии.

Ключевые слова. Формирователь грядок, удобритель, рыхлитель с тукопроводом, катушка тукопровода, регулировочный клапан, ведущее опорное колесо, ленточный способ внесения удобрений.

TECHNOLOGY OF DEVELOPING FERTILIZING IN THE ROW AND IMPLEMENTING CONSTRUCTION

T.S.Khudayberdiyev, A.Kh.Khudayarov, B.P.Baltabayev, B.A.Razzakov.

Abstract


On the purpose of increasing cotton harvest, putting phosphorus fertilizer, while making autumn rows, is being used. The fertilizer should be in the special construction in order to put it in a planned layer. This article suggests a new technology which can put the fertilizer in a wide strap shape, and a construction which can implement it.

Key words: row-maker, fertilizer, softening and fertilizing technology, quantity coil, valve controller, wheel supporter, strapped fertilizing technique.

Кириш. Кейинги йилларда чигитни кузда олиб қўйилган пуштага экиш усули кенг тарқалмоқда. Пуштага экилганда уруғларнинг униб чиқиши 2...4 кунга тезлашмоқда [1].

Пахтанинг ҳосилдорлигини орттириш мақсадида пушта олиш билан бир вақтда фосфорли ўғитнинг солиниши эса ҳосилнинг пишиши 10 кунгача тезлашади [2]. Ўғитни пушта олиш билан тасмасимон солиш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, бунда пуштада ўғит тасмаларининг жойланиши ўрганилган. Ўрганиш натижасида тасмасимон солинган ўғитларнинг пуштада жойланиши бўйича таклифлар берилган [3].

Ўрганилган тадқиқотларнинг натижасига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, пуштага солинган ўғитларнинг жойланиш схемаси аксарият бир хил, яъни 1-расмдаги шакл бўйича.



а-уруғ экиладиган чизик, б-юқориги қатлам, в-пастки қатлам


1-расм. Кузги олинган пушта ва унда ўғит тасмаларининг жойланиши

Дехқончиликдан шу нарсани биламизки, тупрокнинг унумдорлигини ошириш, донадорлигини яхшилаш учун кузда ерни хайдашдан олдин фосфорли ўғит сепилади. Шунинг учун, фосфорли ўғитдан фойдаланишнинг самарадорлигини орттиришда олинадиган кузги пуштага қатламлаб, ўғит тасмасини кенгайтирилган ҳолда солиб ҳам тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот мақсади шакллантирилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўғитни пуштага қатламлаб, кенгайтирилган тасмали шаклда солиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширувчи пушта олгич-ўғитлагич конструкциясини яратиш.

Муаммони ечиш услуби. Кузда экин майдони хайдалади ва текисланади. Текисланган майдонга пушта олинади. Пуштанинг ўлчамлари 76...80 см схемага асосан олинганда, ўтказилган тадқиқотларга таянган ҳолда, баландлиги 28...30 см атрофида бўлишлиги қабул қилинди. Шунингдек ғўзани ўсиш ва ривожланишини ҳисобга олиб, ўғитни солиш қатламларини иккита бўлишлиги ҳам аниқланди, 2-расм.


Пуштанинг белгиланган қатламга ўғит солиш технологияси. Пуштанинг белгиланган қатламларига ўғитларни солиш технологияси 3-расмда кўрсатилган. Технология пушта олувчи 1, ўғит ўтказгичлар 2, миқдорлагич-тақсимлагич 3 ва юмшатгич-сошник 4 ларга юклатилган вазифаларни бажаришлари орқали амалга оширилади.



2-расм. Пуштадаги ўғит қатламлари жойланишининг схемаси.

Бунда, ўғитлар икки йўналиш бўйича тушади – яъни, миқдорлагич-тақсимлагичдан I-чи ва II-йўналишлар бўйича. Биринчи йўналиш бўйича тушаётган ўғит ҳар бир қаторга юмшатгичнинг кетига ўрнатилган ўғит ўтказгич орқали текис юзанинг 10...15 см чуқурлигига тушади. Иккинчи йўналиш бўйича тушаётган ўғит эса, ўғит ўтказгич орқали текис юзага ёки шу юзанинг 2...3 см чуқурлигига тушади.


Биринчи йўналишдаги юмшатгичлар бир биридан 18...20 см узоқликда жойлашган. Ўғит ўтказгичнинг кенлиги эса 2,5 см ни ташкил этади. Юмшатгичлар ўғит тушувчи сошникка йўл очиб кетади.



3-расм. Шаклланаётган пуштанинг қатламларига ўғит солиш технологияси
B-эгат кенглиги; b-химоя кенглиги; b₁-юмшатгичлар орасидаги масофа;
 1-пушта олгич, 2-уруғ ўтказгич, 3-миқдорлагич-тақсимлагич, 4-юмшатгич; 5-
 миқдорлагичнинг вали.

Таклиф этилаётган кузда пуштанинг белгиланган қатламига ўғит солувчи пушта олгич-ўғитлагичнинг конструкцияси. Бу конструкция бўйлама 1 ва кўндаланг рама 2, юмшатгич 3, пушта олгич 4, ўғит ўтказгичлар 5, тақсимлагич 6, тақсимлагичнинг клапани 7, миқдорлагич 8, осма қурилма 9 ва миқдорлагични ҳаракатга келтирувчи таянч ғилдирак 10 лардан иборат, 4-расм.

Пушта олгичнинг конструкцияси содда бўлиб, унга ўғитлаш қурилмасини катта меҳнат сарф қилмасдан жойлаштириш мумкин.



4-расм. Пушта қатламларига кенгайтирилган тасма шаклида ўғит солувчи қурилманинг шакли

Хулоса

1.Ўрганилган барча пушта олгич-ўғитлагичлар ўғитни пуштага тасмасимон шаклда жойлаштиришга мўлжалланган.

2.Ғўза илдиз тизимининг ривожланиши нафақат ўғитни пуштанинг юқори қатламига иккита, пастки қатламига битта тасмасимон солинганга мос равишда ривожланади, балки биринчи қатламдан кейин ҳам кенг ҳажмда ривожланади.

3.Шуларни ҳисобга олган ҳолда пуштанинг иккала қатламига ҳам ўғитни кенгайган тасмали шаклда солувчи пушта олгич-ўғитлагичнинг конструкцияси ишлаб чиқилди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Д.Хасанова Пушта олиш технологияси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали.- Тошкент: 2009, №12, 5 бет.
2. Х.Шукуруллаев Пахтачиликда техникадан унумли фойдаланиш ва ғўза парваришининг кўшимча имкониятлари.-Тошкент Нихол-2008, 50-53 бет.
3. Н.Комилов Пушта олишда минерал ўғитни локал солиш машинасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари// Юқори самарадор тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналарини яратиш ва ишлатиш масалалари бўйича ЎзМЭИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2013. – 243-265 бетлар

УДК 631.312.6, 631.333.5

ПУШТА ОЛГИЧ-ЎҒИТЛАГИЧ ҚУРИЛМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАШИ

Т.С.Худойбердиев – т.ф.д., профессор, А.Н.Худоёров – т.ф.н., профессор,
Б.Р.Болтабоев – т.ф.н., доцент, Б.А.Раззақов – мустақил изланувчи
ТошДАУ Андижон филиали

Аннотация

Мақолада ишлаб чиқилган кузги пуштага ўғит солишни такомиллашган технологиясини амалга оширувчи қурилманинг конструкцияси келтирилган. Бунда, шу технология бўйича, ўғитни пуштага қатламлаб, кенгайтирилган тасмали шаклда беш қаторлаб пастги қатламга ҳамда 10-13 см ораликда юқориги қатламга солиниши тахлил қилинган.

Калит сўзлар. Пушта олғич, ўғитлагич, юмшатгич ўғит туширгичи билан, миқдорлагич ғалтаги, ростловчи клапан, ҳаракатлантирувчи таянч ғилдирак, тасмасимон ўғит солиш услуги.

КОНСТРУКЦИЯ И РАБОТА УСТРОЙСТВА ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ ГРЯДОК И ВНЕСЕНИЯ УДОБРЕНИЙ

Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Р.Болтабоев, Б.А.Раззақов.

Аннотация

В статье приведены результаты разработки конструкции устройства для осуществления усовершенствованной технологии осеннего внесения удобрений на сформированные грядки. Также приведены результаты анализа работы устройства при послонном широколенточном удобрении в пять рядов в нижний слой и на расстоянии в 10...13 см в верхний слой грядки.

Ключевые слова. Формирователь грядок, удобритель, рыхлитель с тукопроводом, катушка распределителя, регулировочный клапан, ведущее опорное колесо, ленточный способ внесения удобрений.

STRUCTURE AND WORKING ACTIVITIES OF ROW-MAKER-FERTILIZER CONSTRUCTION

T.S.Khudayberdiyev, A.Kh.Khudayarov, B.P.Baltabayev, B.A.Razzakov.

Abstract

This article presents a new developed construction which can implement the fertilizing on an autumn row technology. By this technology, the fertilizer is coated in a row. It was analyzed that the fertilizer is put as five rows in a low layer of a widen strapped shape, and between 10-13 cm in on high layer.

Key words: row-maker, fertilizer, softening and fertilizing technology, quantity coil, valve controller, wheel supporter, strapped fertilizing technique.


Кириш. Ҳозирги кунда пахтачилик фермер хўжаликларида экин майдонлари кузда хайдалиб, текислангандан сўнг пушта олиниб кўйиш услуби кенг қўлланила бошланди. Чунки пушта олинганда тупоқнинг кесак қисмлари қишда музлаб, баҳорда муздан тушганда йирик кесаклар майдаланади ва тупроқнинг дондорлиги яхшиланади. Эрта баҳорда эса пуштанинг ҳарорати юқори бўлгани учун экилган уруғни униб чиқиши тезлашади. Кузда олинган пушта ва унга қатламлаб ўғит солиб, шакллантирилган пуштага баҳорда уруғ экилса, унинг самараси янада юқори бўлади.

Олиб борилган таҳлиллар ҳозирги кунда қўлланилаётган пушта олгич-ўғитлагичларда ўғитлар пуштага ҳар хил усулда фақат тасмасимон жойлаштирилмоқда [1].

Пушта қаватларига тасмасимон ўғит солиш ягона самарали услубми ёки бошқа услуб ҳам мавжудми, деган муаммони ҳал қилиш учун тадқиқот ишларини олиб бориш керак бўлади.

Муаммо. Кузда пушта олиш билан унинг қатламларига тасма шаклида эмас, балки ёппасига ўғитни солувчи пушта олгич-ўғитлагичнинг конструкциясини ишлаб чиқиш.

Бу муаммони ҳал қилиш учун ўғитни ёппасига пушта қатламига солувчи пушта олгич-ўғитлагичнинг конструкцияси ишлаб чиқилди, 1-расм.



1-расм. Белгиланган қатламга ёппасига ўғит солувчи комбинациялашган пушта олгич 1,2-бўйлама ва кўндаланг рамалар; 3-юмшатгич ўғит ўтказгич билан; 4- пушта олгич; 5-ўғит ўтказгичлар; 6-тақсимлагич, 7-ростлагич, 8-миқдорлагич, 9-осма қурилма, 10-миқдорлагични ҳаракатлантирувчи таянч гилдирак.


Таклиф этилаётган конструкция пушта олгичдан маълум масофада (30...50 см) қатор орасига кўндаланг йўналишда бир биридан 16 см масофада бешта юмшатгич устунига унга ўрнатилган ўғит ўтказгичлар 24-25 см чуқурликда белгиланган миқдорда пастки қатламга ўғит солади, пастки қатламда 10-13 см масофада юқори қатламга бешта ўғит ўтказгич пушта олгичлар шакллантирилаётган жойга белгиланган миқдорда ўғит солишга мўлжалланган.

Ўғитларни бундай тақсимланишини миқдорлагичга ўрнатилган тақсимлагич амалга оширади.

Қуйида, қурилмани самарали ишлаши учун унинг асосий иш органлари ҳисобланган юмшатгич-ўғитлагич ва тақсимлагич бўлиб уларнинг ишлаши ва ўлчамлари бўйича олинган натижаларни келтираимиз.

Юмшатгич-ўғитлагич ва унинг параметрлари. Юмшатгичларнинг конструкцияси ҳар хил. Шу нарса аниқки, бу ерда ўқ ёйсимон панжа ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки унинг эни нисбатан катта.

Бу ҳолатда юмшатгич наралникли ёки юмшатгич устунининг тиғини мосланган вариантлари, 2-расм.



2-расм. Юмшатгичнинг наралникли (а), устунини ўткирлаб тайёрланган (б) вариантлари.

1-юмшаткичнинг устуни; 2-ўғит ўтказгич; 3-планка; 4- наралник.

Юмшатгичнинг асосий параметрлари: тупроққа кириш бурчаги α , ўткирланиш бурчаги 2γ . Тупроққа кириш бурчаги $\alpha=60^\circ\text{...}65^\circ$ атрофида бўлишлиги аниқланди. Ўткирланиш бурчаги наралник ўрнатилган вариантда, ($2\gamma=33\text{...}36^\circ$); устунини ўткирлаб тайёрланган вариантда эса ($2\gamma=28\text{...}30^\circ$) нисбатан кўпроқ бўлишлиги аниқланди. Сабаби наралникнинг сирти ёйсимон эканлигидир.


Юмшаткичлар ҳаракатга қилаётган қаршиликлари бўйича танланади.

Асосий қисмлардан иккинчиси эса тақсимлагични талаб даражасида ишлашидир. Тақсимлагичнинг тузилиши 3-расмда кўрсатилган.

Тақсимлагичда икки қатор ўтказгичлар бир корпусга жойлаштирилган. Унинг юқорисида миқдорлагич жойлаштирилган ундан тушаётган ўғит белгиланган миқдорда I ва II йўналишга бўлинади ва ўтказгичларга тушади. Бу бўлиниш ростлаш клапани 2 орқали амалга оширилади.

Бўлинишнинг миқдори, ҳар бир ўтказгичдан тушаётган ўғитнинг ва миқдорлагич галтагининг ҳолати тажриба орқали аниқланади.

Ўғит туширгичнинг бундай конструкцияси биринчи марта ишлаб чиқилган пушта олгич-ўғитлагичнинг конструкциясида қўлланилмоқда.



3-расм. Тақсимлагични миқдорлагич билан ишлаш схемаси

I - пушта олгичнинг олдидаги юмшаткичга қатирилган ўтказгичга йўналтирилган ўғит; II-пушта шаклланишига йўналтирилган ўғит; 1- тақсимлагич, 2-ростлаш клапани, 3- тўр, 4-миқдорлагич галтаги, 5-ўғит бункери.

Хулоса

1. Амалиётда асосан пуштага ўғит солишда тасмали усулидан фойдаланиб келинмоқда.

2. Кузги пушта олиш билан биргаликда ўғит солишнинг самарасини орттириш мақсадида қатламга ёппасига ўғит солишнинг янги усули ҳамда уни амалга оширувчи қурилма конструкцияси таклиф этилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Н.Комилов Пушта олишда минерал ўғитни локал солиш машинасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари// Юқори самарадор тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналарини яратиш ва ишлатиш масалалари бўйича ЎзМЭИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2013. – 243-265 бетлар

УДК 631.312:631.51

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ТУПРОҚ МАЙДАЛАГИЧИНING КИНЕМАТИКАСИ

А.Н.Худоёров-профессор, Д.А.Абдуллаев-доцент, М.А. Юлдашева-мустақил изланувчи,
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

Аннотация

Мақолада ўрмон хўжалик плантацияларини экишга тайёрлаш комбинациялашган агрегатни тупроқ майдалагичининг кинематикасини ўрганиш бўйича олиб борилган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Ўрмон хўжалиги плантациялари, комбинациялашган агрегат, тупроқ майдалагич, фрезали барабан.

КИНЕМАТИКА ИЗМЕЛЬЧИТЕЛЯ ПОЧВЫ КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА

А.Н.Худоёров, Д.А.Абдуллаев, М.А. Юлдашева.

Аннотация

В статье приведены результаты исследований по изучению кинематики измельчителя почвы комбинированного агрегата подготовки к посеву на плантациях лесного хозяйства.

Ключевые слова. Плантации лесного хозяйства, комбинированный агрегат, измельчитель почвы, фрезерный барабан.

STUDIES TO DETERMINE THE LENGTH OF THE SOFTENER WORKING SURFACE OF THE OF COMBINED AGGREGATE

A.N.Khudayarov, D.A.Abdullaev, M.A.Yuldasheva.

Abstract

The article presents the results of studies to determine the length of the softener working surface of the of combined aggregate.

In this case, at an aggregate speed of 1.5-2.0 m/s, to soften the soil at a depth of 30-40 cm, the length of the softener working surface should be at least 125 mm.

Key words: Combined aggregate, road softener without loosening the soil, the length of the softener working surface, aggregate speed, processing depth.

Кириш. Ўрмон хўжалиги Республикамизда ривожланаётган тармоқ ҳисобланиб, мустаққилик йилларида ўрмон хўжалиги тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамизнинг кўп ҳудудларида ўрмон хўжалик плантацияларини ривожлантириш бўйича салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Республикамиз ҳудудларида ўрмон хўжаликларида доривор ўсимликлар етиштириш плантацияларини ташкил этиш,

уларни майдонларни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича бераётган таклифлари асосида, ҳозирги кунда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.

Шунинг таъкидлаш керакки, ўрмон хўжалигида дехқончилик қилишнинг боғдорчилик ёки узумчиликдагига қараганда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўрмон хўжалигида ўтказилган дарахтлар қатор ораларининг кенглига боғдорчилик ва узумчиликдагига нисбатан асосан 2...5 баробарга кенг ҳисобланади. Шунинг учун дарахтлар қатор ораларидан фойдаланиш муддати боғдорчиликка нисбатан муддати кўп ҳисобланади. Бундай шароитга мослашган яъни салқинда ўсувчи ўсимликлар экилса, бу муддатни янада ошириш имконини беради.

Ҳозирги шароитда ўрмон хўжалик плантацияларида ноёб гуллар ва доривор ўсимликларни етиштириш самарали ҳисобланган учун, уларни экишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ноёб гул ва доривор ўсимликларнинг уруғлари жуда майда бўлиб, уларнинг ўлчамлари (энг кўпи) 1 мм дан 20...25 мм гача ўзгаради. Уруғлар қанча майда бўлса, улар учун тайёрланаётган ерларнинг тупроғини фракцион таркиби 10 мм дан катта тупроқ фракцион таркиби 10% дан ортмаслиги керак [1]. Акс ҳолда майда уруғлар тупроқ қатламини кўтариб чиқаолмайди.

Шунинг учун ўрмон хўжалиги плантацияларида ноёб гуллар ва доривор ўсимликларни етиштиришда ерларни экишга тайёрлаш технологияси ва уруғларни экишга алоҳида талаблар қўйилади.

Тадқиқот услуби. Ҳозирги кунда ўрмон хўжаликларида доривор ўсимликлар етиштириш плантацияларида ерларни тайёрлаш учун махсус агрегатлар ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ерларни тайёрлашда мавжуд агрегатлардан ёки уларни мослаштирилган вариантларидан фойдаланишга тўғри келмоқда. Бу эса ўз навбатида энергия сарфини ҳамда эксплуатацион харажатларни ортишига олиб келади. Ўрмон хўжалиги плантацияларида ерларга ишлов беришда агрегатлар кириш сонининг ортиши, тупроқ структурасини бузилишига, яъни тупроқнинг қаттиқлиги ва зичлигини ортишига олиб келмоқда. Бу эса ўсимликларни илдиз тизимининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда.


Олиб борилган таҳлиллар ва тадқиқотлар ўрмон хўжалик плантацияларида ноёб гул ва доривор ўсимликлар етиштириш учун ерларни экишга тайёрлашда бажариладиган технологик жараёнларни агрегатнинг бир ўтишида амалга оширувчи комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўрмон хўжалик плантацияларини экишга тайёрлашнинг юқорида таъкидланган мавжуд ва таклиф этилаётган технологиялари ўзаро таққосланганда таклиф этилаётган технологияда ерларни бороналаш, молалаш ва пушта олиш тадбирлари ўтказилмаслиги туфайли меҳнат, энергия ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфининг сезиларли даражада камайиши, агрегатларнинг даладан ўтишлар сони кескин қисқариши (5-6 мартадан 3 мартагача) ҳисобига тупроқнинг ортикча зичланмаслиги маълум бўлди.

Булардан ташқари ҳосил бўлаётган пушта тупроғини талаб даражасида майдаланиши ва юмшатилиши, тупроқнинг физик-механик хоссаларининг яхшилаиди уруғларни униб чиқиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

Таклиф этилаётган технологияни амалга оширувчи комбинациялашган агрегатнинг схемаси 1-расмда келтирилган.

Комбинациялашган агрегат иш органлари ўрнатиладиган ва уларни турли масофалар ҳамда чуқурликларда сошлаш имконини берувчи рама 1, суғориш эгатларини очиш ҳамда пуша ҳосил қилувчи пушта олгич 6, пушта устидаги тупроқни майдалаш учун тупроқ майдалагич 3, майдаланган тупроқни пушта устидан чиқиб кетмаслигини таъминловчи химоя воситаси 4,5, тупроқ майдалагич иш органига ҳаракат йўналишини ўзгартирувчи редуктор ва уни узатувчи мослама 9,10 ҳамда таянч ғилдираклари 2,7 ва агрегатни тракторга осииш учун мўлжалланган ўрнаткич 8 лардан ташкил топган.




1-расм. Ўрмон хўжалик плантацияларини экишга тайёрлашга учун комбинациялашган агрегат

1-рама, 2,7-таянч ғилдираги; 3-тупроқ майдалагич, 4,5-майдаланган тупроқни пушта устидан чиқиб кетмаслигини таъминловчи химоя воситаси, 6-пушта олгич; 8-агрегатни тракторга улаш мосламаси; 9-ҳаракат йўналишини ўзгартирувчи редуктор, 10-ҳаракат узаткич, 11-ҳосил бўлган пушта; 12-ҳосил бўлган суғориш эгатлари.

Тадқиқот натижалари. Комбинациялашган агрегатнинг тупроқ майдалагичи (кейинги ўринларда фрезали барабани) иш жараёнида мураккаб ҳаракатда бўлади, яъни у агрегат билан илгарланма ва ўз ўқи атрофида айланма ҳаракат қилади.

2-расмда келтирилган схемага асосан машина иш жараёнида ўзгармас тезлик билан ҳаракат қилади деб қараб, фрезали барабан пичоқларининг XOZ координаталар системасидаги ҳаракат тенгламасини тузамиз. Бунинг учун координаталар бошини фрезали барабан томонидан ишлов берилаётган қатлам тубидаги O нуқтага жойлаштирамиз, X ва Z координата ўқларини мос равишда агрегатнинг ҳаракат йўналиши бўйлаб ва пастдан юқорига йўналтирамиз.



1-расм. Тупроқ майдалагич фрезали барабанининг ҳаракат тенгламасини тузишга доир схема

Тупроқ майдалагичнинг фрезали барабани t вақт ичида бошланғич ҳолатдан ωt бурчакка (бунда ω -фрезали барабаннинг бурчак тезлиги, s^{-1}) бурилган ва агрегат билан биргаликда Vt масофага кўчганда фрезали барабаннинг M нуқтаси M_1 ҳолатга ўтади (2-расм) ва унинг бу ўтишдаги ҳаракат тенгламаси қуйидагича ифодаланади

$$X = Vt + R \cos \omega t; \quad (1)$$

$$Z = R(1 - \sin \omega t), \quad (2)$$

бунда V – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, м/с;

t – вақт, с;

R – тупроқ майдалагич фрезали барабанининг радиуси, м.

(1) ва (2) тенгламалар шуни кўрсатадики, иш жараёнида фрезали барабанининг пичоқлари циклоида бўйича ҳаракатланади [2].

(1) тенгламага фрезали барабанининг кинематик параметри (иш режими) $\lambda = V_o/V$ ни киритиб (бунда $V_o = \omega R$ – фрезали барабан пичоқларининг айланма ҳаракатдаги тезлиги, м/с), қуйидаги эга бўламиз

$$X = R \left(\frac{\omega t}{\lambda} + \cos \omega t \right); \quad (3)$$

$$Z = R (1 - \sin \omega t). \quad (4)$$

$\lambda \leq 1$ бўлса фрезали барабан пичоқларининг траекторияси қисқа (сиртмоқсиз) циклоида кўринишида, $\lambda > 1$ бўлганда эса чўзиқ циклоида кўринишида бўлади. Фаол тупроқ майдалагичлар, яъни фрезали машиналарда доимо $\lambda > 1$ бўлади ва улар пичоқларининг ҳаракат траекторияси чўзиқ циклоида шаклида бўлади [2,3].

(3) ва (4) тенгламалардан вақт бўйича биринчи ва иккинчи ҳосилалар олиб, фрезали барабан пичоқларининг абсолют тезлиги V_a ва тезланиши a_a ни аниқлаймиз

$$V_a = \sqrt{\left(\frac{dx}{dt}\right)^2 + \left(\frac{dy}{dt}\right)^2} = V \sqrt{1 + \lambda^2 - 2\lambda \sin \omega t} \quad (5)$$

ва

$$a_a = \sqrt{\left(\frac{d^2x}{dt^2}\right)^2 + \left(\frac{d^2y}{dt^2}\right)^2} = \omega^2 R. \quad (6)$$

(5) ва (6) тенгламалардан кўришиб турибдики, иш жараёнида фрезали барабан пичоқларининг абсолют тезлиги унинг бурилиш бурчаги ωt га боғлиқ равишда ўзгариб боради, тезланиши эса ўзгармас ва марказга интилма тезланишга тенг бўлади, яъни иш жараёнида фрезали барабанининг пичоқлари фақат марказга интилма тезланишга эга бўлади.

Хулоса

Комбинациялашган агрегат тупроқ майдалагичининг фрезали барабани пичоқларининг абсолют тезлиги иш жараёнида унинг бурилиш бурчагига боғлиқ равишда ўзгариб боради, тезланиши эса ўзгармас ва марказга интилма тезланишга тенг бўлади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Худойбердиев Т.С., Худоёров А.Н., Юлдашев М.А., И.А. Назиржонов, Д.Худойназаров “Ўрмон хўжалик плантация ерларни экишга тайёрлашни ҳозирги ҳолати ва таклиф этилаётган янги технологияни”, “Аграр соҳани истиқболли ривожлантиришда ресурс тежовчи инновацион технологияларда самарарали фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуман материаллари тўплами, Андижон-2019й. Б.4-9.

2. Синев Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. –М.: Машиностроение, 1977. -328 с.

3. Канарев Ф.М. Ротационные почвообрабатывающие машины и орудия. –М.: Машиностроение, 1983, -142 с.

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ЮМШАТКИЧ ИШ СИРТИ УЗУНЛИГИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР

А.Н.Худоёров-профессор, Д.А.Абдуллаев-доцент,
М.А.Юлдашева-мустақил изланувчи, И.А.Назиржонов-магистрант,
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

Аннотация

Комбинациялашган агрегат юмшаткич иш сирти узунлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Бунда агрегатнинг 1,5-2,0 м/с тезлигида эгат ичини 30-40 см чуқурликда юмшатиш учун юмшаткич ишчи сиртининг узунлиги камида 125 мм бўлишиги аниқланган.

Калит сўзлар: Комбинациялашган агрегат, тупрокни ағдармасдан йўл-йўл юмшатувчи юмшаткич, пушта олгич, юмшаткич ишчи сиртининг узунлиги, агрегат тезлиги, ишлов бериш чуқурлиги.

ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ОПРЕДЕЛЕНИЮ ДЛИНЫ РАБОЧЕЙ ПОВЕРХНОСТИ РЫХЛИТЕЛЯ КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА

А.Н.Худоёров-профессор, Д.А.Абдуллаев-доцент,
М.А. Юлдашева-соискатель, И.А.Назиржонов-магистрант,
Андижанский филиал Ташкентского Государственного
Аграрного Университета

Аннотация

В статье приведены результаты исследований по определению длины рабочей поверхности рыхлителя комбинированного агрегата. Установлено, что для рыхления грядок на глубину 30...40 см длина рабочей поверхности рыхлителя должна быть не менее 125 мм.

Ключевые слова. Комбинированный агрегат, рыхлитель почвы без оборота пласта, длина рабочей поверхности рыхлителя, формирователь грядок, скорость агрегата, глубина обработки.

**CINEMATIC OF COMBINED AGGREGATE
SOIL GRINDER**

A.N.Khudayarov - professor, D.A.Abdullaev - associate professor,
M.A.Yuldasheva - an independent researcher, Andijan branch of TashSU

Abstract

The article provides information on the studying kinematics of combined aggregate soil grinder of preparation for planting in forestry.


Keywords: Forest plantations, combined aggregate, soil grinder, milling drum.

Кириш. Республикамизнинг суғориладиган пахтачилик минтақаларида ерларни экишга тайёрлаш, уларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан ўғитлаш, кузги шудгорлаш, шудгорлашда ҳосил бўлган нотекикликларни текислаш ҳамда экиш олдида ишлов бериш, эрта баҳорги бороналаш, чизеллаш, молалаш ва пушта олиш каби агротехника тадбирлардан ташкил топган бўлиб, булардан ўғитлаш, шудгорлаш ва шудгорлашда ҳосил бўлган нотекикликларни текислаш тадбирлари кеч кузда, қолганлари эса эрта баҳор ва ерларга экиш олдида ишлов бериш даврида ўтказилади [1].

Тупрокни экишга тайёрлашнинг мавжуд технологиялари алоҳида-алоҳида агрегатлар билан бажариладиган ўғитлаш, шудгорлаш, чизеллаш, бороналаш, молалаш, пушта олиш каби кўплаб агротехника тадбирларидан иборат бўлиб, уларни бажариш учун камида 2-3 турдаги трактор, 8-10 турдаги қишлоқ хўжалик машина ва қуроллари қўлланилади. Бу кўплаб меҳнат, ёнилғи ва бошқа моддий харажатларни сарфланишига, агрегатларни даладан кўп марталаб ўтиши эса тупроқ структурасининг бузилишига ҳайдов ости қатламининг зичланишига олиб келади. Бундан ташқари мавжуд технологиялар сўнги йилларда бутун жаҳонда кенг тарқалаётган тупроққа минимал ва авайлаб ишлов бериш талабларига мутлақо жавоб бермайди [2,3].

Тадқиқот услуби. Ўтказилган таҳлиллар [3,4,5] ҳамда олиб борилган тадқиқот натижалари асосида пахта етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилди (1-расм) [6,7].

Қуйидагилар комбинациялашган агрегатнинг асосий иш органлари ҳисобланади: тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатовчи юмшаткич, юмшатиш қатламга лентасимон усулда ўғитлаш учун ўғитлаш қурилмаси ҳамда юмшатиш ва ўғитланган қатлам устига пушта ҳосил қилувчи пушта олгичлар.




1-рама; 2-ўрнаткич; 3-чуқур юмшаткич; 4-пушта олгич;
5-ўғитлаш бункери; 6-ўғит солгич-тақсимлагич; 7-таянч ғилдираги

1- расм. Комбинациялашган агрегатнинг схемаси

Комбинациялашган агрегат юмшаткичи (2-расм) устун 1, бошмоқ 2 ва исқанасимон юмшаткичлардан иборат бўлиб, ўтган йилги эгат ичини 30-40 см чуқурликда юмшатиб кетиш учун хизмат қилади [5,6].

Юмшаткичнинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи асосий параметрларидан бири ишчи сиртининг узунлиги- $L_{ю}$ ни асослаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини келтирамиз.

Тадқиқот натижалари. Юмшаткич ишчи сиртининг узунлигини 2-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб топамиз. Шунини аниқ ва равшан айтиш мумкин юмшаткич ишчи сиртининг узунлиги $L_{ю}$ ни қиймати AD га тенг ёки ундан катта бўлиши лозим, яъни



2-расм. Юмшаткич ишчи сиртининг узунлигини аниқлашга доир схема

$$L_{ю} \leq AD. \quad (1)$$

Акс ҳолда, яъни $L_{ю} \leq AD$ бўлганда иш органи таъсири остида тупроқ етарли даражада деформацияланмайди ва унда ҳосил бўладиган кучланишлар критик чегарага етмаслиги натижасида тупроқ етарли даражада юмшатишмайди ва майдаланмайди.

Синуслар теоремасини қўллаб, AOD учбурчакдан қуйидагига эга бўламиз

$$\frac{AD}{\sin \psi} = \frac{AO}{\sin[180^\circ - (\alpha_{ю} + \psi)]}. \quad (2)$$

Бу ифодадан

$$AD = \frac{AO \sin \psi}{\sin(\alpha_{ю} + \psi)} \quad (3)$$

эканлиги келиб чиқади.

Схемадан $AO=S$ ҳамда $\psi = \frac{\pi}{2} - \frac{1}{2}(\alpha_{ю} + \varphi_1 + \varphi_2)$ эканлигини ҳисобга ва ҳамда (1) ифодаларни ҳисобга олиб, юмшаткич иш сирти узунлигини аниқлаш учун қуйидаги ифодага эга бўламиз


$$L_{ю} \geq \frac{S \cos \frac{1}{2}(\alpha_{ю} + \varphi_1 + \varphi_2)}{\cos \frac{1}{2}[\alpha_{ю} - (\varphi_1 + \varphi_2)]}. \quad (4)$$

Бу ифода (3) ифодани ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\begin{aligned} L \geq AD = 2 \left\{ [\tau_k] \left[b_{ю} \cos \frac{1}{2}(\alpha_{ю} + \varphi_1 + \varphi_2) + htg \left(\frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right) \right] \times \right. \\ \left. \times h \cos \frac{1}{2}(\varphi_1 + \varphi_2 - \alpha_{ю}) \cos \varphi_1 \right\}^{\frac{1}{2}} \times \left\{ mh^n \left(1 + K_V V_a \sin \frac{\alpha_{ю}}{2} \right) \times \right. \\ \left. \times b_{ю} \cos^2 \frac{1}{2}(\alpha_{ю} - (\varphi_1 + \varphi_2)) [\cos(\alpha_{ю} + \varphi_1) + \cos \varphi_2] \sin \alpha_{ю} \right\}^{\frac{1}{2}}. \quad (5) \end{aligned}$$

Бу ифодадан кўрииб турибдики, юмшаткич ишчи сиртининг узунлиги тупроқнинг физик-механик хоссалари, ишлов бериш чуқурлиги ҳамда иш тезлигига боғлиқ экан.

$[\tau_k]$, φ_1 , φ_2 , m , n ва K_V ларни юқорида келтирилган қийматларини [8] (5) ифодага қўйиб ҳамда $\alpha_{ю}=30^\circ$ қабул қилиб юмшаткич иш сиртини узунлиги ҳисобланди олинган натижалар асосида юмшаткич ишчи сирти узунлигининг ишлов бериш чуқурлиги ва тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиги қурилди (3-расм).



1- $V=1,5$ м/с; 2- $V=2,0$ м/с; 3- $V=2,5$ м/с ва 4- $V=3,0$ м/с

3-расм. Юмшаткич ишчи сирти узунлигининг ишлов бериш чуқурлиги (h) ва агрегат тезлиги (V) га боғлиқ равишда ўзгариш графиглари

Ўтказилган назарий тадқиқотлар ҳамда 3-расмдаги графигларни таҳлил этиб, агрегатнинг 1,5-2,0 м/с тезлигида эгат ичини 30-40 см чуқурликда юмшатиш учун юмшаткич ишчи сиртининг узунлиги камида 125 мм бўлиши кераклигини аниқлаймиз.

Хулоса.

1. Комбинациялашган агрегат юмшаткичи устун, бошмоқ ва исканасимон юмшаткичлардан иборат бўлиб, ўтган йилги эгат ичини 30-40 см чуқурликда юмшатиб кетиш учун хизмат қилади.

2. Ўтказилган тадқиқотларда, агрегатнинг 1,5-2,0 м/с тезлигида эгат ичини 30-40 см чуқурликда юмшатиш учун юмшаткич ишчи сиртининг узунлиги камида 125 мм бўлиши кераклиги аниқланди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Пахта етиштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган механизациялашган технологиялар тизими. Тошкент. –2011. –81 б.
2. Мамадалиев М.Х. Комбинациялашган агрегат юмшаткич параметрларини асослаш: Тех. фанлари ном. Илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореферати. –Тошкент, 2010 й. – 18 б.
3. Худоёров А.Н. Тупроққа ишлов беришнинг янги усули ва уни амалга оширувчи техник қурилма // ТошДТУ ХАБАРЛАРИ- Тошкент, 2007. – №4. –Б.59-64.
4. Худоёров А.Н. Комбинированный агрегат для минимальной обработки // Техника в сельском хозяйстве. Москва, –2009. – №6. –С.56-57.
5. Xudoyorov A.N., Mamadaliev M.X., Yuldasheva M.A., Muradov R.X. Power-efficient method of tillage and its technology model // European science review - Austria, 2017.- №1-2.- P. 212-214
6. Xudoyorov A.N., Mamadaliev M.X., Yuldasheva M.A., Muradov R.X. Power-efficient method of tillage and its technology model // European science review - Austria, 2017.- №1-2.- P. 212-214
7. Худоёров А.Н., Мамадалиев М.Х. Комбинациялашган агрегат юмшаткичининг параметрларини мақбуллаштириш // AGRO ILM. Тошкент, 2012. №3. - Б.50-52
8. Абдурахмонов Р.А. Обоснование параметров глубокорыхлителя для полосной обработки почвы: Автореф. дисс. ... канд.тех.наук. –Янгиюль, 2004 г. – 18 с.

УДК 631.312:631.51

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ТУПРОҚ МАЙДАЛАГИЧИНИНГ ФРЕЗАЛИ БАРАБАНИ ПИЧОҚЛАРИ ТОМОНИДАН КЕСАКЛАРНИ МАЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

М.А. Юлдашева-мустақил изланувчи,
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

Аннотация

Мақолада комбинациялашган агрегат тупроқ майдалагичининг фрезали барабани пичоқлари томонидан кесакларни майдаланиш жараёнини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Ўрмон хўжалиги плантациялари, комбинациялашган агрегат, тупроқ майдалагич, фрезали барабан, барабан пичоқлари.

ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССА ИЗМЕЛЬЧЕНИЯ ПОЧВЫ С ПОМОЩЬЮ НОЖЕЙ ФРЕЗЕРНОГО БАРАБАНА ИЗМЕЛЬЧИТЕЛЯ КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА

М.А. Юлдашева

Аннотация

В статье приведены результаты исследований кинематики процесса измельчения почвы с помощью ножей фрезерного барабана измельчителя комбинированного агрегата.

Ключевые слова. Плантации лесного хозяйства, комбинированный агрегат, измельчитель почвы, фрезерный барабан.

STUDY OF THE PROCESS OF GRINDING CLAY LUMPS BY MILLING DRUM BLADES OF COMBINED AGGREGATE SOIL GRINDER

M.A. Yuldasheva

Annotation. The article presents the results of a study of the process of grinding clay lumps by milling drum blades of combined aggregate soil grinder.

Keywords: Forest plantations, combined aggregate, soil grinder, milling drum, drum knives.

Кириш. Ҳозирги кунда Республикамизнинг кўп ҳудудларида ўрмон хўжалик плантацияларини ривожлантириш бўйича салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Ўрмон хўжалигида дехқончилик қилишнинг боғдорчилик ёки узумчиликдагига қараганда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўрмон хўжалигида ўтказилган дарахтлар қатор ораларининг кенглига боғдорчилик ва узумчиликдагига нисбатан асосан 2...5 баробарга кенг ҳисобланади. Шунинг учун дарахтлар қатор ораларидан фойдаланиш муддати боғдорчиликка нисбатан муддати кўп ҳисобланади. Бундай шароитга мослашган яъни салқинда ўсувчи ўсимликлар экилса, бу муддатни янада ошириш имконини беради.

Ҳозирги шароитда ўрмон хўжалик плантацияларида ноёб гуллар ва доривор ўсимликларни етиштириш самарали ҳисобланган учун, уларни экишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ноёб гул ва доривор ўсимликларнинг уруғлари жуда майда бўлиб, уларнинг ўлчамлари (энг кўпи) 1 мм дан 20...25 мм гача ўзгаради. Уруғлар қанча майда бўлса, улар учун тайёрланаётган ерларнинг тупроғини фракцион таркиби 10 мм дан катта тупрок фракцион таркиби 10% дан ортмаслиги керак [1]. Акс ҳолда майда уруғлар тупрок қатламини кўтариб чиқаолмайди.

Шунинг учун ўрмон хўжалиги плантацияларида ноёб гуллар ва доривор ўсимликларни етиштиришда ерларни экишга тайёрлаш технологияси ва уруғларни экишга алоҳида талаблар қўйилади.

Тадқиқот услуги. Ҳозирги кунда ўрмон хўжаликларида доривор ўсимликлар етиштириш плантацияларида ерларни тайёрлаш учун махсус агрегатлар ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ерларни тайёрлашда мавжуд агрегатлардан ёки уларни мослаштирилган вариантларидан фойдаланишга тўғри келмоқда. Бу эса ўз навбатида энергия сарфини ҳамда эксплуатацион харажатларни ортишига олиб келади. Ўрмон хўжалиги плантацияларида ерларга ишлов беришда агрегатлар кириш сонининг ортиши, тупрок структурасини бузилишига, яъни тупроқнинг қаттиқлиги ва зичлигини ортишига олиб келмоқда. Бу эса ўсимликларни илдиз тизимининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар ва тадқиқотлар ўрмон хўжалик плантацияларида ноёб гул ва доривор ўсимликлар етиштириш учун ерларни экишга тайёрлашда бажариладиган технологик жараёнларни агрегатнинг бир ўтишида амалга оширувчи комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўрмон хўжалик плантацияларини экишга тайёрлашнинг юқорида таъкидланган мавжуд ва таклиф этилаётган технологиялари ўзаро таққосланганда таклиф этилаётган технологияда ерларни бороналаш, молалаш ва пушта олиш тадбирлари ўтказилмаслиги туфайли меҳнат, энергия ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфининг сезиларли даражада камайиши, агрегатларнинг даладан ўтишлар сони кескин қисқариши (5-6 мартадан 3 мартагача) ҳисобига тупроқнинг ортиқча зичланмаслиги маълум бўлди.

Булардан ташқари ҳосил бўлаётган пушта тупроғини талаб даражасида майдаланиши ва юмшатилиши, тупроқнинг физик-механик хоссаларининг яхшилайди уруғларни униб чиқиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

Комбинациялашган агрегат кузда шудгорланган ва баҳорда чизелланган далаларга ишлов беради. Шу сабабдан фрезали барабаннинг пичоқлари иш жараёнида йўлида учрайдиган кесакларни улар томонидан бериладиган зарба ҳисобига майдалайди. Бунда кесакларни самарали майдаланиши учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим [2]

$$V_y \geq V_{кр}, \quad (1)$$

бунда V_y – фрезали барабан пичоқларининг кесакларга урилиш тезлиги, м/с;
 $V_{кр}$ – фрезали барабан пичоқларининг кесакларни майдаланишини таъминловчи критик урилиш тезлиги, м/с.
 Маълумки [2]

$$V_{кр} = [\sigma_{\text{ч}}] \sqrt{\frac{(J + mR^2)}{3EJ\rho(1 - k^2)}}, \quad (2)$$

бунда $[\sigma_{\text{ч}}]$ –берилган зарба таъсири остида кесакда ҳосил бўладиган кучланишларнинг чегаравий қиймати, Па;

J – фрезали барабаннинг инерция моменти, кгм²;

m – кесакнинг массаси, кг;


ρ – кесакнинг зичлиги, кг/м³;

k – кесакнинг тикланиш коэффициентини;

E – тупроқнинг эластиклик модули, Па.

(2) ифоданинг таҳлили шуни кўрсатадики, фрезали барабан пичоқларининг кесакларга критик урилиш тезлиги унинг параметрлари (J , R) ҳамда кесакларнинг массаси ва физик-механик хоссалари (m , $[\sigma_{\text{ч}}]$, E , ρ ва k) га боғлиқ.

Кесаклар фрезали барабан пичоқлари томонидан уларга бериладиган тик зарба ҳисобига майдаланади. Шундан келиб чиққан ҳолда 1-расмда келтирилган схема бўйича пичоқларнинг кесакларга тик урилиш тезлигини аниқлаймиз



1-расм. Тупроқ майдалагич фрезали барабан пичоқларининг кесакларга урилиш тезлигини аниқлашга доир схема

$$V_y = V_z = V_0 \cos \alpha_y = V_0 \cdot \frac{\sqrt{2Rh - h^2}}{R}, \quad (3)$$

бунда α_y - фрезали барабаннинг кесакларга урилгинча бурилиш бурчаги, градус;

h – фрезали барабаннинг ишлов бериш чуқурлиги, м.

(3) ифодани таҳлил этиб шуни таъкидлаш лозимки, (1) шартни бажарилиши ва демак кесакларни талаб даражасида майдаланиши асосан фрезали барабан айланма тезлигини тўғри танлаш ҳисобига эришилинади.

Хулоса. Комбинациялашган агрегат тупроқ майдалагичининг фрезали барабани пичоқлари иш жараёнида пушта тупроғи кесакларини уларга бериладиган зарба ҳисобига майдалайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Худойбердиев Т.С., Худоёров А.Н., Юлдашев М.А., И.А. Назиржонов, Д.Худойназаров “Ўрмон хўжалик плантация ерларни экишга тайёрлашни ҳозирги ҳолати ва таклиф этилаётган янги технологияни”, “Аграр соҳани истиқболли ривожлантиришда ресурс тежовчи инновацион технологияларда самарарали фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуман материаллари тўплами, Андижон-2019й. Б.4-9.

2.Синеков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. –М.: Машиностроение, 1977. -328 с.

УЎТ: 631.542.25

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШДА ТИК ЗОВУРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОНИТОРИНГИ

А.Хожиматов, к.т.н., доцент, Д.Хусанов, Ф. Абдулҳақов
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали, Андижон

Аннотация

Мақолада суғориладиган ерлардаги фаолияти тўхтаб қолган тик зовурларнинг таъмирлаш ишларининг самарадорлиги ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: Мелиорация, ерларнинг мелиоратив ҳолати, тик зовурлар, ер ости сувлари, фильтр, босимли ва босимсиз зовурлар.

МОНИТОРИНГ РАБОТЫ ВЕРТИКАЛЬНЫХ ДРЕНАЖЕЙ ПРИ МЕЛИОРАЦИИ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ

А.Хожиматов, к.т.н., доцент, Д.Хусанов, Ф. Абдулҳақов

Аннотация

В статье описаны эффективность проведённых работ по ремонту недействующих вертикальных дренажей на орошаемых землях.

Ключевые слова: Мелиорация, мелиоративное состояние земель, вертикальные дренажи, подземные воды, фильтр, напорные и безнапорные дренажи.

MONITORING THE OPERATION OF VERTICAL DRAINAGE DURING RECLAMATION OF IRRIGATED LANDS

A.Khozhimatov, Ph.D., D.Khusanov, F. Abdulxagov

Abstract

The article describes the effectiveness of the work carried out to repair inoperative vertical drainage on irrigated lands.

Key words: Land reclamation, land reclamation condition, vertical drainage, groundwater, filter, pressure and non-pressure drainage.

Кириш: Мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳисобига кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 149,4 минг гектарга камайди. Сизот сувлар ер юзасига яқин жойлашган майдонлар эса 302,9 минг гектарга қисқарди. 897 минг гектардан кўпроқ ернинг мелиоратив ҳолатини сақлаш чора-тадбирлари кўрилиб, суғориладиган 1,3 миллион гектардан кўпроқ ерларнинг сув таъминоти яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#) билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Унга кўра 2019 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан қарийб 1,7 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 84 миллион доллар миқдоридagi маблағини йўналтириш режалаштирилди. Келгуси икки йилда эса 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти барқарорлаштирилади, йилига 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежаллади ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади [1].

2018-2019 йилларда ирригация тармоқларини ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастурига мувофиқ ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини кум босишига қарши 3 минг гектарга

яқин майдонда ихота дарахтзорлар барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган. Дастурга кўра, шунингдек, 1086 километр узинликдаги каналлар ўзанлари бетон билан қопланиб, 661 километр лотоклар янгидан бунёд этилиши, шунингдек, 109 та йирик гидротехник иншоот қурилиши ва янги насос станциялари ўрнатилиши кўзда тутилган. Пировардида 1 миллион 200 минг гектар ернинг сувга эҳтиёжи маромига келтирилади [2].

Мазкур ишда Наманган вилояти Наманган туманидаги тик зовурларни бириктирилган мелиоратив жихатдан ёмон ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги фаолияти мониторинги натижалари ёритилган.

Тадқиқот услуби ва объекти: Наманган вилояти туманларидаги мелиоратив вертикал дренаж қудуқлари 605 гектар мелиоратив ҳолати ёмон, ботқоқлашган ерларда жойлашган. Объект Наманган туманидаги 5 та фермер хўжалиқларининг майдонларидан иборат. Кўзда тутилган фермер хўжалиқлари ерларидаги мавжуд вертикал дренаж қудуқлари қониқарсиз ҳолатда бўлиб, улардан иккитаси янгидан қуриладиган ва учтаси тўла таъмир талабдир.

Янгидан қурилиши талаб этилган **1-тик қудуқ** “Иждокор” СИУ худудидаги “Барака” фермер хўжалиғи ерларида бўлиб, у Наманган тумани марказий қисмида “Янгичи” қишлоғидан 1 км узоқликда жойлашган, **2-тик қудуқ** “Ғайрат” СИУ худудидаги “Бектемир саховати” фермер хўжалиғи ерларида бўлиб, у Наманган туманининг шарқий қисмида “Бектемир” қишлоғидан 1 км узоқликда жойлашган. Қайта жиҳозлаш зарур бўлган **06-02-06 қудуғи** “Ўзбекистон” СИУ худудидаги “Толибжон” фермер хўжалиғи ерларида бўлиб, у Наманган туманининг жанубий ғарб қисмида “Тепакўрғон” қишлоғи худудида, **06-02-17 қудуғи** “Тепакўрғон” СИУ худудидаги “Жасурбек” фермер хўжалиғи ерларида бўлиб, у Наманган туманининг жанубий ғарб қисмида “Инжир” қишлоғи худудида, **06-02-20 қудуғи** “Иждокор” СИУ худудидаги “Ботир Исаев” фермер хўжалиғи ерларида бўлиб, у Наманган туманининг марказий қисмида “Ҳонобод” қишлоғи худудида жойлашган.

Мониторинг кузативи натижасида қудуқнинг чуқурлиги етарли эмаслиги, фильтр қисми талабларга жавоб бермаслиги, санитар худуди йўқлиги, сув кўтарувчи ҳамда сув узатувчи қувурларни янгилаш кераклиги аниқланди. Ерларни мелиоратив ҳолатини, суғориладиган ерлардан ер ости сувларини оқиб чиқиб кетишини яхшилаш мақсадида 60 м лик чуқурликда янги қудуқ қовланиб, фильтр қисмини талаб даражасига жавоб берадиган қилиб бажарилди, сув кўтарувчи ҳамда сув узатувчи диаметри 168x6 мм бўлган қувурлар, қудуқни қўриқловчи худудни ўраш, суғориш тармоғидан ўтадиган йўлга Г-симон шаклдаги плиталардан кўприк қуриш ишлари амалга оширилди.

Объектнинг табиий шароитлари. Қайта жиҳозланган суғориладиган майдонлар геологик тузилиши жихатдан неоген ва қадимий-чорак даврининг бошланишига тўғри келадиган ёшдаги емирилувчи-аккумулятив хилдаги рельефга мос бўлиб, Норин ва Сирдарёнинг замонавий водийлари адиролди текисликларидан иборат.

Текисликнинг нишоблиги шимолдан жанубга қараб 0,012 ни ташкил этади.

Литологик тузилиш нуқтаи назаридан ўрганилаётган объект шағал ётқизикларидан иборат бўлиб, уст қисми 6 м дан 13 м гача қалинликдаги соғтупроқлар билан қопланган. Ер сатхининг белгиси 386 м дан 493 м гачани ташкил этади.

Об-ҳавонинг ўзига ҳос хусусиятлари: иссиқ ҳавонинг узоқ муддат (йилда 9-10 ой) туриши ва қишда энг паст об-ҳавонинг мутлоқ пастлаб кетмаслиги, ёғингарчилик миқдорининг оз бўлиши (182 мм/йил), намликнинг юқори даражада етишмаслиги ва буғланишнинг ортиқлиги (1116 мм/йил). Йил ичида ёғингарчилик бир текисда тарқалмаган. Энг кўп намланган давр ноёсув даврига тўғри келади - 105 мм. Энг кам намланган давр ўсув даврига тўғри келади - 67 мм. Энг кам ёғингарчилик август-сентябр ойларига тўғри келади - 3-2 мм. Йиллик ўртача ҳаво ҳарорати +13,4⁰ С. Шамолнинг асосий йўналиши шимолий, жанубий-шарқий ва жанубий-ғарбий румбларда.

Тадқиқот натижалари: Сизот сувларнинг йиллик оқимини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилди. Гидрологик маълумотлар асосида тик зовурнинг дебити аниқланади (м³/сут), гидромеханик жиҳозлар ва зовурнинг ўлчамлари танланади Заҳоб

сувлар сатҳи ишлатиш давомида (310кун) Н=10м қабул қилинади. Геологик қирқимдан аниқландики, мелиоратив скважиналар тугалланмаган босимсиздир.

1. Тугалланмаган босимсиз скважиналарнинг дебитини ҳисоби қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = \frac{K(2HS_o)S_o}{0,73Lg\left(\frac{R}{r_o}\right) + 0,217E_o}$$

2. Тугалланган босимли скважиналарнинг дебитини ҳисоби қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = \frac{KHS}{0,366Lg\left(\frac{R}{r}\right)}$$

бу ерда: К- сувли қатламнинг фильтрация коэффиценти, м³/сут; Н-сувли қатламнинг қалинлиги, м; S_o- лойиҳавий пасайиш, м; R-қудуқнинг таъсир радиуси, м; r-қудуқни бурғулаш радиуси, мм.

3. Босимсиз ва босимли скважиналарнинг таъсир радиуси қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$R = 2S\sqrt{KH}; \quad R = 10S\sqrt{K}.$$

4. Скважинанинг филтрловчи қисмини узунлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$L_{\text{филт}} = \frac{1,2Q_{\text{max}}}{3,14D_{\text{қудуқ}} V_{\text{й.к.}}}$$

бу ерда: Q_{max} –скважинанинг максимал дебити, м³/сут; D_{скв} – скважинани бурғулаш диаметри, м; V_{й.к.} = (90÷120)х√K_{филт}; K_{филт} - сувли қатламнинг фильтрация коэффиценти, м³/сут.

5. Филтрнинг ғоваклиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$n = \frac{nF_o}{p_i DL_{\phi}} 100\%$$

бу ерда: n- тиркичлар сони; F_o - тиркичлар юзаси; D - филтрнинг ташқи диаметри; L_φ -филтр узунлиги.

6. Филтрнинг лойиҳавий дебити формула орқали аниқланади:

$$Q = FV_{\phi}; \quad F = p_i DL_{\phi}; \quad V_{\phi} = 36\sqrt{K}$$

Ҳисоблашлар натижалари

Сква-жина рақами	Фермер хўжаликлари номи	Сква-жина чуқурлиги, м	Филь-тра-ция коэф., м ³ /сут	Ҳисо-бий пасайиш, м	Таъ-сир ради-уси, м	Скважинанинг дебити		Изох
						хисобий	ишла-тиш	
Наманган тумани								
1	“Барака”	60	26	11	561	67,7	44,4	
2	Бектемир саховати	60	23	14	806	55,2	44,4	
06-02-06	Толибжон	60	қайта бурғулаш				11,1	
06-02-17	Жасурбек	60	11,4	20	936	41,5	33,3	
06-02-20	Ботир Исаев	60	26	11	635	51,3	44,4	

Хулосалар: Амалга оширилган тадбирлар натижасида ер ости заҳоб сувларининг пасайиши натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолатига яхшиланиб, қишлоқ хўжалик экинларидан олинadиган қўшимча маҳсулотлар миқдори ўртача 3-5% га ортиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид ДАВЛАТ ДАСТУРИ”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#).

2. “Тириклик манбаи, бебаҳо бойлик”. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 21 апрел, №80(7038)

УДК 631.542.25

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДОЛГОВЕЧНОСТИ ЗАКРЫТОГО ГОРИЗОНТАЛЬНОГО ДРЕНАЖА

Хожиматов А., к.т.н., Хусанов Д., Абдулхаков Ф.,
Андижанский филиал ТДАУ, г. Андижан, Узбекистан

Аннотация

Дренаж является одним из эффективных способов, обеспечивающих улучшение состояния орошаемых земель. Эффективность его работы зависит от качества устройства, а затем режима эксплуатации. В статье дано описание технологии строительства закрытого горизонтального дренажа в условиях аридной зоны Узбекистана.

Ключевые слова: закрытый горизонтальный дренаж, мелиорация, грунтовые воды, залегание грунтовых вод, дренажная линия, соединительные узлы, глубина заложения.

ENSURING DURABILITY OF A CLOSED HORIZONTAL DRAINAGE

Khojimatov A., Ph.D., Khusanov D., Abdulkhakov F.,

Abstract

Drainage is one of the effective ways to improve the condition of irrigated lands. The effectiveness of its operation depends on the quality of the device, and then the operating mode. The article describes the construction technology of closed horizontal drainage in the arid zone of Uzbekistan.

Key words: closed horizontal drainage, land reclamation, groundwater, groundwater bedding, drainage line, connecting nodes, laying depth.

Несмотря на большое количество технических решений, направленных на повышение эффективности конструкций дренажных труб и других дренажных элементов, в мелиоративной практике часто наблюдают прекращение или различную степень снижения их функционирования, в результате чего снижается надежное гидрологическое действие закрытого дренажа. Причина заключается в применении для устройства дренажа дренажных элементов с разным сроком службы. Дренажные элементы с небольшим сроком службы, выходя из строя чаще, требуют проведения ремонтных работ или даже проведения реконструкции дренажной системы в целом.

В мелиоративной практике для соединения труб дренажной линии известно применение разнообразных конструкций соединительных элементов, изготовленных из различных материалов. Соединительные узлы подразделяют на две группы: надвигающиеся на наружную поверхность труб (насадки, тройники) и вставляемые внутрь полости дрены (муфты, втулки, угольники, заглушки, водоприемные соединительные устройства). Муфты изготавливают из полиэтилена высокой и низкой плотности с добавлением вторичного сырья. Муфты на основе полимерных смол изготавливают из фрезерного торфа, керамзита, древесных опилок, соломы, минеральной ваты, стеклоткани, нитрокапроновой ткани, джутовой мешковины толщиной 2...3 мм [1], [2], [3].

Материалы, применяемые для дренажных работ, должны быть устойчивы к колебаниям температуры воздуха и механическому давлению почвогрунта, а также к воздействию почвенно-грунтовых вод, корневой системы растений и микроорганизмов. Применяют естественные и искусственные ЗФМ, в мелиоративной практике - преимущественно последние. Более высокой прочностью, чем стеклохолст, обладает

нетканое иглопробивное полотно. Находят применение соединительные муфты - внутренние и наружные, переходники для соединения труб различных диаметров и др. [4].

Несмотря на большое количество технических решений, направленных на повышение эффективности конструкций дренажных труб и других дренажных элементов, в мелиоративной практике часто наблюдают прекращение или различную степень снижения их функционирования, в результате чего снижается надежное гидрологическое действие закрытого дренажа. Причина заключается в применении для устройства дренажа дренажных элементов с разным сроком службы. Дренажные элементы с небольшим сроком службы, выходя из строя чаще, требуют проведения ремонтных работ или даже проведения реконструкции дренажной системы в целом.

Задача, решаемая данным изобретением, заключается в обеспечении долговечности закрытого дренажа и надежного его гидрологического действия в процессе эксплуатации в течение как минимум нормативного срока службы дренажных труб.

Технический результат, полученный от решения поставленной задачи, заключается в обеспечении проектной интенсивности осушения почвогрунтов и расширенного воспроизводства плодородия почвы в течение срока службы дренажных труб, в снижении затрат на текущий или капитальный ремонт элементов горизонтального трубчатого дренажа или реконструкцию дренажной системы в целом, а также в снижении затрат на восстановление плодородия почвы, нарушенного при проведении этих работ, в обеспечении условий для реализации точного земледелия на конкретном поле.

Поставленная в статье задача решена тем, что способ повышения долговечности закрытого горизонтального трубчатого дренажа, включающего скрытые под слоем почвогрунта элементы: дренажные трубы с нормативным сроком службы, соединительные детали, защитно-фильтрующие материалы, присыпку труб, объемные фильтры и засыпку траншей, заключается в том, что закрытый горизонтальный трубчатый дренаж выполняют с использованием элементов, нормативный срок службы которых не ниже нормативного срока службы основного элемента - дренажных труб.

В результате использования элементов дренажа, отвечающих предъявляемым требованиям, достигается ожидаемый технический результат. При этом под сроком службы понимают календарную продолжительность эксплуатации дренажных труб от даты ввода дренажной системы в эксплуатацию до наступления предельного состояния, оговоренного в технических условиях на трубы.

Список литературы

1. Нетреба Н.Н. Технология дренажных работ. - Л.: Колос. Ленингр. отд-ние, 1982. - С.12...20;
2. Севриков А.А., Гладышев С.В. Технология мелиоративных работ в Нечерноземье. - Л.: Колос. Ленингр. отд-ние, 1984. - С.118...122;
3. Гулюк Г.Г. и др. Руководство по мелиорации полей / Под общ. ред. В.И.Штыкова. - СПб: Изд-во Политехн. ун-та, 2007. - С.82, 96...97.
4. Артемьева З.Н., Елизаров Б.А., Лукашенко П.К. Организация и технология дренажных работ. - Л.: Агропромиздат. Ленингр. отд-ние, 1988. - С.48...59.

УДК 631.3:627.747(575.2)

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ТОШЛАРДАН МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН УСУЛДА ТОЗАЛАШНИ ТЕХНИК- ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ

А.Р.Муратов Ph.D, доцент, С.Меликузиев ассистент,
ТИҚХММИ

Аннотация

Мақолада фермерхўжаликлари томонидан фойдаланиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳайдаладиган қатламдаги тошларни териб олиш орқали яхшилаш технологияларини ҳамда техник воситаларини яратиш ва суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатига таъсир қиладиган табиий, агротехник, ирригация, дехқончилик ва бошқа тадбирлар моделини яратиш орқали, тиркама техник воситалар конструктив, технологик

параметрларини техник-иқтисодий асослаш методикасига бағишланган. Мақолада янги технологияни тадқиқ қилиш масалалари келтирилган.

Калит сўзлар: Суғориладиган ерлар, тошлар, технология, техник воситалар, мелиорация, механизация.

FEASIBILITY STUDY FOR MECHANIZED CLEANING OF IRRIGATED LANDS

AR Muratov, Ph.D., S.Melikuziev.

Abstract

The article gives an analysis of existing technologies and technical means of mechanization of harvesting stones from the arable layer. The prognostic conditions of stony and clogging of perennial plants for 201045 ha are given. Irrigated lands and 4.5 million hectares of the Bagan lands of the Ferghana and Zeravshan valleys. The technique of technical and economic evaluation of constructive, technical and technological parameters of stone cleaning technology from arable layer of irrigated land is given, taking into account the granulometric and bulk state of the stones.

Keywords: Irrigated lands, stones, technology, technical means, reclamation, mechanization.

ТЕХНИКО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ДЛЯ МЕХАНИЗИРОВАННОЙ ОЧИСТКИ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ

А.Р. Муратов.

Аннотация

В статье даны анализ существующих технологий и технических средств механизации уборки камней из пахотного слоя. Приведены прогнозные состояния каменистости и засорения корнями многолетних растений на 201045 га. орошаемых земель и 4,5 млн. га багарных земель Ферганской и Зеравшанской долин. Приведена методика технико-экономической оценки конструктивных, технических и технологических параметров технологии уборки камней с пахотного слоя орошаемых земель, с учетом гранулометрического и объемного состояния камней.

Ключевые слова: Орошаемые земли, камни, технологии, технические средства, мелиорация, механизация.

Кириш. Кўп йиллик деҳқончилик фаолияти натижасида, Фарғона ва Зарафшон водийларида, турли хил сабаблар ва шу жумладан ирригация эрозияси натижасида 201 минг гектарга яқин суғориладиган ерлар ва 4,5 миллион гектар лалмиерларнинг тош билан ифлосланганлигидан ҳосилдорлик ва қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бошқа шарт-шароитларига салбий таъсиридан фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигинг пасайиши, яйловларнинг чўлланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ерлари ҳайдаладиган қатламини тошлардан тозалаш мавжуд технологиялари ва техник воситалари тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, техник иқтисодий жиҳатдан асосланган, рақобатбардош технологиялар Ўзбекистонда яратилмас экан ёки чет элдан сотиб олинмаса муаммони ечиш долзарблиги сусаймайди. Шунинг учун фермер хўжалик ерлари ҳайдаладиган қатламидан тошларни териб олиш янги технологиялари ва техник воситаларини, энергия ва материалталаблик бўйича баҳолаш (солиштириш) методикасини яратиш бўйича, технологик режимлари оптимал кўрсаткичларини таъминлашга хизмат қиладиган, янги технологик схемаларини ва конструктив параметрларини техник-иқтисодий солиштириш ва асослаш бўйича илмий тадқиқотлар ТИҚХММИда ва ИСМИТИда амалга оширилиб келинмоқда.

Тадқиқот услубиёти. Тошли ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш технологияси оптимал параметрларини асослаш мисолида комплекс мелиорацияни ($M_{ком}$) амалда бажариш ва шўрланган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш анъанавий агротехник усуллари, ташкилий-техник тадбирлари ва мелиоратив ишларни механизациялаш методлари йиғиндисини ифодаловчи блок модели кўринишида, параметрларнинг якуний натижага таъсири бўйича сараланган мажмуини ҳисобга олиб, қуйидаги функция кўринишида ифодалаш мумкин.

$$M_{\text{ком}} = f(M \cdot I_{\text{дек}} \cdot D_{\text{и}} \cdot T_0 \cdot H_{\text{ер.ост.}} \cdot M_{\text{туз}} \cdot T_{\text{тош}} \cdot \check{U}_{\text{томир}} \cdot A_{\text{тех}}) \quad (1)$$

Бу ерда, M -маҳаллий шароитлар- ер майдонининг нишаблиги, тупроқ зичлиги, шўр ювиш, суғориш техникаси тури, тупроқ тури ва х.о; $I_{\text{дек}}$ - дехқончилик ишлари интенсивлиги; T_0 -ҳаво температураси; $D_{\text{и}}$ -деҳқончилик ишлари давомийлиги-алмашлаб экиш даврийлиги, муддатлари $H_{\text{ер.ост.}}$ - грунт сувлари жойлашган чуқурлик; $M_{\text{туз}}$ -тупроқ шўрланиш даражаси; $T_{\text{тош}}$ -ҳайдаладиган қатламда тошнинг 1м^2 юзага тўғри келадиган солиштирма ҳажми, фракцион таркиби; $\check{U}_{\text{томир}}$ - ҳайдаладиган қатлам грунтининг дағал пояли ўсимликлари томирлари билан ифлосланиш солиштирма кўрсаткичи; $A_{\text{тех}}$ -қўлланиладиган агротехник тадбирлар характерли параметрлари- ҳайдаш чуқурлиги, қатор ораларига ишлов бериш сони, кимё, минерал ўғитларни экинга бериш усуллари ва техникаси.

Тупроқ, агротехника ва иқлим шароитлари маълумбўлган далаларни тошлардан тозалаш, аниқ шароитга мослаштирилган (оптималлаштирилган) моделини шакллантириш, реал шароит учун танланган агротехник усуллар, муаян дала учун танланган ташкилий-техник тадбирлардан ташқари бўлганларини, лекин умумий кўринишда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари модели (1) таркибига киритилганларини кейинчалик қортиқча бўғимлар сифатида чиқариб ташлаш ва белгиланган давомийлик ёки потенциал давомийликкача моделни қисқартириш йўли билан амалга оширилади. Бунда, номалум сабабларга кўра тадбирлари модели (1) таркибига киритилмаганлари аниқланса, моделни такомиллаштириш жараёнида қўшиб қўйилади.

Натижалар. Реал шароитлари параметрлари маълум бўлган суғориладиган майдонларни тошлардан тозалаш сараланган мажмуини ҳосил қилиш учун тадқиқот объекти шароитлари таҳлил қилинади, натижада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида тошлардан тозалаш технологиясига талаблар тузилмасини аниқловчи омиллар намоён бўлди:

X –ҳудудий табиий омил: кўпгина иқлимий, гидрогеологик ва дехқончилик ишлаб чиқариш шароитлари;

$$X = f(M \cdot I_{\text{дек}} \cdot D_{\text{и}} \cdot T_0 \cdot H_{\text{ер.ост.}})$$

Э –атроф муҳит муҳофазаси талабига риоя этиш омили: ишлов берилаётган материаллар ва муҳитнинг, тупроқ – грунт зичлигининг, тошлилиги, тошларнинг фракцион таркиби ва улар жинсларининг кўплиги;

$$\text{Э} = f(M_{\text{туз}} \cdot T_{\text{тош}} \cdot \check{U}_{\text{томир}})$$

C – функционал вазифаси: бажариладиган операциялар кўплиги.

$$C = f(A_{\text{тех}})$$

Сараланган мажмуида тадқиқот қилинаётган технологиялар ўрнини (танланган дала учун муҳимлигини) ва унинг алоҳида гуруҳли белгиларини аниқлаш, ишларни ташкил этиш ва илдиз тарқалган қатлам чуқурлигида операцияларни бажариш, тош териш жараёнига қўйилган талаблардан келиб чиқиб бажарилади. Барча турдаги ишларни тўлиқ механизациялашни таъминлаш, тупроқнинг кўтариш қобилиятига ишчи жиҳозлар ва машиналар юриш тизимининг солиштирма босимини мос қилиб танлаш йўли билан амалга оширилади.

Яқуний маҳсулот кўрсаткичлари (янги агроландшафт, мелиорацияланган, алмашлаб экиладиган майдонлардаги ҳосилдорлик) механизациялашган усулда ўтказилган барча турдаги мелиоратив тадбирлар ва уларнинг босқичларидаги ишларни бажаришга тизимли ёндошув натижасида эришилиши мумкин бўлади.

Бизнинг ҳолатда тизимли ёндошувга, технологик жараёнлар, техник воситаларга эксплуатация хизматини кўрсатиш бўйича тайёргарлик, асосий мелиоратив ишлар ва ёрдамчи ишларни ташкил этиш усуллари ва схемалари, шунингдек, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ерларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш оборотига киритиш бўйича, ҳарбосқичдаги тадбирлари узлуксизлиги шартидан келиб чиқиб, кўзланган натижаларга эришилади [1,2,3].

Тошли ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини (жараёнларини) механизациялашнинг номунавий тармоқли (сетевой) модели кейинчалик маҳаллий шароитлар талабларидан келиб чиқиб, ортиқча боғламларни чиқариб ташлаш ва белгиланган давомийлик ёки потенциал давомийликкача моделни қисқартириш йўли билан текширилади.

Таклиф этилаётган тармоқли модель умумий кўринишда 12 та йирик ишлар блокидан (И1...И12) ташкил топиб, уларнинг таркибига ўсимликларни етиштириш бўйича аниқ тадбирларни, зарур инфратузилмани яратган ҳолда тошли ерлар мелиорацияси ва улар ҳолатини яхшилашни тавсифловчи қатор блок ости тадбирлар (ишлар) киради.

Тошли ерларда ишларни механизациялашнинг тармоқли модели куйидагилардан ташкил топади: И₁ – тошга таъсир этган ҳолда (плуглаш, чизеллаш ва ҳ.о.) тупроққа ишлов берувчи қишлоқ хўжалик блоки, И₂ – агромилиоратив жараёнлар блоки, И₃ – гидротехник жараёнлар блоки, И₄ – инженерлик биологик мелиорация блоки, И₅ – инженер-техник жараёнлари блоки, И₆ – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тайёргарлик-технологик жараёнлари блоки, И₇ – ҳайдаладиган қатламдан тошларнитозалаш блоки, И₈ – териб олинган тошларни дала чегарасидан ташиб кетиш жараёнлари блоки, И₉ – ҳудудни мелиоратив ўзлаштириш (ирригация ва мелиорация тизимларига хизмат кўрсатиш) блоки, И₁₀ – экинларни суғориш ва йиғиштириш жараёнлари блоки, И₁₁ – омборгача ташиш ва сақлаш жараёнлари блоки, И₁₂ – назорат – ташхис жараёнлари блоки.

Ишларнинг тармоқли модели ерларнинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш (тошдан, томрдан тозалаш, ер ости суви сатҳини пасайтириш, тупроқ шўрланганлигини камайтириш ва ҳ.о.) тузилмаларининг мезонлари ва таснифларида қабул қилинган ва (1) ифода орқали келтирилган бош мажмуи, тошли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича сараланган тадбирлар мажмуи учун асос сифатида қабул қилинади [2,3].

Юқоридагилар билан бир қаторда, тадқиқот объектнинг блокли модели, умумлаштирилган тармоқ моделини (УТМ ни) яратиш принципида шакллантирилади, бу ўз навбатида, тошли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мослаштирилган моделни куриш ва мавжуд номунавий УТМ ни қўллаш имкониятини яратади ҳамда ҳисоб-китобларни бажариш вақтини қисқартириш имконини беради.

Тармоқли моделни куришда, моделлаштириш объектлари сифатида, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари комплекси (гидромелиоратив иншоотлар курилиши бўйича, ерлар мелиорациялаш турларини қўллаш бўйича, дала майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, лазерли текислаш ва керакли инфратузилмани барпо этиш) олинади.

Мелиоратив ҳолати яхшиланадиган ер майдони шароитини тўғри тавсифлаш ва ишларни механизациялаш техник воситалари, операциялари ҳамда технологияларини қўллаш мақбул вариантларини танлашда (машиналар ва технологиялар параметрларини ишларни комплекс механизациялаш мезонлари асосда танлаш) бошланғич маълумотлар базасида, тажриба қийматларида, улар ўртачасидан кескин фарқланадиган қийматлар мавжудлиги ҳисобга олинади ва тасодифий катталиклар экстеримал қийматларининг тақсимланишини кўринишида ифодаланади:

Максимал қийматлар учун

$$f(x) = \delta^{-1} \exp[-(x - \mu)\delta^{-1} - \exp\{-(x - \mu)\delta^{-1}\}] \quad (2)$$

Минимал қийматлар учун

$$f(x) = \delta^{-1} \exp[(x - \mu)\delta^{-1} - \exp\{-(x - \mu)\delta^{-1}\}] \quad (3)$$

бу ерда: $f(x)$ - мос равишда тасодифий катталикларнинг математик кутилиши ва ўртача квадратик оғиши.

Тошли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш технологияси блокли моделида тизимлилик, операциялар кетма-кетлиги иерархик тузилмаси кўринишида ифодаланади.

Ишлаб чиқиладиган янги технологияни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги унинг иқтисодий самарадорлиги билан белгиланади [1,2].

Бу кўрсаткич янги машина ва технологияларни яратишда асосийлардан бири бўлиб ҳисобланади. Янги технологиянинг энг яхши тежамли варианты, бошқа вариантлар билан таққослаганда энг катта иқтисодий самарадорликни таъминлайдигани ҳисобланади.

Ўзаларни зараркунанда ва касалликларидан кимёвий ҳимоя қилиш учун ҳозирги қўлланилиб келинаётган паст самарали технология ва техник воситалардан воз кечиб, юқори самарали кимёвий ишлов бериш технологиялари ва пуркагич техник воситаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишни тақоза қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзаларни ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг таннархини пасайтириш учун уларга кимёвий ишлов беришда агротехник талабларга жавоб берадиган янги юқори самарали технологиясини асослаш ва уни аниқ бажарадиган тиркама штангали пуркагични яратишдан иборатдир


Тадқиқот услубияти. Тадқиқот жараёнида тиркама штангали пуркагични назарий жиҳатдан асослашда назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда ва (ЎзРХ 63.06-98 ва ГОСТ 24055-80, TSt 63.02.2001, TSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган [4,5,6].

Тадқиқот натижалари: Ўзаларга кимёвий ишлов беришни янги юқори самарали технологияни асослаш ва уни аниқ бажарадиган тиркама штангали пуркагични илмий асосда технологик ишлаш жараёнини ишлаб чиқиш ва шу асосда уни макет намунасини тайёрлаш лозим.

Юқорида қўйилган муаммони ҳал қилишда биз яратган янги юқори самарали технологияни асосида ўзаларни зараркунанда ва касалликларига қарши кимёвий ишловлар бериш ва дефолиация қилиш тадбирларини бажаришни таклиф қилмоқдамиз.

Яратган янги технология асосида ўзаларни бор бўйига (баландлиги бўйича) ёки уларни яруслари (пастки, ўрта, юқори қисмлар) бўйича, уларга параллел ва яқин масофадан (0.5 метр) распилителлар бир хил меъёردа тўғридан тўғри ўсимлик барглари хамма томонига аниқ ва манзилли пуркаб кимёвий ишлов берилади. Бунда, ўзани бор бўйига ёки яруслари бўйича берилган меъёрдa суюлтирилган кимёвий препаратни юқорида келтирилган янги агротехнология асосида ҳар бир распилител суюқликни 90 градусга ёйиб пуркашни аниқ ва манзилли амалга оширади.

Ўзаларга кимёвий ишлов беришни янги юқори самарали технологияси ва уни аниқ бажарадиган тиркама штангали пуркагични ишлаш технологик жараёни ишлаб чиқилди ва унинг технологик схемаси қуйида келтирилган (1-расм).



1-рама; 2-горизонтал штанга; 3-сигим; 4-гилдираклар; 5-вертикал штангалар; 6-распилителлар.

1-расм. Тиркама штангали пуркагични умумий кўриниши.

Тиркама штангали пуркагичнинг технологик чизмаси асосида унинг қисмлари ва яратган янги агротехнология техник топшириқлар тузилди ва Ўзбекистон Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказида тасдиқланди ва чоп этилди.

Тиркама штангали пуркагич ғўза қатор оралиғи бўйича ҳаракатланишида, қатор оралиғида ғўзаларга тўлиқ ёки яруслар бўйича икки томонлама ғўза баландлигида берилган меъёр бўйича кимёвий ишлов бериб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, таклиф қилинган янги агротехнология асосида ғўзаларга тўлиқ қамровли ва тежамкорлик билан кимёвий ишлов берилишни бажарилади.

Дефолиация агротехник тадбирларини юқори савияда бажарилиши пахтани машинада теришда яхши имкон яратади ва терилган пахтанинг сифати юқори бўлишига эришилади.

Ќўзани яруслар бўйича кимёвий ишлов бериш бу янги технология бўлиб, биринчи бўлиб қўлланилмоқда.

Тиркама штангали пуркагичга фойдали модел патентини беришга ижобий хулоса олинган.

Тиркама штангали пуркагичга юқорида аниқланган параметрлари асосида компьютерда AutoCAD дастурида конструкторлик чизмалари ва техник ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва уни тажрибавий намунаси ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса

Ќўзаларга баландлиги ёки уларни яруслари бўйича бир хил белгиланган меъёрда яқин масофадан икки томонлама кимёвий препаратлар билан тўлиқ қамровли ҳажмий ишлов беришни янги технологияси яратилди, шу асосида ишлайдиган тиркама штангали пуркагичи лойиҳаланди ва уни тажрибавий намунаси ишлаб чиқилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Мевали дарахтлар зараркунандалари ва касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чоралари./ Очиллов Р.О., Бобобеков Қ., Сағдуллаев А. ва бошқалар. // Тошкент. Фан, 2010, 60 б.
2. Джураев Д., Халилов М.С., Уришов А.Э., PJG`-10 универсал осма пуркагичи талаб қиладиган кувватини назарий аниқлаш. ТИҚХММИ. Тошкент. IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA. Ж. Махсус сон. 2018. Б.97-101.
3. Джураев Д., Эргашев А.Ч. Ќўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликларига кимёвий ишлов беришда ОВХ-600 пуркагичида бўлган муаммолар. Профессор – ўқитувчиларнинг илмий амалий конференцияси тўплами (22-23 июн 2012) QarMII, Қарши 2012, Б 213-217

4. Протокол 5-2008 типовых испытаний технических насадок для защиты сельскохозяйственных культур к опрыскивателю ОВХ-600. Ташкент 2008. 32 с.

5. Ўз.РХ 53.06-98 “Пуркагич ва чанглатгич” Синов дастури ва услуги, Тошкент., 1998. 95 б.

6. ГОСТ 53053-2008- Машины для защиты растений. Опрыскиватели. Методы испытаний. Москва.2009. 41 с.

УДК 631.674:635

ОБОСНОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА ПРОТИВОПРОСАДОЧНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ ПО ПРИМЕНЕНИЮ БОРОЗДКОВОГО СПОСОБА ПОЛИВА

Бердиев Ш.Ж.к.т.н., доцент.

Каршинский инженерно экономический институт

Чулиев М. соискатель

Каршинский филиал ТИИИМСХ

Аннотация

В статье приведены разработка приемов освоения просадочных почвогрунтов и методы их орошения с рациональным использованием воды и ускоренным повышением плодородия почв с учетом устранения угровпросадочных явлений и эрозии, и получения высоких урожаев с наименьшими потерями удобрений вглубь почвогрунта и оросительной воды на сброс, сбережение трудовых затрат, повышение производительности труда на поливе. Результаты которых особенно важны для условий нехватки трудовых ресурсов новоосвоенных целинных землях Кашкадарьинской области. Существенным моментом данной статья является разработка приемов противопросадочных и противоэрозионных методов полива для условий полупустынной зоны освоения Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: Почвогрунта, просадочных грунтов, локальное орошение, Блоки увлажнители, Водосберегающий технологии, внутрпочвенное орошение.

JUSTIFICATION AND DEVELOPMENT OF ANTI-PLANTING MEASURES FOR THE USE OF FURROW IRRIGATION METHOD.

Berdiyev Sh.J. Chuliyev M.

Abstract

The article presents the development of methods for the development of subsidence soils and methods of irrigation with rational use of water and accelerated increase in soil fertility, taking into account the elimination of subsidence phenomena and erosion, and obtaining high yields with the least loss of fertilizers deep into the soil and irrigation water to discharge, saving labor costs, increasing productivity on irrigation. The results of which are especially important for the condition of shortage of labor resources in the newly developed virgin lands of Kashkadarya region. The essential point of this article is the development of methods of anti-planting and anti-erosion irrigation methods for the conditions of the semi-desert zone of Kashkadarya region development.

Keywords: Soil, subsidence, local irrigation, Humidifiers, water-Saving technologies, intra-soil irrigation.

Введение В настоящее время вопрос обоснование и разработка противпросадочных мероприятий по применению бороздкового способа полива преобладает в сельском хозяйственном производстве и т.д.

Методика исследований В данной статье предлагается способы увеличения эффективности использования локальной орошение культур хлопкового севооборота проводили с помощью труб различной конструкции и увлажнителями пористыми блоками различной конструкции на глубине 35 см от поверхности почвы.

Результаты исследований На бригадном агроучастке № 2, фермерского хозяйства № 52, были выбраны три 4-х гектарных участка для проведения опытов по орошению на средней сильнопросадочных грунтах, а также для испытания противопросадочных и противоэрозионных мероприятий.

Территория фермерского хозяйства была районирована по степени просадочности грунтов. К этой или иной категории просадочных грунтов относили те площади, где образцы почв от давления собственной наносы при увлажнении показывали просадки более 3 см. Таким образом, вся территория фермерского хозяйства подразделена на 3 группы по просадочныепочвогрунта: слабопросадочные 3-13 см, среднепросадочные -16— 30 см, сильнопросадочные - более 30 см. Опытные участки были выбраны на средней сильнопросадочных грунтах. На этих участках изучались поливы хлопчатника и других культур (рис.1).

Первые два года опытные поля по 4 га были подготовлены для изучения техники полива по бороздам с одноразовым на среднепросадочных и 2-х разовым уплотнением дноборозд колесами трактора Т-28х4 по специально предложенной схеме (рис.1). Основная цель этого опыта - определить возможность уменьшения впитывания воды в борозду и, следовательно, сократить глубинные потери воды, уменьшить шероховатость борозды для ускорения добега струи до конца борозды, которое позволило бы сохранить равномерность распределения просадок по длине поля и уменьшить влияние отдельных локальных просадок на процесс впитывания воды в почву. Следующим этапом работ были следующие мероприятия. На 3-й год опытных исследований политый участок с сильнопросадочными свойствами сначала был вспахан на глубину 40 см. проведена планировка, затем трактором 700 рыхлителем РН-61 ГСКБ по ирригации было проведено глубокое рыхление почвогрунта на 90 см в зависимости от количества "блюдцев" понижении и свойств просадочности локальных участков в двух и в одном направлении движения поперек и по длине поля.

Ранней весной, сразу после рыхления почвогрунта, когда хозяйства еще пока мало потребляет воду из Каршинского магистрального канала, в нарезанных через 0,9 м бороздах за 75 часов полива создали запас влаги до 5 и глубины нормой 3500 а8/га. Как и ожидали, влагозапасы оказались необходимыми для посева и всходов хлопчатника, кукурузы и люцерны. Влажность была на 0-50 см, -17,9 и 19,0; 0-10 см - 21,6...23,8%. Эти же поливы спровоцировали просадки грунтов и образование "блюдцев" в количестве 200 шт/га с диаметром 0,5...6 м и глубиной от 0,1 до 0,45, а также суффозионных воронок на поверхности почвы - до 426 шт/га, т.е. это нужно считать показателем достигнутого масштаба провоцирования просадок грунта. Тогда как, на контрольном участке, все еще продолжались просадки грунтов на период вегетации растений, а на опытном участке их количество к концу года уменьшилось до 2-3 шт/га и то лишь с глубиной 0,1-0,15 м, что не влияло на общий процесс поливов по бороздам.

На опытном участке в 20 га, в бригаде Бегимкулова И. Были заложены опытные делянки с предложениями по водосберегающему методу поливов (рис.3), засеянные предварительно районированным сортом хлопчатника Т-108, кукурузой - Узбекская зубовидная, люцерной – Ашхабадская. Междурядья хлопчатника -0,9 и 0,45 м, кукурузой -0,9 м, люцерны строчного посева -0,45 м. В междурядья 0,45 м трактора в дальнейшем не заезжали. Сорняки в этом случае обрабатывалась гербицидом "катаран" нормой 1,5 кг/га с помощью ручного опрыскивателя. Затем, когда растения затеняли междурядья, сорняки погибали. В период пахоты на поля вносили калийную соль до 50 кг/га, а суперфосфата и селитры по 275 кг/га.

На поливном участке были определены делянки для изучения водосберегающей техники и технологии орошения в различных вариантах: полив по уплотненным колесами трактора бороздам обработанных полимером п-9 нормой 120 кг/га;

локальное орошение культур хлопкового севооборота проводили с помощью труб различной конструкции и увлажнителями пористыми блоками различной конструкции на глубине 35 см от поверхности почвы. Конструкции перфорированных труб: винипластовые длиной 2м. соединенные между собой резиновыми шлангами, а при укладке и выносе с поля они складываются; пленочные шланги малых диаметров наматываются на катушки; внутрпочвенные стационарные трубы бестраншейного дренажа, укладываются в борозды, глубиной 55 см и засыпаются (рис.2).

Блоки-увлажнители закладывались в канавки-траншеи от проходки однолемешного плуга через 0,9 м. Шланги и трубка-увлажнители с отверстиями 2 мм через 0,1 и 0,2 м;

винилпластовые, пластмассовые, полиэтиленовые прозрачные из пленки, сваренные по шву» укладывались в небольшие глубины борозды, в сезоне из междурядий они не убирались.

Равномерность увлажнения по длине раздачи расходов при постоянном диаметре отверстий достигается за счет уплотнения лежа под шлангами и трубками под собственным весом и веса воды в них, уменьшения впитывания при разыскании почвенных частиц, излишки не впитавшейся воды в начале поля стекают по ложе борозды вниз и до увлажняет концевые части тупых борозд. На уклонах выше 0,01 достигается относительная равномерность раздачи воды.




Рис.1. Карта гидроизогипс, минерализации и химического состава грунтовых вод, а также соответственно залеганию и степени просадочности грунтов на территории фермерского хозяйства № 52




Рис.2. Поливной участок. Схема движения тракторов на поле для выполнения одноразового и двухразового уплотнения борозд.

1 - нарезка сечения борозд орудьями; 2- доуплотнение неуплотненных прежним проходом трактора борозд; 3 - двухразовое уплотнение вслед предыдущему трактору, следующий за ним трактор также уплотняет неуплотненные борозды.

Примечание: Зк - заднее колесо, Р - рыхлая борозда после культивации, п.к. - переднее колесо трактора.




Рис.3. Схема опытного участка испытания водосберегающей технологии орошения

1 - делянка с полимером К-9 (малые струи), междурядье 0,9 м (борозда уплотнены); 2 — делянка с полимером к—9 (средние струи), междурядье 0,9 м (борозды уплотнены); 3 - делянка с полимером К—9 (большие струи), междурядье 0,3 м (борозда уплотнены); 4 - делянка с поролоновыми блокада 15x15x2,5 см, междурядье хлопчатника 0,45 м; 5 - делянка с полимерногрунтовыми блокада L=0,5 м, d =8 см, междурядье хлопчатника 0,45 м; б - делянка с поролоновыми блоками 15x17x2,5 см междурядие кукурузы 0,9 м; 7 - делянка с полимерногрунтовыми блоками L =0,5 м, d =8 см, междурядье кукурузы 0,3 м; 8 - делянка с поролоновыми блокада 15x17x 2,5 см междурядье посева люцерны 0,45 м; а, б, в, а' , а' , а''' - повторности; с - внутривспашечное орошение (в.д.о.).




Рис.4. Блоки увлажнители под бороздами небольшой глубины,

увлажняемые от шлангов малых диаметров с отверстиями 2 мм через 20 см

1 - гибкий шланг; 2 - водовыпуск в борозду; 3 - пленочный перфорированный шланг диаметром 5-7 см; 4 - поливная борозда глубиной 10-15 см; 5 - грунт-полимерный блок - увлажнитель; 6,7,8 - блоки из поролона и обычной губки; 9 - раскладка малого шланга.




Рис.5. Схема внутрипочвенного орошения

1 - дренажные трубы ГСКБ по ирригации; 2- глубокие борозды в междурядьях 0,9 м; 3 - ороситель-питатель увлажнителей, или вместо них гибкие поливные шланги.

Конструкции блоков-увлажнителей (рис.4):

поролоновые блоки размером 17x25x2,5 см из расчета по 15,7 -тыс. шт/га через 0,9 м на длине 100 м. Эти блоки уложены под хлопчатник, кукурузу и люцерну. Емкость вмещения влаги каждого 0,04...0,13 л или 62...204 м³/га, которая определена при помощи пропитки водой при сухом состоянии и взвешивая их определяли разницу в массе - влажного а сухого состояния;

губки прорезиненные размером 15x10x3,5 см, а также размером вдвое меньше с емкостями от 0,03 до 0,14 д, т.е. пересчитывали в 126-.20 м³/гэ;

мелконарезанные кубиками размером 2,5x1x1 см из поролона по 15 шт через 20 см, а также поролоновая лента размером 1,2x0,6x 0,025 м с емкостями для влаги 0,036-0,087 л или 46...136 м³/га;

блоки-увлажнители, приготовленные из грунтовополимерной смеси: грунт + раствор полимера 5-э (соотношение к воде 1:10). Расход полимера 0,43 кг на 10 блоков, на 1 га 300 кг. Блоки изготавливались методом штамповки в опалубках аз 0,5 а куска полиэтиленовой трубы, разрезанной вдоль пополам и на складываемые в виде трубки, куда затем заталкивается приготовленная непосредственно на поле грунтовополимерная смесь. Блоки высушиваются на солнце в течение 5-5 час, затем пропитываются навозной жижей с удельной массой 1,1 г/см³ или в пересчете на 1 га 0,5-2,2 т/га навоза, учитывая запасы их в хозяйстве не более 2,5 т/га. Блоки укладывались в траншеи через 0,5 м на расстоянии 20-25 см друг от друга.

Укладка блоков на глубине 45 см предполагала повышение водо- удерживающей способности почвы, рассеивания поступающей вертикальной струйки от труб - распределителей от поверхности почвы. Дня того, чтобы не образовалась корка от увлажнения поверхности местападения струи обрабатывалась полимера К-9 до 60 кг/га, которые такие усиливали капиллярные свойства и инфильтрацию верхнего слоя почвы.

Опыты по изучению техники и технологииполивов.

Методикаописанная в публикациях институтов, общеизвестна. Однако в этих методах слабо отмечаются особенности гидравлических характеристик потока воды в бороздах, в поливных средствах, предлагаемых для просадочных грунтов. Для просадочных грунтов они различаются в методах установления элементов техники полива, а также по установлению размеров допустимого расхода с учетом влияния просадок грунта и эрозии на урожай сельхозкультур. Поэтому поводу существует два мнения: недопустимость смыва почв вообще или сведение его до минимума, что требует соответственно различной почвоохранной техники полива.

Из известных работ по исследованию техники и технологии полива в Таджикистане на просадочных грунтах (Сурин В.А.,1998) определены элементы техники полива,

позволяющие постепенно наращивать глубину увлажнения для того, чтобы постепенно небольшими просадками уменьшить влияние этих явлений на процессы полива без радикального вмешательства в эти растянутые по сроку просадочные процессы.

Особенности изучаемого объекта орошения в Кашкадарьинской области таковы, что опыт орошения на новых землях отсутствует вообще, а неучет угрозы проявления просадок и эрозии маломощных по гумусу почв чреват серьезными последствиями, отражающимися на работе оросительной сети внутри хозяйства, а также на производительной способности почв. Просадочные явления настолько сильны, что исключают применение ок-арыков, где особенно явно проявляются недостатки водораспределения и потери воды на фильтрацию до 2.% от водозабора.

Кроме того, надо учитывать то обстоятельство, что расчет элементов техники полива по теоретическим зависимостям, когда кривая добегаания струн вместо плавной кривой на графике функций от времени получается в виде ломаной линии, а на отдельном отрезке, где произошла сильная просадка, поливная струя и вовсе останавливается; представляется невозможной использовать для расчетов значения этих функций. Поэтому вполне резонно возникает задача - сначала исключить мешающее явление, а затем выявить зависимости элементов техники полива и проведение соответствующей для них технологии полива в условиях нормального орошения, или же применить такую технологию, которая не вызывала бы угрожающие размеры просадок грунта. Для Кашкадарьинской области очень важно соответствие выбранных элементов техники полива, иначе оросительные нормы могут превышать проектные в 2-3,5 раза. В этих условиях важно, чтобы экспериментальные исследования с водосберегающей технологией поливов включали бы в себя опыты с растениями и в полевых условиях комплексно с использованием методик бывшие САНИИРИ, СоюзНИХИ, ТашСХИ, Почвенного института АН УзР, ТИИИМСХ, МГУ, Таким образом, опираясь на перечисленные методики различных институтов, трансформируя их для опытных участков, изучались следующие вопросы:

техника и технология полива по бороздам с испытанием противоэрозионных и противопросадочных мероприятий;

режимы влажности почвы при применении различных величин элементов техники полива (методом отбора проб почвы по точкам наблюдения, взвешиванием и высушиванием их в термостатах по методике бывшие СоюзНИХИ);

определение величины просадок по длине борозды при различными поливными струями и режимами влажности почвы (методом нивелирования до и после поливов квадратов 10x10 м по методике бывшие САНИИРИ, ТИИИМСХ,);

смывы почвы при различных поливных струях (метод отбора проб на мутность по створам борозд);

фенологические наблюдения над растениями и сбор урожая культур хлопкового комплекса (по методике бывшие СоюзНИХИ и ТашСХИ);

лабораторные определения на смыв почвы в модельных лотках по изучению эрозии - экспресс-методом определения допустимого расхода в борозду (методика ГрузНИИГима, МГУ, ТИИИМСХ), т.е. усовершенствованная методика акад. Мирцхулава Ц.Е. для установления допустимой скорости воды в борозды;

почвенные анализы выполнялись в экспедиции на Кашкадарьинской областной станции по химизации и в филиале бывшие СоюзНИХИ (агрохимические методы анализа почв по бывшие СоюзНИХИ);

перечисленные методики фиксировали производственные условия орошения и влияния просадок на технологию орошения по бороздам и другими приемами полива, которые позволили установить потенциальную опасность просадки грунта для возделывания хлопчатника, т.е. для установления реального учета опасности просадок в течение ряда лет и влияния эрозии на почвы при поливах.

Обработка результатов исследования выполнена методом математической статистики с использованием ЭВМ, урожай обработан по методу Доспехова. Экономическая эффективность результатов внедрения выполнена согласно утвержденной общепринятой

методике, рекомендуемой для учреждений Министерства мелиорации и водного хозяйства УзР. Внедрение результатов опытов проведены на 20 га участков фермерского хозяйства №8 (Хамраева Мухаббат), в фермерском хозяйстве №9 (Абдиев Эркин), в фермерском хозяйстве №3 (Бегимкулов Ильхом) и отмечено увеличение урожая хлопчатника при экономном расходовании воды на поле по сравнению с традиционными приемами орошения в хозяйстве.

Выводы: Работникам водного хозяйства доступны эти простые приемы орошения, с их помощью производительность полива может достигать 3,8...4,2 га/смену 0,8 га/смену при обычном методе орошения. Предлагаемые приемы орошения повышают надежность работы оросительных систем в условиях просадочных и эродированных почв. Особенно их эффективность и полноценность проявляется на отдельных участках освоенных земель с затруднением использования трудовых ресурсов, улучшает условие полива в ночное время, когда визуальное наблюдение за поливом затруднено.

Использованная литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан о мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве. Газета народное слово 18 июня 2019 года, N123
2. Бердиев Ш.; Камбаров Б. Рекомендации по технике и технология полива на просадочных грунтах 2-й очереди освоения Каршинской степи. Карши., Кашкадарьинский агропром.-1989.-12 с.
3. Бердиев Ш., Камбаров Б. Технология полива на просадочных грунтах/Сельское хозяйство Узбекистана.- 1989.-№ 5.-С.56-57.
4. Бердиев Ш. Поливы и просадка грунтов/Сельское хозяйство Узбекистана.- 1989.-№ 8.-С.60-61.
5. Бердиев Ш. Совершенствование технологии полива на просадочных грунтах/Труды ТИИМСХ., 1989.

FACTORS INFLUENCING THE EFFICIENT USE OF LABOR RESOURCES IN THE AGRICULTURAL SECTOR

Berdimuradov.U. Assistant of TIAME

Abstract

In this article enhancing efficiency usage of labor tasks studied theoretically rural areas of the republic.

Key words: labor resources, factors, manufacturing of labor being busy, seasonal, farming, salary, agro technologic factor, organizational factor social-economic factors.

QISHLOQ XO'JALIK SOHASIDA MEHNAT RESURSLARIDAN SAMARALI FOYDALANISHNI TA'MINLASH

Berdimuradov.U.S.

Annotatsiya

Ushbu maqolada mehnat vazifalaridan foydalanish samaradorligini oshirishga nazariy jihatdan respublikaning qishloq joylari o'rganildi.

Kalit so'zlar: mehnat resurslari, omillar, band bo'lgan mehnatni ishlab chiqarish, mavsumiy, dehqonchilik, ish haqi, agrotexnologik omil, tashkiliy omil ijtimoiy-iqtisodiy omillar.

The first president of the republic of Uzbekistan making business of population first of all creation necessity facilities for leavers of vocational colleges and gradutors of higher educational establishments to apply for jobs is prior task of our social-economic direction.

The organization of agricultural production has its own characteristics. These characteristics are, firstly, related to variability of soil fertility, the main factor of production, secondly, its salinity and, thirdly, to the presence of irrigation water and, fourthly, to the availability of labor resources. The increase in labor productivity during the organization of the agricultural production process is also associated with an increased interest in the results of labor costs involved in production.

In the condition of market economy usage of labor resources which engaged rural manufacturing depend on many factors. In agriculture sector determination increasing labor efficiency is hard to be cleared and it has many sides category and subjective and objective factors influence its growth level. The most significant factor of efficiency usage of labor resource in rural is having seasonal features. Organizing manufacture of farming has got its properties. These properties are firstly variety of productiveness of soils secondly its saltiness level thirdly supplying with water which is necessary to irrigate, fourthly, supporting with labor resource which is needed to. Organizing manufacture of efficiency labor in farming also depend on the growth level of personal interested from the results of engaged labor resources. If in the process of organizing manufacture infarming the result of staff that is busy in agriculture is high and his labor level will grow according to his efficiency results. In agricultural sector the labor activity of people who are busy is high. Organizing labor in farming and increasing its efficiency has its feature however it is not considered the value of labor in manufacturing sectors. It is necessary to define dependence features of labor in agriculture. They are the following:

- Organizing labor in agriculture is seasonal characterized. Inconvenient weather negatively influence to growth of labor productivity;
- Fertility of soil and the level necessity for irrigation;
- The level of necessity seeds, productivity sorts of fruit trees, and providing with pedigree stocks;
- Supplying with agricultural machineries which depend on manufacturing farm products to implement agro technologic measurements;
- Providing with fertilizer which against to pesticide and chemical substances.

Rural population's labor ability which engaged in manufacturing is relatively level as they are not always busy as other sectors of economy. Their labor engaged is seasonal classified. Labor resources in agriculture are partly busy mainly to tillage, watering saltiness, to fertilize the soil with local minerals, but at the harvest time and caring crops time they will be busier. This being busy is in plant breeding sectors however in stock breeding sector they are always busy comparatively to feed preparing business. There is no proper table in farming labor resource. They will try to use the time as possible as in sowing and harvesting period. This determination and motivation can't express the real state of labor calculation based on job attendance.

The main cause, whether they want to improve their social-economic situations, however, there will be some obstacles which won't allow like as climatic conditions to work. Being busy in labor resources in agriculture also depend on development period of biological process of farm crops. Natural and biologic factors couldn't be changed in farming by peasant but on the base of scientific progress somehow achieved to lighten it and seasonal labor productivity influence negatively.

It is necessary to prevent dividing in seasonal labor, when the level of labor resources productiveness is high or low which engaged in agriculture. For this purpose to maintain usage of seasonal labor of staff needs to keep busy them in other agricultural sectors like farming and stock breeding in their free time. Especially, it may be organized at the time of market economy condition. It is dependence time for population to develop stable level of social-economic living conditions, produced farm products, development process of raw materials on the base of industry, and usage of able people labor.

It is known, according to production directions requirement to labor force is low relatively to invite. So, it requires to alter the level of being busy labor resource in agriculture. The influence factors are:

- Firstly, in order to improve labor facilities in agriculture, it may be lighten to produce more item products and modernization process of manufacture. It is positive factors on the other hand it reduces labor resource which engaged in manufacture.
- It is believed that the labor is simple and types of rural labor do not require being knowledgeable or prudence to do them. We can say fully repudiate this state when evaluated the types of labor in agriculture, the labor in agriculture is not rudimentary, but it is considered as complex labor which require great knowledge, skills and experience.

- It is significant to pay for the result of labor and it is expedient to pay for working hours.

The influence factors of usage efficiency labor resources are:

Technic-technological factors, organization factors, social-economic factors, component and natural factors. While studying these factors, it may be defined the directions of usage efficiency labor in agriculture. Their dynamic system may be worked out when studied the main points of factors.

The influence factors to labor resources in agriculture given (1 table)

1 table

Factors which influence to efficiency usage of labor resources

Technic-agro technological factors	Organization factors	Component and natural factors	Social-economic factors
Development agro technology. Creation new resistance types of fruit and usage of high productivity technics. Creation new pedigree cows, modernization, usage of labor growth of fund, providing laborenergy.	Perfection of production. Prepare the land for sowing and tillage. Put local and mineral fertilizer to areas. Providing with necessity seeds, lubricant and fuel. Organize labor, define its signs and measures	Determination component of farming and component of stock breeding. Determination component of poultry. Determination dimension of product. Draw attention the quality of product.	Analyze production organization and economic. Necessity infrastructure in manufacture. Necessity infrastructure for recreation in manufacture. Social facilities to staff for living. Corresponding payment to labor. Motivation of labor factors, financial, natural, spiritual, social.

In the relation of market economy in order to enhance the quality of farm products not only being competitive in internal but also external market, based on making cheap its price and remanufacturing widely, and organization process of profit are connected to progress of usage science and technics.

In agricultural sector such as plant breeding or stock breeding sectors are considered to draw attention usage of technic and agro technological factors in farm crops or stock breeding directions, natural conditions, social-economic features.

At the market economy condition agriculture production growth, to provide for their efficiency using information technologies can change production ways.

In agricultural production sectors it is important to change the requirement for what plant or stock products in consumption market.

Usage of science and technology in production has brought scientific skills level and quality changes of engaged labor resources on them. This can save manufacturing expenses of farm products.

The level aimed with tools and energy resources and usage them efficiency is one of the main factors in agriculture and also the level labor tools must be alter. Exceeding energy resources and aimed tools expenses growth negatively influence to the profit.

The factors which influence usage of labor resource in agriculture service to grow production and increasing labor productivity and its economic motivation, attitude to labor and provide production results. One of the ways of paying to labor in farming is to decrease expense for product unit. And it does not depend on decreasing the payment but its growing must be expressed. Agro technical measures in plant growing require much hand labor. The following tasks should be implemented to prevent from extend and lighten labor resources are:

- In agricultural spheres to take efficiency labor resource for each labor force which appointed area organized.

- To provide usage of efficiency of labor resource for constantly working should be organized small enterprises which process based on industry.

- In plant breeding sphere of agriculture where women work at the expense of usage of women labor increase men labor respectively.

Literatures

1. O'P. Umurzakov, A.J. Toshbayev, A.A. Toshbayev. "The farmer of economy" T.T. Economy-Financial. 2007

2. Qodirov A. . "Economic theory": ТошДТУ 2002. 17 lists.

3. Abdurahmonov K.X, Murtazoyev B. The market of labor (ўқув қўлланма) – Tashkent, TSAU, 1999.

УДК 633.15: 631.674

ЎЎЗА СУЎОРИШНИНГ СУВ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бойметов Р.И. - т.ф.д., профессор, Абдулхаев Х.Ғ. – докторант, PhD.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Мақолада ўзани суғоришнинг сув тежамкор агротехник усули, яъни уни қатор ораларига плёнка билан тўшалган эгатлардан суғориш, шунингдек, плёнкатўшагич машинасини конструктив тузилиши ҳамда ушбу суғориш усулининг самараси баён этилган.

Калит сўзлар: полиэтилен плёнка, эгат, плёнкатўшагич машинаси, плёнка тўшаш, ариқочар, профилли каток, перфератор.

ВОДОСБЕРЕГАЮЩАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛИВА ХЛОПЧАТНИКА

Бойметов Р.И., Абдулхаев Х.Ғ.

Аннотация

В статье изложены водосберегающая технология полива хлопчатника т.е. полив хлопчатника по бороздам, уложенным полиэтиленовой пленкой, а также конструктивное устройство машины для укладки пленки в борозды и эффективность применения этого способа полива хлопчатника.

Ключевые слова: полиэтиленовая пленка, борозда, пленкоукладывающая машина, укладка пленки, бороздорез, профильный каток, перфератор.

WATER-SAVING TECHNOLOGY OF COTTON IRRIGATION

Boymetov R.I., Abdulkhaev K.G. PhD.

Abstract

The article describes water-saving technology of cotton irrigation, that is, furrows irrigation of cotton laid with plastic wrap, as well as constructive device of the machine for placing the film in furrows and effectiveness of this method of cotton irrigating.

Key words: polyethylene film, groove, film-laying machine, film laying, grooved cutter, profile roller, perforator.

Кириш: Ҳозирги вақтда ўза асосан анъанавий усулда, яъни эгатлар орқали суғорилади. Бу усулда суғориш суви ўқарикларда буғланиши ва тупроқнинг пастки қатламларига шимилиб кетиши натижасида беҳуда сарфланади. Ўза вегетация даврида мавжуд агротехнологиялар асосида суғорилганда сувнинг буғланиши натижасида гектарига 2-2,5 минг м³ сув бекорга сарф бўлади.

Бундан ташқари ҳар бир сувдан кейин қатор ораларига култиваторлар билан ишлов берилади, яъни нам сақлаш учун тупроқ юмшатилади ва суғоришдан олдин эса эгатлар очилади.


Демак, пахта етиштиришнинг мавжуд агротехнологиясида бир томондан сув исроф бўлади, иккинчидан, қатор ораларига ишлов бериш учун қўшимча энергия сарфланади.

Ўза қатор орасига полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологияси суғориш сувига бўлган талабни ва энергия харажатларини камайтирадиган ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш имконини берадиган реал технологик ва техник ечимдир.

Тадқиқот услублари: Қора полиэтилен плёнка ётқизилган эгатлар орқали суғориш технологиясида тупроқнинг бир текис намланиши, плёнка остига қуёш нури тушмаслиги натижасида бегона ўтларнинг нобуд бўлиши, қатор ораларига култиватор билан ишлов берилмаслиги сабабли тупроқнинг зичламаслиги ҳисобига ўза илдиз тизимининг жадал ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигини ошириш учун қулай шароит вужудга келади.

Ўза қатор ораларига қора полиэтилен плёнка махсус плёнкатўшагич машинаси ёрдамида амалга оширилади.


Плёнка ўза қатор ораларига оралатиб тракторнинг орқанги ғилдираклари ўтадиган эгатларга тўшалади (1-расм).



1-расм. Қатор оралатиб плёнка тўшалган эгатлардан суғоришда намликни тарқалиши

Суғориладиган пахта майдонларида қатор ораларини қора полиэтилен плёнка билан мулчалаб суғориш технологиясининг агротехник самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ҳозирги ПСУЕАИТИ) олимлари томонидан вилоят филиаллари тажриба далаларида ўтказилган [1].

Плёнкатўшагич машинаси (2-расм) ғўза қатор оралари 90 см бўлган далаларнинг суғориладиган эгатларига қора полиэтилен плёнкани тўшаш учун мўлжалланган. Фермерлар ва механизаторлар бу машинани тўғри ишлатиш учун унинг техник тавсифларини билиб олсалар яхши бўлади.



2-расм. Суғориладиган эгатларга қора плёнкатўшагич машинанинг олди (А) ва орқасидан (Б) кўринишлари

1- осииш қурилмаси; 2- рама; 3- таянч ғилдирақлар; 4, 8- олд ва орқа сферик дисклар (чап ва ўнг); 5- ариқочарлар; 6- плёнка рулони ва чеклагичли бобина; 7- плёнка четини босиш ғилдирақлари (чап ва ўнг); 9- профили катоклар; 10- плёнкани тешадиган ғилдирақ (перфератор)лар

Плёнкатўшагич машинасининг конструкцияси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш (ҚХМИТИ) ва Ўзбекистон пахтачилик (ҳозирги ПСУЕАИТИ) илмий-тадқиқот институтлари олимларининг дастлабки материаллари ва илмий асосланган тавсиялари асосида “БМКБ-Агромаш” АЖ конструкторлари томонидан яратилган. Унинг саноат нусхаси ишлаб чиқилган ҳамда фермер хўжаликларида кенг дала синовларидан ўтказилган [4,5]. Ҳозирги пайтда унинг саноат нусхаларини кўплаб ишлаб чиқариш бўйича муҳандислик-технологик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Плёнкатўшагич машинаси 0,9-1,4 синфга мансуб пахтачилик чопиқ тракторларига осиб ишлатилади.

Плёнкатўшагич агрегати ғўза қатор ораларига киргандан кейин, плёнканинг уч қисми эгат бошига қўлда тўшалиб устида тупроқ тортиб маҳкамланади. Ундан кейин агрегат ҳаракатланиши билан эгатларга плёнка тўшашнинг технологик жараёни қуйидагича амалга оширилади (3-расм):

Плёнкатўшагич рамасининг олдига ўрнатилган ариқочар (2-расм, 5) ҳаракати давомида ғўза эгатларида плёнка тўшаш учун янги ариқлар очади (3-расм, А). Шундан кейин ғўзалар шохлари ёндош эгатлар томонга махсус қурилма ёрдамида эгилтирилади ва сферик дисклар (2-расм, 4) марзанинг ён томонларида плёнка четларини маҳкамлаш учун ариқчалар очади (3-расм, В). Бир вақтнинг ўзида ғўза шохларидан пастроқ қилиб йўналтирилган плёнкани қўндаланг силжишини чеклайдиган ҳамда уни йўналтирадиган қурилмалар ва профилли катоклар (2-расм, 9) воситасида кронштейнга ўрнатилган бобиналардаги плёнка қатор ораларига тўшалади. Плёнка четларини маҳкамлаш улар очилган ариқчаларга ғилдираклар (2-расм, 7) ёрдамида босиб жойлаштириш билан бажарилади (3-расм, С). Ариқчаларга босиб жойлаштирилган плёнка четлари марзалардан чап ва ўнг дисклар ёрдамида олинган тупроқ билан маҳкамланади. Игнаги ғилдирак (2-расм, 10) бир вақтнинг ўзида эгатларга тўшалган плёнка симметрия ўқи бўйлаб сув ўтказадиган тешиклар ҳосил қилиб кетади (3-расм, D).

Тадқиқот натижалари: Суғориш эгатларига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологиясининг синовлари натижалари таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

- Сирдарё вилояти филиалида пахта ҳосилдорлиги назорат ва тажриба участкаларида 29,5 ва 44,3 ц/га ни (ҳосилдорлик 14,8 ц/га ёки 50,2 фоизга ошган) ташкил этди, суғориш сувлари 480 м³/га (52,7 фоиз) тежалди;

- Жиззах вилояти филиалида пахта ҳосилдорлиги назорат ва тажриба участкаларида 30,6 ва 38,3 ц/га ни (ҳосилдорлик 7,7 ц/га ёки 25,2 фоизга ошган) ташкил этди, суғориш сувлари 750 м³/га (25,9 фоиз) тежалди;

- Қашқадарё вилояти филиалида пахта ҳосилдорлиги назорат ва тажриба участкаларида 33,5 ва 40,5 ц/га ни (ҳосилдорлик 7,0 ц/га ёки 20,9 фоизга ошган) ташкил этди, суғориш сувлари 1650 м³/га (48,5 фоиз) тежалди;

- Андижон вилояти филиалида пахта ҳосилдорлиги назорат ва тажриба участкаларида 30,2 ва 36,8 ц/га ни (ҳосилдорлик 6,6 ц/га ёки 21,9 фоизга ошган), суғориш сувларининг сарфи мос равишда 5540 ва 3324 м³/га ташкил этди, умумий сувнинг тежалиши 2216 м³/га ёки 40 фоиз;

- Тошкент вилоятининг таққослаш вариантлари – назорат ва тажриба участкаларида мос равишда 29,8 ва 35,6 ц/га пахта ҳосилдорлиги олинган бўлиб, суғориш эгатлари қора плёнка билан тўшалган вариантда 5,8 ц/га ёки 19,5 фоизга ошган. Бунда эса мос равишда 7040 ва 6280 м³/га сув сарфланди, суғориш суви 760 м³/га ёки 10,8 фоизга тежалди;

- Тажриба далаларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича, плёнкатўшагични қўллаб суғориш, анъанавий усулга нисбатан юқоридаги иқтисодий самара билан бирга қуйидаги афзалликларга ҳам эга:

-- тупроқни эгат узунлиги бўйича бир хил намланиши таъминланади;

-- қатор ораларига ишлов бериш сони камайиши ҳисобига ёнилғи-мойлаш материаллари ҳам иқтисод қилинади;

-- нам ва парник газларининг физик буғланиши камаяди;

-- дала юзасини 50 фоиз плёнка билан ёпилганлиги учун минерал ўғитларни йўқотилиши камаяди;


-- ирригацион нурланиш қисқаради;

-- ғўзани суғориш меъёрлари ва сув истеъмоли пасаяди;

-- ғўзанинг вегетация даврида мулчаланган тупроқнинг сув-физик хоссалари мақбул даражада бўлиши таъминланади;

-- мулчаланган тупроқда карбонат ангидрид ва метан газларнинг юқори концентрацияси пайдо бўлиши ҳисобига ғўзабоп озуқавий режим яхшиланади;

-- ғўзадан сифатли ва юқори ҳосил олишга қулай шароит яратилади.



3-расм. Суғориладиган эгатларга қора полиэтилен плёнкани тўшаш технологик жараёнининг бажарилиш тартиби

Умуман олганда, бешта объект бўйича пахта ҳосилдорлиги ўртача 27,5 фоизга ошган, суғориш сувлар эса 35,6 фоизга тежалган.

Бундай суғориш технологияси республикамизнинг барча вилоятларида ишлаб чиқариш синовларидан ўтди, унинг самарадорлиги юқори эканлиги исботланди. Синовлар натижаларидан маълум бўлдики, янги суғориш технологияси сув сарфини 30-35 фоизга, энергия харажатларини 10-15 фоизга камайтириш, пахта ҳосилдорлигини эса гектар ҳисобига 5-6 центнерга ошириш имконини беради.

Вўзани қора полиэтилен плёнка тўшалган эгатлардан суғоришга қилинган сарф харажатлар сув ва ёнилғини тежаш, қатор ораларига ишлов беришнинг камайиши ҳамда қўшимча ҳосил олиш ҳисобига ўзини қоплайди.

Хулоса: Ушбу сув тежайдиган прогрессив технологияни катта майдонларда кенг жорий этиш учун плёнкатўшагич ва уни йиғиштириб оладиган машиналар комплексини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғўзани сув тежовчи технологиялари ва суғориш муддатларини тензиометр ёрдамида аниқлаш усуллари бўйича тавсиялар. ЎзПИТИ, - Тошкент, 2009. – 18 б.
2. Ихтирога патент ЎзР. IAP 04186 “Қатор ораларига ишлов бериладиган экинларнинг суғориладиган ариқларига плёнка ёпишнинг механизациялаш усули ва унинг бажарувчи қурилмаси”. / Қорахонов А, Хаджимурадов А.О., Толибоев А.Е., Безбородов Г.А., Безбородов А.Г., Безбородов Ю.Г. // Расмий ахборотнома – 2010. -№ 7. -
3. Фойдали моделга патент ЎзР. FAP 01022 “Суғориш эгатларига плёнка тўшаш учун қурилма”. / Бойметов Р.И., Абдулхаев Х.Ғ., Безбородов Г.А., Ибрагимов Д.А., Дамаев Ю.И., Арзиманянц А.Г. // Расмий ахборотнома – 2015. - № 8. – Б.47-48.

УДК 631.312

САБЗАВОТЧИЛИК ТРАКТОРИ БИЛАН ИШЛАТИЛАДИГАН ПЛУГ КОРПУСНИНГ ҚАМРАШ КЕНГЛИГИ ВА СОНИНИ АСОСЛАШ

Ғайбуллаев Б.Ш. – PhD.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Мақолада сабзавотчилик тракторига кўшиб ишлатиш учун ишлаб чиқиладиган плуг корпусларининг қамраш кенглиги ва сонини аниқлаш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Бунда плуг корпусларининг қамраш кенглиги улар томонидан ишлов бериладиган палахсалар тўлиқ ағдарилиши ва турғун ҳолатни эгаллаши шартидан, уларнинг сони эса тракторнинг номинал тортиш кучи, ундан фойдаланиш коэффициенти ҳамда иш жараёнида корпуснинг тортишга кўрсатадиган умумий қаршилигидан келиб чиққан ҳолда аниқланди. Олинган натижалар бўйича сабзавотчилик трактори билан агрегатланадиган плуг қамраш кенглиги 35 см бўлган учта корпус билан жиҳозланиши лозимлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: Плуг корпусларининг қамраш кенглиги ва сони, корпуснинг тортишга қаршилиги, тракторнинг номинал тортиш кучи ва ундан фойдаланиш коэффициенти, лемех, ағдаргич, дала тахтаси, тупроқ палахсаси, агрегат ҳаракат тезлиги.

ОБОСНОВАНИЕ ШИРИНЫ ЗАХВАТА И КОЛИЧЕСТВА КОРПУСА ПЛУГА ИСПОЛЬЗУЕМОГО С ОВОЩЕВОДЧЕСКИМ ТРАКТОРОМ

Ғайбуллаев Б.Ш.

Аннотация

В статье приведены результаты проведенных исследований по определению ширины захвата и количества корпусов плуга разрабатываемого для агрегатирования с овощеводческим трактором. При этом ширина захвата корпусов определена из условия полного оборота и облепечения устойчивого положения обрабатываемых пластов, а их количество – исходя из номинального усилия трактора, коэффициента его использования и общего тягового сопротивления корпуса, возникающего в процессе его работы. На основе полученных результатов отмечается что, плуг для агрегатирования с овощеводческим трактором должно быть трехкорпусным с шириной захвата каждого корпуса 35 см.

Ключевые слова: ширина захвата и количество корпусов плуга, сопротивление тяга корпуса, номинальная тяговая сила трактора и коэффициент использования, лемех, отвал, полевая доска, пласта почвы, скорость движения агрегата.

SUBSTANTIATION OF THE WIDTH AND QUANTITY OF THE PLOW FOR UNITIZATION WITH VEGERABLE-GROWING TRACTOR

Gaybullaev B.Sh.

Abstract

In article results of researches by definition of width of capture and number of hulls of a plough developed for unitization with a vegetable-growing tractor are resulted. Thus the width of capture of hulls is defined from a condition of full turn and maintenance of steady position of

processed layers, and their quantity - based on nominal effort of tractor, use of its factor and the general tractive resistance of the hull arising in course of its work. On the basis of the received results it is marked that, a plough for unitization with a vegetable-growing tractor should be three-hull with 35 sm width of capture of each case.

Keywords: the width and number of plow bodies, the drag resistance of the body, the nominal traction force of the tractor and the utilization factor, ploughshare, blade, field board, soil formation, the speed of the unit.

Кириш. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш учун мамлакатимизда сабзавотчилик ва полизчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик техникаларини четдан олиб келмасдан ўзимизда ишлаб чиқариш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ТТЗ тракторлари асосида сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда фойдаланиладиган 1,4-2,0 классга мансуб сабзавотчилик трактори ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда у билан агрегатланадиган қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш устида ҚХМИТИ, СПЭваКИТИ ва “БМКБ-Агромаш” АЖда илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу мақолада сабзавотчилик тракторига қўшиб ишлатиш учун ишлаб чиқилаётган плуг корпусининг қамраш кенглиги b_k ва сони n_k ни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Тадқиқот натижалари. Плуг корпусининг қамраш кенглигини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз[1]

$$b_k \geq 1,27a_{\max}, \quad (1)$$

бунда a_{\max} – плугнинг агротехника талабларида белгиланган максимал ишлов бериш (ҳайдаш) чуқурлиги.

(1) шарт бажарилганда плуг корпуслари томонидан ишлов берилаётган палахсаларнинг тўлиқ ағдарилиши ва турғун ҳолатда бўлиши, яъни орқага ағдарилиб кетмаслиги таъминланади. Натижада дала юзасидаги бегона ўтлар, уларнинг уруғлари ҳамда ўсимлик қолдиқларининг талаб даражасида тўла ва чуқур кўмилиши таъминланади.

Агротехника талаблари бўйича плуг ерларни 27 см чуқурликкача шудгорлашни таъминлаши лозим. Буни ҳисобга олганда (1) ифода бўйича плуг корпусининг қамраш кенглиги камида 34,3 см бўлиши лозимлиги келиб чиқади. Аммо ҳайдов чуқурлиги бутун пайкал бўйлаб бир хил бўлишини таъминлаш ва шудгор юзаси текис бўлиши учун плуг корпусларининг қамраш кенглиги сабзавот экинлари қатор оралари кенглигининг ярмига тенг бўлиши керак[2]. Чунки акс ҳолда ҳайдов агрегатининг даладан барча ўтишларида плуг таянч ғилдирагини қатор ораларининг айнан бир жойидан ўтиши таъминланмайди, яъни у агрегатнинг олдинги ўтишида қатор ораси пуштасида юрса, кейинги ўтишида эгат тубидан ёки пушта ёнбағридан юради. Бу ҳайдов чуқурлигининг ўзгариши ва шудгор юзасининг нотекис бўлишига олиб келади.

Маълумки[3], Республикаимизда аксарият сабзавот экинлари қатор ораларининг кенглиги 70 см ни ташкил этади. Бундан ва юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда плуг корпусининг қамраш кенглигини 35 см қабул қиламиз. Плуг корпусларининг сонини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$n_k = \frac{\eta_m P_n}{R_k}, \quad (2)$$

бунда η_m – тракторнинг тортиш кучидан фойдаланиш коэффиценти;

P_n – тракторнинг номинал тортиш кучи;

R_k – плуг корпусининг тортишга умумий қаршилиги.

(2) ифодадаги $\eta_m=0,95$ ва $P_n=18$ кН [4] маълум, яъни берилган ҳисобланади, R_k эса аниқланиши лозим.

Адабиётлардан маълумки[5,6], плуг корпусининг тортишга умумий қаршилиги унинг лемехи, ағдаргичи ва дала тахтасининг қаршиликларидан ташкил топган, яъни

$$R_k = R_l + R_a + R_d, \quad (3)$$

бунда R_k – корпуснинг тортишга умумий қаршилиги;
 R_l, R_a, R_d – мос равишда корпус лемехи, ағдаргичи ва дала тахтасининг тортишга қаршилиги.

Лемехни уч ёкли пона сифатида қараб, унинг тортишга қаршилигини умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин [7-9]

$$R_l = R_1 + R_2 + R_3 + R_4, \quad (4)$$

бунда R_1 – лемех тиғи тупроқни кесишидан ҳосил бўладиган қаршилик;

R_2 – лемех тупроқни деформациялашидан ҳосил бўладиган қаршилик;

R_3 – тупроқни лемех бўйлаб силжиши ва кўтарилишидан ҳосил бўладиган қаршилик;

R_4 – тупроқнинг тезлиги ўзгаришидан, яъни унинг инерция кучидан ҳосил бўладиган қаршилик.

Лемех тиғи тупроқни кесишидан ҳосил бўладиган қаршилик унинг қалинлиги, узунлиги ҳамда тупроқнинг қаттиқлигига боғлиқ ва уни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин [8]

$$R_1 = T t_l b_k / \sin \beta_k, \quad (5)$$

бунда T – тупроқнинг қаттиқлиги;

t_l – лемех тиғининг қалинлиги;

β_k – лемех тиғининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги.

Лемех тупроқни деформациялашидан ҳосил бўладиган қаршиликни аниқлаш учун унинг таъсири остида тупроқ ҳаракат йўналиши, яъни ҳаракат тезлиги V га нисбатан $\delta = \pi/2 - \beta_k$ бурчак остида эгат тубида жойлашган ва очик эгат (олдинги ўтган корпус томонидан ҳосил қилинган) томонга йўналган горизонтал ABC (1-расмга қаралсин) текислик бўйича парчаланеди деб қараймиз [10] ва 1-расмда келтирилган схемага биноан қуйидаги натижага эга бўламиз

$$R_2 = Q \cos \psi_0 + T \cos \beta_k = 0,5 \kappa_c b_k^2 (\sin \beta_k + \cos \beta_k) \times [\sin(\beta_k + \varphi) + \sin \varphi \cos \beta_k], \quad (6)$$


бунда Q – тупроқнинг ABC текислик бўйича силжишга қаршилиги;

T – лемехнинг ишчи сиртида Q куч таъсири остида ҳосил бўладиган ишқаланиш

кучи;

κ_c – тупроқнинг силжишга солиштирма қаршилиги;

$\square \square - \square$ тупроқни лемехнинг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги.



1-расм. Лемех тупроқни деформациялашидан ҳосил бўладиган қаршилик кучини аниқлашга оид схема

Тупроқ палахсасини лемех бўйлаб кўтарилиши ва унинг инерция кучидан ҳосил бўладиган қаршиликларни қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаймиз [8,9]

$$R_3 = \rho g a b_k c \frac{\cos^2 \alpha_k \sin(\alpha + \varphi)}{\sin \beta_k \cos \varphi} \quad (7)$$

ва

$$R_4 = 2 \rho a b_k V^2 \frac{\sin \alpha \sin \beta_k \sin(\alpha + \varphi)}{\cos \varphi}, \quad (8)$$

бунда ρ – тупроқнинг зичлиги;

g – эркин тушиш тезланиши;

c – лемех ишчи сиртининг кенглиги;

$\alpha = \arctg(\operatorname{tg}\alpha_k \sin\beta_k)$ (бунда α_k -плуг корпуси лемехининг уваланиш (эгат тубига ўрнатилиш) бурчаги).

R_1, R_2, R_3 ва R_4 ларнинг (5)-(8) ифодалар бўйича қийматларини (4)-ифодага қўйиб, қуйидагига эга бўламиз

$$R_l = b_k \left\{ Tt_l \frac{1}{\sin\beta_k} + 0,5\kappa_c b_k (\sin\beta_k + \cos\beta_k) [\sin(\beta_k + \varphi) + \sin\varphi \cos\beta_k] + \rho a \frac{\sin(\alpha + \varphi)}{\cos\varphi} \left(cg \frac{\cos^2 \alpha_k}{\sin\beta_k} + 2V^2 \sin\alpha \sin\beta_k \right) \right\}. \quad (9)$$

Ағдаргич лемех томонидан кесилган палахсани ён томонга айлантириш ва силжитишни амалга оширади. Бунда ҳосил бўладиган қаршилиқни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин[1]

$$R_a = \varepsilon ab_k V^2, \quad (10)$$

бунда ε - ағдаргич ишчи сиртининг шакли ва тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлган коэффициент ($\varepsilon = 1500-2000 \text{ Нс}^2/\text{м}^4$).

Дала тахтасининг тортишга қаршилиги у билан эгат девори орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучига тенг, яъни

$$R_o = F_o = fN_o, \quad (11)$$

бунда F_o – эгат девори билан дала тахтаси орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи;

f – дала тахтасининг эгат деворига ишқаланиш коэффициенти;

N_o – дала тахтасининг эгат деворига нормал босим кучи.

Дала тахтасининг эгат деворига нормал босим кучини унинг горизонтал текисликдаги мувозанат шартидан келиб чиққан ҳолда аниқлаймиз (2-расм)

$$N_o = \frac{R_{xy} \sin(\beta \pm \alpha)}{\sqrt{1 + f^2 \cos(\varphi \pm \alpha)}}, \quad (12)$$


бунда R_{xy} – плуг корпуси ишчи сиртига горизонтал текисликда таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси;

β – плугнинг ҳаракат тезлиги V ва R_{xy} кучи орасидаги бурчак;

α – тортиш кучи P_{xy} ва ҳаракат йўналиши орасидаги бурчак (2-расм).

Агар тортиш кучи ҳаракат йўналишига нисбатан ҳайдалмаган дала томонга оған бўлса (12) ифодада α ни олдида «+» белгиси, ҳайдалган томонга оған бўлса «-» белгиси қўйилади.

Ишлаб чиқиладиган плугнинг иш жараёнида тракторнинг ўнг (палахсалар ўнг томонга ағдарилганда) ёки чап (палахсалар чап томонга ағдарилганда) томон ғилдираклари агрегатнинг олдинги ўтишида ҳосил бўлган эгат ичида юради. Бундан ташқари плугнинг умумий камраш кенлиги тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдираклари орасидаги ички масофадан катта[4,11]. Шу сабабдан (12) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади



2-расм. Дала тахтасининг эгат деворига нормал босим кучини аниқлашга доир схема

$R_{xy}=R_x/\cos\beta$ ва $R_x=R_n+R_a$ эканлигини ҳисобга олиб, (13) ифодани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$N_o = \frac{(R_n + R_a)\sin(\beta - \alpha)}{\sqrt{1 + f^2 \cos(\varphi - \alpha)\cos\beta}}. \quad (14)$$

Бу ҳамда (9) ва (10) ифодаларни ҳисобга олганда, (11) ифода қуйидаги кўринишга келади

$$\begin{aligned} R_o = f \left\{ b_k \left\{ Tt_n \frac{1}{\sin\beta_k} + \right. \right. \\ + 0,5\kappa_c b_k (\sin\beta_k + \cos\beta_k) [\sin(\beta_k + \varphi) + \sin\varphi \cos\beta_k] + \\ \left. \left. + \rho a \frac{\sin(\alpha + \varphi)}{\cos\varphi} \left(cg \frac{\cos^2 \alpha_k}{\sin\beta_k} + 2V^2 \sin\alpha \sin\beta_k \right) \right\} + \right. \\ \left. + \varepsilon ab_k V^2 \right\} \times \frac{\sin(\beta - \alpha)}{\sqrt{1 + f^2 \cos(\varphi - \alpha)\cos\beta}}. \quad (15) \end{aligned}$$

(9), (10) ва (15)-ифодалардан R_n , R_a ва R_o ларни қийматларини (3) ифодага қўйиб, қуйидагига эга бўламиз

$$\begin{aligned} R_k = b_k \left\{ \left\{ Tt_n \frac{1}{\sin\beta_k} + \right. \right. \\ + 0,5\kappa_c b_k (\sin\beta_k + \cos\beta_k) [\sin(\beta_k + \varphi) + \sin\varphi \cos\beta_k] + \\ \left. \left. + \rho a \frac{\sin(\alpha + \varphi)}{\cos\varphi} \left(cg \frac{\cos^2 \alpha_k}{\sin\beta_k} + 2V^2 \sin\alpha \sin\beta_k \right) \right\} + \right. \\ \left. + \varepsilon a V^2 \right\} \times \left[1 + \frac{f \sin(\beta - \alpha)}{\sqrt{1 + f^2 \cos(\varphi - \alpha)\cos\beta}} \right]. \quad (16) \end{aligned}$$

Бу олинган ифода адабиётлардан маълум бўлган ифодалардан [5,6] корпус томонидан тупроқ палахсалари очиқ эгат томонга йўналган горизонтал текислик бўйича парчаланиши ҳамда унинг тортишга қаршилигига плуг тортиш кучининг йўналиши таъсир кўрсатиши ҳисобга олинганлиги билан фарқ қилади.

$b_k=0,35$ м, $T=1,2 \cdot 10^6$ Па, $t_n=0,001$ м, $\beta_k=40^\circ$, $\kappa_c=32,5 \cdot 10^3$ Па, $\alpha_k=30^\circ$, $\varphi=30^\circ$, $\rho=1400$ кг/м³, $a=0,27$ м, $c=0,14$ м, $f=0,5$, $\varepsilon=1500$ Н с²/м⁴, $\alpha=10^\circ$, $\beta=20^\circ$ [12,13] қабул қилиниб, (16) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 6-8 км/соат ҳаракат тезлигида корпуснинг тортишга қаршилиги 5,30-5,59 кН ораллигида бўлишини кўрсатди. Бу олинган натижани ҳамда Q_m ва P_n нинг юқорида келтирилган қийматларини (2) ифодага қўйиб, сабзавотчилик тракторига ишлаб чиқилаётган плуг 3 корпусли бўлиши лозимлиги келиб чиқади.

Хулоса. Демак, ўтказилган тадқиқотлар бўйича сабзавотчилик трактори билан агрегатланадиган плуг камраш кенглиги 35 см бўлган учта корпус билан жиҳозланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маматов Ф. М. Қишлоқ хўжалик машиналари. – Тошкент: Фан, 2007. – 339 б.
2. Маматов Ф.М. Механико-технологические обоснование технических средств для основной обработки почвы в зонах хлопкосеяния: Автореф. дисс. ... докт.техн.наук. – Москва, 1992. – 33 с.
3. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2011-2015 йиллар учун. II-қисм. – Ташкент, 2011. – 152 б.
4. Ганиев Ф.К., Осипов О.С. К вопросу создания овощеводческого трактора для сельхозпроизводства Республики Узбекистан. Труды УзМЭИ. – Гульбахор, 2006. – С 13-15.
5. Тухтакузиев А., Тукубаев А.Б. Теоретические предпосылки к определению тягового сопротивления рабочих органов для двухъярусной обработки

почвы//Интенсификация механизированных процессов при возделывании хлопчатника. Труды САИМЭ. – Ташкент, 1990. –С. 28-37.

6. Муродов Н.М. Технологические основы расстановки корпусов двухъярусного плуга. – Ташкент: Фан, 2010. – 132 с.

7. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. – Москва: Машиностроение, 1977. – 328 с.

8. Механизация защиты почвы от водной эрозии в нечерноземной полосе/Под. ред. А.Т.Вагина. – Ленинград: "Колос". Ленинградское отделение, 1977. – 272 с.

9. Юдкин В.В., Бойков В.М. Тяговое сопротивление плоскорезов-глубококорыхлителей//Механизация и электрификация сельского хозяйства. 1984. -№5. – С. 15-17.

10. Тўхтақўзиев А., Имомкулов Қ.Б. Тупрокни кам энергия сарфлаб деформациялаш ва парчалашнинг илмий-техник асослари. Монография. – Тошкент, 2013. – 120 б.

11. Тўхтақўзиев А., Хушвақтов Б.В., Гайбуллаев Б. ТТЗ-100SP сабзавотчилик трактори билан агрегатланадиган плугнинг камраш кенлиги ва бир текис юришини тадқиқ этиш // “Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантиришда илм-фаннинг ҳиссаси” мавзусидаги Ҳалқаро илмий-амалий конференция маърузалар матни. – Тошкент, 2013. – Б. 258-261.

12. Маматов Ф.М., Эргашев И.Т. Особенности почвы пахотного слоя перед основной обработкой ее под хлопчатник // Научно-технический бюллетень ВИМ. – Москва, 1991. – Вып. 80. – С. 22-25.

13. Циммерман М.З. Рабочие органы почвообрабатывающих машин. – Москва: Машиностроение, 1978. – 294 с.

УДК 631.312.02

РОТОРЛИ КАРТОШКА КАВЛАГИЧ ИШЧИ ҚИСМИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ

Дускулов А.А.-т.ф.н., доцент, Исақов А.А –катта ўқитувчи, Махмудов Х.С –ассистент,
Борогов А.Н.- мустақил изланувчи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалиги экинларидан картошка ва туганакли экинлар ҳосилини йиғиштириш муаммолари, қўлланиладиган машиналарнинг афзаллиги ва камчилари тўғрисида қисқача маълумотлар, кавлагич машиналарни такомиллаштириш, ва унинг асосий ишчи қисмлари роторининг айрим параметрларини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар натижалари: ротор бармоқларининг ҳаракатланиш тенгламаси ва у асосида келтириб чиқарилган роторнинг айланиш частотасини аниқлаш формулалари келтирилган, таҳлили берилган.

Калит сўзлар: картошка, картошка туганаги, картошка кавлагич, элеваторли картошка кавлагич, роторли картошка кавлагич, ротор, бормоқ, машина, лемех

АНАЛИЗ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА РАБОТЫ РАБОЧЕГО ОРГАНА РОТОРНОГО КАРТОФЕЛЕКОПАТЕЛЯ

Дускулов А.А, Исақов А.А, Махмудов Х.С., Борогов А.Н.

Аннотация

В статье приведены краткий анализ состояние машинной уборки клубней картофеля, проблемы применения машинной уборки, достоинство и недостатки применяемых картофелекопателей а также материалы по совершенствованию картофелекопателей роторного типа. А также приведены формулы для определения траектории движения пальцев ротора, длина части лемеха взаимодействующие с пальцами ротора и частота вращения ротора.

Ключевые слова: картофел, клубни картофеля, картофелекопатель, элеваторный картофелекопатель, роторный картофелекопатель, ротор, палец, машина, лемех.

ANALYSIS OF THE TECHNOLOGICAL PROCESS OF THE WORK OF THE WORKING BODY OF THE ROTOR POTATO PERCEPTOR

Duskulov A.A., Isakhov A.A., Makhmudov H.S., Borotov A.N.

Abstract

The article provides a brief analysis of the state of machine harvesting of potato tubers, the problems of using machine harvesting, the advantages and disadvantages of the used potato loops, as well as materials for improving rotary potato diggers. Also, formulas are given for determining the motion path of the rotor fingers, the length of the share part interacting with the fingers of the rotor and the rotor speed.

Keywords: potato, potato tubers, potato digger, elevator potato digger, rotary potato digger, rotor, finger, machine, ploughshare.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017 — 2021 йилларда мўлжалланган **ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни озиқ- овқатга бўлган хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, жумладан картошкалар — 106,3% етказиш** фвазифаси қўйилган [1]. Мамлакатимизда 2019 йилда 78,7 минг гектардан ошиқроқ майдонларда картошка етиштириш ва ундан 1490660 тонна ҳосил олиш мўлжалланган [2,3].

Етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш муҳим вазифалардан биридир. Чунки картошка ҳосилини йиғиштириб олиш машақатли, кўп меҳнат, вақт ва энергия талаб қиладиган иш бўлиб, уларни. йиғиштириб олиш учун ҳар бир гектар майдондан 1000 тоннадан ортиқ тупроқни кавлаш, элаш ва туганакларни ажратиб олишга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда етиштирилган картошка ҳосилини йиғиштириш ишлари қўлда ёки икки қаторли элеваторли картошка кавлагичлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиб келинмоқда. Улар нисбатан оғир, метал ҳажмдор, энергия сарфи катта. Бундай машина элеваторли кавлагич турига мансуб бўлиб у енгил ва ўртача оғирликдаги тупроқларда ишлатишга мўлжалланган ва соз тупроқли майдонларда нисбатан яхши ишлайди. Аммо оғир турга мансуб бўлган тупроқли, суғориладиган ерларда ҳамда жўякларда етиштириладиган картошкаларни кавлашда, унинг иши сифат кўрсаткичлари агротехник талабларни тўлиқ қониқтирмайди. Оғир тупроқли майдонларда картошка кавланганида, кавланган тупроқ ва картошка аралашмасида кесаклар миқдори кўп бўлиб, машинанинг элагич қисмида уларнинг эланиш жараёнини қийинлаштиради, натижада тўлиқ эланмаган тупроқ ва картошка туганаклари ер юзасига қайта уюмлаб ташланганида, картошка туганакларининг бир қисми тупроқ билан қўмилиб қолади. Йиғиштирилганда ҳосилнинг бир қисми тупроқ билан яна қўмилиб қолганлиги сабабли нобудгарчиликка йўл қўйилади. Бундан ташқари кавланган тупроқ ва картошкалар аралашмасидаги кесаклар, эланиш жараёнида туганакнинг жароҳатланишига олиб келиши мумкин [4,5,6].

Жўякларда етиштирилган картошкаларни йиғиштиришда машинанинг лемехи кавланган тупроқ қатламини машинанинг элеваторларига кўндаланг кесими жўяклар шаклига ўхшаш нотекис қалинликда узатилади. Бунда элеваторнинг ишчи қисмига узатилган тупроқ аралашмасининг жўяк орасига тўғри келадиган жойида қисқароқ вақт оралиғида, жўяк устига тўғри келадиган қалин жойида эса нисбатан узокроқ вақт оралиғида эланишига сабаб бўлади. Бундай вазият тупроқнинг тўлиқ эланмаслигига олиб келади ва картошкаларни ажратиб олиш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам картошка ва туганакли экинлар маҳсулотини йиғиштириб оладиган машиналарни такомиллаштириш, янги турларини яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади **Тадқиқот услубиёти.** Тадқиқот ўтказишда картошка кавлаш машиналарини яратиш, конструкцияларини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ўрганишда, назарий тадқиқотлар ўтказишда умумилмий методларнинг таққослаш, таҳлил ва синтез қилиш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари .Илмий тадқиқот ишлар ва патент изланишлар асосида роторли картошка кавлагичнинг янги конструкциясини ишлаб чиқилди [7, 8].


Машина икки қаторли бўлиб, роторлари машинанинг ҳаракат йўналишига нисбатан бўйлама, яъни уларнинг айланиш ўқи агрегат ҳаракат йўналишига перпендикуляр жойлаштирилган (расм).

У қуйидаги қисмлардан ташкил топган: рама, осгич, ротор, тўсгич, дисксимон тўсгич, лемех, редуктор, карданли вал, панжарасимон нов ва таянч ғилдирак. Ушбу картошка кавлагич 0,9...1,4 синфга мансуб бўлган тракторларларга осилиб ишлатилади.

Машина ишчи қисми-роторининг корпуси цилиндрик шаклига эга бўлиб, унга диаметри 12 мм. пружинали пўлатдн тайёрланган, саккиз қатор бармоқлар қотирилган. Ҳар бир қаторга бармоқлар оралиғи 30 мм.га тенг бўлган тўққизта бармоқ жойлаштирилган. Бармоқлар ёй шаклида эгилган бўлиб, ротор айланганида, унинг уч қисми лемехнинг орқа қисмида очилган тиркшдан (расм) ўтади. Роторнинг диаметри 800...850мм. ни ташкил этади ва бир дақиқада 50...55 маротаба айланади.

Машина ишлаган пайтда лемех 8 жўяк тупроғига 20 – 25 см чуқур кириб, картошка аралашган тупроқ қатламни тайинланган кенгликда қирқиб, уни майдалаб, деформациялайди ва ўзининг ишчи сирти бўйлаб кўтаради. Худди шу пайти, ҳаракатни тракторнинг қувват олиш валидан карданли вал, редуктор орқали олган ротор бармоқлари лемехнинг орқа қисмида очилган тиркишдан кириб, лемехнинг ишчи сирти бўйлаб узатилаётган картошка аралашган тупроқ қатламининг бир қисмини илиб олади ва юқорига кўтаради. Ротор айланиб, бармоқлари юқорига кўтарилганида, уларнинг орасидаги тиркишдан тупроқлар пастга оқиб тушади. Тиркишдан оқиб тушган тупроқлар бармоқнинг пастки қисмига жойлаштирилган тўсиқнинг устига тушади. Тўсиқнинг ишчи юзаси пастга энгаштирилиб тайёрланганлиги сабабли, унинг устига тушган тупроқлар икки ён томонга сурилиши ва ер юзасига ташлаб кетилиши ҳамда бир пайтнинг ўзида орқа қисмида жойлашган бармоқлар устига тупроқнинг тушмаслигини таъминлайди. Тупроқнинг бармоқлар орасидан ажралиб, ерга тушиш жараёни, бармоқ қаторларининг тик ҳолатга келгунича давом этади ва бармоқлар устида фақат картошка туганаклари қолади. Ротор айланиб, кейинги бурилишида бармоқлар устидаги картошка туганаклари юмалаб, олд қисмидаги тўсгичларнинг сиртига келиб тушади. Тўсгичнинг ишчи сирти бу зонада ички томонга эгилганлиги сабабли, улар тўплиниб, панжарасимон нов юзасига келиб тушади ва ундан ер юзасига уюмланиб ташланади.Шундай қилиб таклиф этилган роторли картошка кавлагич картошка кавлаш жараёнини тўлиқ таъминлайди.

Ротор ёрдамида картошка туганаклари аралашган тупроқ қатламининг илиб олинишини таъминлаш учун ушбу жараённи таҳлил қиламиз ва ротор бармоғи учининг ҳаракатланиш тенгламасини тузамиз. Ротор бармоғи учининг (расм) ҳаракатланиш тенгламасининг параметрик кўринишидаги ифодаси қуйидагича кўринишга эга бўлади.



Роторли картошка кавлагич параметрларини аниқлашга доир схема.

$$X_1 = V_m \cdot t + R \cdot \sin \omega t;$$

$$Y_1 = R \cdot \cos \omega t$$

бу ерда V_m - картошка йиғиштириш агрегатининг иш тезлиги;

R - ротор бармоқлари радиуси;

ω - роторнинг бурчак тезлиги;

Ротор бармоқлари 1 нинг траекторияси Oa эгри чизик бўлади. Роторнинг 1-чи бармоқларидан кейин жайлашган бармоқлар 2 нинг траекторияси ҳам худди биринчи бармоқларнинг ҳаракатланиш траекториясига ўхшаш бўлиб, улар машина ҳаракат йўналиши бўйлаб

$$X_b = V_m \cdot t = V_m \frac{a}{\omega}$$

силжиган бўлади.

Бу ерда α - бир издан юрувчи, қўшни бармоқлар орасидаги марказий бурчак.

Унда бармоқлар 2 учининг ҳаракатланиш тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$X_2 = V_m \cdot t + R \cdot \sin(\omega t - a);$$

$$X_2 = R \cdot \cos(\omega t - a)$$

Иккинчи 2 бармоқ учининг ҳаракатланиш траекторияси Bc ҳам эгри чизик бўлади.

Роторнинг бармоқлари узатилаётган туганакли тупроқ қатламини узлуксиз илиб олиши учун тупроқ қатлами лемех юзаси бўйлаб L масофани босиб ўтгунча 2-чи бармоқ 1-чи бармоқ ўрнига келиши керак, яъни $L = S \cos \alpha$ масофа босиб ўтилади. Унда туганакли тупроқ қатлами L масофага силжиганида бармоқлар X_c масофани босиб ўтиши керак. Тупроққа ишлов бериш зонасининг X ўқиға проекциясини S деб белгиласак, унда

$$S = X_c - X_b$$

бўлади. Бунда бармоқнинг учи C нуқтага силжиган бўлади. Агар ишлов берилаётган қатламнинг баландлиги H бўлса, уларни қуйидаги шартлар

$$Yc = \delta = R \cdot \cos(\omega t_e - a);$$

$$\cos(\omega t_e - a) = \frac{\delta}{R};$$

ва

$$t_c = \frac{1}{\omega} \left[a + \arccos\left(\frac{\delta}{R}\right) \right],$$

асосида топамиз; унда

$$Xc = v_m \cdot t_c + R \cdot \sin(\omega t_c - a),$$

$\sin(\omega t_{c_e} - a)$ - қуйидагиларга тенг бўлганлигини ҳисобга олиб

$$\sin(\omega t_c - a) = \sqrt{1 - \cos^2(\omega t_c - a)} = \frac{\sqrt{R^2 - \delta^2}}{R},$$

$S = X_c - X_b$, формулага хадлари қийматларини қўйиб, охириги кўринишда қуйидагини

$$\begin{aligned} S &= X_c - X_b = v_m t_c + R \cdot \sin(\omega t_c - a) - \frac{\omega_m a}{\omega} = \\ &= v_m \cdot \frac{1}{\omega} \left[a + \arccos\left(\frac{\delta}{R}\right) \right] + R \frac{\sqrt{R^2 - \delta^2}}{R} - v_m \frac{a}{\omega} = \\ &= \left(\frac{v_m}{\omega} \right) \left[a + \arccos\left(\frac{\delta}{R}\right) + \sqrt{R^2 - \delta^2} - v_m \frac{a}{\omega} \right] = \\ &= \frac{v_m}{\omega} \left(\frac{1}{2} + \arccos\left(\frac{\delta}{R}\right) + \sqrt{R^2 - \delta^2} \right); \end{aligned}$$

оламиз. Лемехнинг охириги қисми узунлиги L ни қуйидаги формуладан аниқлаймиз:

$$L = S \cos \alpha = \left(\frac{v_m}{\omega} \left(\frac{1}{2} + \arccos\left(\frac{\delta}{R}\right) + \sqrt{R^2 - \delta^2} \right) \right) \cos \alpha,$$

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, лемехнинг охириги қисми узунлиги агрегат тезлиги, роторнинг бурчак тезлиги ва роторнинг параметрларига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. Роторнинг айланиш частотаси, бармоқ учининг чизикли тезлиги, тупроқ

қатламини илиб олиш учун керак бўладиган критик тезлигидан катта бўлиши кераклиги шарти асосида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$V = \frac{\pi \cdot n \cdot R}{30} > V_H,$$

ундан

$$n > \frac{30 \cdot V_H}{\pi \cdot R},$$

бу ерда n -бармоқли роторнинг айланиш частотаси;

Ушбу формуланинг тахлили шуни кўрсатадики, агрегатнинг илгариланма ҳаракат тезлиги ортиши билан бармоқли роторнинг айланиш частотаси ортиб боради. Бу бармоқли роторни тупроқ қатламини илиб олиш қобилиятини жадаллаштиради, аммо тупроқ ва туганакларининг бармоқлар орасидан эланиш эланиш эхтимоллигини сусайтиради. Чунки ротор тез айланса марказдан қочма куч таъсири ошади ва жараёнга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб келтирилган формулалар картошка кавлагич роторининг параметрларини аниқлаш имконини беради

Келтирилган формулалар ҳадларига агрегатнинг ишчи тезлиги 4...6 км / соат , роторнинг радиуси 0,4...0,42 м. лемехнинг ерга нисбатан ўрнатилиш қиялиги 25...30⁰ оралиғида бўлган қийматларни қўйиб ҳисоблаганда, роторнинг айланиш частотаси 32...40 айл /мин. ташкил этади.

Келгусида ушбу тадқиқотлар асосида картошка кавлагич ротори ва унинг параметрлари асосланиб, машинанинг намунавий нусхаси тайёрланади ва ишлаш қобилияти синаб кўрилади.

Хулоса.: Маҳаллий шароитда етиштирилган картошкаларни машина ва механизмлар ёрдамида йиғиштириш ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Чунки ишлаб чиқиладиган картошка кавлаш машиналарининг иши сифат кўрсаткичлари паст, металл ҳажмдор ва энергия сарфи юқори. Роторли картошка кавлагичнинг янги конструктив схемаси ишлаб чиқилган. Назарий тадқиқотлар асосида картошка кавлагич роторининг айланишлар частотаси, агрегатнинг ишчи тезлиги 4 ... 6 км/соат бўлганда 32 ... 40 айл/мин. бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 - сондаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясиги тўғрисида» ги фармони.
2. «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2460-сонли қарори. Тошкент ш., 2015 йил 29 декабр.
3. 2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг N 259 29.03.2019 й.даги Қарори .
4. Плаксин А. М., Технический уровень машин в растениеводстве: состояние и перспективы. Вестник ЧГАА. 2011. Том 58.
5. Справочник конструктора сельскохозяйственных машин. Том 3. 1992.
6. Листопад Г. Е., Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. М. 1986.
7. Дускулов А.А., Боротов А.Н. Роторли картошка кавлагич. Замонавий таълим технологиялари-давр талаби. Илмий-услубий анжуман материаллари 2-қисм. Тошкент-2013. 167-174-б.
8. Дускулов А. А., Махмудов Х. С., Ҳайитов Б.К. Такмиллаштирилган роторли картошка кавлагич. Материалы международной научно-практической конференции “проблемы повышения эффективности использования электрической энергии в отрочьах агропромышленного комплекса.” III часть. 2018. с.: -29-33.

**ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА ИНТЕНСИВ ВА РЕСУРСТЕЖАМКОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

Ф.Қ.Курбонов ассистент, И.Э. Таджибекова катта ўқитувчи.
Тошкент давлат аграр университети

Аннотация

Фермер хўжаликлари ер майдонларига чигит экилганда баҳорнинг сер ёмғир бўлиши оқибатида чигитнинг униб чиқишида ҳамда ривожланишида бир қанча тўсиқлар мавжуд бўлади асосан агротехник тадбирларни ўз вақтида тўғри бажариш лозим бўлади. Ушбу мақолада чигитни ундириб олиш бўйича бир қанча тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: гаммоз, илдиз чириши, ККО, РОР, суспензия, кўшқаторлар, пленка, культивация, тежамкор, сеялка, илдиз, суғориш ишлари.

**ПРИМЕНЕНИЕ ИНТЕНСИВНЫХ И РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ
ПРИ УХОДЕ ЗА ХЛОПЧАТНИКОМ**

Ф.К.Курбонов, И.Э. Таджибекова

Аннотация

В результате повышенного количества осадков в весеннее время, при вегетации хлопчатника, прорастание и развитие саженцев подвергается значительным препятствиям, для этого необходимо своевременное использование определенных агротехнических мероприятий. В представленном материале даются рекомендации создания условий для успешного прорастания хлопчатника.

Ключевые слова: гаммоз, загнивание корней, ККО, РОР, суспензия, объединенные ряды, пленка, культивация, ресурсосберегающий, сеялка, корень, поливочные работы.

**THE USE OF INTENSIVE AND RESOURCE-SAVING TECHNOLOGIES IN THE CARE
OF COTTON**

F. K. Kurbanov assistant, I. E. hajibeyova

Abstract

As a result of increased rainfall in the spring, during the growing season of cotton, germination and development of seedlings is subject to significant obstacles, it requires the timely use of certain agricultural measures. In the presented material recommendations of creation of conditions for successful germination of cotton are given.

Key words: gommosis, root rotting, BARK, suspension, combined rows, film, cultivation, resource-saving, seeder, root, watering works.

Кириш қисми. Баҳорнинг фаслининг об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда агротехник тадбирларни мақбул муддатларда ва меъёрларда амалга ошириш, интенсив ва ресурстежамкор технологиялардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Фермер хўжаликлари ер майдонларида чигит униб чиққан даланинг ҳолатини ўрганиб чиқиб, ниҳолларнинг илдизини ривожланишига алоҳида эътибор бериш, лозим, чунки илдиз чириш билан зарарланиши кузатилганда, унда тупроқ намлигини камайтириб орасига ҳаво ва иссиқнинг киришига шароит яратиш, тупроқни майин, донатор ҳолатга келтириш зарур бунинг учун қатор орасига сифатли ишлов бериш шарт. Ҳаво ҳарорати кўтарилганда ўз вақтида сифатли ишлов берилмаса, ғўза ниҳоллари ривождан орқада қолади. Пахта очилиши кечикади, натижада ҳосилдорлик пасаяди, ниҳоллар нимжон бўлиб, касалликка чалиниш даражаси ортиб боради.

Тадқиқот услуби Ер этилиши билан ниҳоллар қатор бўлиб кўрингандан сўнг агротехник тадбирларни бошлаш, яъни биринчи культивацияни ўтказиш керак. Ўтказилган культивация натижасидатупроқнинг намлиги камайиб, ҳаво ва иссиқ кириши натижасида қолган чигитлар униб чиқади, ҳамда ортиқча намлик кўтарилади, тупроқ майин, донатор бўлиб ҳаво айланиши яхшиланади, бунда иссиқлик режими яхшиланади ўсимлик илдизи яхши ривожланади. Бу эса ўз навбатида, гоммоз, илдиз чириш касалликларини кўзғатувчи патогенларни камайтиради, ғўзани соғлом ва ўсиб-

ривожланишини таъминлайди. Намлик кўп бўлиши натижасида қатқалоқ бўлиши ортиб боради, қатқалоқ бўлган жойларда ишлов беришда культиваторга ротацион юлдузча, пичоқлар ва чуқур юмшатиш панжаларини ўзаро мос ҳолда жойлаштириш керак. Бунда, юлдузчалар 3–5 см, ўртадаги иш органлари 12–14 см, чеккадагилари эса 6–8 см чуқурликка мослаб ўрнатилиши зарур.

Ўза қатор ораси 60 см. да культиваторда 33 та, 90 см. да 37–39 та ишчи органлари бўлишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Плёнка остига чигит экилган майдонларда бегона ўтлар тез ривожланиб, уни кўтариб юбориши мумкин. Бунинг олдини олиш учун культивация билан бир йўла чопикни амалга ошириш керак. Умуман чопик, ягана, культивация ишларини тизимли равишда ташкил этиш лозим. Механик таркиби енгил, қумоқ, қумли ерларда ва ўртача тупроқларда биринчи культиваторнинг четки ишчи органлари 6–8 см, иккинчи жуфт органлар 8–10 см, учинчи жуфт органлар 10–12 см, ўртадагилари 60 см қатор оралиғида 13–14 см, 90 см қатор оралиғида 15–16 см чуқурликка мослаб ўрнатилади ва трактор паст тезликда юргизилади. Агар культивация кечиктирилса, қатқалоқ тагида, паст ҳароратда униб чиқолмаган чигитлар узоқ туриб қолиши ва барг ёзиб юбориши ҳамда илдиз чириш касаллиги келиб чиқиши туфайли ҳосилдорлик 3–4 ц/га. гача пасайиши мумкин. Чигит кўшқатор экилган майдонларда тупроқдаги ортикча намликни кўтаришда биринчи культивацияда кўшқатор орасини юмшатиш учун бир дона ККО ёки кичик лапка 5–6 см ва икки дона РОР юлдузчаси билан 3–5 см чуқурликда ишлов бериш тавсия этилади. Кўшқаторлар оралиғи 25–30 (40) см бўлганда қатор орасига ишлов берилиши тупроқнинг зичлашмаслигини таъминлаб, ўзанинг ўсишига ижобий таъсир этади.

Ресурстежовчи такомиллаштирилган қатор ораси 60 см бўлган олти қаторли чигит экадиган сеялка ва ўза қатор ораларига ишлов берадиган культиватор тўрт қаторли чигит экиш сеялкасини олти қаторлигига ўзгартириш асосида яратилган. Олти қаторли сеялкага мос равишда 90 см культиваторнинг олдинги чап ва ўнг секцияларини иккала томонига ишчи органлари ўрнатиб, олти тўлиқ ишчи культиваторларга 60 см схемада жойлаштирилган. Бу агрегатнинг иш унумдорлиги юқорилиги, ёнилғи-мойлаш воситалари тежаши, тупроқни зичлантirmаслиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириши каби муҳим хусусиятлари билан аҳамиятлидир.

Олти қаторли сеялкада чигит экилган далаларни олти қаторли культиватор билан ўза қатор ораларига ишлов беришда, яъни биринчи культивация кенг ва чуқур, ўза қатор оралиғи 46–48 см кенгликда 16–18 см чуқурликда ўтказилади. Чигит униб чиққан майдонда бегона ўтлар бўлса бритвали ишчи органлар жойлаштирилади, моланинг иккала биқинида тупроқ кўпроқ бўлса кавариқ диск жойлаштириб, ишчи қисмлар ўрнатилади. Культивациянинг барча иш қуролларини жойлаштиришда энг асосий эътибор даланинг сифати ва шароитига қараб ростланиши, бешта секциянинг наральник ва ғозпанжалари ўза қатор орасининг ўртасига (яъни 30 см) тўғри ўрнатилиши керак. Ёғингарчилик туфайли тупроғи ўта зичланиб кетган ва ер тайёрлашда техника кўп киритилганлиги натижасида, пастки қатламда девор ҳосил бўлган майдонлардаги ўза қатор ораларига сифатли ишлов беришни таъминлашда чуқур юмшатишнинг аҳамияти катта.

Натижалари: Кейинги культивацияларда ўзанинг илдизини шикастлантirmаслик мақсадида юмшатиш кенглиги ва чуқурлиги қатор оралари кенглигига, тупроқ турига қараб белгиланади. Қатор оралари 60 см бўлганда культиватор четки органлари ўсимликдан 8–10 см узокликда, 6–8 см чуқурликда, ўртадагилари 12–14 чуқурликда, ишлов кенглиги 40–44 см, 90 см қатор оралиғида культиватор ишчи органлари ўсимликдан 8–10 см узокликда, 6–8 см чуқурликда, кейинги жуфтликлари мос равишда 8–10, 10–12 см ва, ўртадагилари 15–16 см чуқурликда ўрнатилиши, ишлов бериш кенглиги 70–74 см. ни ташкил этиши керак. Олти қаторли культиватор билан ўза қатор ораларига ишлов беришда, яъни иккинчи культивация 42–44 см кенгликда, 20–22 см чуқурликда ўтказилади. Ишчи органлари ўза қаторидан 10–12 см қочирилиб, ўрта органлар 2–4 см чуқурроқ ўрнатилиб, тупроқ қатлами юмшатиб борилади. Илдиз тизимининг яхши ривожланишини таъминлаш учун 1 ва 2-культивация орасида махсус мослама ёки чизель культиватор ёрдамида механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда 18–22 см, механик таркиби оғир тупроқларда 20–25 см чуқурликда юмшатиш

чораларини кўриш лозим. Ниҳолларни озика моддалар билан яхшироқ таъминлаш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида культивация билан биргаликда гектарига соф ҳолда 50 кг азотли ўғит (аммиакли селитра 150 кг/га ёки мочевино 110 кг/га, аммоний сульфат 240 кг/га) чириган ва курук гўнг солиниши яхши самара беради. Бунинг учун 1 кг азотли ўғитга 2,0–2,5 кг чириган ва эланган гўнг кўшиб солиниши тавсия этилади. Ниҳолларни озиклантириш барг авж ўсишига имкон беради, ўғитлар культиваторлар билан солинганда ер бетига сочилиб кетмаслиги ва саёз (3–5 см) берилмаслиги керак. Акс ҳолда ўғит исроф бўлади. Шу боис ўғитлар гўзанинг 15–18 см ёнига, 12–18 см чуқурликка солингани маъқул. Агар ўғит белгиланган чуқурликдан чуқур солинса, ниҳолларнинг илдизлари ҳали унчалик ривожланмаганлиги сабабли тўлиқ ўзлаштира олмайди ва сув билан ювилиб, тупроқнинг қуйи қатламига тушиб кетишидан ташқари биологик жараёнлар таъсирида исроф бўлади. Гўза ривожланишининг дастлабки даврларида азот ва фосфорга жуда талабчан бўлади. Бу даврда ниҳоллар озиклантирилмаса, кейинги ривожланиш даврларининг чўзилиб кетиши ва ҳосилга салбий таъсир этиши мумкин. Ниҳолларни кўшимча равишда баргдан озиклантириш ҳам самаралидир. Бунда гўзани шоналаш даврида карбамид ўғитидан (5–7 кг/га) ёки суюқ ҳолдаги КАС (карбамид-аммиакли селитра, 5–7 л/га) суспензия тайёрлаб сепиш ёки таркибида жуда кўп озика элементлари ва ўсимлик учун зарур бўлган микро-макро элементларга бой «Гумимакс» (0,3 л/га), «Узгуми» (0,3 л/га), «Эдагум» (0,3 л/га), «Фитовак» (300–400 мл/га) ва бошқа стимуляторлар билан ишлов бериш яхши самара беради. Барг сатҳига тушган суспензия ўсимлик тўқималарига сўрилиб, гўзанинг ўсиб-ривожланишини яхшилади, барглар қалинлашиб, ундаги хлорофиллар миқдори кўпаяди, фотосинтез жараёни жадаллашади ва ҳосилнинг пишиб етилиши тезлашади, ҳосилдорлик 12–15 фоизга ошади.

Карбамидли суспензия билан ишлов беришда гўзанинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда аввал эритма тайёрланади. Бир гектар майдонга етадиган эритмани тайёрлаш учун физик ҳолда 5 кг карбамид 50 литрлик идишда, сувда эритилади. Кейин эритмани 100 литрлик идишга қуйгач яхшилаб аралаштирилади. Тайёр эритманинг меъёри тавсия этилганидан ортиқ бўлса, ниҳолларга салбий таъсир этиши (барглари қуриши) мумкин. Аксинча, меъёри паст ҳолатдагиси самарасиз бўлади. Кейинги суспензия сепишда 50 литрлик идишдаги сувда физик ҳолда 7 кг карбамид эритилади ва бу эритма 100 литрлик идишга қуйилиб, яхшилаб аралаштирилади ва бир гектарга сепилади.

Бунда тракторларга ўрнатилган бочкаларга 200 литр тоза сув ва 100 литр тайёрланган эритма қуйилиб аралаштирилади ва гектарига 300 литр миқдорда ишчи эритма қўлланади. Суспензияни эрталаб ва кечкурун ҳаво ҳарорати 20–25 оС дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озика моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади. Чопиқ ишларини сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш зарур. Шунингдек, кўп йиллик бегона ўтларга (ғумай, ажриқ ва бошқ.) қарши, бўйи 10–15 см га етганда «Ентерра» гербицидини 1,5 лўга ҳисобида пуркалса яхши натижа беради. Гўзани сўрувчи ҳашаротлар – шира ва трипсдан химоялаш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун дала атрофига 500 донадан олтинкўз энтомофагини чиқариш, дала четларини ихоталаш чораларини кўриш керак.

Гўзани суғоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Суғоришни мақбул тартибда, тензиометр (тупроқ намлигини ўлчаш), рефрактометр (гўза барги шираси концентрациясини ўлчаш) каби замонавий ва портатив ускуналардан фойдаланиш ҳамда гўзани эгат орқали сунъий қувурлар ёрдамида суғориш ҳисобланади. Суғоришда сунъий қувур ҳосил қилувчи мосламани эгат ораси 60 см бўлган пахта далаларига ўрта ва оғир тупроқларда ўтказиш мумкин. Сунъий қувурлар махсус мосламалар орқали трактор ғилдираги юрмаган эгатларда ҳосил қилинади. Ҳар бир сувдан кейин тупроқ етилганда тракторда экин қатор орасига ишлов берилади.

Типик бўз, оғир қумоқли тупроқлар шароитида сунъий қувурлар гўзанинг ўсиш мавсумида 12–15, 22–25 ва 32–35 см чуқурликда ўрганилди. Ўтказилган илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тупроққа ишлов беришни, сунъий қувурлар билан биргаликда ўтказилса,

тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ошиб, нишаб ерларда оқавага сувни чиқиб кетиш сарфи қисқаради. Эгат узунлиги 100 м бўлган ерларда ғўзани эгат оралатиб суғоришда 17–18% сув тежалади, тупроқнинг ювилиши эса 7–8 т/га га камаяди. Шу билан бирга ҳайдов қатламидан озика элементлари (азот, фосфор, калий 1,5–2,5 мартагача) ва гумус ювилиши камаяди.

Хулосалар: Шуни таъкидлаш керакки, ғўзани парваришлашда суғоришни эгат кенглиги 60 см майдонларда эгат оралатиб, трактор ғилдираги юрмаган эгатлар орқали сунъий қувурлар 20–25 см, 32–35 см чуқурликда ҳосил қилинса, сув сарфини камайтириш, минерал ўғитларни тежаш, тупроқ эрозиясини бартараф қилиш, юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони яратилади. Шунингдек, қатор орасига плёнка тўшаб ғўза суғорилганда 30–40% сув тежалиб, ҳосилдорлик 5–6 ц/га, сомон ёки компост тўшаб суғорилганда эса 25–30 % сув тежалиб, 3–4 ц/га пахта ҳосили ошиши тадқиқотларда аниқланган. Ушбу технологияларнинг асосий афзаллиги мульча сифатида плёнка, сомон ёки компост ғўза қатор ораларига тўшалганда сувнинг тупроққа сингишини яхшилайти, намликнинг ортиқча буғланишининг олди олинадиган ва намлик узоқ муддат сақланади, ўсимликнинг илдиз тизими яхши ривожланиб, озика моддаларни ўзлаштириши ва ҳосилдорлик ортиши таъминланади. Фермерлар юқоридаги тавсиялар бўйича иш юритсалар, ғўзаларнинг жадал ўсиб-ривожланиши таъминланади. Бу эса пировардида ноқулай шароитда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштиришга пухта замин тайёрлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ф.М.Маматов Қишлоқ хўжалик машиналари Тошкент, 2007
2. Матчанов Р.Д. “Пахта териш машиналари”, Тошкент, 2013.
3. Шоумарова М., Абдиллаев Т. “Вертикал шпинделли пахта териш машинасининг параметрларини лойиҳалаш”, ТошДАУ. 2014.
4. А.Обидов ва бошқалар Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни механизациялаштириш Тошкент, 2018
5. Шоумарова М., Абдиллаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари. - Т. Ўқитувчи, 2009.

УДК 629.114.2

БОҒ ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ УЧУН БИР КОРПУСЛИ ПЛУГНИНГ КОНСТРУКТИВ СХЕМАСИ ВА ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИНИ АСОСЛАШ

Маматов Ф.М. – т.ф.д., проф. (КарМИИ), Ахметов А.А. – т.ф.д., проф. (ООО “КТЦСМ”), Бабажанов Л.К. – доцент(ТИҚХММИ)

Аннотация

Мақолада муаллифлар томонидан боғ қатор ораларига ишлов бериш учун таклиф қилинган текис шудгорлайдиган плугнинг 0,6-0,9 синфдаги тракторлар учун корпуслар сони ва қамраш кенглиги асосланди. Бир корпусли плугнинг боғ қатор ораларига ишлов бериш технологик иш жараёни ва унинг конструкцияси келтирилган.

Калит сўзлар: трактор, плуг, шудгорлаш, корпус, рама, осиб қурилмаси, ўтиш, қамраш кенглиги, қатор оралари, боғ.

ОБОСНОВАНИЕ КОНСТРУКТИВНОЙ СХЕМЫ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА РАБОТЫ ОДНОКОРПУСНОГО ПЛУГА В МЕЖДУРЯДЬЯХ САДОВЫХ НАСАЖДЕНИЙ

Маматов Ф.М., Ахметов А.А., Бабажанов Л.К.

Аннотация

В статье обоснованы ширина захвата и количество корпусов плуга к тракторам класса 0,6-0,9 для гладкой пахоты почв междурядий садовых насаждений. Приведены технологический процесс работы однокорпусного плуга в междурядьях садовых насаждений и его конструкция.

Ключевые слова: трактор, плуг, вспашка, корпус, рама, навеска, проход, ширина захвата, междурядья, сад.

SUBSTANTIATION OF THE CONSTRUCTIVE SCHEME OF TECHNOLOGICAL PROCESS OF WORK OF SINGLE-HOUSING PLOW IN BETWEEN GARDENING

Mamatov F.M., Akhmetov A.A., Babajanov L.K.

Abstract

The article substantiates the working width and the number of plow bodies for tractors of 0.6-0.9 class for smooth plowing of soils between rows of garden plantings. The technological process of operation of a single-body plow in the aisles of garden plantings and its design are given.

Keywords: tractor, plow, plowing, body, frame, hitch, passage, working width, row spacing, garden.

Кириш. Анъанали ағдаргичли корпусларнинг технологик иш жараёни шудгорнинг юқори сифати, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, материал сифими, энергетик ва меҳнат сарфини камайиши, тупрокни ҳимоя қилиш каби мезонларга тулиқ жавоб бермайди [1, 2, 3, 4, 5]. Текис ишлов беришнинг эгатсиз текис ишлов бериш технологияси ва ушбу технологияни амалга оширадиган плуглар мавжуд плугларга нисбатан текис юзали тупроққа сифатли ишлов бериб, шудгордан кейинги қўшимча ишлов беришларни камайиши ҳисобига энергия сарфини 1,5-1,8 мартага камайишини таъминлайди. Эгатсиз текис шудгорлаш технологияси палахсаларни ўз эгати чегарасида 180° га ағдаришни кўзда тутди [4, 5]. Шунинг учун ушбу тадқиқотларнинг мақсади боғ қатор ораларги ишлов бериш учун 0,6-0,9 синфдаги тракторларга эгатсиз текис шудгорлайдиган плугни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот услубиёти. Тадқиқот жараёнида деҳқончилик механикаси усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. ҚарМИИ, ТИҚХММИ ва ВМКВ «Agromash» томонидан боғ ораларига текис ишлов бериш технологияси ва уни амалга оширадиган бир корпусли плуг яратилди [6].

0,6-0,9 синф тракторларга эгатсиз текис шудгорлайдиган плугнинг корпуслари сонини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз [7]

$$n = \frac{\eta_m P}{KB_k a}, \quad (1)$$

бунда η_m – тракторнинг тортиш кучидан фойдаланиш коэффиценти; P – тракторнинг номинал тортиш кучи, $H; K$ – тупрокнинг ишлов беришдаги солиштирма қаршилиги, $кН/м$; a – максимал ишлов бериш чуқурлиги, $м$; B_k – корпуснинг қамраш кенглиги, $м$.

0,6-0,9 синфга таалуқлиғилдиракли тракторнинг тортиш кучини $9 кН$, $\eta_m=0,95$, $K=7 кН/м$ ва максимал ишлов бериш чуқурлигини $a=0,22 м$ деб қабул қиламиз. Ишлов бериш чуқурлиги 20-25 см бўлганда ўз эгати чегарасида палахсаларни ағдарадиган корпусларнинг қамраш кенглиги $B_k=40-52,5 см$ оралиғида бўлиши лозим [4]. Юқоридагиларни эътиборга олсак (1) ифода бўйича 0,6-0,9-синф ғилдиракли тракторлар учун корпуснинг сони 1,06-1,39 эканлиги келиб чиқади. Демак, 0,6-0,9 синфга мансуб ғилдиракли тракторлар учун корпуснинг қамраш кенглиги 40-52,5 см оралиғида бўлганда плугнинг корпуслар сонини 1 та деб қабул қиламиз.


Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида плуглар ғилдиракли тракторлар билан икки хил усулда агрегатланади [7] бунда: тракторнинг барча ғилдираклари анғизда, яъни ҳайдалмаган майдон устида ҳаракатланади; тракторнинг ўнг ғилдираклариагрегатнинг олдинги ўтишида ҳосил бўлган эгат бўйлаб ҳаракатланади. Эгатсиз текис шудгорлайдиган плуг билан ишлов берилганда эгат ҳосил бўлмайди. Шунинг учун плуг биринчи усул бўйича агрегатланилади.

Эгатсиз текис шудгорлайдиган плугнинг корпуси иккита ишчи элементдан иборат (1 – расм): палахсанинг пастки ёқига таъсир қиладиган асосий корпус 1 ва палахсанинг айланишини биринчи босқичида уни ён томонига, иккинчи босқичида эса юқори томонига таъсир қиладиган қўшимча корпус (заплужник) 2.

Бир корпусли эгатсиз текис шудгорлайдиган плуг универсал рама 1, корпус 2, заплужник 3, дисксимон пичоқ 4 ва таянч-текислагич ғалтак 5 дан иборат. Палахсани бураш жараёнида унинг ёқлари винтсимон юзалар шаклига эга бўлганлиги учун корпус ва заплужникнинг ишчи юзалари ҳам винтсимон шаклга эга.

Бир корпусли эгатсиз текис шудгорлайдиган плугнинг иш жараёни қуйидагича кечади (1 - расм). Тупроқдисксимон пичоқ 4 билан тик текисликда, асосий корпус 2нинг лемехи билан эса горизонтал текисликда кесилади, натижада палахса ҳосил бўлади. Асосий корпус аввал мустақил,

сўнгра эса заплужник 3 билан ўзаро таъсир қилиб, палахсани айлангадиган ва ўз эгати чегарасида ётқизади. Корпус ва заплужник ишчи юзаларидан чиққан палахса мажбурий, тахминан 160° га айланган ҳолатда бўлади ва у ён томони билан эгат деворига таянади, бунда унинг ўтли томони билан эгат туби орасида бироз эркин бўшлиқ қолади. Бу бўшлиқни бартараф қилиш, шудгор юзасини текислаш ва кесакларни майдалаш учун рамага шарнирли-эластик беркитилган енгил планкала ғалтак қўлланилади. Ғалтак 5 ўз функцияларини ўзининг ва модулнинг оғирлигидан ҳамда ишчи органларга тупроқ реакциясининг тик ташкил қилувчисидан фойдаланиш туфайли бажаради. Ғалтакни рамага шарнирли-эластик беркитиш аввал «плуг товони» ҳосил бўлишига сабабчи бўлган тик кучни фойдали иш – кесакларни майдалаш ва шудгор юзасини текислаш учун фойдаланишга имкон беради [4, 5].




1 – расм. Ғалтакли бир корпусли эгатсиз текис шудгорлайдиган плугнинг конструктив схемаси: 1 – рама; 2 - корпус; 3 - заплужник; 4 – дисксимон пичоқ; 5 – таянч-текислагич ғалтак.


Кичик контурли далаларга ишлов беришда плугнинг технологик иш жараёни қуйидагича кечади. Биринчи ва иккинчи ўтишларда корпус раманинг ўнг томонида энг четги ҳолатда бўлади (2, а - расм). Ҳайдов агрегатини даладан қайтишида корпус рамага нисбатан четги ўнг ҳолатдан чап четги ҳолатга сурилади (2, б - расм). Бунда плугнинг кўндаланг силжиш катталиги $3b_k$, бу ерда b_k – корпуснинг камраш кенглиги. Шундай қилиб кичик контурли участкаларни текис шудгорлаш амалга оширилади.

Қатор оралиги $B=2,2$ мга тенг бўлган боғлар ораси тупроғига ишлов беришда плугнинг технологик иш жараёни қуйидагича кечади. Биринчи ва иккинчи (орқага қайтишда) ўтишда корпус раманинг ўнг томонида энг четги ҳолатда бўлади (2, а - расм). Бунда плуг ҳимоя худиди яқинидаги полосага ишлов беради, унинг кенглиги $B_k=(B-2B_3)/4$, бунда B_3 – ҳимоя худудининг кенглиги. Биринчи ва иккинчи ўтишда корпус рамага нисбатан четги ўнг ҳолатда, яъни тракторнинг симметрия ўқидан ўнг томонда бўлади.

Учинчи ва тўртинчи ўтишда (2, б - расм) плуг биринчи ва иккинчи ўтишлар оралигидага полосаларга ишлов беради. Бунда корпус четги ҳолатдан тракторнинг симметрия ўқи томонга корпуснинг камраш кенглигига B_k тенг масофага силжитилади. Шундай қилиб боғ қатор оралигига текис ишлов берилади. Корпусларни силжиш масофаси ва плугнинг технологик иш жараёни боғ қатор оралигининг кенглигига мос равишда ҳар хил бўлиши мумкин.



2-расм. Биркорпуслитекисшудгорлайдиган плугнинг технологикишжараёни:
a – 1 ва 2 -ўтишларда; *б* – 3 ва 4 – ўтишларда.



3-расм. Боғораларига ишлов берадиган биркорпусли плугнинг умумий кўриниши (аксонометрияда).

Юқорида келтирилган шудгорлаш технологик жараёни бажариш учун махсус рамали бир корпусли плугнинг конструкцияси ва конструктив схемаси яратилди [6] (3 – расм). Ушбу рама кўзгалмас 1 ва кўзгалувчан 2 қисмлардан иборат. Плугнинг ишчи органлари раманинг кўзгалувчан қисми 2 га беркитилади. Қатор оралигининг ишлов бериладиган йўлаги кенглиги қараб кўзгалувчан брус 2 нинг ҳолати кўзгалмас брус 1 га нисбатан ўзгартирилади. Плугнинг кўзгалмас қисми 1 осиш қурилмаси 3 ёрдамида тракторга беркитилади. Унга қисмига ишлов бериш чуқурлигини ўрнатиш механизми ўрнатилган. Плугнинг кўзгалмас ва кўзгалувчан қисмлари винтсимн механизм 4 ёрдамида ўзаро

боғланган. Раманинг қўзғалувчан қисмига дисксимон пичоқ 5, заплужникли корпус 6 ва ғалтак-мола 7 ўрнатилган.

Раманинг қўзғалувча қисми 2 нинг ҳарактлантириш механизми гидромотор 8, занжирли ўзатгич 9, винт 10, раманинг қўзғалувчан қисмига маҳкам беркитилган ушлагич 11 дан иборат. Винт 10 коробка 12 нинг ичида подшипникларда ўрнатилган бўлиб, раманинг қўзғалмас қисмига беркитилган.

Плугнинг ишчи органларини қўзғалмас рама 1 га нисбатан ҳолатини ўзгартириш қўйидагича амалга оширилади. Плугнинг транспорт ҳолатида гидромотор 8 орқали занжирли ўзатгич 9 га ҳаракатга келтирилади. Бунда винт 10 у ёки бу томонга айлантирилади, натижада винтга ўзининг резбаси билан ўрнатилган ушлагич 11 коробканинг ёриғи 13 бўйича ҳарактланади ва раманинг қўзғалувчан қисми 2 ни ҳарактлантиради. Бу эса ўз навбатида ишчи органларни тракторга нисбатан ҳолатини ўзгартиради.

Хулосалар. 1. Тадқиқотлар натижасига кўра 0,6-0,9 синфга мансуб тракторлар билан боғларга ва фермер хўжаликларининг кичик контурли карталари тупроқларига ишлов бериш учун эгатсиз текис шудгорлайдиган плуг осма бир корпусли, бунда корпуснинг қамраш кенглиги 40-52,5 см бўлиши лозим. 2. Бир корпусли плугнинг махсус рамаси қўзғалмас ва қўзғалувчан кўндаланг бруслардан иборат бўлиши лозим. Қўзғалувчан брус қўзғалмас брусга нисбатан корпуснинг уч баробар қамраш тенглигидаги кўндаланг масофага силжиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мусурмонов А.Т. Научно-техническое решение обработки почвы в междурядья и приствольных полос деревьев в садах.: Автореф. дис. ... докт. техн. наук. – Ташкент. 2019. – 57 с.

2. Мусурмонов А.Т., Байметов Р.И., Ибрагимов Д.А., Юлдошев А.И. Перспективы развития технических средств садоводства и виноградарства // Ресуртежамкор қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. 20-21 ноябрь. Гулбаҳор, 2014. – 413 б.

3. Қўшназаров Х. Боғ ва тоқзорларга ишлатилдиган техника воситалари. – Т. “Меҳнат”, 1985. – 148 б.

4. Шаров В.В. Обоснование основных параметров роторного плуга для гладкой вспашки. Дис. ... кан. тех. наук. – Москва, 1986. – 196 с.

5. Лобачевский Я.П., Маматов Ф.М., Максименко М.С., Эргашев И.Т. Фронтальный плуг для хлопководства // Хлопок.–Ташкент, 1991. –№ 6. – С. 35-37.

6. Фойдали моделга талабнома №FAP20190097 «Устройство для обработки междурядий садовых насаждений и виноградников» /Ахметов А.А., Маматов Ф.М., Арипов А.О., Мухтаров Ч.Р., Бабажанов Л.К.

7. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. М.:– Машиностроение, 1977. –326 с.

ЕТАКЛАНУВЧИ ҒИЛДИРАКНИ СУҒОРИШ АРИҚЧАРИДА ҲАРАКАТЛАНИШ КИНЕМАТИКАСИ ВА ДИНАМИКАСИ

Марупов И. т.ф.н. доцент.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Қишлоқ хўжалигини механизациялашда пахтачилик тракторининг олдинги қилдираги суғориш эгатлари бўйича ҳаракатланади. Етакланувчи ғилдиракни суғориш эгатлари билан ўзаро таъсири натижасида юмалаш радиусларини ҳар хиллигидан шинанинг бўйлама кесимларида юмалаш радиусларини ҳар хил бўлади ва бу кинематик нонатосибликка олиб келади. Натижада шинанинг ейилиши ҳамда ҳамда юмалаш қаршиги кучини ошишига олиб келади. Ишда ғилдиракни суғориш эгатларида ҳаракатланиш тахлили келтирилган.

Калит сўзлар: етакланувчи, ғилдирак, ҳаракатланиш, ёнга силжиш, шина, суғориш эгатлари, ҳаракат турғунлиги, реакция кучлари.

КИНЕМАТИКА И ДИНАМИКА ВЕДОМОГО КОЛЕСА ПРИ ДВИЖЕНИИ ПО ПОЛИВНЫМ БОРОЗДАМ

Марупов И.

Аннотация

В механизации сельского хозяйства переднее колесо хлопководческого трактола движется по поливным бороздам хлопчатника. Взаимодействие колеса с поливными бороздами имеет свою специфику, так как при этом в контакте шины появляются движение с кинематическим несоответствием радиусов качения. По этой причине происходит износ шины и повышения сопротивления качению. В работе анализировано условие качения колеса по поливным бороздам.

Ключевые слова: ведомого, качение, колесо, боковой увод, шина, поливные борозды, устойчивость движения, реактивные силы.

KINEMATICS AND DYNAMICS OF THE DRIVEN WHEEL WHEN DRIVING ALONG IRRIGATION FURROWS

Marupov I.

Abstract

In agricultural mechanization, the front wheel of a cotton-growing tractor moves along the irrigation furrows of cotton. The interaction of the wheel with irrigation furrows has its own specifics, since in this case, a contact appears in the tire contact with the kinematic mismatch of the rolling radii. For this reason, tire wear and increased rolling resistance occur. In this work, the condition of the wheel rolling along irrigation furrows is analyzed, and dynamics of the driven wheel when driving along irrigation furrows.

Key words: driven, rolling, wheel, lateral withdrawal, tire, irrigation furrows, stability of movement, reactive forces.

Агар $L>l_1$ шартини ҳисобга олсак ҳақиқий масофа юқорида аниқланган масофадан ($l_1=32$ см) кўп бўлиши керак. Агар ишчи органларни ўрнатишда ҳақиқий масофа бўйича ўрнатишнинг иложи бўлмаса, масофа ҳисобий масофадан кичик бўлмаслиги керак.

Хулоса. Ўқ ёйсимон панжали юмшатгичдан фойдаланилган ҳолда ишлов бериш чуқурлиги 15 см дан кўп бўлмаганда, уларни бир бирига нисбатан жойлаштирилиши кўндаланг текисликда 36 см дан, бўйлама масофа эса 32 см дан кам бўлмаслиги керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Худойбердиев Т.С., Худоёров А.Н., Болтабоев Б.Р., Абдуманнопов А. Боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига ишлов беришнинг янги технологияси. Ирригация ва мелиорация 2019 - № 1, 46...50 б.

2. Гниломедов В.В. Разбрасывание почвы лапами пропашного культиватора изменением скорости // Известия Куйбышевского сельскохозяйственного института. Т.15. Куйбышевское издательство. 1969 – 20...32 стр.

3. Горячкин В.П. Сборник сочинений в 3-х томах Издание 2-е, Под. ред. Н.Д. Лучинского – Т. 1 – Москва. Колос, 1968 – 730 стр.

УДК 631.316

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЧИЗЕЛ-КУЛЬТИВАТОРНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН КЎП ОМИЛЛИ ЭКСПЕРИМЕНТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Б.У. Тошпўлатов – Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг иккинчи қаторда жойлашган иш органлари ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати, унинг иш органлари орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофаларнинг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган мақбул қийматларни аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: такомиллаштирилган чизел-култиватор, иккинчи қаторда жойлашган иш органлари ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати, иш органлари орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар, регрессия тенгламалари, тупрокнинг уваланиш даражаси, дала юзасида ва ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўлган нотекисликларнинг баландлиги, тортишга солиштирма қаршилиқ.

РЕЗУЛЬТАТЫ МНОГОФАКТОРНЫХ ЭКСПЕРИМЕНТОВ ПО ОБОСНОВАНИЮ ПАРАМЕТРОВ УСОВЕРШЕНСТВОВАННОГО ЧИЗЕЛЯ-КУЛЬТИВАТОРА

Б.У. Тошпўлатов

Аннотация

В статье приведены результаты исследований, проведенных по определению оптимальных значений соотношения глубины обработки рабочих органов второго ряда к общей глубине обработки, поперечного и продольного расстояний между рабочими органами усовершенствованного чизеля-культиватора, обеспечивающих требуемое качество работы при минимальных затратах энергии.

Ключевые слова: усовершенствованный чизель-культиватор, соотношение глубины обработки рабочих органов второго ряда к общей глубине обработки, поперечное и продольное расстояния между рабочими органами, уравнения регрессии, степень крошения почвы, высота неровностей, образованных на поверхности поля и на дне обработанного слоя, удельное тяговое сопротивление.

RESULTS OF MULTIFACTORIAL EXPERIMENTS ON SUBSTANTIATION OF PARAMETERS OF IMPROVED CHISEL-CULTIVATOR

Toshpulatov B.U

Abstract

The article presents the findings to determine the optimal values of the ratio of the working depth of the working bodies of the second row to the total depth, transverse and longitudinal distances of the working bodies of an improved chisel-cultivator to ensure the required quality of work with minimum energy cost.

Keywords: improved chisel-cultivator, the ratio of the depth of processing of working bodies of the second row to the total depth of processing, transverse and longitudinal distances between working bodies, regression levels, the degree of crumbling of the soil, the height of the irregularities formed on the surface of the field and at the bottom of the treated layer, the specific traction resistance.

Кириш. Маълумки, мамлакатимизда ерларга экиш олдидан ишлов беришда ЧКУ-4 ва ЧК-3,0 чизел-култиваторлари асосий техника воситаси ҳисобланади ва кенг қўлланилади [1]. Аммо бу чизел-култиваторлар сўнги 30-40 йил давомида ҳеч қандай сезиларли ўзгаришларсиз ишлаб чиқариб келинмоқда. Шу сабабдан улар тупроққа тежамкорлик билан ишлов бериш каби замонавий талабларга жавоб бермайди, материал ва энергияҳажмдор (айниқса ЧКУ-4А култиватори), уларнинг иш сифати кўп ҳолларда қўйилган талабларга жавоб бермайди.

Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда институтимизда такомиллаштирилган чизел-култиватор ишлаб чиқилди ва уни параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди [2].

Тадқиқот услубиёти. Такومиллаштирилган чизел-култиваторнинг параметрларини асослаш бўйича кўп омилли экспериментлар Хартли-4 режаси бўйича ўтказилди [3].

Тадқиқот натижалари. Такомиллаштирилган чизел-култиватор осма вариантда ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳам иш органлари мавжуд чизел-култиваторларидаги каби уч қатор жойлаштирилган. Аммо такомиллаштирилган чизел-култиваторда ишлов берилаётган қатламга тўлиқ ва қатламлаб ишлов берилиши ва демак тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланиши ҳамда энергия-ресурстежамкорликни таъминлаш мақсадида биринчи ва иккинчи қатордаги иш органлари шахмат тартибида, иккинчи ва учинчи қатордаги иш органлари эса изма-из ўрнатилган. Бундан ташқари биринчи ва учинчи қатордаги иш органлари бир хил ишлов бериш чуқурлигига, иккинчи қатордаги иш органлари эса тупроққа қатламлаб ишлов берилишини таъминлаш учун учинчи қатордаги иш органларига нисбатан саёз ишлов бериш чуқурлигига ўрнатилган.

Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг биринчи қатордаги иш органлари яхлит тупроққа таъсир этади, яъни ёпиқ кесиш шароитида ишлайди. Иккинчи ва учинчи қаторлардаги иш органлари эса ёнбошида биринчи қаторда жойлашган иш органлари томонидан ҳосил қилинган юмшатирилган зоналар мавжуд тупроқ палахсаларига таъсир этади, яъни очик кесиш шароитида ишлайди. Биринчи қаторда жойлашган иш органларининг асосий вазифаси иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органлари ёнбошида юмшатирилган зоналар мавжуд бўлган тупроқ палахсаларига таъсир кўрсатишларини таъминлаш мақсадида ёнбош юмшатирилган зоналарни ҳосил қилиб кетишдан иборат. Шу сабабли улар ясси сиртли икки ёнли пона, яъни юмшаткич панжа кўринишида ишланган. Чунки бунда биринчидан тупроқ дала юзаси, яъни очик юза томонга деформацияланади, иккинчидан эса деформацияланаётган яхлит тупроқ ҳажми камаяди. Бу икки омил ҳам энергия сарфини камайишига олиб келади.

Иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органларининг таъсир йўналиши биринчи қатордаги иш органлари юмшатиб кетган зоналарга қаратилишини таъминлаш мақсадида улар уч ёнли пона, яъни ўқёйсимон панжа кўринишида ишланган. Чунки бунда тупроқ биринчи қатордаги иш органлари юмшатиб кетган зоналар томонга деформацияланиши ва демак энергияҳажмдорлик камайишига эришилинади [4].

Мазкур мақолада такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг иккинчи қаторда жойлашган иш органлари ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати m , иш органлари орасидаги кўндаланг a ва бўйлама l масофаларнинг 6-8 km/h иш тезликларидаги мақбул қийматларини аниқлаш учун Хартли-4 режаси бўйича ўтказилган кўп омилли экспериментларнинг натижалари келтирилган.

Қуйидаги жадвалда омилларнинг белгиланиши, ўзгариш оралиқлари ва сатҳлари келтирилган.

Тажрибаларда олинган маълумотларга институтнинг тажриба-синов бўлимида ишлаб чиқилган “регрессион таҳлиллар” дастури бўйича ишлов берилиб [3], баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_1 = +88,518 + 1,843X_1 + 2,640X_2 + 1,545X_3 + 2,412X_4 - 6,926X_1^2 - 0,940X_1X_2 - 0,686X_1X_3 - 1,868X_2 - 1,879X_2X_3 - 1,131X_3^2 - 1,679X_3X_4; \quad (1)$$

- дала юзасида ҳосил бўладиган нотекикликларнинг баландликлари бўйича (sm)

$$Y_2 = +4,151 + 0,659X_1 + 0,947X_2 + 0,115X_3 - 0,224X_4 + 0,226X_1^2 - 0,048X_1X_2 - 0,045X_1X_3 + 0,043X_1X_4 - 0,319X_3^2 - 0,067X_3X_4; \quad (2)$$

- ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган нотекикликларнинг баландликлари бўйича (sm)

$$Y_3 = +3,749 + 0,395X_1 + 1,225X_2 + 0,110X_3 + 0,220X_4 + 0,037X_1^2 + 0,188X_1X_2 - 0,090X_1X_3 - 0,037X_1X_4 - 0,113X_2^2 - 0,092X_2X_3 - 0,037X_2X_4 - 0,282X_3^2 - 0,245X_3X_4 + 0,038X_4^2; \quad (3)$$

- такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тортишга солиштирма қаршилиги бўйича (kN/m)

$$Y_4 = +3,443 - 0,018X_1 + 0,031X_2 + 0,082X_3 + 0,220X_4 + 0,475X_1^2 - 0,042X_2X_3 - 0,050X_2X_4. \quad (4)$$

Ушбу олинган регрессия тенгламаларидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган.

Омилларнинг ўзгариш оралиқлари ва сатҳлари

№	Омиллар	Ўлчов бирлиги	Омилларнинг				
			қолданган белгиланиши	ўзгариш оралиғи	сатҳлари		
					қуйи (-1)	асосий (0)	юқори (+1)
1.	Иккинчи қаторда жойлашган иш органларининг ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати	ўлчов бирликсиз	X_1	0,25	0,25	0,50	0,75
2.	Иш органлари орасидаги кўндаланг масофа	sm	X_2	2,5	17,5	20,0	22,5
3.	Иш органлари орасидаги бўйлама масофа	sm	X_3	10	50	60	70
4.	Агрегатнинг ҳаракат тезлиги	km/h	X_4	1,5	6,0	7,5	9,0

(1)-(4) регрессия тенгламалари Y_1 мезон 85 фоиздан катта, Y_2 мезон 5 sm дан ва Y_3 мезон 4 sm дан кичик ҳамда Y_4 мезон минимал қийматга эга бўлиш шартларидан биргаликда ечилиб, 6-8 km/h ҳаракат тезлиги оралиғида омилларнинг ушбу шартларнинг бажарилишини

таъминлайдиган куйидаги макбул қийматлари аниқланди: иккинчи қаторда жойлашган иш органларининг ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати 0,51-0,55, иш органлари орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар мос равишда 19,0-20,0 см, ва 69-72 см.

Омилларнинг макбул қийматларида тупроқнинг уваланиш даражаси 87,2-89,7 фоизни, дала юзасида ҳосил бўлган нотекисликларнинг баландлиги 3,8-3,9 см ни, ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўлган нотекисликларнинг баландлиги 3,1-3,7 см ҳамда такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тортишга солиштира қаршилиги 7,2-7,5 кН/м ни ташкил этади.

Хулосалар: Такومиллаштирилган чизел-култиватор иккинчи қаторда жойлашган иш органларининг ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати 0,51-0,55, иш органлари орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофаларни мос равишда 19,0-20,0 см ва 69-72 см оралиғида бўлиши 6-8 км/ҳ ҳаракат тезликларида тупроқнинг уваланиш даражаси ҳамда дала юзаси ва ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган нотекисликлар баландлигининг талаб даражасидаги қийматларини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 йиллар учун. – I-қисм. – Тошкент: ҚХИИТИ, 2016. – 137 б.

2. Тўхтақўзиев А., Тошпўлатов Б.У. Мавжуд чизел-култиваторларнинг иш кўрсаткичларини ошириш йўллари ишлаб чиқиш // Сборник материалов III Международной научно-практической конференции на тему “Современные материалы, техника и технологии в машиностроении”. – Андижан, 2016. – С. 45-50.

3. Аугамбаев М., Иванов А.З., Терехов Ю.И. Основы планирования научно-исследовательского эксперимента. – Ташкент: Ўқитувчи, 1993. – 336 с.

4. Тўхтақўзиев А. Имомкулов Қ.Б. Тупроқни кам энергия сарфлаб деформациялаш ва парчаланишнинг илмий-техник асослари. – Тошкент: KOMRON PRESS, 2013. – 120 б.

УДК 633.18.03(575.1)

ШОЛИНИ СУВ БОСТИРИЛГАН МАЙДОНДА ЭКИШ

Тўраев Б.Т., Хурсанов И.О., Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар академияси доценти т.ф.н.

Халиқулов М.А. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақола қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид бўлиб, сув ресурсларини тежаш ва экологик муоммоларни илмий асосланган ҳолда ҳал қилиш, шунингдек сув сарфини максимум камайтирган ҳолда шולי ҳосилдорлигини оширишга бағишланган. Шунингдек бегона ўтларга қарши курашишда захарли моддалардан воз кечиш ва бегона ўтларга механик ишлов бериш, ҳамда табиий омилларга илмий ёндашган ҳолда йўқ қилиш усуллари қўлланиладиган янги технологияни қўллаш, айнан шוליни сувда экиш агрегати тўғрисидаги маълумотлар, ундан экиш жараёнида фойдаланиладиган экиш схемаси батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: шולי, сув бостирилган далалар, агротехника, фреза-ғалтаги, молатекислагичи, гербецид, агрегат.

ПОСАДКА РИСА В ЗАТОПЛЕННОЙ ЗОНЕ

Тураев Б.Т., Хурсанов И.О., Халиқулов М.А.

Аннотация

Статья относится к сельскохозяйственному производству, в ней рассмотрены вопросы сбережения водных ресурсов и решение экологических проблем на научном основании, а также повышение урожайности риса сердца при максимальном снижении расхода

воды. Наряду с этим рассмотрены вопросы об отказе ядовитых веществ при борьбы с сорными растениями и механическая обработка сорных растений, а также применение новых технологий с научным подходом к природным условиям, а именно материалы по посевного агрегата для сева риса по воде с схемой используемой при сева риса.

Ключевые слова: рис, поля, где подавляется вода, агротехника, фрезерный-катушка, выпрямитель для бройлеров, гербицид, агрегат.

PLANTING RICE IN A FLOODED AREA

Turayev B.T., Xursanov I.O., Khalikulov M.A

Abstract

The article relates to agricultural production, it considers the issues of saving water resources and solving environmental problems on a scientific basis, as well as increasing the yield of rice, with a maximum reduction in water consumption. Along with this, the issues of refusal of toxic substances in weed control and mechanical treatment of weeds, as well as the use of new technologies with a scientific approach to natural conditions, namely, the materials for sowing the unit for sowing rice by water with the scheme used in sowing rice.

Key words: rice, fields where water is suppressed, agricultural technology, milling coil, broiler straightener, herbicide, aggregate.

Ўзбекистон Республикасида энг муҳим озиқ-овқат экинларидан бири шоли ҳисобланади. Охирги йилларда шоли етиштириш асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ошди. Бунинг натижасида атроф – муҳитни заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва сув ресурсларининг танқислик муаммоси пайдо бўлди. Айниқса бегона ўтларга қарши курашда заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш экологик масалаларни пайдо бўлишига асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда шоли етиштириш ва гуруч маҳсулотини кўпайтириш, ортиқча сув сарфламасдан унинг ҳосилини кўпайтириш, шунингдек заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланмасдан амалга оширишни тақоза этади[1].

Аввало, шоли ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжини қимматли ва юқори каллорияли парҳез маҳсулот – гуруч билан таъминлаш учун зарурдир. Бир кг гуручнинг тўйимлилиги 3590 каллорияга тенгдир. Унинг абсолют куриқ моддасида крахмал 88%, оқсил 6...8%, ёғ 0,5%, шакар 0,5% ни ташкил қилади. Организмнинг қабул қилиши(96%) ва ҳазм бўлиши(98%) бўйича биринчи ўринлардан бирида туради, шунинг учун гуручдан парҳез овқат сифатида, айниқса болалар овқати сифатида ундан кенг фойдаланилади[2]. Шунингдек унинг таркибида катта миқдорда углеводлар -24,9гр, кальций, В гуруҳидаги витаминлар, ҳамда калий ва фосфор мавжуд.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шолени куриқликда экиш технологияси тўлиқ механизациялаштирилган, лекин бу технологияни такомиллаштириш шоли ҳосилини сезиларли даражада кўпайтиришга кафолат бермайди[3]. Шунинг учун фермер ва якка хўжаликларда шолени сув бостирилган далаларда экиш, шароит оғирлигига қарамасдан кўлда амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари такрорий экин сифатида экиш учун ўртапишар ва эртапишар нукус-2, Нукус-70, Гулжаҳон, маҳаллий арпа шоли навларини экиш агротехникаси ишлаб чиқилган.

Шоли ҳосилини кўпайтириш усулларидан бири “Сув бостирилган майдонларда тупроққа шоли экишдан олдин ишлов бериш ва шоли экиш” технологиясидир. Бундай технологиялар нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки чет давлатларда ҳам амалда қўлланилиб келмоқда[4,5,6]. Сув бостирилган далаларда шоли экишдан олдин тупроққа ишлов бериш ва шоли экиш, иқлим шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда, белгиланган муддатда экиш ишларини амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти (ЎЗМЭИ) нинг донли экинларни етиштириш ва йиғиштиришни механизациялаштириш лабораториясида Минск трактор заводи конструкторлик бюроси, Тошкент ирригация конструкторлик бюроси ва Украина шолчилик институти билан

хамкорликда “Сув бостирилган майдонларда тупроққа шоли экишдан олдин ишлов бериш ва шоли экиш” технологияси, шунингдек уни амалга ошириш учун машиналар мажмуаси ишлаб чиқилди. Бу технологияда бегона ўтларни йўқ қилиш учун КВ – 3,0 фреза ғалтаги, шопипояни текислаш учун МПР – 4,2 мола-текислагичи ва шolini сепиш учун қайта жихозланган НРУ-0,5 маданли ўғитларни сепгичдан фойдаланилганда шоли ҳосили ўртача 10...15% га ошиши мумкин. Бу машиналарни агрегат сифатида ишлатиш учун махсус юқори клиренсли шолчилик трактори МТЗ-82Р ишлаб чиқаришга қўйилган[7,8]. КВ–3,0 фреза ғалтаги ва МПР–4,2 мола – текислагичи давлат синовидан ўтган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган[9,10].

Бироқ бу технологияда ҳам бегона ўтларга қарши курашда гербецид ва шунга ўхшаш захарли моддалардан фойдаланмасдан юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда Республикамизда ва чет давлатларда асосан шоли икки усулда етиштирилади:

– биринчи усул уруғни бевосита тупроққа сувда ва курукликда сепиб экиш. Лекин бу усулларда ҳам бегона ўтларга қарши курашда гербецид қўлланилади.


– иккинчи усул шolini кўчат усулида экишдир.

Шolini кўчат усулида етиштириш Жануби – Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда қўлланилади(Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Индонезияда). Европа давлатларидан Италия, Испания ва Португалияда ҳам шolini кўчат усулида экиш қўлланилади[11,12]. Шоли ҳосили эса курукликда етиштирилгандагига нисбатан 30% кўп бўлади. Бундан ташқари шоли кўчати ўтқазилишидан олдин бегона ўтлар батомом йўқ қилинади. Шундай қилиб бегона ўтларга қарши кўрашишда гербецидлардан фойдаланиш зарурати мутлоқ бўлмайди.

Бу усулда шоли кўчати махсус шопипояда етиштирилади. Шолини экишда эса ЎЗМЭИда ишланган шolini сувда экишга мўлжалланган экиш мосламасида (1-расм) амалга ошириш мумкин. Бу мосламадан тупроққа экишдан олдин маданли озуқа беришда ҳам фойдаланиш мумкин[13,14]. Мослама шоли уруғини сақлаш учун рама 2 га ўрнатилган бункер 1 ва текислагич мослама 14 дан иборат. Бункер тубида экиш учун иккита тирқиш 3 ва битта марказий тешик ҳосил қилинган, ундан юритма 5 вали 4 утади. Валнинг тепа қисмига аралаштиргич 6 жойлаштирилган. Бункер тубининг тагида иккита 7,8 дисклар жойлаштирилган бўлиб, улар ҳолатини ўзгартириш ҳисобига экиш тирқишлари ўлчамини ўзгартириш мумкин. Дисклар қирғоғида тортқи 9 ни ўрнатиш учун тешиклар қатори мавжуд. Экиш меъёрини ўзгартириш учун тортқи 9 ни бошқа тешикка ўрнатиш кифоя бўлади. Экиш тирқишларини очиш ва ёпиш дисклар 7,8 ни қарама-қарши томонларга турткич 9 билан буриш ҳисобига, трактор кабинасидан бошқариладиган гидроцилиндр 10 ёрдамида амалга оширилади.

Бункер тагида юритма 5 га марказдан қочма сочувчи аппарат 11 маҳкамланган, у шolini дала юзасига сочиш учун мўлжалланган.

Экиш мосламаснинг фаол ишчи қисмлари – аралаштиргич 6, сочувчи аппарат 11



1-расм. Шолини сувда экиш мосламасини кинематик чизмаси.

тасмали узатма 12 ёрдамида конуссимон редуктор 13 орқали тракторнинг қувват тақсимлаш валидан ҳаракатлантирилади.

Хўжалик синовлари шуни кўрсатдики, шолини сувда экиш жараёни из текислагич ва экиш мосламасини яхлит мослама (2-расм) сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса

трактор олдинги ғилдираklarини юксизланишдан ва трактор тортишиш қуввати камайишига йўл қўймайди.




2-расм. Шоли экиш жараёни

Асосий шоли экиладиган майдонларда эса кўчат тайёр бўлгунга қадар ерга ишлов бериш ишларини режали равишда амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари шоли кўчат усулида экилганда бегона ўтларга қарши кўраш сув бостирилган шоли майдонларида амалга оширилиб, бегона ўтлар вегетация даврида батомом йўқ қилинади. Бунинг учун ЎзМЭИда ишланган машиналар мажмуаси таркибига кирувчи машиналар КФ – 3,0 фреза ғалтаги бегона ўтларни йўқ қилиш, шопипояни текислаш учун МПР – 4,2 мола – текислагичидан фойдаланиш мумкин.

Экиш агрегатининг ҳаракатланиш усули. Шолини сувда экишнинг сифати кўп жиҳатдан экиш агрегатининг ҳаракатланиш усулига боғлиқдир, шунинг учун энг мақбул экиш усулини танлаш мақсадида қуйидаги уч хил экиш усули ўрганиб чиқилди:

- маданли озуқаларни сочгич агрегатини илмоқсиз моқисимон ҳаракатланиши;
- ЎзМЭИ донли экинлар лабораториясида тажриба учун ишлаб чиқилган икки марта далага кириш билан амалга ошириладиган илмоқсиз моқисимон ҳаракатланиши;
- таклиф этилаётган ҳаракатланиш усули.

Маълумки, осма ва тиркама маданли озуқаларни сочгич агрегатлари шоли майдонларига озуқа беришда моқисимон илмоқсиз усулда (3-расм) ҳаракатланадилар.




3-расм. Маданли озуқаларни сочгич агрегатини илмоқсиз моқисимон ҳаракатланиши:

R – бурилиш радиуси; B – агрегатнинг қабраб олиш кенглиги; L – экин майдонининг узунлиги.

Бу усулнинг камчилиги шундаки, майдоннинг бурилиш қисмида маданли озуқа сепилмай қолганлигидир, бу эса шоли экишда майдондаги шоли экини сонини сийраклашган қисмларини кўпайтиради. Суратда бу қисмлар штрих чизиқлар билан ажратиб кўрсатилган. Қуруқликда бу майдонларга агрегатни қўшимча ҳаракатланиши ҳисобига қайтадан маданли озуқаларни сочиб чиқиш имконияти бор, лекин қўшимча ҳаракатланиш мақсадга мувофиқ эмас. Сув бостирилган шопипояда буни амалга ошириш, экилган шоли уруғларининг тупрокқа белгилангандан чуқурроқ жойлашиши, агрегат ғилдираklarининг экилган майдондан такроран ўтиши ҳисобига ошишини ҳисобга олсак қўшимча харажатларга олиб келади. Шу сабабли агрегатнинг сув бостирилган шопипояда ҳаракатланиши учун ЎзМЭИ

донли экинлар лабораториясида махсус ҳаракатланиш усули ишлаб чиқилган(4-расм). Бу усулда агрегатнинг шолিপоядан чиқиб, қайтадан иккинчи марта шолипояга кириб “П” шаклида ҳаракатланиб қолган майдонга уруғ сочиб чиқиши назарда тутилган, шунингдек иккита хабарчи ҳаракатни бошқариб туради.



4-расм. ЎзМЭИ донли экинлар лабораториясида тажриба учун ишлаб чиқилган икки марта далага кириш билан амалга ошириладиган илмоқсиз моқисмон ҳаракатланиши:


B – агрегатнинг қамраш кенглиги; E – буриш йўлагининг кенглиги; I ва II – далага бошланғич ва сўнги киришлар; A_1, A_2 ва C_1, C_2 – назорат чизиқлари; $\bullet \rightarrow$ хабарчилар.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, шолипояларнинг жойлашиши далага экиш агрегатини исталган томондан кириши ёки чиқишига имкон бермайди. Ҳар қандай шолипояда, одатда иккита кириш ёки чиқиш жойи мавжуд бўлади. Шунинг учун агрегатни битта жойдан кириши ва чиқишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун шолли экиш агрегати ҳаракатланишининг янги усули ишлаб чиқилди(5-расм).

Таклиф этилаётган ҳаракатланиш усулининг афзаллиги шундаки, экиш агрегати шолипояга кириб ҳаракати давомида экин даласига шолли уруғини тўлиқ экиб бўлгандан сўнг, агрегат дастлаб кирган жойдан чиқиб кетади. Бундан ташқари иккинчи хабарчи белги билан алмаштирилган.

Экиш агрегатининг янги схема бўйича ҳаракатланиши қуйидагича амалга оширилади. Экиш агрегати шолли уруғи тўлдирилган бункер билан шолипояга тушишидан олдин экиш мосламаси из текислагич билан биргаликда из текислагичнинг таянч юзаси тупроққа теккунча гидротизим ёрдамида пастга туширилади ва гидротизим эркин тебраниш



5-расм. Таклиф этилаётган далага бир жойдан кириш ва чиқиш билан амалга ошириладиган илмоқсиз моқисмон ҳаракатланиш усули:

B – агрегатнинг қамраш кенглиги; 0, 1, 2 – агрегатнинг ҳаракатланиш цикли;

$\bullet \rightarrow$ – хабарчи.

ҳолатига қўйилади. Шундан сўнг тракторчи агрегатни қамров кенглигининг ўртасидаги 0 нўқтага ўрнатади. Ҳаракат бошланиши билан бир вақтда тракторнинг қувват тақсимлаш вали қўшилиб, экиш агрегати механизмлари ишга тушади, ҳамда бир вақтда уруғ ташлаш туйнуғи ҳам очилади. Агрегат 1 нўқтага етгандан сўнг, бурилиш радиуси бўйича бурилиб, 2 нўқтага қараб ҳаракатланади ва шундан сўнг охириги ишчи юришигача цикл такрорланади. Агрегат эса

дастлабки кириш жойидан чиқиб кетади. Бундай ҳаракатланиш усулида агрегат майдони 1,5 га бўлган шопипояда тўхтовсиз экиш жараёнини давом эттириб шопипоядан чиқиб кетади. Катта шопипояларда эса экиш мосламаси бункерини тўлдириш учун агрегатни тўхтатишга мажбур бўлинади.

Хулоса: 1. Шоли етиштиришда замонавий экологик талабларга жавоб берадиган усул **“Сув бостирилган майдонларда тупроққа шоли экишдан олдин ишлов бериш ва шоли экиш” технологиясидир.**

2. Шоли экишда кўчат етиштириш учун дастлаб ёрдамчи майдонларда шолини сувда экиш агрегати ёрдамида экиш ва уни шоли кўчати учун етиштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бегона ўтларга қарши курашишда КФ-3,0 фреза-ғалтаги, шопипояни текислаш учун МПР-4,2 мола-текислагичидан фойдаланиш юқори самара беради.

3. Шолини асосий майдонларга кўчат усулида экиш энг маъқул усул бўлиб, ўзбекистон шароитига мос кўчат экиш машинасини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

4. Хўжалик синовлари шуни кўрсатдики, шолини марказдан қочма аппарат ёрдамида сув бостирилган майдонларда экишда агрегат илмоқсиз моқисимон ҳаракатланиш усулида ҳаракатланиб, экиш агрегатининг шопипояга кириши ва чиқиши майдоннинг бир бурчагидан амалга оширилиши лозим.

Адабиётлар

1. Уточнить механизированную технологию и определить комплекс машин для возделывания риса без применения гербицидов. Отчет о НИР (заключит.) Узбекский НИИ механизации и электрификации с/х. – Янгиюль. 1991. – 86с.
2. Алешин Е.П., Конохова В.П. Краткий справочник рисовода. – М.:Агропромиздат, 1986. – 253 с.
3. Фозилов Н. Б. Обоснование параметров сеялки для сева риса по воды. Автореферат диссертации кандидата технических наук. – Янгиюль, 1983. -15с.
4. Мусаев А. Эффективность планировки рисовых чеков по воде. Сельское хозяйство России, 1978. № 12
5. ФАМ ВАН ЛАНГ. Исследование машинно-тракторного агрегата на рисовых полях в СРВ. Автореферат диссертации доктора технических наук.-Русе. 1987. – 50с.
6. Рене Мари и др. Рис во Франции. Cultivar, France, 1981, - P. 53...55.
7. Шадманов Х. М. Обоснование типа движителей колесного трактора и выбор орудий для предпосевной обработки рисовых чеков по воде в условиях Средней Азии. Автореферат диссертации кандидата технических наук. – Янгиюль, 1982. -17с.
8. Протокол № 10-39-80. Испытания опытных образцов рисоводческого трактора МТЗ-82Р, Кызыл-Ординская МИС, Кызыл – Орда, 1980, с. 58...63.
9. Протокол № 10-39-80 (4261710) Государственных приёмочных испытаний каток-фрезы КФ – 3,0, - САМИС, 1987, с. 41.
10. Протокол № 10-39-80. (4261710) Государственных приёмочных испытаний малы-планировщика МПР – 4,2, - САМИС, 1987, с. 35.
11. Натальин Н. Б. Рисоводство. М.: Колос, 1973. - 280 с.
12. Талипов Р. Б. Механизация возделывания риса. – Ташкент, Издательство «Узбекистан», 1969. -120 с.
13. Шолини сувда экиш агрегатини танлаш. Тўраев Б.Т. ТошДТУ хабарлари № 4, 2015й. 10-ноябрь. 115...212б.
14. Шолини сувда экиш учун марказдан қочма сочувчи аппаратни танлаш. Тўраев Б.Т. ТошДТУ хабарлари № 2, 2016й. 10-май. 110...115б.
15. <http://agro.uz>
16. <https://agro-olam.uz>

**ЕРЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ИННОВАЦИОН МАШИНАЛАР**

Тўхтақўзиев А. – т.ф.д., профессор

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Мақолада ерларга ишлов беришда иш сифатини яхшилаш ва унумини ошириш ҳамда энергия-ресурстежамкорликни таъминлаш йўналишларида ишлаб чиқилган янги машиналарнинг тузилиши, технологик иш жараёни, афзалликлари, техник тавсифи ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: пушталарга ишлов берадиган курилма, текислагич-юмшаткич машинаси, кенг қамровли чизел-култиватор, комбинациялашган диски борона.

**ИННОВАЦИОННЫЕ МАШИНЫ ДЛЯ ПРИМЕНЕНИЯ
ПРИ ОБРАБОТКЕ ПОЧВЫ**

Тухтақўзиев А.

Аннотация

В статье приведены сведения по устройству, технологическому процессу работы, преимуществам, технической характеристике и технико-экономическим показателям вновь разработанных машин в направлениях улучшения качества работы и повышения производительности, а также обеспечения энерго-ресурсосбережения при обработке почвы.

Ключевые слова: устройство для обработки гребней, выравнивающе-рыхляющая машина, широкозахватный чизель-культиватор, комбинированная дисковая борона.

**INNOVATIVE MACHINES FOR SOIL TREATMENT
APPLICATIONS**

Tukhtakuziev A.

Abstract

The article provides information on the device and technological process of work, advantages, technical characteristics and technical-economic indicators of newly developed machines to improve the quality of work and productivity, as well as providing energy resource in the processing of land.

Keywords: device for processing ridges, levelling-loosening machine, wide-reach chisel-cultivator, combined disc harrow.

Қириш. Ерларга ишлов бериш қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштиришга йўналтирилган агротехника тадбирлари ичида энг муҳим ўринни эгаллайди. Бу тадбир ўз вақтида ва сифатли бажарилгандагина уруғларни бир текис экиш ва қийғос ундириб олиш, ўсимликларни ривожланиши ҳамда ҳосил тўплаши учун мақбул шароитлар яратилади. Бундан ташқари тупроққа сифатли ишлов берилганда экиш, экинларни парваришлаш ва ҳосилни йиғиштириб олишда қўлланиладиган машиналарнинг иш сифати ва унуми ортади, ёнилғи сарфи камаяди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ерларга ишлов бериш энг материал-энергияҳажмдор жараён ҳисобланади. Шу сабабдан ерларга ишлов беришда қўлланиладиган машиналарнинг иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергия-ресурстежамкорлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардан ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб институтимизда кейинги йилларда ерларга ишлов беришда иш сифати ва унуми ошиши ҳамда энергия-ресурстежамкорликни таъминлайдиган бир қатор янги машиналар яратилди.

Тадқиқот услубиёти. Ерларга ишлов беришда иш сифати ва унуми ошиши ҳамда энергия-ресурстежамкорликни таъминлайдиган машиналарни ишлаб чиқишда назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.


Тадқиқот натижалари. Ушбу мақолада янги ишлаб чиқилган пушталарга ишлов берадиган курилма, текислагич-юмшаткич машинаси, кенг қамровли чизел-култиватор ҳамда комбинациялашган диски боронанинг тузилиши, технологик иш жараёни, афзалликлари,

техник тавсифи ва техник-иытисодий кшрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган [1-4]. Маълумки, кейинги йилларда Республикамизнинг кўпгина вилоятларида қишлоқ хўжалик экинларини пуштага экиш усули кенг қўлланилмоқда. Уруғ пуштага экилиб, қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилганда уларнинг илдизлари ривожланадиган майин тупроқли зона ҳажми ортади, уруғ турли агрегатлар ҳаракатлантиргичлари билан эзилмаган тупроққа экилади, даланинг қуёш нури тушадиган сатҳининг ортиши ҳисобига тупроқда иссиқлик кўпроқ тўпланади ва унинг ҳарорати текис ерга нисбатан юқорироқ бўлади. Ушбу афзалликлар туфайли пуштага экилган уруғ қийғос униб чиқади, ўсимлик яхши ривожланади ва эртанги ҳамда юқори ҳосил етиштирилишига эришилади.


Ҳозирги пайтда хўжаликларда пушталарга эрта баҳорда ва чигит экишдан олдин ишлов бериш тадбири асосан чопиқ тракторларига осиб ишлатиладиган осма тишли тирмалар воситасида амалга ошириб келинмоқда. Аммо улар пушталарга уларнинг бутун профили бўйича тўлиқ ишлов бера олмайди. Бунинг оқибатида пушталарнинг ёнбағирлари ва эгатларида тупроқдаги нам сақланишини таъминлайдиган майин қатлам ҳосил бўлмайди ҳамда униб чиқаётган бегона ўтлар тўлиқ йўқотилмайди. Бу эса пушталарни бегона ўтлар босиши ҳамда тупроқдаги намни йўқотилишига олиб келади. Бундан ташқари, тишли тирмаларни кўллаш пушта профилини қисман бузилиши, айниқса баландлигини сезиларли даражада камайишига олиб келади. Натижада уруғларни бир текис униб чиқиши, ниҳолларни ривожланиши ва ҳосилдорликка путур етади. Буни эътиборга олиб эрта баҳорда ва чигит экишдан олдин пушталарга уларнинг бутун профили бўйича ишлов берадиган махсус қурилма ишлаб чиқилди (1-расм). У рама, унга ўрнатилган юмшаткич панжалар, ротацион ҳамда тишли юмшаткичлардан ташкил топган бўлиб, чопиқ тракторларига осиб ишлатилади. Иш жараёнида юмшаткич панжалар пушталар эгатлари тубини, ротацион юмшаткичлар уларнинг ёнбағирларини, тишли юмшаткичлар эса пушталар устини юмшатиб, уларнинг бутун профили бўйича тупроқдаги намни сақланишини таъминлайдиган майин қатлам ҳосил қилади ҳамда униб чиқаётган бегона ўтларни тўлиқ йўқотилишини таъминлайди.

Қурилма 0,9-1,4 классдаги чопиқ тракторлари билан агрегатланади, камров кенглиги 3,6 м, яъни бир ўтишда қатор ораларини кенглиги 90 см бўлган 4 та пуштага ишлов беради, иш тезлиги 2,0-2,5 m/s, ишлов бериш чуқурлиги (sm): пушталар эгатларига 8-10, уларнинг ёнбағирлари ва тепаларига 4-6, ташқи ўлчамлари (mm): узунлиги 1120, кенглиги 4000, баландлиги 1100, асосий вақтдаги иш унуми 2,6-3,2 ga/h; массаси 545±20 kg.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда пушта олинмайдиган ерларни экишга тайёрлашда МВ-6,0, МВ-6,5 каби молалар, ВП-8,0 текислагич ва тирмалардан ташкил топган агрегатлар қўлланилади. Аммо, кўп ҳолларда уларнинг таъсирида дала юзасидаги кесаклар етарли даражада майдаланмаслиги ва экиш даврида улар, яъни майдаланмай қолган кесаклар сеялка экич(сошник)ларининг нотекис (экиш чуқурлиги бўйича) юришига ва уруғларни ҳар хил чуқурликка тушишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида биринчидан уруғлар тўлиқ униб чиқмайди, иккинчидан униб чиққан майсалар нотекис ривожланади. Бунга йўл кўймаслик учун фермер ва деҳқон хўжаликларида экиш олдидан ерлар қўшимча 2-3 марта молаланади ва тирмаланади. Бу ўз навбатида ерларни экиш учун тайёрлашда ёнилғи, меҳнат ва бошқа харажатлар сарфини ошиши, тупроқнинг ортиқча зичланиши, ундаги намнинг йўқолиши ва экиш муддатларининг чўзилиб кетишига олиб келади. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, мавжуд молалар ва тирмалардан ташкил топган агрегатлар тиркама бўлганлиги сабабли фойдаланиш учун ноқулай, юқори материалҳажмдорлик, паст маневрчанлик ва иш унумига эга, катта бурилиш майдонини талаб этади (ва демак салт юришга кўп вақт сарфланади) ҳамда тирмаларни тикилиб қолган ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалаш қўл кучи билан бажарилади. Булардан ташқари мола ва тирмалардан ташкил топган агрегатларни бир даладан иккинчи далага ўтказиш ҳам қўшимча қўл кучи ва транспорт воситасини талаб этади.



a)



б)

1-рама; 2-осиш қурилмаси; 3-исканасимон юмшаткич; 4-тортки; 5-ротацион юмшаткич;
6-пружина; 7-параллелограмм механизми; 8-тишли юмшаткич

1-расм. Пушталарга ишлов берадиган қурилманинг схемаси (а) ва умумий кўриниши (б)


Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида даладан бир ўтишда тупроқ юзасини текисланиши, зичланиши ва майдаланишини таъминлайдиган ҳамда ишчи сирти пичоқлар билан жиҳозланган текислагич (мола) ҳамда ғалтакмоладан ташкил топган текислагич-юмшаткич машинаси ишлаб чиқилди (2-расм).

Текислагич-юмшаткич машинаси осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама ва унга ўрнатилган текислагич ҳамда планкали ғалтакмоладан ташкил топган бўлиб, иш жараёнида текислагичнинг олдинги қисми дала юзасидаги нотекисликларни текислайди, орқанги қисми эса тупроқни зичлайди. Бунда дала юзасидаги кесаклар қисман майдаланади, қисман эса тупроққа ботириб юборилади. Пичоқлар уларни, яъни тупроққа ботириб юборилган кесакларни кесиб майдалайди. Шундан кейин тупроққа ғалтакмола томонидан ишлов берилади. Бунда у тишли планкалари билан дала юзасидаги кесакларни қўшимча майдалайди ва унда 4-5 см қалинликдаги майин тупроқ қатламини ҳосил қилиб кетади.

Текислагич-юмшаткич машинаси ерларга экиш олдида ишлов бериш даврида қўлланилади ва 2-3 классдаги ҳайдов тракторларига осиб ишлатилади, қамраш кенглиги 4,0 м, иш тезлиги 1,7-2,5 м/с, машина тишларининг ишлов бериш чуқурлиги 4-6 см, ташқи ўлчамлари (мм): узунлиги 1280, қамраш кенглиги 4020, баландлиги 1430, асосий вақтдаги иш унуми 2,4-3,4 га/ҳ; массаси 980±50 кг.

Ҳозирги даврда Республикамызда ерларга асосий ва экиш олдида ишлов беришда

“Магнум 8940”, МХ-255, Т 7060, АRION-630С, АХIОН-850, АRES-697 каби юқори қувватли тракторлар кенг қўлланилмоқда. Улар билан ишлатиш учун четдан LD-100, DAM.P-4-16, DAM.GP-4+1-16, DAM.MP-5+1-16, EUROPAL 8(3+1) N 100 плуглари келтирилган ҳамда ўзимизда ПД-4-45, ПДО-4-45, ПНЯ-3+1-45, ПНЯ-4+1-45, О'Р-3/4-40, О'Р-4/5-40 плуглари ва ГРП-3/5 ва ГНУ-1МС чуқур юмшаткичларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Аммо таъкидланган тракторлар билан ишлатиш учун ерларга экишдан олдин ишлов беришда қўлланиладиган машиналар мамлакатимизда деярли йўқ, чунки улар четдан ҳам келтирилмаган, ўзимизда ҳам ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли ерларни чизеллашда юқорида кўрсатилган тракторлар хўжаликларда мавжуд бўлган ЧКУ-4 ва хўжаликларни ўзларида тайёрланган ясама чизел-култиваторлар ва бошқа шунга ўхшаш машиналар билан ишлатилмоқда. Лекин бу чизел-култиваторлар қамраш кенглиги кичиклиги (3-4 м) сабабли юқорида кўрсатиб ўтилган тракторларни тўлиқ юкланиш билан ишлашини таъминлай олмайди. Натижада ерларга экишдан олдин ишлов беришга ортиқча меҳнат, ёнилғи ва бошқа харажатлар сарфланмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган юқори қувватли тракторлар билан ишлатиш учун кенг қамровли чизел-култиватор ишлаб чиқилди, унинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди ҳамда тажриба нусхалари тайёрланиб, синовлари ўтказилди (3-расм).



1-осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама; 2-текислагич; 3-пичоқлар;
4-тортки; 5-ғалтакмола

2-расм. Текислагич-юмшаткич машинасининг схемаси (а) ва умумий кўриниши (б)

Кенг қамровли чизел-култиватор осиш қурилмаси билан жиҳозланган марказий ва таянч ғилдираклар билан жиҳозланган ён секциялардан ташкил топган. Ён секциялар марказий секцияга бўйлама шарнирлар билан уланган ва улар гидроцилиндрлар ёрдамида иш ҳолатидан транспорт ҳолатига ва транспорт ҳолатидан иш ҳолатига ўтказилади.




1-марказий секция; 2, 3-чап ва ўнг ён секция; 4-таянч ғилдираги; 5-осиш қурилмаси

3-расм. Кенг қамровли чизел-култиваторнинг иш ҳолатлардаги кўринишлари

Кенг қамровли чизел-култиваторнинг иш органлари рамада икки қатор жойлаштирилган бўлиб, биринчи қаторга юмшаткич панжалар, иккинчи қаторга эса ўқёйсимон панжалар ўрнатилган. Иш жараёнида биринчи қатордаги иш органлари яхлит тупроққа таъсир кўрсатиб, иккинчи қатордаги иш органлари очиқ кесиш шароитида ишлаши учун ёнбош юмшатирилган зоналарни ҳосил қилиб кетади. Иккинчи қатордаги иш органлари ушбу ҳар иккала ёнбошида юмшатирилган зоналар (биринчи қатордаги иш органлари томонидан ҳосил қилинган) мавжуд бўлган палахсаларга таъсир кўрсатади, яъни очиқ кесиш шароитида ишлайди. Бунинг натижасида энергияҳажмдорлик камайишига эришилади.

Ишлаб чиқилган кенг қамровли чизел-култиватор 4-5 классдаги ҳайдов тракторларига осиб ишлатилади, қамраш кенглиги 6 m, иш тезлиги 1,7-2,2 m/s, ишлов бериш чуқурлиги 12-20 sm, ташқи ўлчамлари (mm): узунлиги 1060, қамраш кенглиги 6220, баландлиги 1440, асосий вақтдаги иш унуми 3,6-4,8 ga/h; массаси 1250±50 kg.



1- рама; 2- осиш қурилмаси; 3- сферик диски иш органлари; 4- тишли текислагич; 5-ғалтакмола.

4-расм. Комбинациялашган диски боронанинг схемаси (а) ва умумий кўриниши (б)

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ерларни буғдой ва такрорий экинларни экиш учун тайёрлашда ҳамда серкесак ерларга экиш олдида ишлов беришда БДТ-3,0, ТДБ-3,0 каби диски бороналардан кенг фойдаланилади. Аммо, бу бороналар қўлланилганда ерларга белгиланган (14-18 sm) чуқурликка ишлов бериш учун уларни бир жойдан икки-уч марта ўтишига тўғри келади. Бунинг асосий сабаби мавжуд диски бороналарда иш органлари, яъни сферик диски секциялаб ва тик (дала юзасига нисбатан) ўрнатилганлиги ҳисобланади. Шунинг учун улар тупроққа яхши ботмайди ва даладан бир ўтишда уни талаб даражасидаги чуқурликка юмшата олмайди. Бундан ташқари иш органларини секциялаб ўрнатилиши боронанинг массаси ва габарит ўлчамлари катта бўлишига олиб келади. Яна шуни таъкидлаш ўринлики ерларга мавжуд диски бороналар билан ишлов берилганда даланинг юзаси текисланиш ва зичланиш даражалари бўйича экин экишга тайёр ҳолда бўлмайди. Шу сабабли улар қўлланилганда тупроқни экишга узил-кесил талаб даражасида тайёрлаш учун ерларга қўшимча тишли тирмалар ва мола-текислагичлар билан ишлов бериш талаб этилади. Бу ерларга ишлов бериш учун сарфланадиган харажатларни, шу жумладан ёнилғи сарфини

ортишига олиб келади. Шулардан келиб чиқиб мавжуд дискли бороналар иш сифатини ошириш ва материалҳажмдорлигини камайтириш йўналишларида такомиллаштирилиб, даладан бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнларни қўшиб бажарадиган комбинациялашган дискли борона ишлаб чиқилди (4-расм).

У осиб қурилмаси билан жиҳозланган умумий рама ва унга ўрнатилган сферик диск кўринишидаги юмшаткичлар, текислагич ва планкали ғалтакмоладан ташкил топган бўлиб, буғдой ва такрорий экинлар уруғини экиш учун даладан бир ўтишда тупроқни белгиланган чуқурликка юмшатади, унинг юза қисмини текислайди ва талаб даражасида зичлайди.

Ишлаб чиқилган комбинациялашган дискли боронанинг мавжуд дискли бороналардан асосий афзаллиги шундаки, биринчидан, унинг иш органлари (сферик дисклар) рамага якка тартибда ва қаторлаб жойлаштирилган, иккинчидан, улар тикка нисбатан маълум бурчак остида ўрнатилган, учинчидан, у текислагич ва ғалтакмола билан жиҳозланган. Бу ерда таъкидланган биринчи омил боронани ихчам ва осма этиб тайёрлаш имконини беради, иккинчи омил уни тупроққа ботишини яхшилайти, учинчи омил эса дисклар билан ишлов берилган қатламнинг юза қисмини бир йўла текисланиши, майдаланиши ва зичланишини таъминлайди ва бунинг натижасида мола ва тирмалар билан қўшимча ишлов беришга эҳтиёж қолмайди. Буларни барчаси охир-оқибатда иш сифати ва унути ортиши ҳамда энергия-материалҳажмдорлик камайишини таъминлайди.

Комбинациялашган дискли борона 2,0-3,0 классдаги ҳайдов тракторларига осиб ишлатилади, қамраш кенглиги 3,0 м, иш тезлиги 1,7-2,5 м/с, ишлов бериш чуқурлиги 14-18 см, ташки ўлчамлари (мм): узунлиги 2350, қамраш кенглиги 3200, баландлиги 1500, асосий вақтдаги иш унути 1,8-3,0 га/ҳ; массаси 900±50 кг.

Ўтказилган синовларнинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган машиналарни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўллаш ерларга ишлов бериш сифати яхшилайти, иш унумини 1,2-1,5 марта ортиради, ҳар бир гектар ишлов берилган майдон ҳисобига ёнилғи сарфини 2,2-4,4 кг га ва бошқа ҳаражатларни 1,2-1,4 мартага камайтиради.

Ишлаб чиқилган машиналарнинг саноат нусхаларини тайёрлаш, давлат қабул синовларини ўтказиш ва кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун улар бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ишлаб чиқилган дастлабки талаблар ва конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқ ва чизмалар) “БМКБ-Агромаш” АЖ га топширилган.

Хулосалар: Янги ишлаб чиқилган пушталарга ишлов берадиган қурилма, текислагич-юмшаткич машинаси, юқори қувватли тракторлар учун кенг қамровли чизел-култиватор ва комбинациялашган дискли борона қўлланилганда ерларга ишлов бериш сифатини яхшиланиши, иш унумини 1,2-1,5 марта ортиши, ҳар бир гектар майдонга ишлов бериш учун ёнилғи сарфини 2,2-4,4 кг га ва бошқа ҳаражатларни 1,2-1,4 марта камайишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тўхтақўзиев А., Абдулхаев Х.Ғ. Пушталарга экиш олдидан ишлов берувчи қурилма дала синовларининг натижалари // Қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: Республика илмий-техника-вий анжумани материаллари. – Андижон: АндҚХИ, 2014. – Б. 190-193.
2. Тўхтақўзиев А., Имомкулов Қ., Халилов М. Текислагич-юмшаткич пичоқларининг параметрларини асослаш // Долзарб муаммолар ва ривожланиш тенденциялари: Республика илмий амалий конференцияси тўплами. – 2-қисм. – Жиззах: ЖизПИ, 2017. – Б. 328-333.
3. Тўхтақўзиев А., Мансуров М.Т. Юқори қувватли тракторларга кенг қамровли чизел-култиватор // “ХАЛҚАРО ЕР КУНИ” муносабати билан Ер ресурсларини бошқариш ва муҳофаза қилишда инновацион ёндашувлар: муаммо ва кератив ечимлар: Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – 2-қисм. – Тошкент: ТИҚХММИ, 2019. – Б. 306-309.
4. Тўхтақўзиев А., Эргашев М.М. Комбинациялашган дискли борона // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. – Тошкент, 2017. – №8. – Б. 29-30.

**ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МОЛА-ТЕКИСЛАГИЧ
СИНОВЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

Тўхтақўзиев А. – т.ф.д., профессор, Барлибаев Ш.Н. – таянч докторант
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти

Аннотация

Мақолада юқори иш унуми ва сифатли эга бўлган, тупроққа босими тез ва енгил ростланадиган ҳамда тракторларнинг ғилдирақларидан ҳосил бўладиган изларни юмшатадиган иш органлари билан жиҳозланган мола-текислагичнинг тузилиши, технологик иш жараёни ёритилган ҳамда синовларнинг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: мола-текислагич, марказий секция, ўнг ва чап секциялар, из юмшаткич, текислайдиган ишчи қисм, зичлайдиган ишчи қисм, тупроқнинг уваланиш сифати, тупроқнинг зичлиги, дала юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши.

**РЕЗУЛЬТАТЫ ИСПЫТАНИЙ УСОВЕРШЕНСТВОВАННОГО
МАЛЫ-ВЫРАВНИВАТЕЛЯ**

Тухтақўзиев А., Барлибаев Ш.Н.

Аннотация

В статье приведены устройство, технологический процесс работы и результаты испытаний малы-выравнивателя, имеющего высокие производительность и качество работы, быструю и удобную регулировку давления его на почву и рабочие органы для разуплотнения следов от колес тракторов.

Ключевые слова: мала-выравниватель, центральная секция, правая и левая секции, следорыхлитель, выравнивающая рабочая часть, уплотняющая рабочая часть, качество крошения почвы, плотность почвы, среднеквадратическое отклонение неровностей поверхности поля.

TEST RESULTS OF THE IMPROVED SMALL-EQUALIZER

Tuhtakuziev A. Barlibaev Sh.N.

Abstract

The article presents the device, the technological process and the results of tests of the small leveler, which has high performance and quality of work, fast and convenient adjustment of the pressure on the soil and working bodies to decompress traces from the wheels of tractors.

Key words: small-equalizer, center section, right and left sections, track cultivators, leveling the working part, the working part of the sealing, the dyed quality of the soil, the soil density. the standard deviation of prevesta the surface of the field.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришда экиш олдидан тупроққа сифатли ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки акс ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини агротехника талаблари даражасида экиб бўлмайди, экилган уруғлар қийғос униб чиқмайди ва ҳар бир гектардан керакли бўлган кўчат олинмайди. Бу ўз навбатида экинлар ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади.

Маълумки, ерларни экишга тайёрлашдаги асосий вазифа далалар юзасини текислаш, талаб даражасида зичлаш ва ундаги йирик кесакларни майдалаб, майин тупроқ қатламини ҳосил қилишдан иборат[1]. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда бу мақсадда МВ-6,0, МВ-6,5 ҳамда хўжаликларда мавжуд бўлган бошқа мола-текислагичлардан кенг фойдаланилади[2,3]. Аммо улар қуйидаги жиддий камчиликларга эга:

- тиркама бўлганлиги сабабли мавжуд мола-текислагичлар энергия-материал ҳажмдор, фойдаланиш учун ноқулай, паст маневрчанлик ва иш унумига эга, катта бурилиш майдонини талаб этади (ва демак салт юришга кўп вақт сарфланади) ҳамда уларни тикилиб қолган ўсимлик қолдиқларидан тозалаш кўл кучи билан амалга оширилади. Бу кўп вақтни талаб этади ва агрегатнинг бекор туриб қолиши ва иш унумининг пасайишига олиб келади.

Булардан ташқари мавжуд мола-текислагичларни бир даладан иккинчи далага ўтказиш ҳам кўшимча қўл кучи ва транспорт воситасини талаб этади;

- маълумки тупроқнинг тури (енгил, ўрта, оғир), намлиги, унга молалашдан олдин, яъни чизеллаш ёки шудгорлашда қандай чуқурликка ишлов берилганлиги ва бунда тупроқ қандай даражада уваланганлиги(майдаланганлиги)га қараб мола-текислагичларнинг тупроққа берадиган босими ростланиши лозим. Мавжуд мола-текислагичларда тупроққа бериладиган босим уларга бутун қамраш кенлиги бўйича кўшимча юклар (металл ёки бетон балластлар, қопланган кум ёки тупроқ) қўйиш ёки уларни олиб ташлаш йўли билан ростланади ва бу қўл кучи билан бажарилади ва бунинг учун кўп вақт ва оғир қўл меҳнати сарфланади, кўшимча қўл кучи талаб этилади.

- мавжуд мола-текислагичлар ғилдиракли тракторлар билан ишлатил(агрегатлан)ганда уларнинг ғилдираклари томонидан дала юзасида ҳосил қилинган излар юмшатиладиган қолиб кетади. Бу уруғларнинг экилиш сифати, униб чиқиши ҳамда ўсимликларни ривожланиши ва экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Демак, кўрсатилган камчиликлардан тўлиқ холи бўлган, яъни тупроққа кўрсатадиган босими тез ва енгил ростланадиган, осма ҳамда тракторларнинг ғилдираклари ҳосил қиладиган изларни юмшатадиган иш органлари билан жиҳозланган мола-текислагич ишлаб чиқиш ечилиши лозим бўлган долзарб масала ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда институтимизда такомиллаштирилган мола-текислагич ишлаб чиқилди ва унинг тажриба нусхаси тайёрланиб, синовлари ўтказилди.

Тадқиқот услубиёти. Такومиллаштирилган мола-текислагич тажриба нусхасининг синовлари институт тажриба хўжалигининг далаларида Тst 63.02.2001 «Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для поверхностной обработки почвы. Программа и методы испытаний»[4] бўйича ўтказилди. Бунда такомиллаштирилган мола-текислагич Т7060 трактори билан агрегатланди.

Тадқиқот натижалари. Такумиллаштирилган мола-текислагич осма вариантда ишлаб чиқилган бўлиб, марказий ва ўнг ҳамда чап ён секциялардан ташкил топган, ён секциялар марказий секция билан шарнирли боғланган ва гидроцилиндрлар воситасида иш ҳолатидан транспорт ҳолатига ва транспорт ҳолатидан иш ҳолатига ўтказилади.

Иш ҳолатида такумиллаштирилган мола-текислагичнинг марказий ва ён секциялари махсус кронштейнлар ва бармоқлар воситасида бир-бири билан кўзғалмас боғланади ва бир бутун қаттиқ системани ташкил этади.


Такумиллаштирилган мола-текислагичнинг ҳар бир секцияси иккита кўндаланг ва уларни бир-бири билан боғловчи бўйлама бруслардан ташкил топган бўлиб, ҳаракат йўналиши бўйича биринчи бўлиб жойлашган кўндаланг брус дала юзасини текислайдиган (кейинги ўринларда текислагич), иккинчи брус эса тупроқни зичлайдиган (кейинги ўринларда зичлагич) ишчи қисмлар билан жиҳозланган.

Марказий секция кўшимча равишда осмиш қурилмаси ва трактор ғилдиракларидан ҳосил бўладиган изларни юмшатадиган иш органлари, яъни из юмшаткичлар билан жиҳозланган.

Ишлаб чиқилган мола-текислагичда унинг таянч текислигидан пастки осмиш нуқталаригача бўлган ҳамда пастки ва юқориги осмиш нуқталари орасидаги тик масофаларни ўзгартириш назарда тутилган ва бу унинг тупроққа кўрсатадиган босимини ростлаш имконини беради. Таъкидланган тик масофаларни ўзгартириш учун мола-текислагичнинг пастки ва юқориги осмиш нуқталари кронштейнларида кўшимча тешиклар очилган.


1 ва 2- расмларда ишлаб чиқилган мола-текислагичнинг иш ва транспорт ҳолатларидаги схемалари ва иш жараёнидаги умумий кўриниши келтирилган.

Ишлаб чиқилган мола-текислагичнинг иш жараёни қуйидагича кечади: агрегат дала бўйлаб ҳаракатланганда мола-текислагичнинг текислагичи йўлида учрайдиган дўнгликларни кесиб, пастликларга суриш ҳисобига ишлов берилаётган майдоннинг юзасини текислайди, зичлагичи эса текислагич томонидан текисланган юзани талаб даражасида зичлайди, из юмшаткичлар трактор ғилдиракларидан ҳосил бўлган изларни юмшатади (3-расм).



1-марказий секция; 2,3-мос равишда ўнг ва чап ён секциялар;
4- гидроцилиндр; 5-из юмшаткич

1-расм. Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг иш (а) ва транспорт (б) ҳолатларидаги схемалари



2-расм. Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг иш жараёндаги кўриниши



1-рама; 2-текислагич; 3-зичлагич; 4-из юмшаткич

3-расм. Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг иш жараёни

Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг синовлари институт тажриба участкасининг далаларида ерларни чигит экишга тайёрлаш даврида ўтказилди. Синовлар ўтказилишидан олдин тупроқнинг 0-10 ва 10-20 см қатламлардаги намлиги ва қаттиқлиги аниқланди. Уларнинг ва такомиллаштирилган мола-текислагич синовларнинг натижалари жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, такомиллаштирилган мола-текислагичнинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келади ва бир ўтишда дала юзасига талаб даражасида ишлов беради.

Синовларда такомиллаштирилган мола-текислагич белгиланган технологик жараёнини ишончли бажарди ва унинг жиддий камчиликлари кузатилмади.

Синовларда олинган натижалар бўйича ўтказилган ҳисоблар ерларни экишга

тайёрлашда такомиллаштирилган кенг қамровли мола-текислагич қўлланилганда иш унуми 1,45-1,54 марта ортишини, меҳнат сарфи ва бошқа харажатлар 34-37 фоизга камайишини кўрсатди.

Кенг қамровли мола-текислагич синовларнинг натижалари

Т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Кўрсаткичларнинг қийматлари	
		Дастлабки талаблар бўйича	Синов натижалари бўйича
1.	Тупроқнинг намлиги, %: 0-10 см қатламдаги 10-20 см қатламдаги	16-18 оралиғида 16-18 оралиғида	15,6 17,2
2.	Тупроқнинг қатиклиги, МПа: 0-10 см қатламдаги 10-20 см қатламдаги	1,0 гача 1,0 гача	0,64 0,86
3.	Тупроқнинг уваланиш сифати, %: > 50 мм 25-50 мм < 25 мм	< 5 15 гача > 80	4,7 12,7 82,6
4.	Тупроқнинг 5-15 см қатламдаги зичлиги, г/см ³ :	1,1-1,2	1,14
5.	Дала юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши, см: ҳаракат йўналиши бўйича ҳаракат йўналишига қўндаланг йўналиш бўйича	< ± 2 < ± 2	± 1,62 ± 1,44

Хулосалар. Такومиллаштирилган мола-текислагич белгиланган технологик жараёни ишончли бажаради ва унинг иш кўрсаткичлари қўйилган талабларга мос келади. Уни қўллаш ерларни экишга тайёрлашда иш унумини 1,45-1,54 марта ортиши ҳамда меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни 34-37 фоиз камайишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Соколов Ф.А. Агрономические основы комплексной механизации хлопководства.- Ташкент: Фан, 1977й.-224с.
2. Қишлоқ хўжалик экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 йиллар учун (Ўқисм). ЎзРҚСХВ- Тошкент: “ҚХИИТИ”, 2016.-136б.
3. Пахтачилик ва ғаллачилик машиналарини ростлаш ва самарали ишлатиш.-Тошкент: Фан, 2012.-192 б.
4. Тст 63.02.2001 «Испытания сельскохозяйственной техники.Машины и орудия для поверхностной обработки почвы. Программа и методы испытаний».-Ташкент,2001.- 47с.

УДК: 631.348: 632.934.1

МЕВАЛИ БОҒЛАР ВА УЗУМЗОРЛАР УЧУН ЮҚОРИ САМАРАЛИ УНИВЕРСАЛ ОСМА ПУРКАГИЧ

Халилов М. С.,

Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти

Аннотация

Мақолада муаллиф томонидан мевали боғлар ва узумзорларга кимёвий ишлов берадиган универсал осма пуркагичининг технологик схемаси лойиҳалангани ва шу асосда компьютерда AutoCAD дастурида конструкторлик чизмалари ва техник ҳужжатлари, ҳамда унинг саноат намунаси ишлаб чиқилганлиги ва фермер хўжаликларига жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар келтирилган.

Таянч сўзлар: боғ, пуркагич, ишчи қисм, вентилятор, ғилдирак, кожух, айланишлар сони, дастур, чизма, суюқлик сарфи, иш унуми.

ВЫСОКОПРОИЗВОДИТЕЛЬНЫЙ УНИВЕРСАЛЬНЫЙ НАВЕСНОЙ ОПРЫСКИВАТЕЛЬ ДЛЯ ФРУКТОВЫХ САДОВ И ВИНОГРАДНИКОВ

Халилов М.С.

Аннотация

В статье приведена разработанная технологическая схема универсального навесного опрыскивателя для химической обработки плодовых садов и виноградников, разработаны конструктивные чертежи и техническая документация, а также приведен изготовленный промышленный образец опрыскивателя. Приведены проводимые работы по внедрению опрыскивателя в фермерских хозяйствах.

Ключевые слова: сад, опрыскиватель, рабочий орган, вентилятор, колесо, кожух, число оборотов, программа, чертеж, расход жидкости, производительность.

HIGH-PERFORMANCE UNIVERSAL MOUNTED SPRAYER FOR ORCHARDS AND VINEYARDS

Xalilov M.S.

Abstract

The article presents the developed technological scheme of a universal sprayer for chemical treatment of orchards and vineyards, developed design drawings and technical documentation, as well as the manufactured industrial design of the sprayer. The ongoing work on the introduction of a sprayer in farms is given.

Key words: words garden, sprayer, working tool, fan, wheel, casing, speed, program, drawings, fluid flow, productivity.

Қириш. Қишлоқ хўжалиги мевали боғлари ва узумзорларида махсулотлар етиштиришда янги технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан жаҳон бозорида рақобатдош бўлган махсулотлар ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бирлашган миллатлар ташкилотининг озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича қўмитасининг берган маълумотига асосан қишлоқ хўжалиги ўсимликларига зараркунанда ва қассалликларнинг келтирадиган зарари натижасида улардан олинадиган ҳосилдорликни жаҳон миқёсида ҳар йили 20-25 фойизи нобуд бўлади [1]. Мевали боғлар ва узумзорларда махсулотлар етиштиришда уларни зараркунанда ва қассалликларига қарши кураш тадбири пуркагичлар ёрдамида бажарилади.

Юқори самарали универсал пуркагичларнинг технологик иш жараёнини асослашда биз зараркунандаларни яшаш жойини асосий омиллардан бири деб олдик. Узумзорлар ва бошқа ўсимликлар зараркунандаларини яшаш жойи, кўпайиши ва уларни озукланиши кўп йиллик илмий текширишлар асосида олимларимиз томонидан ўрганилиб, улар асосан ўсимликлар барглари таг (баргнинг остки) қисмларида яшаши аниқланган [2]. Демак, пуркагич кимёвий препаратни берилган меъёра зараркунандаларнинг яшаш жойига, яъни баргнинг пастки қисмига пуркаши лозим.

Тадқиқотнинг мақсади. Пуркагичларнинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш орқали уларнинг сифат кўрсаткичларини, технологик барқарорлигини ва иш унумдорлигини юқори бўлишини ҳамда пуркаладиган кимёвий препаратни самарадорлигини агротехник талабларга жавоб беришини таъминлашдир.


Тадқиқот услубияти. Тадқиқот жараёнида пуркагични назарий жиҳатдан асослашда назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда ва (ЎзРХ 63.06-98 ва ГОСТ 24055-80, ТSt 63.02.2001, ТSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган [3].

Тадқиқот натижалари. Узумзорлар ва мевали боғларга кимёвий ишлов берувчи пуркагичларнинг конструкцияси ва технологик иш жараёни, уларни яратиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқотлар ишларининг тахлили ва узумзор ҳамда мевали дарахтларнинг агротехникасини эътиборга олган ҳолда такомиллашган пуркагич ишлаб чиқилди. Унинг конструкциясига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг № FAP 00857 фойдали моделга патент олинди [4].

Пуркагичнинг асосий иш қисмларидан бири қилиб марказдан қочма вентиляторни унинг технологик схемасига киритамиз. Марказдан қочма вентиляторни ҳаво оқимини кириш дарчасидан суриб икки ён томонга йўналтирадиган қилиб лойиҳалаймиз. Бу эса пуркагични бир ўтишда икки томонга ишлов беришини таъминлайди.

Ечилиши лозим бўлган муаммо шундан иборатки, юқорида келтирилган пуркагичларни технологик ишлаш жараёнини илмий асосида такомиллаштириш билан, уларнинг иш жараёнини сифат кўрсаткичларини, технологик барқарорлиги, иш унумдорлигини юқори бўлишини ва пуркаладиган кимёвий препаратни самарадорлигини агротехник талабларга жавоб беришини таъминлашдир.

Узумзорлар ва мевали боғларга кимёвий ишлов бериш учун такомиллаштирилган универсал пуркагич куйидаги қисм ва механизмлардан иборат (1-расм): сиғим 1, рама 2, вентилятор кожухи 3, вентилятор ғилдираги 4, кожухдаги ҳаво чиқиш дарчалари 5, ҳаво кириш дарчиси 6, понасимон тасмали узатма 7 ва кардан вали 8 лойиҳаланган. Рамага ўрнатилган вентилятор унинг кожухи 3 ва унга ўрнатилган иш қисмлар янги технологиялар асосида лойиҳалананади. Ғилдиракнинг геометрик ўлчамлари (диаметри ва баландлиги) асосида кожух лойиҳаланиб ва унга асосан вентилятор ҳосил қилган ҳаво оқимини тенг иккига бўлиб қарама-қарши икки томонга йўналтирадиган қилиб тайёрланган.



1-сиғим; 2-рама; 3- вентилятор кожухи; 4-вентилятор ғилдираги;
5- кожухдаги ҳаво чиқиш дарчалари; 6- ҳаво кириш дарчиси;
7- понасимон тасмали узатма; 8-кардан вал.

1-расм. Таклиф қилинган пуркагичнинг технологик схемаси



2-расм. Плантация қилиб экилган боғларга кимёвий ишлов берувчи ишчи қисм ўрнатилган универсал осма пуркагичнинг орқа томонидан кўриниши

Пуркагич ва унга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторларни юқорида аниқланган параметрлари асосида компьютерда AutoCAD дастурида конструкторлик чизмалари ва техник хужжатлари ишлаб чиқилди.

Юқорида келтирилган конструкторлик чизмалари ва техник хужжатлари асосида

универсал осма пуркагични ишлаб чиқилди (2-расм). Универсал осма пуркагичи кўйидагича ишлайди: ҳаракат тракторнинг (ҚОВ) дан кардан вал орқали пуркагич валга, унга ўрнатилган катта шкив орқали понасимон тасмалар билан валга ўрнатилган кичик шкивга ва вентилятор ғилдирагига, ҳамда бир вақтнинг ўзида насосга узатилади. Демак, пуркагич вентилятор ғилдираги ҳаракатланиши натижасида ҳосил қилинган ҳаво оқимида распилителлар тумансимон қилиб пуркаган ишчи суюқликни аралаштириб ишлов бериладиган объектга йўналтириб, боғ ва узумзорларга кимёвий ишлов беради.

Ишлаб чиқилган универсал осма пуркагичининг конструкцияси оддий ва таннархи хорижий давлатлардан келтирилаётган шу турдаги техник воситаларга нисбатан 2-3 барабар арзон бўлиб, пуркагич техник воситаларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун ҳам, ҳозирги пайтда универсал осма пуркагичини ўзимизда ишлаб чиқариш ва уни фермер хўжаликларига тадбиқ этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса. Узумзорлар ва мевали боғларга кимёвий ишлов берадиган универсал осма пуркагичнинг саноат намуналарини ишлаб чиқилди ва уни фермер хўжаликларига жорий этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Очилов Р.О., Бобобекоб Қ., Сағдуллаев А., Пўлатов З., Учаров А., Рахматов А., Аброров Ш ва бошқалар. Мевали дарахтлар зараркунандалари ва касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чоралари. – Тошкент, Фан, 2010, – 60 б.

2. Хамраев А.Ш., Ҳасанов Б.А. Боғ, тоқзорларнинг заракундалари, касалликлар ва уларга қарши кураш тизими. – Тошкент, 1995. – 125 б.

3. ГОСТ 53053-2008- Машины для защиты растений. Опрыскиватели. Методы испытаний. Москва.2009. 41 с.

4. ЎзР. FAP 00857 рақамли фойдали модел патенти. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларига кимёвий ишлов бериш пуркагичи / Джураев Д., Эргашев А.Ч. //2013, № 12. Бюл. Б 15.

УДК 656 (075)

ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ СВОЙСТВ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ МАСЕЛ ДЛЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ТЕХНИКЕ

Ш.Ж. Имомов профессор. Ташкентский институт инженеров механизации сельского хозяйства, З.Х.Алимова - к.т.н., доцент

Ташкентский институт по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог, PhD. Н.А. Халикова- Ташкентский институт инженеров механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье рассмотрено пути улучшения эксплуатационных свойств гидравлических масел для сельскохозяйственной технике. Приводятся результаты лабораторных исследований гидравлических масел с добавкой на основе дитиофосфат цинка ЦД-40 и рекомендации по их применению.

Ключевые слова: гидравлические системы, гидравлические масла, физико-химические свойства, присадки, дитиофосфат цинка, исследования, температура вспышки, щелочное число, температура вспышки.

WAYS TO IMPROVE THE PERFORMANCE OF HYDRAULIC OILS FOR AGRICULTURAL MACHINERY

Sh.J.Imomov, Z.X.Alimov, N.A.Xaliqova

Abstract

The article discusses ways to improve the performance properties of hydraulic oils used for agricultural machinery. The results of laboratory studies of hydraulic oils with an additive based on zinc dithiophosphate -40 and recommendations for their use are presented.

Key words: hydraulic systems, hydraulic oils, physical and chemical properties, additives, zinc dithiophosphate, research, flash point, alkaline number, flash point.


Введение. В последние годы значительно усовершенствовались гидроприводы. Вместе с модернизацией гидроприводов ужесточаются требования к гидравлическим маслам: они должны иметь широкий диапазон рабочих температур, как можно дольше сохранять свою работоспособность и соответствовать строгим экологическим нормам. Совершенствование гидроприводов влечет за собой изменение состава и качества гидравлических масел. В процессе работы насоса в гидросистеме масло нагревается и интенсивно перемешивается с воздухом. Это приводит к окислению масла, к увеличению вязкости масла и накоплению в нем продуктов окисления, к увеличению затрат энергии на привод гидравлической системы. Качество гидравлических масел значительно влияет на надежность работы сельскохозяйственной техники.

Согласно исследованиям 70% отказов гидравлических систем возникает из-за состояния масла. Из них: 40% имеют непосредственное отношение к эксплуатационным качествам масла, 60% связаны с чистотой масла.

Методика исследований. В данной статье предлагается способы улучшения эксплуатационных свойств гидравлических масел применяемые для сельскохозяйственной технике. Снижение износа элементов гидросистемы могут обеспечить гидравлические масла с присадками в виде диалкилдитиофосфатов металлов, беззольных (аминных) солей или сложных эфиров дитиофосфорной кислоты.


Нами проводились исследование образцов промышленных масел И-40, И-20, и образцы с добавкой присадок дитиофосфата цинка ЦД-40 (40- означает: 10% цинк, 20% сера, 10% фосфор).

Механизм действия дитиофосфата цинка связан с их термическим разложением и образованием на поверхности трения полимерной пленки. Разложение дитиофосфата может проходить по механизму:



Противоизносное действие таких соединений происходит за счёт адсорбцию поверхности металла с образованием достаточно прочных соединений с металлом. В присутствии кислорода реакционная способность сернистых соединений по отношению к металлу снижается, но при этом наблюдается повышение противоизносных свойств.

При дальнейших превращениях образуется такой полимерный продукт, который образуется на поверхности металла:



При высоких температурах в системе цинк-сера-воздух основным являются реакции между твёрдой фазой и окружающей средой. В процессе дальнейшего разложения образуется O-S-S алкилтритиофосфат, взаимодействие которого с продуктами распада приводит к образованию дисульфида. Эффективность противозадирного действия происходит за счёт образования дисульфида цинка.

В качестве объекта исследования были выбраны: базовое масло И-20 (40%) + И-40 (60%) – с разными содержаниями (0,3; 0,5; 0,8%) присадки ЦД-40, которая сильно оказывает влияние на противоизносные и противозадирные свойства масел.

В таблице.1 приводятся изменения физико-химических показателей испытываемого масла в зависимости от процентной концентрации ЦД-40.

Изменение физико-химических показателей испытываемого масла в зависимости от концентрации ЦД-40

Таблица 1.

№	Наименование показателя	Результаты опыта	Норма по ГОСТу	Метод испытания
		И –20 (40%) + И –40 (60%) + 0,5% ЦД-40		
1	Вязкость, мм ² /с при t=40°С	46	41,4-50,6	ГОСТ 33
2	Плотность при 20°С, г/см ³	0,898	не более 0,905	ГОСТ 3900
3	Температура вспышки, °С	228	224	ГОСТ 4333
4	Температура застывания, °С	-33	От -30 до -42	ГОСТ 20287
5	Содержание воды, не более	-	следы	ГОСТ 2477
6	Содержание мех. примесей, %	0,008	не более 0,015	ГОСТ 6370
7	Кислотное число, мг КОН на 1г масла, не менее	0,03	0,03	ГОСТ 11362

Результаты исследований. Из результатов анализа нами было выбрано содержание присадок ЦД-40 0,5%, которое показывает оптимальное значение вязкости и температуру вспышки. При дальнейшем увеличении концентрации ЦД-40 вязкость сильно повышается, что может привести к повышенным потерям на трение. С увеличением вязкости возрастает толщина и стойкость к механическим воздействиям масляного слоя между трущимися поверхностями. Далее были определены физико-химические свойства масел с 5% ной присадкой ЦД-40.

Для проведения экспериментов гидравлическое масло подвергали анализу по физико-химическим показателям в соответствие требованиям и нормам ГОСТ 10541 (табл.2).

Результаты лабораторных исследований

Таблица 2

№	Показатели качества	Содержания ЦД -40					
		2%	3%	5%	7%	8%	1,0%
1	Вязкость, мм ² /с при t=40°С	38,2	41,4	46	50	52	54
2	Температура вспышки, °С	215	220	224	224	226	226
3	Щелочное число, мг КОН/г, не менее	3,5	3,6	4,1	4,3	4,4	4,5

Выводы. Ввиду жестких условий работы масла для гидромеханических передач должны обладать соответствующими вязкостными и противоизносными свойствами. Результаты лабораторных исследований показал, что добавление к базовому маслу ЦД-40 дал улучшенный результат по сравнению с маслами применяемые для сельскохозяйственной техники МГ-30. В дальнейшем эти масла могут быть допущены на следующий этап – к эксплуатационным испытаниям на специальной технике.

Использованная литература:

1. Кириченко Н.Б. Автомобильные эксплуатационные материалы Учебное пособие для сред.проф.образования – М.: Из.Центр «Академия», 2012г.
2. Магеррамов А.М., Ахмедова Р.А., Ахмедова Н.Ф. Нефтехимия и нефтепереработка. Учебник для высших учебных заведений. Баку: Издательство «Баку Университети», 2009, 660 с.
3. Данилов В.Ф. и др. Масла, смазки и специальные жидкости. Учебное пособие–Елабуга: изд-во филиала К (П) ФУ.2013. – 216 с.

ГЛУБОКОЕ РЫХЛЕНИЕ И ПЛАНИРОВКА, КАК СРЕДСТВО БОРЬБЫ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ УРОЖАЙНОСТИ

Юлдашев М.З. Доц. ТИИИМСХ

Аннотация

В статье, представленной авторам, актуальной проблемой является причины ежегодного снижения плодородия почв выращиваемых в районах Республики и принятия необходимых мер. Хорошо известно, что после неоднократной пахоты на глубину 25-30 см. на слое почвы образуется так называемая «плужная подошва», которая отрицательно влияет на развитие корневой системы сельскохозяйственных культур.

Ключевые слова: размягчение, фенологические наблюдения, влажность почвы, выпрямление, урожайность, рыхление, плужная подошва.

DEEP LOOSENING AND LAY-OUT AS A MEANS OF CONTROL TO INCREASE PRODUCTIVITY

Yuldashev M.Z.

Abstract

In the article presented to the authors, the actual problem is the reasons for the annual decline in the fertility of soils grown in the regions of the Republic and the adoption of necessary measures. It is well known that after repeated plowing to a depth of 25-30 cm, a so-called "plow sole" forms on the soil layer, which negatively affects the development of the root system of agricultural crops.

Key words: softening, phenological observations, soil moisture, straightening, productivity, loosening, plow sole.

Введение. На сегодняшний день одной из глобальных проблем века является повышение плодородия почв. В настоящее время в мире хлопчатник сеют на площади 33 млн.га, где обрабатывается 25 млн. тонн урожая хлопка-сырца, эта культура при орошении требует много воды и агротехнических мелиораций. В сельскохозяйственном производстве Республики проводятся широкомасштабные мероприятия по снижению затрат труда и энергии, экономии ресурсов, по переброске сельскохозяйственной продукции на основе прогрессивных технологий, обеспечивающих качественное выполнение технологических процессов производства. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития стран в 2017-2021 годах, в частности, особое внимание уделено «... оптимизации посевных площадей, направленной на них сокращения под хлопчатник и зерновые колосовые культуры. С размещением высвобождаемых земель картофеля, овощей, кормовых и масличных культур, а также новых интенсивных садов и виноградников Узбекистан имеет значительные площади низко продуктивных орошаемых земель, на которых получаемый урожай хлопка-сырца и другой сельскохозяйственной культуры не оправдывает производимых затрат, связанных с возделыванием сельскохозяйственных культур. Среди факторов, снижающих продуктивность почв, наряду с засолением, низкой обеспеченностью питательными веществами и др. значительную роль играет их высокая плотность, слабая проницаемость зачастую обусловленная гипсированностью и карбонатностью, а также тяжелым механическим составом почвенного профиля, либо сформировавшейся в условиях многократного прохода техники и многолетней вспашки на одинаковую глубину плужной подошвы, «пятнистое засоление почв», обусловленной плохой спланированностью поверхности поливного участка.

Некачественная планировка приводит к неравномерному распределению влаги при поливах, и, как следствие, изменению солевого режима почвы. Каждая из рассмотренных выше причин низкая продуктивность определяет необходимость и проведение соответствующих агро-мелиоративных приемов.

Всем известно, что долгие годы в хлопкосеющих республиках пахота проводилась на глубину 25-30 см. В результате такой однообразной и длительной агротехники образовались плужные подошвы, отрицательно влияющие на рост и развитие хлопчатника.

Для улучшения мелиоративного состояния земель теперь требуется применение целого комплекса мелиоративных и агротехнических мероприятий. Одним из них является глубокая обработка почвы с последующей планировкой полей. При этом плужная подошва разрушается, в результате создаются благоприятные условия для оптимального водно-воздушного режима почвы.

Схема опытов:

I вариант – участок пахота 25-30 см, не рыхлен, не спланирован;

II вариант – участок пахота 25-30 см, спланирован;

III вариант- участок пахота 25-30 см, рыхлен на 40см, спланирован;

IV вариант - участок пахота 20-30 см, рыхлен на 60см, спланирован;

V вариант - участок пахота 20-30 см, рыхлен на 80см, спланирован.

Весь сезон велись фенологические наблюдения по всем вариантам опыта. Развитие растений по вариантам шло по-разному. Например, в первом варианте возшло 45,3% растений; во втором – 58,3%; в третьем – 72,8%; в четвертом варианте – 66,7% и в пятом – 58,0%. Это свидетельствует о положительном эффекте глубокого рыхления и планировки почвы. В первом варианте опыта, где участок не рыхлен и не спланирован, на гектар было израсходовано 3070 м³/га воды; во втором варианте (без рыхления, но с планировкой) использовано 2120 м³/га воды; в третьем – отмечена максимальная экономия воды – 2100 м³/га и в двух последующих вариантах опыта соответственно понадобилось 2400 и 3100 м³/га воды.

Изучение состояния почвы по слоям показало, что ниже глубины 25-30 см расположен гипсовый слой толщиной 20-25 см. Он отрицательно влияет на корневую часть хлопчатника. Глубокое рыхление и планировка полей создают хорошие условия для сохранения влаги и фильтрации воды в почве. Например, из опыта видно, что за весь сезон в трех последних вариантах сохранение влаги по слоям почвы отмечалось соответственно на уровне 16.8%, 25,4% и 20.5%. А в первом и во втором вариантах этот показатель составил лишь 11,4 и 13.44%. Естественно, что быстрое испарение влаги в почве отрицательно влияет на развитие сельскохозяйственных культур.

Твердость почвы глубокого рыхления и планировки полей изменялась следующим образом. I вариант - 4,98 МПа, II вариант- 4,15 МПа. В остальных вариантах почва стала значительно мягче, соответственно показатели выглядят так: 3 МПа; 3,01 МПа; 2,95 МПа.

В настоящее время в Республике Узбекистан имеются значительные низкопродуктивные площади орошаемых земель, на которых получаемый урожай хлопка–сырца и другой сельскохозяйственной продукции не оправдывает производимых затрат, связанных с возделыванием сельскохозяйственных культур. Одним из факторов, снижающих продуктивность почв, является их высокая плотность и слабая водопроницаемость, зачастую обусловленные гипсированностью, карбонатностью, либо тяжелым механическим составом почвенного профиля, наличием уплотненной «плужной подошвы», формирующейся в условиях многократного прохода техники и многолетней вспашки на одинаковую глубину. Неравномерное по фону засоление почв, обусловленное чаще всего плохой планировкой поверхности поливного участка, также существенно снижает урожай сельскохозяйственных культур.

Для улучшения водно-физических свойств, водного, воздушного, солевого и питательного режимов этих почв, в последние годы опробованы и широко используются приемы мелиоративной обработки (глубокое рыхление), внесение вторичных ресурсов (лигним, биологический ил, органические отходы), строительство временного мелкого дренажа при промыве и многое другое. Вместе с тем, вопросы рационального использования воды при орошении сельскохозяйственных культур, возделываемых на глубоко разрыхленных почвах, практически не изучены. Эти разработки должны базироваться на экспериментальных и теоретически обоснованных показателях, характеризующих водно-

физические свойства «трудномелиорируемых» почв и их изменение при мелиоративной обработке и дальнейшей эксплуатации, а также водного режима этих почв, связанного с водообеспеченностью года и видом водоземных культур.

Эффективным приемом улучшения водно-физических свойств такой почвы является их глубокое рыхление специальными рабочими органами-рыхлителями с последующей планировкой поверхности. В Республике Узбекистан, данный агро-мелиоративный прием изучался, в основном, как способ повышения солоотдачи при капитальных признаках слабопроницаемых почв.

Исследование влияния глубокого рыхления и планировки, в качестве предпосевного приема на свойства почв, определяющие их воздушный, водный и солевой режимы в период вегетации, а также воздействие на развитие и урожай хлопчатника актуально, в связи с перспективой внедрения для повышения продуктивности уплотненных почв.

Анализ полученных данных показывает, что в результате глубокого рыхления с последующей планировкой полей сероземно – луговых почв первый год во всех вариантах с рыхлением наблюдается снижение объемов массы и разрыхления слоя на 1,4% (вар. IV, гор. 10-20) - 28,7% (вар. I, II, гор. 30-40 см) к исходному.

Данная масса в исходном состоянии – песчаных почв составляла: в пахотном горизонте - 1,38 г/см³, а подпахотном – 1,48 г/см³, а плужная подошва (горизонт 30-40 см) иногда плотность 1,57 г/см³.

Эффект разрушения плужной подошвы, до рыхления плотность составляла 1,37 г/см³, а рыхление по вариантам (III, IV, V) – 1,32 – 1,33 г/см³.

Влияние проведенных мероприятий в первом опыте в вариантах III, IV и V при глубине рыхления соответственно 40, 60, 80 см относительная норма составила 3500, 3740 и 4750 м³/га, а на второй год исследований 4225, 4590 и 4770 м³/га. Таким образом, в первый год рыхления привело к увеличению оросительной нормы до 25%. А на второй год увеличение нормы (по вариантам) составила 9,5-24,0%, а на третий год – 9,0-33,0 по отношению к контролю.

Результаты наблюдений показали эффективность рыхления с последующей планировкой, изменяя при этом структуру плотности и фильтрационные свойства почв.

Литература

1. Мирзажонов К.М., Нурматов Ш.Ш., Ахмедов Ж.Х. суғорма дехкончиликда ердан унумли фойдаланиш. «Узбекистон кишлок хўжалиги». Тошкент, 2009. №6 Б16-17

2. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы – Нукус: Билим, 2004 – 180 с.

3. Юлдашев М. Совершенствование технологии основной обработки почв. Механизация хлопководства. 1991. №1. С-9

УЎТ631.17

ИНТЕНСИВ БОҒЛАРДАГИ ИШЛАРНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

С.Кундузов, техника фанлари номзоди

Ўзбекистон кишлок хўжалик техника ва технологиялари сертификатлаш ва синаш давлат маркази

И.Тўланов, катта илмий ходим

Кишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти

МЕХАНИЗАЦИЯ ИНТЕНСИВНЫХ САДОВЫХ РАБОТ

Аннотация

Мақолада интенсив боғлардаги ишларни механизациялашдаги технологик жараёнлар ва уларни амалга ошириш учун машиналар тизими келтирилган.

Калит сўзлар: интенсивбоғ, технологик жараён, механизациялаш, технология, машиналар тизими, трактор, агрегат.

Аннотация

В статье приведены технологические операции и система машин для механизированных работ в интенсивном садоводстве.

Ключевые слова: интенсивный сад, технологическая операция, механизация, технология, система машин, трактор, агрегат.

MECHANIZATION OF INTENSIVE GARDEN WORKS

Kunduzov S., Tulanov I.

Abstract

The article describes the technological operations and the system of machines for mechanized work in intensive gardening.

Key words: intensive garden, technological operation, mechanization, technology, machine system, tractor, unit.

Кириш. Ҳозирги кунда мамлакатимизда интенсив технологияга асосланган саноатлашган боғларни яратиш кенг йўлга қўйилди ва уларнинг майдони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Интенсив боғларни яратиш ва парваришлаш ишларини механизациялаш шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, бу ишларни мамлакатимизда мавжуд замонавий техника воситалари ёрдамида амалга оширилиши муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот усулубияти. Маколада мамлакатимиздаги интенсив боғларни яратиш ва парваришлашдаги илғортажрибава ютуқларни ҳамда мамлакатимизда мавжуд замонавий энергетика ва техника воситаларини [1] инобатга олган ҳолда технологик жараёнларни максимал механизациялаш учун уларни амалга оширишда қўллаш мумкин бўлган машиналар тизими таклиф этилмоқда.

Тадқиқот натижалари. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш, экин майдонлари таркибини мақбуллаштириш ҳисобига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда интенсив, тежамкор технологияларни жорий қилиш, фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, тармоқ экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадларига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПП -2460 Қарори [2] қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга кўра, 2016-2020 йилларда жами ғўза ва ғалла ҳисобига камайтириладиган 220,5 минг гектар майдоннинг 18 минг гектар (8,1 фоиз) га интенсив боғлар экилиши қатъий белгиланган. Натижада мева-сабзавот экин майдонлари -192 минг гектардан 283 минг гектарга (147,4 фоиз), тоқзорлар майдонлари 144 минг гектардан 155,2 минг гектарга (107,8 фоиз) ортиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-255 Фармони [3] ва № 1937 Қарори [4] каби қатор меъёрий ҳужжатлар соҳани жадал ривожлантирига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган илк йилларда боғ техникаларининг етишмовчилиги сабабли боғдорчиликдаги ишларни механизациялаш ишлари 65 % дан 25 % гача тушиб кетган эди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукумати қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлашга катта эътибор қаратиб келишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПП № 1758 қарори [5] қабул қилинди. Мазкур қарорда қишлоқ хўжалигида жумладан, боғ ва тоқзорларда фойдаланиладиган бир қатор янги турдаги, замонавий, ресурстежамкор, бир йўла бир нечта агротехник тадбирларни бажариш имкониятига эга техникаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, 2012-2016 йилларда техникалар паркини босқичма-босқич янгилаб бориш каби қатор долзарб масалалар аниқ ечимини топган. Жумладан, мазкур қарорнинг 1-иловасида қуввати 70-80 о.к.ли махсус боғдорчилик тракторини 2015-2016 йилларда 900 донасини ишлаб чиқариш белгилаб берилган.

Мазкур қарорнинг 2-иловасининг IX бўлимида: 150 дона ярим тиркама, 50 дона дори пуркагич, 150 дона кесилган дарахт новдаларини майдалагич, 600 дона махсус боғ плуглари, 400 дона боғ ва тоқзорларидаги дарахтлар орасига ишлов бериш учун гидрокопирли фреза, 400 дона боғ-тоқзор культиватори, 50 дона токни кўмадиган ва 100 дона токни очадиган машина ҳамда дарахт кўчатларини экиш учун чуқурқазилма машиналаридан 200 донасини ишлаб чиқиш белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПП-3459 Қарори [6] нинг №1 иловасига кўра 2018 йилнинг 1 ярим йиллигида мақсадли техникани етказиб бериш кўзда тутилган

бўлиб, жумладан 50 от кучли Жон Дир боғ тракторларидан 200 дона ва қуввати 62 от кучигача бўлган боғ тракторларидан 130 донасини етказиб бериш кўзда тутилган ва етказиб берилди.

Интенсив боғларда технологик жараёнларни бажаришда ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд қуйидагимеханизация воситаларидан фойдаланиш мумкин:

т/р	Иш тури	Машиналар тизими
	Экишдан олдин тупроқни тайёрлаш	
1	Боғларни қайта ташкил этишда дарахтларни, тўнкаларни ва буталарни суғуриш	ВТ-150 ёки ТУ 160 трактори билан агрегатланган Д-695 (кундаков) юлгич-йиғгич, ДТ-75Е трактори билан агрегатланган ДП-8А юлгич-йиғгич, КБ-4А, Д-514А, ДН-24 бута кескичлар, К-1 юлгич борана, К-3 осма шох-шаббаларни йиғгич тирма
2	Участкани тошлар, кундалар ва шох-шаббалардан тозалаш	ДТ-75Е ва МТЗ-80 тракторлари билан агрегатланган УКП-0,6, УСК-0,7А ва ПК-4 тош териш машиналари, ПВК-5 тиркамаси, ЛС-4М чанғи ўзияғдаргич, ГПС-2М ўзияғдаргич
3	80 см гача ва 40-45 см гача экишдан олдинги ерни ҳайдаш, экиш олдида тупроқни чуқур юмшатиш ёки тирқиш қирқиш	ТУ 320 трактори билан агрегатланган FS.1/98, Т-4А-01 трактори билан агрегатланган ППН-40 плуги ёки Жон Дир 6135В трактори билан агрегатланган FS.1/90 плуги, ВТ-150 трактори билан агрегатланган РН-80Б осма тупроқ юмшатгичи, ТУ 160 трактори билан агрегатланган ГРП-3/5 ёки ГР 270/370 чуқур юмшатгичи, 3-5 тортиш классдаги тракторлар билан агрегатланган ПЧ-3,5 ва ПЧ-4,5 чизел плуги
4	Дала юзасини текислаш	Т-4А-01 трактори билан агрегатланган ПА-3 ер текислагичи, ВТ-150 русумидаги трактори билан агрегатланган П-4, П-2,8, ПА-3, ДЗ-602 ер текислагичлар, ТУ 160 трактори билан агрегатланган ПЛ-5 лазерли ер текислагичи, Д-694, Д-439А, Д-492А ва Д-533С бульдозерлари, Д-374 ва Д-541 скрейперлари, ҳамда Д-20Б ва Б-241М грейдерлари. ДТ-75Е трактори билан агрегатланган ГН-4 осма грейдер-текислагичи. LS 1004 билан агрегатланган ГН-2,8 ер текислагичи, МТЗ-80 трактори билан агрегатланган П-3Л лазерли ер текислагичи
5	Боғларга экишдан олдинги ўғитларни солиш ва сочиш: Органик ўғитларни ортиш Органик ўғитларни ташиб келиш ва сочиш Минерал ўғитлар Суюқ ўғитлар Қаттиқ Суюқ аммиак	ТТЗ 60.10га осилган ПК-0,5 юклагичи билан РПТУ-2А, РСШ-6, РПН-4, РТО-4, РОУ-5, ПРТ-10, 1ПТУ-4 гўнг сочиш машиналари МТЗ-80 трактори билан агрегатланган СТН-2,8, СТШ-2,8, РТТ-4,2 минерал ўғит солиш сеялкалари, НРУ-0,5, РУМ-5, 1РМГ-4, 1РМГ-4Б, КСХ-5, РМУ-0,5, РМУ-0,75, РМУ-1М каби ўғит сочиш машиналари, 1,4-2 классдаги ғилдиракли тракторлар билан агрегатланган ПЖУ-2,5, ПЖУ-5 юклагичлари, МЖТ-6, МЖТ-11 машиналари, Т-150К трактори билан агрегатланган РУМ-8 ўғит сочгич, МТЗ-80 ва Т-70В трактори билан агрегатланган АБА-0,5 машинаси.
6	Ўғитларни юклаш: Қаттиқ Суюқ	ТТЗ 60.10 га осилган ПК-0,5 юклагичи билан, МТЗ-80 ғилдиракли тракторларга ўрнатилган ПЭ-0,8Б, ПЭА-1, ПБ-35 юклагичлар, Стационар аралаштиргич қурилмалар

7	45 см гача чуқурликда ерни ҳайдаш 60 см гача чуқурликда ерни ҳайдаш	ДТ-75Е ёки Т-4А-01 трактори билан агрегатланган ППН-40 плантаж плуги, Жон Дир 6135В трактори билан агрегатланган FS.1/95 плуги, ТУ 160 трактори билан агрегатланган ППУ-50А плантаж плуги
8	Ҳайдалган ернинг кесакларини юмшатиш	ВТ-150 ва ДТ-75Е типидagi тракторлар билан агрегатланган БДТ-10, БДТ-7 дала дисклари, ва БДСТ-3,5, БДСТ-2,5 боғ дисклари, КПС-4 ва КСГ-5 типидagi культиваторлар
9	Бороналаш	ДТ-75Е ва ВТ-150 типидagi тракторлар билан СП-16, СП-20, МП-11А
II. Кўчат экиш		
10	Кўчатларни ташиб келтириш	МТЗ-80 тракторига тиркалган 2ПТС-4-793А прицеплари билан
11	Кўчатларни экиш учун чуқур қазиш	МТЗ-80 тракторига осилган КЯУ-100 ёки ЯК-0,4 чуқурқазгичи
12	Эни ва чуқурлиги 40 см дан бўлган эгатларга сувни қадоқлаб қуйиш билан бир вақтда дарахт экиш	3 тортиш классига тааллуқли, осма ва ҳаракатни секинлаштиргич қурилмалари билан жиҳозланган ДТ-75Е типидagi трактор билан агрегатланган серияли ишлаб чиқарилаётган МПС-1 боғ экиш машинаси
13	Боғни таъмирлаш учун чуқур қазиш ва дарахт экиш	МТЗ-80 тракторига осилган КЯУ-100 ёки ЯК-0,4 чуқурқазгичи
14	Суғориш эгатларини олиш(10 марта)	ТТЗ 60.10 трактори билан агрегатланган КОН-2,8 культиватори билан
15	Ўқ ариқларни олиш (4 марта)	ВТ-100 тракторига тақилган КЗУ-0,3Д ўқ ариқ олгич-текислагич
16	Экилгандан кейинги суғориш	ППД-25 мосламаси, ЗЖВ-3,2 сув қуйиш мосламаси, МТЗ-80/82, КПЗ-6Л/6М тракторлари билан агрегатланган РЖТ-4 суюқ ўғитни сепгич, ВР-3М сув тарқаткич
III. Боғда тупроққа ишлов бериш		
17	Ўқ ариқларни текислаш	ВТ-100 тракторига тақилган КЗУ-0,3Д ўқ ариқ олгич-текислагич
18	Кузги шудгор Қатор ораларини ҳайдаш	ВТ-100 трактори билан агрегатланган ПС-4-30А, ПСГ-3-30А тиркама боғ плуглари, ПЛС-5-25А, ПЛС-6-25 плуг юмшатгичлари, ПЛ-5-35, ПН-3-35 ва ПЛП-10-25 умумий ишларга мўлжалланган плуглар
19	Бороналаш	Т-70В тракторига СН-7 осма улагичи билан агрегатланган БЗСТ-1 тишли бороналар
20	Культивация Кўчатларни ўғитлаш(15-25 см чуқурликда) Минерал ўғитларни солиш билан бирга суғориш эгатларини олиш (2 марта)	1,4-2-3 тортиш классидagi тракторлар билан агрегатланган секцияси ёнга суриладиган КСГ-5, КСЛ-5, КСМ-5 кенг камровли боғ культиваторлари ВТ-100 трактори билан агрегатланган МПВ-1 ёки МВП-3 машиналари
21	Дискалаш	ВТ-100, МТЗ-80 тракторлари билан агрегатланган БДН-1,3А, БДСТ-2,5, БДСТ-3,5 дискли боғ бороналари, БДН-3,5 дискли борана ва ЛДГ-5 умумий вазифаларга мўлжалланган юмшаткич
22	Дарахталар танаси атрофига ишлов бериш	МТЗ-80, ТТЗ 80.10, Т-25А тракторлари билан агрегатланган ФСН-0,9Г ва ФА-0,76 боғ фрезалари
23	Қатор ораларини культивациялаш (10 марта)	МТЗ-80 трактори билан агрегатланган РР-2,8 ёки КФ-2,7 культиваторлари
24	Ўтларни ўриш ва кўк массани майдалаш	Беларус типидagi трактор билан агрегатланган ИКС-3 ўргич-майдалагич, LS U62 трактори билан агрегатланган КОС-2,1 ўт ўргичи ва ИСХ-2,4 ўт майдалагичи
IV. Ўғит солиш		
25	Ўғит юклаш	ТТЗ 60.10га осилган ПК-0,5 юклагичи билан ПБ-3,5 юклагич-сургич (погрузчик-бульдозер), МТЗ-80 тракторига тақилган ПЭ-0,8Б, ПЭА-1 юклагич -экскаваторлари
26	Дала юзасига ўғит солиш: Органик ўғит Минерал ўғит	РПТУ-2А, РСШ-6, РПН-4, РТО-4, РОУ-5, ПРТ-10, ППТУ-4 гўнг сочиш машиналари МТЗ-80 трактори билан агрегатланган СТН-2,8, СТШ-2,8, РТТ-4,2 минерал ўғит солиш сеялкалари, НРУ-0,5, РУМ-5, 1РМГ-4, 1РМГ-4Б, КСХ-5, РМУ-0,5, РМУ-0,75, РМУ-1М каби ўғит сочиш машиналари

27	25-40 см чуқурликка юкори босим остида минерал ўғит аралашмасини локал чуқур солиш	МТЗ-80 трактори билан агрегатланган ПРЖ-2 ва МГУС-2,5 машиналари
28	Тупрокка минерал ўғит солиш	ВТ-100трактори билан агрегатланган МПВ-1 ёки МВП-3 машиналари
V. Дарахтларни кесиш, боғдан кесилган новдаларни йиғиб олиб чиқиш		
29	Дарахтларнинг тепасини кесиш (баландлигини қискартириш), дарахтлар ни контурли кесиш (ёнидан)	МТЗ-80/82 трактори билан агрегатланган МКО-3 контурли кескич, АП-8 кесиш учун пневмоагрегат ҳамда КСМ-5 контурли шакл берувчи кесиш машинаси
30	Дарахтларга қўлда ишлов бериш	МТЗ-80/82 трактори билан агрегатланган кўп ўринли ПОС-0,5 платформаси
31	Боғдан кесилган новдаларни йиғиб олиб чиқиш ёки майдалаб сочиш	МТЗ-80/82 трактори билан агрегатланган боғ хаскаши, ДТ-75Е тракторлари билан агрегатланган транспортёр-йиғич, LS U62 трактори билан агрегатланган СВ-1А такомиллаштирилган новда йиғич ёки майдалаб сочгич
VI. Бегона ўтлар, зараркундалар ва касалликларга қарши кимийвий курашиш		
32	Ишчи суюкликни тайёрлаш	LS U62 трактори билан агрегатланган АПЖ-12 кўчма агрегати ва электроюртмали СЗС-10 стационар заправка станцияси
33	Қаторда жойлашган дарахтлар орасиваатрофига гербицид сепиш	LS U62 трактори билан агрегатланган ОШХ-12-1А ёки ГАН-8 гербицид аммиачли машина ёки суриладиган штангали ва тўзитгичли боғ пуркгичлари
34	Дарахтларга дори пуркаш	МТЗ-80 трактори типидagi тракторлар билан агрегатланган ОВП-1200, ОВХ-600, VP-1, VP-1М, ОП-2000, ОП-1600, ОВС-А, ОП-1600-1, ОМ-320, ОМ-630, ТАС 400, 500, 600, 800 ва ОМУ-600 пуркагичлари
35	Ишчи суюкликни олиб келиш	МТЗ-80 трактори билан агрегатланган РЖТ-4 суюк ўғитларни сочгичи, енгил тракторлар билан агрегатланган ЖВБ-3,2 суюклик қуйгич
VII. Меваларни йиғиш ва боғдан ташиб олиб кетиш		
36	Меваларни териш: дарахтларнинг пастки ярусидан дарахтларнинг юкори ярусидан	ТТЗ-80.10 тракторлари билан агрегатланган ПТС-4 тиркама, ўзи тўкадиган ПТ-3,5 йиғиш-ташиш тиркамалари ёки МТЗ-80/82 типидagi тракторлар билан агрегатланган ВУК-3 ёки ЗКС-2 тиркамалари ПОС-0,5 ва ПКО-0,7 платформалари
37	Палмет боғларида меваларни териш	КПП-1 платформаси, ППК-0,5 портал юклагичи ва МТЗ-80/82 типидagi трактор билан агрегатланган ПК-4 контейнер ташигичлар Мевалар учун контейнерлар: қисмларга ажралмайдиган КП-250, КП-300 ва қисмларга ажраладиган КПС-0,5
38	Меваларни механициялаш ган усулда йиғиш (силкитиш орқали)	Т-16 ва МТЗ-80/82 тракторларига тақиладиган РУМ-15, МПУ-1 ва ПСМ-55 машиналари
39	Боғдан мева ортилган контейнерларни олиб чиқиш	ПВСВ-0,5 паншахали юклагичлар ва ПК-4 контейнерташигичга қайта жиҳозланган ППК-0,5 юклагичли АВН-0,5 агрегатлари
40	Мева омборларида юклаш ишлари	ЭП-4004, ЭП-103, АВ-701 паншахали аккумуляторли юклагичлар
VIII. Меваларга ишлов бериш (сотишга тайёрланган маҳсулот кўринишига келтириш)		
41	Саралаш, бир хил ўлчамлиларини ажратиш ва қутиларга жойлаш	ЛТО-3А ва ЛТО-6 меваларга ишлов бериш тизими АСК-2 саралаш - бир хил ўлчамлиларини ажратиш агрегати
42	Контейнерларни бўшатиш	ОКП-6 бўшаткич

Жадвалда кўрсатилган технологик жараёнларни ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд трактор ва махсус техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда бажариш, қўл меҳнатини камайтиришни, агротадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишга имкон яратиб, соҳани механизациялаш даражасини, меҳнат унумдорлигини, дарахтларни парваришлаш сифати ва ҳосилдорлигини кескин оширишга замин яратади.

Истиқболда трактор ва техника воситаларини хориждан келтиришга босқичма – босқич чек қўйилиб, импорт ўрнини босадиган махсус трактор ва техникаларни ўзимизда ишлаб чиқариш шу куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Фикримизни далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг [7] Қарорини келтириш мумкин.

Хулоса: 1.Жадвалда кўрсатилган технологик жараёнларни ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд трактор ва махсус техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда бажариш, қўл меҳнاتини камайтиришга, агротадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишга имкон яратиш, соҳани механизациялаш даражасини, меҳнат унумдорлигини, дарахтларни парваришлаш сифати ва ҳосилдорлигини кескин оширишга замин яратади.

2.Истикболда трактор ва техника воситаларини хориждан келтиришга босқичма – босқич чек қўйилиб, импорт ўрнини босадиган махсус трактор ва техникаларни ўзимизда ишлаб чиқариш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

3. Жадвал янги инновацион технология ва техника воситалари учун очик бўлиб, уни такомиллаштириш ва тўлдириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сельскохозяйственная техника.Автомобили (Каталог) –Ташкент.: ИМЭСХ, «МУХАММАДПОЛИГРАФ», 2016.–480с.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 29 декабрида қабул қилган № ПП -2460 Қарори.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январда қабул қилган “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора –тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-255 Фармони,
4. 2013 йил 13 мартдаги “Республикада 2013-2015 йиллар давомида узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги № 1937 Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майда қабул қилинган “2012-2016 йилларда “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПП №1758 Қарори .
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 4 январидаги “Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” № ПП-3459 Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 31 июлидаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. Халқ сўзи газетаси,2019 йил 2 август, №157 (7387).

УДК 631.312.44

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ЭКИШ УЧУН ТУПРОҚНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН РЕСУРСТЕЖАМКОР КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНА

Маматов Ф.М. – т.ф.д., проф., Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Равшанов Ҳ.А. – т.ф.н., доц., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти Қарши филиали

Аннотация

Мақолада такрорий экинлар экиш учун тупроқни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машинанинг тузилиши, иш принципи ва унинг дала синови натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: тупроқ, такрорий экинлар, ресурстежамкор, комбинациялашган машина, агрегат, тупроққа ишлов бериш, эрозия, унумдорлик, юмшатиш, текислаш, зичлаш, ишчи орган.

РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩАЯ КОМБИНИРОВАННАЯ МАШИНА ДЛЯ ПОДГОТОВКИ ПОЧВЫ К ПОВТОРНОМУ ПОСЕВУ

Маматов Ф.М., Равшанов Х.А.

Аннотация

В статье приводится устройство, принцип работы ресурсосберегающей комбинированной машины для подготовки почвы к повторному посеву и результаты его экспериментальных исследований.

Ключевые слова: почва, повторный посев, ресурсосбережение, комбинированная машина, агрегат, обработка почвы, эрозия, плодородие, крошение, выравнивание, уплотнение, рабочий орган.

RESOURCESAVING COMBINED MACHINE FOR PREPARING THE SOIL TO SECONDARY SAWING

Маматов F.M., Ravshanov H.A.

Abstract

The structure, technological process of work and results of field experiences of resource saving combined machine for preparing the soil to secondary sawing are given in the article.

Key words: secondary sawing, resource saving, combined, machine, aggregate, soil cultivation, erosion, productivity, softeners, to level, to condense, working body.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда энг кўп меҳнат ва энергия талаб қиладиган технологик жараёнлардан бири – бу тупроққа ишлов бериш ҳисобланади. Ҳозирги замон жаҳон амалиётида тупроққа ишлов беришда энергия ва ресурстежамкор, тупроқ унумдорлигини оширадиган, тупроқни экологик ҳимоялайдиган технология ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш етакчи ўринни эгаллайди.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, улардан юқори ҳосил олиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаган ҳолда энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган тупроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. “Дунё миқёсида экишдан олдин тупроққа ишлов бериладиган майдон 1,6 млрд. гектарни ташкил этишини ҳисобга олсак” [1], иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов берадиган кўпфункционали комбинациялашган машина ва қурилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Жумладан, экиш олдида тупроққа ағдаргичсиз ишлов бериш билан бирга даладан бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнларни қўшиб бажарадиган тупроққа ишлов берадиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тупроққа ишлов беришда энергия-ресурслар сарфини камайтириш ва иш унумини ошириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори техник даражадаги ва минимал энергия сарфлайдиган модуль-блокли унификациялашган тупроққа ишлов берадиган машиналарнинг оптимал типажини ишлаб чиқиш; ағдаргичсиз ярусли плуглар ва комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш; намни сақлайдиган ва тупроқни ҳимоя қиладиган технологиялар учун юқори унумли машиналарни яратиш; тупроққа ишлов бериш агрегатларининг қамраш кенлиги ва иш тезлигини ошириш; тупроққа ишлов беришда энергия сарфини камайтирадиган ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш [2].

Маълумки, бугунги кунда такрорий экинлар етиштиришда қўлланилаётган мавжуд технологияда такрорий экинлар экиш учун тупроқни экишга тайёрлаш ишлари кузги донли экинлардан бўшаган далаларда йилнинг ёз фаслида алоҳида – алоҳида ерларни шудгорлаш, текислаш, бороналаш ва молалаш каби агротехника тадбирларидан ташкил топган. Тупроққа бундай ишлов бериш меҳнат, энергия ва ёқилғи сарфини ошишига, тупроқ структурасининг бузилишига ва ортиқча зичланишига сабаб бўлади.

Тадқиқот услубиёти. Тадқиқот жараёнида деҳқончилик механикаси қоидалари ва усулларида фойдаланилди. Дала синовларида агротехник кўрсаткичлар TSt 63.04:2001 “Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для глубокой обработки почвы. Программа и методы испытаний” [3] бўйича аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари Қарши филиалида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари, Тошкент “ВМКВ-Agromash” АЖ конструкторлик бўлими билан ҳамкорликда такрорий экинлар экиш учун тупроқни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машинанинг конструкцияси яратилди ва тажриба нусхаси тайёрланди [4, 5, 6, 7].

Такрорий экинлар экиш учун тупроқни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машина такрорий экинлар, дон-дуккакли, сабзавот-полиз, ем-хашак ва

бошқа экинлар экиладиган ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланилади. Комбинациялашган машина шудгорланмаган даладан бир ўтишда тупроққа 22-30 см чуқурликка ағдаргичсиз ишлов беради, йирик кесакларни майдалайди, дала юзасини текислайди ва зичлайди. Комбинациялашган машина 5-6 классга мансуб бўлган тракторлар билан агрегатланади. Машинанинг қамраш кенлиги 2,7 м га тенг.

Комбинациялашган машина юмшатгич, увалагичли ағдаргичсиз корпус, қобарик дискли батария ва таянч-текисловчи ғалтақдан ташкил топган.

“Magnum” МХ-255 трактори билан агрегатланган комбинациялашган машинанинг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган. Машина рамасига палахсани увалагич (майдалагич)ли ағдаргичсиз ишлов берадиган ишчи органлар кўзгалмас қилиб ўрнатилган. Палахсани увалагичли ағдаргичсиз ишчи орган тупроққа 25-35 см чуқурликка ағдаргичсиз ишлов беради. Тишли қобарик дискли батария ағдаргичсиз ишлов берилган қатламдаги йирик кесаклари майдалайди. Дискли батария айлана кесимли ўққа ўрнатилган 8 та тишли сферик дискдан иборат. Ишлов бериш чуқурлиги 16 см, дискнинг диаметри 640 мм, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги $15-25^{\circ}$. Таянч-текисловчи ғалтақ кесакларни эзиш, майдалаш ва ишлов берилган дала юзасини текислашга мўлжалланган. Таянч-текисловчи ғалтақ рамага шарнирли бириктирилган.



1-расм. “Magnum” МХ-255 трактори билан агрегатланган комбинациялашган машинанинг ён томонидан умумий кўриниши

Такрорий экинлар экиш учун тупроқни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машинанинг технологик иш жараёнида (3-расм) дастлаб юмшаткичлар тупроқ қатламини 25 см гача йўл-йўл юмшатади. Лемехлар тупроқ қатламини остидан қирқиб, палахсани увалагичли ағдаргичсиз ишчи органга узатади. Натижада, тупроққа 25-35 см чуқурликкача ағдаргичсиз ишлов берилади. Ағдаргичсиз ишчи органлар агрегатнинг ҳаракат йўналишига нисбатан перпендикуляр бир чизикда жойлаштирилган. Ишлов берилган юзада ҳосил бўлган йирик кесаклар тишли қобарик дисклар жамланган батария орқали майдаланади. Дискли батариядан кейин жойлашган таянч-текисловчи ғалтақ ишлов берилган дала юзасини текислайди, зичлайди ва нотекисликларни бартараф этади.

Комбинациялашган машинанинг дала кузги бўғдойдан бўшаган далада ўтказилди. Агрофон - кузги бўғдой пояли, тупроқ тури – оч тусли бўз, дала рельефи - текис. Тупроқнинг 0-30 см қатламидаги намлиги 16,5% ва қаттиқлиги 3,6 МПа, ўсимлик пояларининг баландлиги 10-18 см.

Ўтказилган дала синовлари натижаларига кўра, такрорий экинлар экиш учун тупроқни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машина ағдаргичсиз ишлов бериш жараёнини сифатли таъминлади. Ишлов бериш чуқурлиги 25-35 см, иш унумдорлиги 1,85 га/соат, ишлов берилган дала юзаси уюмлилиги 9,3 см га тенг, тупроқнинг уваланиш даражаси 94,5% га тенг. Такрорий экинлар экиш учун тупроқни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машинасини қўллаш мавжуд машиналарга нисбатан тупроққа ишлов беришлар сонини 2,5-4 марта қисқартиради, мехнати

сарфини 25-28% га, ёқилғи-мойлаш материалларини 21-25% га ва фойдаланиш харажатларини 30-35% га камайтиради, иш унумдорлигини 21-23% га оширади.



3-расм. Такрорий экинлар экиш учун тупрокни экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машинанинг технологик иш жараёни

Такрорий экинлар экиш учун тупрокни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машина Қашқадарё вилоятининг Қамаш ва Қарши туманлари фермер хўжаликларида жорий қилинди.

Хулосалар. 1. Ўтказилган илмий-тадқиқотларга кўра, такрорий экинлар экиш учун тупрокни экишга тайёрлайдиган ресурстежамкор комбинациялашган машина тупрокни зичланишини олдини олади, эрозиядан химоя қилади, намни йўқолишини камайтиради, меҳнат унумдорлигини оширади ва сарф-харажатларни камайтиради. 2. Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштиришда барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган, бир ўтишда бир нечта технологик жараёнларни кўшиб бажарадиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш истикболлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek_zemlia.html
2. Маматов Ф.М., Эргашев И.Т., Равшанов Х.А. Тенденции совершенствования конструкции и научные основы плугов для гладкой безбороздной вспашки. – Т.: «Vorishnashriyot». – 2018, – С. 136
3. Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для поверхностной обработки почвы. Программа и методы испытаний. Тst 63.04:2001 // Издание официальное. – Ташкент, 2001. – 54 с.
4. Фойдали моделга патент UZ FAP 00864. Уйғунлашган тупроққа ишлов бериш куроли / Маматов Ф.М., Мирзаев Б.С., Жўраев К.Х., Равшанов Х.А., Буранова Ш.У., Тоштемиров С.Ж., Қодиров У.И., Илхомов Х.И. // Расмий ахборотнома. – 2014. - №1.
5. Фойдали моделга патент UZ FAP 00656. Афдаргичсиз тупроққа ишлов бериш куролнинг ишчи органи / Маматов Ф.М., Мирзаев Б.С., Равшанов Х.А., Файзуллаев Х.А., Авазов И.Ж., Мардонов Ш.Х., Темирова Д.И., Шодмонов Х.Д. // Расмий ахборотнома. – 2011. - №11.
6. Фойдали моделга патент UZ FAP 00669. Ерни афдармасдан ҳайдайдиган ва унга ишлов берувчи ишчи орган / Маматов Ф.М., Мирзаев Б.С., Равшанов Х.А., Авазов И.Ж., Мардонов Ш.Х., Темирова Д.И., Тоштемиров С.Ж. // Расмий ахборотнома. – 2011. - №12.
7. Фойдали моделга патент UZ FAP 00719. Ерни афдармасдан ҳайдайдиган ва унга ишлов берувчи куролнинг ишчи органи / Маматов Ф.М., Мирзаев Б.С., Равшанов Х.А., Авазов И.Ж., Мардонов Ш.Х., Файзуллаев Х.А. // Расмий ахборотнома. – 2012. - №5.

УДК 631.312.44

ЭГАТСИЗ ТЕКИС ШУДГОРЛАЙДИГАН ФРОНТАЛ ПЛУГНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Маматов Ф.М. – т.ф.д, проф., Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти
Равшанов Ҳ.А. – т.ф.н., доц., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти Қарши филиали

Аннотация

Мақолада эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг тузилиши, иш принципи ва унинг экспериментал тадқиқот натижаларикелтирилган.

Калит сўзлар. Палахса, плуг, корпус, ағдаргич, эгатсиз текис шудгорлаш, очик эгат, марза, ишчи орган, таянч-текисловчи ғалтак

РЕЗУЛЬТАТЫ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ФРОНТАЛЬНОГО ПЛУГА ДЛЯ ГЛАДКОЙ ВСПАШКИ

Маматов Ф.М., Равшанов Х.А.

Аннотация

В статье приводится устройство, принцип работы плуга для гладкой вспашки и результаты его экспериментальных исследований.

Ключевые слова: пласт, плуг, корпус, отвал, гладкая вспашка, развальная борозда, свальные гребни, рабочий орган, опорно-выравнивающее устройство.

THE RESULTS OF EXPERIMENTAL INVESTIGATIONS OF FRONTAL PLOUGH FOR FLAT PLOWING

Mamatov F.M., Ravshanov H.A.

Abstract

The article presents the structure, working principle and results of its experimental study of an uneven plow in front plowing.

Key words: soil layer, plough, corpus, plough blade, smooth plowing, break-up furrows, rock ridges, working body, support leveling device

Кириш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ерга асосий ишлов бериш энг кўп энергия талаб қиладиган жараён бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга сарфланаётган умумий энергия ҳажмининг 40-50% ини ташкил қилади [1]. Шундай бўлсада, ўтказилган илмий-техник ва патент адабиётлар таҳлилига кўра, плуглар узок йиллар давомида тупроққа асосий ишлов бериш учун энг кўп тарқалган меҳнат куроли эканлигини ва бундан кейин ҳам асосий техник восита сифатида сақланиб қолишини кўрсатмоқда. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий, энергия ва ресурстежамкор, серунум, илғор ва истиқболли технологиялардан фойдаланиш замон талабидир.

Бугунги кунда, энергия ва ресурстежамкор текис шудгорлаш технологияси энг самарали, замонавий ва истиқболли технологияларидан ҳисобланади. Текис шудгорлайдиган плугларни тупроқ палахсасини ағдариш усулига кўра иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин: тупроқ палахсасини ён томонга силжитиб очик эгатга ағдариш технологияси (анъанавий) асосида текис шудгорлайдиган плуглар (айланма плуглар, бурилма плуглар); тупроқ палахсасини ўз ўрни чегарасида 180° га айлантириб ағдариш технологияси асосида эгатсиз текис шудгорлайдиган плуглар (фронтал плуглар) [2].


Тадқиқот услубиёти. Тадқиқот жараёнида деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари ва тензометрия усулларида фойдаланилди. Экспериментал тадқиқотлар натижасида эгатсиз текис шудгорлайдиган плуг корпусининг энергетик: тортишга қаршилиги ва агротехник: шудгорлаш чуқурлиги ва тупроқнинг уваланиш даражасикаби кўрсаткичлари ўрганилди. Эгатсиз текис шудгорлайдиган плуг корпусининг тортишга қаршилиги Tst 63.03.2001 “Испытания сельскохозяйственной техники. Методы энергетической оценки” [3] бўйича, тупроқнинг уваланиш сифати ва ишлов бериш чуқурлиги TSt 63.04:2001 “Испытания сельскохозяйственной техники.

Машины и орудия для глубокой обработки почвы. Программа и методы испытаний”[4] бўйича аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари Қарши филиалида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари, Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси олимлари, Тошкент “ВМКВ-Агromash” АЖ конструкторлик бўлими билан ҳамкорликда эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плуг конструкцияси ишлаб чиқилди ва тажриба нусхаси тайёрланди.

Эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугкузги донли экинлардан бўшаганерларни такрорий экинлар етиштиришга учун 22-27 см чуқурликда эгатсиз текис шудгорлашга мўлжалланган. Плуг 3-4 классларга мансуб бўлган тракторлар билан агрегатланади. Плугнинг камраш кенлиги 2,1 м га тенг.

Эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плуг(1-расм)рама 1, ўнг ва чап томонлама ағдарувчи корпуслар 2 ва 3, заплужниклар 4, диски пичоклар 5, таянч ғилдираги 6, тақиш механизми 7 ҳамда таянч-текисловчи ғалтак 8 дан ташкил топган.



1-рама, 2, 3-ўнг ва чапга ағдарувчи корпуслар, 4-заплужник, 5-диски пичок, 6-таянч ғилдираги, 7-тақиш механизми, 8-таянч-текисловчи ғалтак

1-расм. Эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг конструктив схемаси

2-расмда “Magnum” МХ-255 трактори билан агрегатланган эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг умумий кўриниши келтирилган. Эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг технологик иш жараёнидатупроқ палахсалари ағдаргич ва заплужникнинг ишчи юзалари таъсири остида ўз ўрни чегарасида 180⁰ га тўлиқ айлантириб ётқизилади, йирик кесаклар таянч-текисловчи ғалтак таъсирида эзилади, қисман зичланади ва текисланади.



2-расм. “Magnum” МХ-255 трактори билан агрегатланган эгатсиз текис шудгорлайдиган плугнинг умумий кўриниши

Эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугни бутун юзали, сим чивикли ва пластинкали чивикли шаклдаги ағдаргичли корпусининг энергетик ва агротехник иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлари Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги даласида ўтказилди.

Агрофон –маккажўхори пояли, тупроқ тури – ўрта-оғир, соз механик таркибдаги бўз, дала рельефи - текис. Тупроқнинг 0-30см қатламидаги намлиги ва қаттиқлиги 16,5% ва 2,4 МПа, ўсимлик пояларининг баландлиги 15-23 см, дала юзасидаги ўсимлик қолдиқларини ўртача оғирлиги 1,12 кг/м².

Эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плуг корпусининг экспериментал

тадқиқотлари Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининглаборатория-дала қурилмасида ўтказилди. Плугнинг асосий ишчи органи сифатида бутун юзали, сим чивикли ва пластинкали чивикли шаклдагиағдаргичлар қабул қилинди. Корпусни рамага беркитиш учун махсус балка ва кронштейнлар тайёрланди.

4 - расмда эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг корпуси ўрнатилган лаборатория-дала қурилмаси, 5-расмда лаборатория-дала агрегатининг иш жараёни келтирилган. Қурилма рама, корпус, заплужник, таянч ғилдираги ва тақиш қурилмасидан ташкил топган. Рама бўйлама ва кўндаланг бруслардан иборат. Бутун юзали, сим чивикли ва пластинкали чивикли шаклдагиағдаргичли корпусни тортишга қаршилигини аниқлаш учун лаборатория-дала қурилмаси тензометрик бармоқларбилан жиҳозланди. Тензобалкадан чиқаётган сигналларни қайд этиш учун ЭМА-П ИП-153 ўлчаш аппаратурасидан фойдаланилди. Экспериментал тадқиқотлар агрегатнинг 5-9км/соатишчи тезлигида ўтказилди.




4 – расм. Лаборатория-дала қурилмасининг умумий кўриниши



5 – расм. Лаборатория-дала агрегатининг иш жараёни


Тадқиқотлар объекти бўлган эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плуг корпусининг бутун юзали, сим чивикли ва пластинкали чивикли шаклдагиағдаргичлари ясалди (6-расм).



а – бутун юзали ағдаргич; б – пластинкали чивикли юзали ағдаргич;
в-сим чивикли юзали ағдаргич

6 - расм. Тажрибаларни ўтказиш учун тайёрланган ҳар хил шакли ишчи юзага эга бўлган ағдаргичли корпуслар

Экспериментал тадқиқотларда эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг бутун юзали, сим чивикли, пластинкали чивикли шаклдаги ағдаргичли корпусларнинг шудгорлаш чуқурлиги a ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги V_{ap2} ни корпуснинг тортишга қаршилиги R ва тупрокни уваланиш даражаси Φ га таъсири ўрганилди. 9 ва 10-расмларда бутун юзали, сим чивикли, пластинкали чивикли шаклдаги ағдаргичли корпусларнинг тортишга қаршилиги R ни шудгорлаш чуқурлиги a ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги V_{ap2} га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари келтирилган.




1-сим чивикли юзали ағдаргич, 2-пластинкали чивикли юзали ағдаргич,
3-бутун юзали ағдаргич

7-расм. Корпусни тортишга қаршилигини (R) ни шудгорлаш чуқурлиги (a)га боғлиқ равишда ўзгариши графиги

Графикдан кўриниб турибдики, шудгорлаш чуқурлиги ортиб бориши билан ҳар хил шаклдаги ағдаргичларга эга бўлган корпуснинг тортишга қаршилиги тўғри чизик бўйича пропорционал ортиб борган. Буни шудгорлаш чуқурлигини ортиши билан корпус ишлов берадиган палахса кўндаланг кесими юзасини ошиши билан изоҳлаш мумкин. Шудгорлаш чуқурлиги 22-28 см га тенг бўлганда, бутун юзали ағдаргичли корпуснинг тортишга қаршилигига нисбатан сим чивикли ва пластинкали чивикли юзали ағдаргичли корпуснинг тортишга қаршилиги мос равишда 17,4% ва 10,1% ҳамда 13,0% ва 7,6% га катта. Шудгорлаш чуқурлигининг ҳар 1,5 см га ортиши мос равишда сим чивикли ва пластинкали чивикли ағдаргичли корпусларнинг тортишга қаршилигини 13,6% ва 11,9% ортишига олиб келди. Тажрибаларда корпуснинг дастлабки иш жараёнида чивиклар ораси қаттиқ кесаклар билан, шудгорлаш чуқурлиги ортиши билан эса нам тупроқ билан тўлиб қолиши кузатилди. Натижада корпуснинг тортишга қаршилиги ортиб кетди.

8-расмда келтирилган графикдан кўриниб турибдики, агрегатнинг ҳаракат тезлигини ортиши билан ҳар хил шаклдаги ағдаргичларга эга бўлган корпуснинг тортишга қаршилиги

ботиқ параболақонунияти бўйича ортиб борган. Шудгорлаш чуқурлиги 25 см га тенг бўлганда, агрегатнинг 5 ва 9 км/соат ишчи тезликларида сим чивикли юзали ағдаргичли корпуснинг тортишга қаршилиги энг катта. Пластинкали чивикли ағдаргичли корпусларнинг тортишга қаршилиги сим чивикли юзали ағдаргичли корпуснинг тортишга қаршилигидан 4,8% кам, бутун юзали ағдаргичли корпуснинг тортишга қаршилигидан эса 8,2% кўп. Чунки, корпуснинг иш жараёнида чивиклар орасига ўсимлик қолдиқларини тикилиб қолиши кузатилди. Натижада, агрегатнинг ҳаракат тезлиги ошиши билан тупроқ корпус олдида тўпланиб, йиғилиб қолди ва корпуснинг тортишга қаршилигини оширди.




1-сим чивикли юзали ағдаргич, 2-пластинкали чивикли юзали ағдаргич,
3-бутун юзали ағдаргич

8-расм. Корпусни тортишга қаршилигини (R) ни агрегатнинг ҳаракат тезлиги (V_{agr}) га боғлиқ равишда ўзгариши графиги

9-расмда бутун юзали, сим чивикли, пластинкали чивикли шаклдаги ағдаргичли корпусларда тупроқнинг уваланиш даражаси Φ ни агрегатнинг ҳаракат тезлиги V_{agr} га боғлиқ равишда ўзгариши графиги келтирилган. Графигдан кўришиб турибдики, агрегатнинг ҳаракат тезлигини ортиши билан тупроқнинг уваланиш даражаси қабарик парабола қонунияти бўйича ортган, яъни ўлчами 50 мм дан кичик фракциялар миқдори кўпайган. Айниқса, сим чивикли ва пластинкали чивикли шаклдаги ағдаргичли корпусларда тупроқнинг уваланиш даражаси бутун юзали ағдаргичли корпусга нисбатан агрегатнинг 5 ва 9 км/соат тезлигида мос равишда 9,5% ва 7,6% га ҳамда 7,0% ва 4,1% га кўп. Чунки, агрегатнинг ҳаракат тезлигининг ошиши билан тупроқ палахсасининг буралиши тезлиги ошади, палахса чивиклар ва уларнинг қирраларига қаттиқ урилиши боис синади ва кўпроқ майдаланади.

Барча турдаги ағдаргичли корпусларнинг иш жараёнида шудгорлаш чуқурлиги 25 см га тенг бўлганда ва агрегатнинг 7-9 км/соат иш тезликларида тупроқнинг уваланиш даражаси талаб қилинган даражада, яъни ўлчами 50 мм дан кичик фракциялар миқдори 80 % дан ортиқ.



1-сим чивикли юзали ағдаргич, 2-пластинкали чивикли юзали ағдаргич,
3-бутун юзали ағдаргич

9-расм. Корпусни уваланиш даражаси (Φ) ни агрегатнинг ҳаракат тезлиги (V_{agr}) га боғлиқ равишда ўзгариши графиги

Хулосалар. 1. Ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижаларига кўра, эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плагнинг бутун юзали ағдаргичли корпуси шудгорлаш

чуқурлиги 25 см га тенг бўлганда, агрегатнинг 7-9 км/соат ишчи тезлигида кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида тупрокнинг уваланиш даражасини таъминлайди.

2. Эгатсиз текис шудгорлаш технологиясига асосланган фронтал плуглар базасида бир ўтишда бир нечта технологик жараёнларни амалга оширувчи комплекс кўпфункционали тупрокка ишлов бериш машиналарини яратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бойметов Р.И., Тукубаев А. Плуг для гладкой пахоты // Хлопководство, - 1985. - № 12. – с.19.

2. Маматов Ф.М., Эргашев И.Т., Равшанов Х.А., Исломов С.И. Текис шудгорлашнинг технологиялари ва техник воситаларининг ривожланиш йўналишлари. – Тошкент: “Дитаф”, 1997. – 36 б.

3. Испытания сельскохозяйственной техники. Методы энергетической оценки машин. Тst 63.03.2001// Издание официальное. –Ташкент, 2001. –59 с.

4. Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для поверхностной обработки почвы. Программа и методы испытаний. Тst 63.04:2001 // Издание официальное. – Ташкент, 2001. – 54 с.

УДК 631.52:635.64

ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ШТАМБОВЫЕ СОРТООБРАЗЦЫ ТОМАТА

Доктарант Туракулов Ж.Ш., НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля Арамов М.Х. д. с. х. н., профессор Термезский филиал Таш ГАУ

Аннотация

В статье приведены морфобиологическая характеристика штамбовых сортообразцов томата. В результате исследований выделен ценный исходный материал для селекции штамбовых сортов и гибридов томата

Ключевые слова: томат, штамбовые сорта, тип растения, масса плода, высота растений.

PROMISING TOMATO STAMBLE VARIETIES

Abstract

The article presents the morphobiological characteristics of the standard varietal varieties of tomato. As a result of studies, valuable source material was selected for the selection of standard varieties and tomato hybrids

Key words: tomato, standard varieties, plant type, fruit mass, plant height.

Сорта томата относящиеся к штамбовой разновидности (*Lycopersicon esulentum* Mill. ssp. cultum Brech. var. validum(Bailey) Brech.) имеют ряд полезных признаков, которые создают им преимущество над обыкновенными (var. vulgare Brech.).

Растения штамбовых форм компактные, прямостоячие. Плоды таких форм имеют меньший контакт с почвой, что снижает их поражаемость болезнями и др.

Штамбовые формы представляют значительный интерес, как для селекционных, так и генетических исследований культуры томата. Это обусловлено их уникальной архитектурой, которая отличается повышенной компактностью и мощностью вегетативного аппарата вследствие утолщения и укорачивания осевых органов (Куземенский, 2004).

У штамбовых форм листья отличаются повышенной плотностью, они имеют более темную окраску и сморщенную, сильноофрированную поверхность. По существу, штамбовый габитус томата, как и детерминантный, представляет собой своеобразный тип растения-новую жизненную форму, сформировавшуюся на фоне морфобиологических преобразований, обусловленных генетическими (мутационным) изменениями в геноме.

Листья штамбовых форм имеют повышенную фотосинтетическую активность и потенциально способны обеспечить более высокую продуктивность, чем обычные, нештамбовые сорта (Кондратьева, 2015).

Штамбовые сорта, как правило, более жаростойки и засухоустойчивы (Авдеев, 2006; 2012; Кондратьева, 2010). Это особенно важно в условиях жаркого и сухого климата южного Узбекистана.

В связи с этим была проведена оценка 20 сортообразцов штамбовой разновидности томата, различного происхождения, по основным морфобиологическим признакам.

Методика исследований. Исследования проводили согласно “Методическим указаниям по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны), (Л., 1977), ОСТ-4671-78 (М., ВНИИССОК, 1997)”. др. Опыт проводили без повторностей. Площадь учетной делянки 4,5 м². Делянка двухрядковая. Количество растений на делянке 20 шт. Стандарт - сорт Дустлик, располагали через каждые 10 сортообразцов.

Посев семян проводили в под пленочные укрытия 9 февраля, высадили рассаду в открытый грунт 13 апреля.

Результаты и их обсуждение. Большое значение имеет характеристика исходного материала по таким признакам, как высота растений масса, форма, окраска плода, габитус растений, облиственность и др. Использование данных показателей облегчает подбор родительских форм близких по морфобиологическим признакам для гибридизации.

По высоте растений изученные образцы были сгруппированы следующим образом:

а) супердетерминантные, которые на главном и боковых побегах формируют по 2-3 соцветия, и рост растения на длительный период прекращается (Гавриш, Галкина, 1990). К этой группе входят сортообразцы Комнатные красные, Комнатные желтые, Наташа, Тимоша, с высотой растения 13-17 см.

б) детерминантные, характеризующиеся ограниченным ростом побегов замещения после образования на них 4-6 соцветий. К ним относятся Перст, Челнок, Северянка, Реванш, Отрадный, Фонарик, Алпатьева 905^а, Арго, Утенок, Тарамата, Севара, Сугдиёна, Маржона, с высотой растения от 35 до 88 см.

г) полудетерминантные, характеризующиеся ослабленным проявлением детерминантности, т.е. продолжительным отсутствием ограничения роста стебля. В эту группу входят сорта Сурхон 142, Волгоградский 5/95, высотой растения 115-118 см.

Таким образом, мы в своем распоряжении имеем различные по высоте растений образцы томата, которые послужат ценным исходным материалом для селекции штамбовых сортов и гибридов томата.

По средней массе плода сортообразцы были разделены на:

а) очень мелкоплодные: Комнатные красные, Комнатные желтые, Наташа, Тимоша с массой плода 6-10 г. Это так называемые «черри» томаты, пригодные для горшочной культуры;

б) мелкоплодные (от 30 до 60 г): Перст, Челнок, Севара, Северянка, Реванш, Отрадный с массой плода от 42 до 50 г;

в) среднеплодные (от 60 до 100 г): Маржона, Сугдиёна, Фонарик, Алпатьева 905^а, Арго, Утенок с массой плода от 64 до 100 г;

г) крупноплодные (свыше 100 г) : Тарамата, Сурхан 142, Волгоградский 5/95.

Следует отметить у образцов Перст, Челнок, Тарамата, Реванш, Сугдиёна, Маржона плоды очень плотные, транспортабельные и они могут быть источником этого важнейшего признака.

Морфобиологическая характеристика штамбовых сортообразцов томата, 2018-2019 гг.

№	Название сорта	Высота растений, см	Плод				
			масса г.	высота, см	диаметр см	индекс	окраска
1	Дуслик, ст.	44	73	4,6	4,7	0,9	красня
Супердетерминантные							
2	Комнатные красные	13	6,0	2,0	2,1	1,0	красная
3	Комнатные желтые	14	8,0	2,1	2,2	1,0	оранжевая
4	Наташа	17	10,0	2,4	2,6	1,0	красная
5	Тимоша	15	9,0	2,0	2,1	0,9	желтая
Детерминантные							
6	Арго	39	64	3,3	4,8	0,8	красная
7	Перст	44	48	5,3	3,8	1,4	красная
8	Челнок	36	40	4,2	3,2	1,3	красная
9	Тарамата	88	111	5,2	4,4	1,1	красная
10	Реванш	52	45	3,3	4,1	1,0	красная
11	Севара	35	42	4,0	3,5	1,0	малиновая
12	Северянка	37	45	3,9	4,0	1,0	красная
13	Сугдиёна	61	100	5,2	5,5	1,0	красная
14	Л-31	41	123	5,6	5,2	1,0	красная
15	Отградный	38	50	4,2	4,2	0,9	красная
16	Маржона	42	75	3,8	3,3	0,9	красная
17	Утенок	59	68	4,0	5,1	0,8	оранжевая
18	Алпатьева 905 ^а	42	101	4,0	5,0	0,8	красная
19	Фонарик	67	100	4,0	6,0	0,8	красная
Полудетерминантные							
20	Волгоградский 5/95	118	115	4,5	5,5	0,8	красная
21	Сурхан 142	115	110	4,2	5,3	0,8	красная

Образцы Челнок и Перст обладают с грушевидными и удлиненными плодами. У других изученных образцов плоды были плоско-округлыми и округлыми.

Источником малиновой окраски плодов может служить Севара, желтой окраски Комнатные желтые, Тимоша.

Выводы

Изученные сорт образцы представляют большую ценность в качестве исходного материала для селекции штамбовых сортов и гибридов томата в условиях Узбекистана.

Список использованной литературы

1. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны). Л., 1977.
2. ОСТ-4671-78. В сб. нормативных документов на семена и посадочный материал овощных культур. М., ВНИИССОК.1997. –С. 97-151
3. Кузменский А.В. Селекционно-генетические исследования мутантных форм томата. Харьков. 2004. 391 с.
4. Авдеев А.Ю. Селекция и испытание сортов томатов для индивидуальных и коллективных хозяйств Нижнего Поволжья. Автороф.дисс....канд. с.х. наук. Астрахань. 2006.13 с.
5. Авдеев А.Ю. Селекция томата для разных целей использования, классификация сортов и технологии выращивания в Нижнем Поволжье. Астрахань. 2012. -210 с.
6. Кондратьева И.Ю. Частная селекция томата М., 2010. -268 с.
7. Кондратьева И.Ю. Штамбовые сорта томата в открытом грунте Нечерноземной зоны и влияние погодных условий на их хозяйственные характеристики. “ФГБНУ ВНИИССОК РАН”. -2015. –С. 326-331.
8. Гавриш С.Ф., Галкина С.Н. Томат. Возделывание и переработка. М., 1990. –С.12-13

УЎК 631.55

ҒАЛЛА КОМБАЙНЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ “SMART” РЕЖИМДА ИШЛАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

К.Астанакулов – т.ф.д., А.Турдибеков – магистрант.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада ғалла комбайнларининг технологик жараёнига таъсир этувчи омиллар ҳамда улар таъсирида иш сифат кўрсаткичларининг пасайиши ва бунинг олдини олиш учун комбайнларни интеллектуал қурилмалар билан жиҳозлаб, уларни “smart” режимда ишлатишнинг аҳамияти баён этилган.

Калит сўзлар: ғалла, ўрим шароити, комбайн, иш унуми, дон нобудгарчилиги.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОЦЕСС ЗЕРНОВЫХ КОМБАЙНОВ И ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИХ В “SMART” РЕЖИМЕ

К.Астанакулов, А.Турдибеков

Аннотация

В статье изложены факторы, влияющие на технологический процесс зерновых комбайнов, а также снижение качественных показателей работы комбайнов при их влияние и с целью ее предотвращения значение использования их в “smart” режиме с оборудованием интеллектуальных устройств.

Ключевые слова: пшеница, условия уборки, комбайн, производительность, потери зерна.

INFLUENCER FACTORS TO THE TECHNOLOGICAL PROCESS OF THE CEREAL HARVESTER COMBINES AND IMPORTANCE OF THE USING THEM BY “SMART” REGIME

К.Astanakulov, A.Turdibekov.

Abstract

In the article factors that influence to the technological process of the cereal harvester combines also declining of working quality by their influence and for preventing it, to be equipped with intellectual devices of the combines, importance of the using them by “smart” regime are stated.

Key words: cereal, harvesting condition, harvester combine, work-efficiency, grain losses

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда ғаллани ўриб-йиғиштириб олиш учун тежамкор ва замонавий “Клаас” компаниясининг “Доминатор-130” ва “Tucano-430”, “Ростсельмаш” компаниясининг Вектор-410, “Кейс-Нью Холланд” компаниясининг “ТС-5060”, Джон-Дир компаниясининг комбайнларидан фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизга фойдаланишга кириб келган янги турдаги комбайнлар ғаллани йиғиштиришда бир қатор қулайликлар туғдираётган бўлсада, уларнинг Ўзбекистондаги турли ўрим шароитлари, яъни кам ёки юқори ҳосилли, ўт босган ёки ётиб қолган, намлиги мақбул меъёрлардан (12-18 фоиз) паст бўлган шароитга адаптацияланмаганлиги сабабли ўрим-йиғим даврида дон нобудгарчилиги ва ёқилғи сарфи белгиланган мейёрлардан катта бўлаяпти. Кузатишлар шуни кўрсатяптики, ғалла комбайнлари яхши иш шароитида ҳам, кам ёки юқори ҳосилли, ўт босган ёки ётиб қолган, намлиги мақбул меъёрлардан (12-18 фоиз) паст бўлган шароитда ҳам бир хил иш режимларида ишлатилмоқда. Натижада дон нобудгарчилиги айрим жойларда 15-20 фоизгача етаётган бўлса, ёқилғи сарфи гектарига 35-40 кг ни, айрим ҳолатларда эса ҳатто 45-50 кг ни ташкил этмоқда.

Мазкур мақолада ғалла комбайнларининг турли ўрим шароитларига мослашиш ва ростлашинишларни амалга ошираоладиган “Smart”режимда ишлатишнинг аҳамияти баён этилган.

Тадқиқот услубиёти. Ғалланинг ўримбоплик хосса ва хусусиятлари ҳамда комбайнларнинг иш сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар буғдойнинг “Краснодар-99”, “Таня”, “Москвич”, “Замин-1” ва “Никония” навларида ўтказилди. Бунда уларнинг иш сифат кўрсаткичларини аниқлашда УзРСТ 63.01-99 “Испытания сельскохозяйственной техники. Комбайны зерноуборочные. Программа и методы испытаний”, O’z DSt 880:2004. “Буғдой. Тайёрлаш ва етказиб беришга бўлган талаблар” ҳамда ГОСТ 20915-75 “Сельскохозяйственная техника. Методы определения условий испытаний” услубий кўлланмаларидан фойдаланилди [1-3].

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистонда етиштирилаётган ғалла тавсифи ва дала шароитларини таҳлил этиб, ғаллани йиғиштиришда комбайнларнинг технологик жараёнига, яъни иш унуми ва иш сифатига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди. Ушбу омилларни таҳлил этиб, уларнинг юқори ва қуйи сатҳлари топилди. Ғаллани йиғиштиришда ушбу омилларнинг технологик жараёнга таъсирини ўрганиш мақсадида уларнинг юқори ва қуйи сатҳларини ҳисобга олибгуруҳларга ажратилди.

Комбайнларнинг технологик жараёнига таъсир этувчи омиллар

№	Таъсир этувчи омиллар	Гуруҳларни юқори ва қуйи сатҳлари				
		1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	4 гуруҳ	5 гуруҳ
1	Дон ҳосилдорлиги, ц/га	20-30	31-40	41-50	51-60	>60
2	Донни сомонга нисбати	0,75-1,0	1,01-1,25	1,26-1,5	1,51-1,75	1,75 >
3	Дон зичлиги (натураси), кг/м ³	650-700	701-750	751-800	801-850	851-900
4	Ўт босганлик даражаси, %	10-20	21-30	31-40	41-50	51 >
5	Дала нишаблиги, %	3-6	6,1-9	9,1-12	12,1-15	15,1 >
6	Намлик даражаси, %	6-8	8,1-11	11,1-14	14,1-17	17,1-20
7	Ўтиб қолганлик даражаси, %	10	20	30	40	50
8	Ғалла баландлиги, см	60	70	80	90	100 >
9	1 м ² туп сони, дона/м ²	200	300	400	500	600>
10	Ўриш баландлиги, см	10	20	30	40	50

Турли ўрим шароитларининг комбайнлар иш сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш мақсадида “Доминатор-130” ва Нью-Холланд ТС-5060 комбайнида тажрибалар ўтказилди.

Тажриба-синов пайтида Доминатор-130 ва ТС-5060 комбайни жаткасининг ўриш баландлиги – 20 см (жаткани ўрнатилиш баландлигининг иш сифат кўрсаткичларга таъсири ўрганилганда ўриш баландлиги 10 см дан 50 см гача ўзгартирилди); барабаннинг айланишлар сони – 1200 мин⁻¹ ва 900 мин⁻¹; Доминатор-130 комбайни барабан ва декаси орасидаги тирқиш: кириш қисмида – 13 мм; чиқиш қисмида – 3 мм; ТС-5060 комбайнида кириш қисмида – 10 мм; чиқиш қисмида – 10 мм; ғалвир жалюзаларининг очиклик бурчаги – 30 градус; вентиляторнинг айланишлар сони – 800 мин⁻¹; комбайнларнинг иш тезлиги иш шароитига қараб қараб 4-5 км/соат оралиғида бўлди.

Комбайнларнинг мазкур иш режимлари ғалла ҳосилдорлиги, 35-36 ц/га, ўт босганлик даражаси 20 фоизгача, намлиги 16-20 фоиз атрофида бўлган ғаллани, 20 см ўриш баландлигида ўриб олгандагина қониқарли бўлар экан. Бошқа иш шароитларида эса дон нобудгарчилигини камайтириш учун комбайн иш режимларини ҳам ўзгартириб ишлатиш талаб этилади. Жумладан, ҳосилдорлик 26,2 ц/гадан 62,4 ц/гача ортганда, комбайнлардаги нобудгарчилик 2,03 фоиздан 2,50 фоизгача ортди, иш унуми эса 2,68 га/соатдан 1,36 га/соатгача пасайди. Комбайн ўриш баландлиги 10 см дан 50 см гача ортиши билан иш унуми ҳам 1,71 га/соатдан 2,87 га/соатгача ортди. Ўриш баландлиги ортиши билан дон нобудгарчилигининг ўзгариши эса бир мунча бошқачароқ бўлди, яъни ўриш баландлиги 10 смдан 30 см гача оширилганда дон нобудгарчилиги 2,47 фоиздан 2,06 фоизгача пасайган бўлса, 30 см дан 50 см гача ошганда эса 4,68 фоизгача кўпайди. Бунда ўриш баландлиги 10 см дан 40 см гача бўлганда комбайн жаткасидаги дон нобудгарчилиги 0,54 фоиздан 0,76 фоизгача ортиб, ўзгариши сезиларсиз бўлган бўлса, 40 см дан 50 см гача ошганда эса бирданига кўпайиб 3,02 фоизга бориб етди. Бу ҳолат ўриш баландлиги 40 см дан ошганда бошоқларнинг бир қисми ўрилмай қолиши билан изоҳланади. Комбайн орқасидаги дон нобудгарчилиги эса ўриш баландлиги ошиши билан 1,93 фоиздан 1,4 фоизга камайиб борди.

Комбайн иш сифатига ғалла намлигининг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба натижаларига кўра, юкоридаги иш режимларида ғалла намлиги 20,3 фоиз бўлганда асосий вақтдаги иш унуми 2,02 га/соатни, дон нобудгарчилиги 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, ғалла намлиги 16,0 фоиздан 7,5 фоизгача пасайганда эса иш унуми 2,17 га/соатдан 2,26 га/соатгача ортди, аммо дон нобудгарчиги ҳам 2,21 фоиздан 2,81 фоизга кўпайди.

Бундан кўришиб турибдики, ўрим шароити ўзгариши билан иш сифатини яхшилаш учун комбайнларнинг технологик параметрлари ҳам мос равишда ўзгариб бориши керак.

Хулоса: ғалла комбайнлари ишлаши давомида ўрим шароити ва ғалланинг физик-механик хоссалари ўзгариб борганда иш сифат кўрсаткичларининг пасайиши ва дон нобудгарчилигининг олдини олиш учун уларнинг технологик параметрларини ўрим шароитига автоматик тарзда ростлаб борадиган қурилмалар билан жиҳозлаб, “Smart” режимда ишлатиш катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Уз ДСТ 63.01-99 “Испытания сельскохозяйственной техники. Комбайны зерноуборочные. Программа и методы испытаний”. 2000. – 68 с.
2. O’zDSt 880:2004. Буғдой. Тайёрлаш ва тасдиқлаш қоида ва тартиблари. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги. – Тошкент, 2004. – 15 б.
3. ГОСТ 20915-75 “Сельскохозяйственная техника. Методы определения условий испытаний”. М.: Издательство стандартов, 1975. – 36 с.

УЎК. 631.312

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯ ВА КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНА

Чуянов Д.Ш. - т.ф.д., Шодмонов Ғ.Д., Товашов Р.Х. – таянч докторантлар
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация

Ушбу мақолада полиз экинлари етиштириш учун энергия тежайдиган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган машинанинг конструктив схемасини асослаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: технология, полиз экинлари, экиш, тупроқ, ағдаргичсиз ишлов бериш, технологик жараён, комбинациялашган машина, ариқ очгич, тупроқни тайёрлаш муддати, рама, конструктив схема.

ENERGY-SAVING TECHNOLOGY AND COMBINED MACHINE FOR CROP CULTIVATION

Abstract

This article presents the results of studies to substantiate energy-saving technologies for the cultivation of gourds and design schemes of a combined machine for its implementation.

Keywords: technology, gourds, sowing, soil, subsurface cultivation, technological operation, combined machine, furrow, soil preparation period, frame, structural design.

ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩАЯ ТЕХНОЛОГИЯ И КОМБИНИРОВАННАЯ МАШИНА ДЛЯ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР

Аннотация

В данной статье приведены результаты исследований по обоснованию энергосберегающие технологии для возделывания бахчевых культур и конструктивные схемы комбинированной машины для ее осуществления.

Ключевые слова: технология, бахчевые культуры, посев, почва, безотвальная обработка, технологическая операция, комбинированная машина, бороздарез, срок подготовки почвы, рама, конструктивная схема.

Кириш. Бугунги кунда дунё бўйича ҳар йили қарийб 3,5 млн. гектар, шу жумладан, Осиё мамлакатларида 2,7 млн. гектар майдонда полиз маҳсулотлари етиштирилади, бу эса умумий экиладиган майдоннинг 77 фоизини ташкил этади [1]. Полиз экинларини етиштиришда юқори ҳосил олиш учун тупроқнинг унумдорлигини сақлаган ҳолда ерларга ишлов беришнинг илғор технологиялари ва замонавий техника воситаларини қўллаш катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳозирги вақтда далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш ишлари алоҳида-алоҳида агрегатлар билан бажариладиган ерларни ўғитлаш, шудгорлаш, шудгорлашда ҳосил бўладиган нотекисликларни текислаш, чизеллаш, бороналаш, молалаш ва ариқ очиш каби агротехника тадбирларидан ташкил топган бўлиб, булардан чизеллаш, бороналаш ва молалаш тадбирлари икки-уч мартадан бажарилади. Тупроққа даладан кўп марта лаб бундай ўтиб ишлов бериш меҳнат, энергия ва ёнилғи сарфини ошиши, унинг структураси бузилиши ва ортиқча зичланишига олиб келади. Ундан ташқари қишлоқ хўжалик машиналарининг тури ва сонини кўпайтиради, тупроқни экишга тайёрлаш муддатини узайтиради, бу эса полизчиликда ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади.

Шу боис, ҳозирги кунда агрегатнинг бир ўтишида тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш, ҳамда ушбу технологияни амалга оширадиган комбинациялашган машинани жорий қилиш ҳисобига тупроқни ҳимоялаш, энергия ва материаллар сарфини камайтириш долзарб илмий масала ҳисобланади.

Тадқиқот услубиёти: Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (TSt 63.04.2001, TSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган адабиётлар таҳлили ҳамда олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ерни полиз экинлари экиш учун тайёрлашда тупроққа минимал ишлов беришга йуналтирилган технология ишлаб чиқилди [2]. Ушбу технологияни ишлаб чиқишда қўйидагилар эътиборга олинди: ўғит бериш, тупроққа асосий ишлов бериш ва уни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш ҳамда уруғ экиш муддатларининг бир-бирига тўғри келиши; тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш ишларининг қисқа муддатларда ўтказиш зарурлиги; комбинациялашган агрегатни агрегатлаш учун бақувват тракторларни мавжудлиги; ишчи органлар ёрдамида барча жараёнларни бир вақтда ўтказиш имконияти мавжудлиги.


Таклиф қилинган технология қўйидагича амалга оширилади (1 – расм): кўшни экиш худудлари оралиги 12-15 см чуқурликкача юмшатилади, сўнгра экиш худудининг 8-10 см қалинликдаги юза қисми, яъни кузги буғдой поялари ва бегона ўтлар мавжуд юза қисми иккига ажратилади ва кесиб олиниб мос ҳолда ён томонларга ётқизилади, ундан сўнг экиш худуди тупроғи чуқур юмшатилади ва бир вақтнинг ўзида суғориш ариғи шакллантирилади ва локал ўғит солинади. Уруғ экиладиган йўлак, яъни суғориш ариғининг икки томони тупроғи майдаланиланади, текисланилади ва зичланилади, сўнгра эса уруғ экилади.

Таклиф қилинган технологияни амалга ошириш учун бир ўтишида тупроққа ишлов берадиган ва уни экишга тайёрлайдиган, ўғит берадиган ва полиз экинларини экадиган комбинациялашган машина таклиф этилган [3].

Комбинациялашган машина рама 1, осиш қурилмаси 2, диски пичоқ 3, агрегат симметрия ўқи бўйича ўрнатилган чап ва ўнгра ағдарувчи листер типидagi корпус 4, юмшатгич(текискескич)лар 5, ағдаргичли қия тутқичли чуқур юмшатгичлар 7, ўғит бериш аппарати 8, юмшатгич-текислагич ғалтак 9, экиш аппарати 10 ва таянч ғилдирак 6 лардан иборат. Ғалтак 9 ва экиш аппарати 10 рамага шарнирли бириктирилган (2 – расм).


Комбинациялашган машина асосан кузги бўғдойдан бўшаган далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлашда қўлланилади. Комбинациялашган машинанинг технологик иш жараёни қўйидагича амалга оширилади: кетма кет ўрнатилган юмшатгичлар экиш худуди ён томонидаги далани, яъни кўшни қаторлар орасидаги далани 12-15 см чуқурликда юмшатади ва бегона ўтларнинг илдизини қирқади, листер кўринишидаги силжитувчи пластинкалар билан жиҳозланган ағдарувчи корпуслар 4 экиш худудидаги пояли

палахсаларни 8-10 см чуқурликда кесиб олиб, мос ҳолда ўнг ва чапга юмшатиш билан дала устига ағдаради, сўнгра экиш худуди қия тутқичли юмшатгичлар билан чуқур юмшатилади ва бир вақтда уруғ экиладиган чизиқ бўйича муайян жойга ўғитлар берилади. Юмшатгич-текислагич ғалтак 9 ёрдамида қатор оралиғи тупроғи юмшатилиб ва зичланиб экишга тайёрланади ва экиш аппарати билан уруғ экилади.



1 – расм. Далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлашнинг янги технологик жараёни схемаси: а) – экиш худуди оралари юза юмшатиладиган ва палахсалар ўнг ва чап томонга ағдарилгандан кейинги даланинг кўндаланг кесими профили; б) – экиладиган қатор оралари чуқур юмшатилиб, суғориш ариқлари очилиб уруғ экилгандан кейинги даланинг кўндаланг кесим профили

Палахсаларни ағдариш билан бир вақтда чуқур юмшатгичлар 7 билан ҳайдов остини юмшатиш ва сошниклар билан экиладиган худудга локал ўғит солиш амалга оширилади. Корпуслардан кейин жойлаштирилган планкали ғалтакмола 9 кесакларни майдалаб, тупроқни зичлайди ва унинг юзасида майдаланган майин қатлам ҳосил қилиб кетади.



2 – расм. Комбинациялашган машинанинг конструктив схемаси:

1 – рама; 2 – осийш қурилмаси; 3 – дисксимон пичоқ; 4 - листер кўринишидаги йўналтирувчи пластинкали қўш корпус; 5 – текис кескич; 6 – таянч ғилдирак;

7 – чуқурюмшатгич; 8 – ўғитўтказгич; 9 – ғалтак; 10 – экиш қурилмаси; 11 – йўналтирувчи пластина; 12 - ариқочгич

Комбинациялашган машина билан тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш технологиясини сифатли бажарилиши иш органларини ўзаро жойлашиши ва уларнинг параметрларига боғлиқ [4].

Полиз экинлари такрорий экин сифатида кузги буғдой ўрнида экилганда экиш худудидаги даланинг 8-10 см чуқурлигидаги юза қисми палахсаларини ўнг ва чап томонга юза юмшатиш билан дала устига ағдариш экиш худудини ўсимлик қолдиқларидан тозалаш имконини беради.

Ағдаргичли ва ағдаргичсиз тупроққа ишлов беришни бирга олиб бориш, шунингдек тасмалаб тупрокни чуқур юмшатиш билан бир вақтда суғориш ариғини шакллантириш энергия сарфини кескин камайишига олиб келади ва сув ва шамол эрозиясини олдини олади. Икки ярус бўйича муаян жойга ўғит бериш минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ва ҳосилдорликни оширади.

Таклиф этилаётган технологияни қўллаш тупроқни экишга сифатли тайёрлаш ва полиз экинларини қисқа муддатларда экишни таъминлаб, тупроқни емирилиши ва ўта зичланишидан сақлайди, меҳнат ва маблағ сарфини камайтиради, полиз экинларининг ҳосилдорлигини оширади.

Юқорида келтирилган операцияларни бир йўла бажариш полиз экиладиган далаларнинг намлигини сақлайди, тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлашда моддий ва энергия ресурсларини тежайди, яъни агрегатларнинг даладан ўтишлар сони 3-4 мартага камайиши ҳисобига тупроққа минимал ишлов бериш таъминланади.

Хулоса. Полиз экинлари экиш учун агрегатнинг бир ўтишида тупроқни экишга тайёрлаш ва экиш усули қўйидаги технологик жараёнларни биргаликда олиб боришни кўзда тутади: экиш худудидаги тупроқнинг юза қисмини ўнг ва чап томонга ағдариш ва унинг остки қисмини чуқур юмшатиш билан бир вақтда суғориш ариғини шакллантириш, экиш худудининг чап ва ўнг томонларидаги тупроқни саёз юмшатиш ва ўғитларни муаян жойга бериш, экиш қатори бўйича тупроқни экишга тайёрлаш ва полиз экинларининг уруғини экиш. Ушбу усулни амалга оширадиган комбинациялашган машинанинг энг мақбул схемаси агрегат симметрия ўқи бўйича жойлашган ўнг ва чап томонга ағдарувчи корпуслар (листер корпуси кўринишида), юза юмшатгичлар, ариқ очгич билан жиҳозланган “параплау” типидagi чуқурюмшатгичлар, ўғит бериш сошниклари ва экиш аппаратидан ташкил топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Литвинов С.С., Быковский Ю.А. Бахчеводство: стратегия и перспективы развития // Картофель и овощи. – Москва, 2013. -№4.

2. Патент № 1AP 05360. Тупроққа ишлов бериш ва экиш усули/ Маматов Ф.М., Мирзаев Б.С., Чуянов Д.Ш., Шодмонов Ғ.Д., Эргашев Ғ.Х., Тоштемиров С.Ж., Буранова Ш.У., Кузиев Н.М. // Расмий ахборотнома. – 2017. – № 4.

3. Патент РУз № FAP 01125. Уйғунлашган тупроққа ишлов бериш қуроли / Маматов Ф.М., Мирзаев Б.С., Чуянов Д.Ш., Шодмонов Ғ.Д., Эргашев Ғ.Х., Қодиров У.И., Тоштемиров С.Ж., Буранова Ш.У. // Расмий ахборотнома. – 2016. – № 9.

4. Mamatov F.M., Shodmonov G.D., Chujanov D.Sh., Ergashev G.X. New technology and combined machine for preparing soil for sowing gourds. Вена: European science review, 2018. – No.1-2. – P. 234-236.

УДК 631.3

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ МОСЛАМАСИ

Шарипов Ш.Х – талаба, Жуматов Я.К. – тадқиқотчи, ТИҚХММИ

Аннотация

Мақолада ғўза култиваторига ўрнатилган зараркунанда ва касалликларига қарши курашиш мосламасининг иши тўғрисида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: зараркунанда, модернизация, касаллик, препарат, пневматик, гидравлик, биологик, томчилар, суюқлик, пуркагич.

Аннотация

В статье приведены сведения о работы приспособления для борьбы против вредителей и болезней растения установленной к культиватора.

Ключевые слова: вредитель, модернизация, болезнь, препарат, пневматик, гидравлик, биологических, капель, жидкость, опрыскиватель.

Abstrakt

The article provides information on the work of the device for combating pests and diseases of a plant installed on a cultivator.

Key words: Pest, modernization, diseases, preparation, pneumatics, hydraulic, biological, drops, liquid, sprayer.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Йиғилишда юртимизда бу йил баҳорнинг салқин ва қуруқ келиши пахта етиштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани, натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ғўза ривожланиши анча орқада қолаётгани, бу эса унинг парваришига жиддий эътибор қаратишни тақозо этиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Айниқса, бундай оғир шароитда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш ва назорат ишларига ўта маъсулият билан ёндашишни талаб этилиши қайт этилди.

Ўзбекистан Республикаси президентининг оқилона олиб бораётган рационал сиёсати натижасида пахта етиштириладиган майдонлар миқдори камайтирилиб, улар ўрнига ғалла етиштириш майдонлари кенгайтирилди. Бунинг ўзи ўз навбатида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, иш унумини узлуксиз ошириш, маҳсулот ҳосилдорлигини кўпайтириш ва сифатини ошириш йўли билан мамлакат эҳтиёжи учун керак бўладиган даражадаги қимматбаҳо пахта толасини етиштириш вазифасини қўяди.


Ушбу юксак ва маъсулиятли вазифани қишлоқ хўжалигида прогрессив технологияларни, замонавий, юқори самарали машина ва ишчи қисмларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ва ўсиш даражаси ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини оширмасдан эришиб бўлмайди. Пахтачиликнинг келгусидаги ривожланиши уни химоялаш тадбирлари самарадорлигини ошириш билан чамбарчас боғланган. Экинларни химоялаш тизими такомиллаштирилмаса, янгича ёндошилмаса, пахта ҳосилдорлигини ошириш, уни сақлаб қолиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аниқланишича, пахта ишлаб чиқаришнинг жадаллашиши ва ҳосилдорлигини ошириш химоялаш тадбирларини амалга ошириш воситалари ва меҳнатга сарфланадиган харажатларнинг кескин ошиб кетишига олиб келган. Чунки касалланиш, зараркунандалар ва бегона ўтлар таъсирида юзага келадиган нобудгарчиликлар йилига юз миллион сўмдан ошиб кетади. Ҳосилнинг нобуд бўлишидан ташқари, кўплаб зарарли организмлар ўсимликка жароҳат етказди, маҳсулот физик, биологик сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Пахта етиштириш ва юқори ҳосил олиш комплекс тадбирлар орасида энг самарали ва енгил амалга оширилиши мумкин бўлгани бу ўсимликларни химоялашнинг кимёвий усулидир. Ўсимликларни кимёвий усулда химоя қилишнинг самарадорлигини ошириш учун такомиллаштирилган ишчи органлардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларини пеститцидлар билан ишлов бериш усулларини такомиллаштириш ва янгисини излаб топиш ҳисобланади.

Пахтачиликда кимёвий препаратларнинг энг кўп тарқалгани пуркаш ҳисобланади, чунки у энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳамда ўсимликни касалликлардан, зараркунандалардан ва бегона ўтлардан химоялашнинг бошқа усулларига нисбатан тез таъсир қиладиган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ишлов бериладиган қишлоқ хўжалик экинларининг 75 фоиз майдонига захарли химикатлар пуркаш йўли билан сепилади.

Ғўза касалликлари ва зараркунандаларининг ўзига хос биологик ривожланиши, унга тез-тез ишлов бериб туришни тақозо этади. Натижада, бир неча бор ёки қайтадан ишлов бериш 14 марта ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Бунинг ўзи бир бирлик майдонга сарфланадиган кимёвий препаратлар сарфининг ошиб кетишига олиб келади. Бундай муҳим вазифани муваффақият билан амалга ошириш учун ишлаб чиқаришга юқори самарали машина ва ишчи органларни яратиш ва жорий этиш керак [1].

Ветилияторли пуркагичларнинг асосий камчилиги, уларда гидравлик, пневматик, марказдан қочма кучлар қўйилганлиги ҳисобланади ва улар ўзининг физик моҳиятига кўра,

препарат эритмасини бир хил ўлчамли томчиларга парчалай олмайди, натижада парчаланган суюқлик томчиларнинг майда-йўлдош заррачаларини ғўза туплари орасидан учириб ўтиши ва ташишида, ишлов бериладиган объектдан ташқарига олиб кетади, барглар юзасидан оқиб, қаторлар орасига тушади, булар ўз навбатида атроф-муҳит: атмосфера, сув ва тупроқни ифлослантиради [2].



1-расм. КХУ-4 култиватори.

1- параллелограм механизми; 2- ишчи суюқлик баки; 3-суюқлик шланги; 4- штанга; 5- уклик; 6- грядел.

Биз такомиллаштираётган ғўза қатор ораларига ишлов берадиган култиваторига зараркунанда ва касликларга қариши курашиш учун мослама ўрнатилган. Машина бир ўтишда ғўза қатор ораларини юмшатади ҳамда зараркунанда ва касалликларига қарши курашиш учун ишчи суюқликни ғўза баргларига сепади. Бунда ғўза қатор ораларига техника бир марта кирганда иккита ишни бирданига бажариб, тупроқ зичланишининг олди олинади ва ёқилги сарфи иқтисод қилинади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016- йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2017- йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига боғишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 – йил 14-январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаси. WWW/кун. Уз сайти.
2. Шоумарова М. , Абдуллаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари. Т. 2002.

УДК 62-52:629,113

ИССЛЕДОВАНИЕ ДЕЙСТВИЯ РАБОТЫ ПНЕВМОГИДРАВЛИЧЕСКОГО УПРУГОДЕМПФИРУЮЩЕГО ПРИВОДА В ХОДОВОЙ ЧАСТИ КОЛЕСНОГО ТРАКТОРА

А.Комилов, Ш.Имамов, Д.Эрматова

Аннотация

Известно, что стабильная работа колесного тракторного агрегата во многом зависит от величины динамических нагрузок, случайно действующих на агрегат в виде вертикальных колебаний и горизонтальных колебаний силы тяги на крюке. Данная статья посвящена снижению динамических нагрузок как в вертикальной так и горизонтальных плоскостях путём установки упругодемпфирующих пневмогидравлического привода в ходовой части колёсного трактора.

Ключевые слова. Пневмогидравлический, упругодемпфирующий, тяговая характеристика, ведущий момент, гидроклапан, колебания, сила тяги на крюке, динамическая нагрузка.

Annotation

It is known that the stable operation of a wheeled tractor unit largely depends on the magnitude of the dynamic loads randomly acting on the unit in the form of vertical vibrations and

horizontal vibrations of the traction force on the hook. This article is devoted to reducing dynamic loads in both vertical and horizontal planes by installing elasto-damping pneumohydraulic drive in the undercarriage of a wheeled tractor.

Қуйидаги жадвалда дунё талаби даражасида тозаланиши зарур бўлган чўчкахона чиқиндилари таркибидаги зарарли моддалар ва шу чиқинди таркибини тозаланиши зарур даражаси миқдори келтирилган.

1 – жадвал

Дунё талаби даражасида тозаланиши зарур бўлган зарарли моддалар ва чиқинди таркибини тозаланиши даражаси

Элементлар	Ўлчов бирлиги	Ишлов беришдан олдинги миқдор	Ишлов берилгандан кейинги миқдор
pH (20 ⁰ С да)	-	6,9	7,5
Биокимёвий кислородга бўлган талаб	мг/л	56000	30
Кислородга бўлган кимёвий талаб	мг/л	19000	50
Сузиб чиққан миқдор	мг/л	56666	30
Умумий фосфор	мг/л	1836	8
Умумий азот	мг/л	8181	60
Рухсат этилган коклар миқдори	-	-	3000 дан кам

Ўзбекистон Республикаси КИТО (Shimadzu, Kyoto) протоколи иштирокчиси, у бу ташкилотга 1998 йилдан аъзо. Протокол талабига амал қилиниши ва очик ҳавзага талаб даражасигача тозаланмаган чиқинди чиқаришни чегаралайди.

Чўчка гўнгида ўтказилган узоқ лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибалари шуни кўрсатадики, ўтказилган ҳар бир беш кунлик назоратимизда биологик газ қурилмасидан чиқаётган шлам таркиби – ундаги ўртача биокимёвий кислородга бўлган кимёвий талабни, умумий азот, ҳамда умумий фосфорлар маълум миқдоргача камайганлигини (2- жадвал), аммо тўлиқ талабга жавоб бермаслигини кўрсатди [2].

2 – жадвал

Чўчка гўнгида ўтказилган тажрибалар натижасида биореактордан чиқаётган чиқиндилар таркиби

Биореакторга солинаётган гўнг таркиби	Ўлчов бирлиги	Ишлов беришдан олдинги миқдор	Ишлов берилгандан кейинги миқдор
pH (20 ⁰ С да)	-	6,9	7,5
Биокимёвий кислородга бўлган талаб	мг/л	37700	22900
Кислородга бўлган кимёвий талаб	мг/л	13000	7820
Сузиб чиққан миқдор	мг/л	33500	11300
Умумий фосфор	мг/л	1260	318
Умумий азот	мг/л	4350	3390

Тажрибалар ўтказиш жараёнидан олдин қорамол, қўй ва чўчка гўнги солиштирилганда улар таркибида унча катта фарқ кўринган эмас (3 жадвал).

3 – жадвал

Қорамол, қўй ва чўчка гўнги фоиз ҳисобида кимёвий таркиби

Хайвон тури	Органик модда	Гемицеллюлоза	зола	Таркибий қисми			
				Целлюлоза	лигнин	Пентозани	Жами
Қўй	78	10	22,3	20,3	19,1	7,7	47
Чўчка	86,4	27,0	13,6	18,4	15,2	20,7	54,3
Қорамол	84	21	16	26	21	14,5	62

Чўчкахонадан чиқаётган гўнг таркиби микробиологик нуктаи назардан ўрганилганда, унда йигирма тўққиз турдаги антибиотик борлиги аниқланди.

Бу эса ментан газ бактерияларини ҳосил қилувчи бактерияларини ишлашини чегаралаб чиқаётган биогаз миқдорини анча пасайтиради. Дунё амалиётида бундай ҳолларда метан ҳосил қилувчи бактерияларни шароитга адаптациялаш кераклиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шундай мураккаб жараёнда ишлайдиган метан газини ҳосил қилувчи бактериялар устида амалий ишлар олиб борилди.

Биологик газ олиш реакторига кундалик солинаётган масса миқдорини (доза) 2 % дан 20 % гача ўзгартириб кўрилганда, шлам таркибидаги миқдор деярли ўзгармагани кўринди, бу

эса солинаётган дастлабки маҳсулотни- биомассани кўшимчалар билан ишлов бериш талабини кўйди.

Биологик газ олиш қурилмасидан чиқаётган шламни талаблар даражасида тўлиқ ишлов бериш мақсадида сув ўтларидан фойдаланилди. Ўтларни биореактордан олинган чиқинди билан ўстирганда унинг вегетация даври 6 – 7 кун бўлди ва бунга шлам таркиби юқори сифатли органик ўғитлар билан бойлиги туфайли сув ўтлар тез ривожланганлиги кузатилди. Тажриба натижасида олинган ўтлар майдаланиб биореакторга солинганда, чиқаётган биологик газ миқдори 28 % ортди. Олинган натижалар тахлили, шлам таркибидаги биореактордан чиқаётган чиқиндилар талаб даражасигача пасайгани ва келажакда бундай чиқиндилардан фойдаланиш иқтисодий самара келтиришини кўрсатади [2].

Хулоса: Органик чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида: метан газининг миқдорига кўра, 1 м³ биогаз ёнишидан 6-8,5 кВт/соат иссиқлик ўртача 6,5-7,5 кВт/соат· м³ ёки 22,2 – 24,5 МЖ/м³, 1 м³ биогаздан 1,6-2,3 кВт/соат электр энергия ёки 2,9-4,4 кВт/соат иссиқлик энергиясини олиш мумкин ҳамда экология яхшиланади, яъни биогазни ҳосил қилиш натижасида атмосферага СО₂ ташлаш миқдори кескин камаяди; қайта ишланган органик чиқиндиларни экин майдонларига солинса, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ва ҳосилдорлик ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Имомов Ш., Усмонов К. Биогаз: экология ва органик ўғит. Тошкент 2019. 242 б
2. Имомов Ш., Мамадалиева З. Султонов М., Усмонов К., Худойбердиев А. Қаюмов Т. Мусурмонов Ш. Программа для контроля поэтапной обработки органического отхода в биогазовой установке. ДГУ № 05437. № 20180231, от 29.03.2018.
3. Imomov Sh. Technological bases of heat recovery of biogas plants waste. Tashkent: Fan, 2011. 136 p.
4. Салимов О., Имомов Ш. Оптимизация процессов биогазовой установки по индивидуальному заказу. Irrigatsiya va melioratsiya, 2017, № 2(8). – С. 47-49.
5. Имомов Ш., Қаюмов Т., Усмонов К., Хакимов Б., Султонов М. Способ переработки органических отходов и установка для его осуществления. А01С3/00, С05 F 3.00. IAP20160389.UZ.Офиц. вест. №3.
6. Imomov Sh., Programs for electronic computing (computer): Remote-automatic control and monitoring of the production biogas plant. Patent Uzbekistan. DGU No. 20150449, 27.11.2015.
7. Imomov Sh. Heat transfer process during phase back-and-forth motion with biomass pulse loading. Applied Solar Energy, June 2009, Volume 45, Issue 2, pp. 116-119.
8. Ш. Имомов, К. Усмонов, Б.Хакимов, А. Худойбердиев, З. Эргашов. Биогаз қурилмасининг вақтинчалик технологик регламенти. TR16472899-031:2016. Бухоро нефть қайта ишлаш заводи, 2016. 48 б.

УДК:631.3.:658.5

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Игамбердиев А.К.- т.ф.д., доцент, Йўлдошев Ш.У. – академик, т.ф.д. профессор
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Кенгаши баённомаларининг мазмун-моҳияти ва қўйилган вазифалар, қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш тизимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш ечимлари берилган. Бунинг учун Республика бўйича мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари сони таҳлил қилинган, жумладан Сирдарё вилояти Сирдарё тумани бўйича қишлоқ хўжалиги техникалари сони ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини таҳлил қилиш таклифлари берилган.

Калит сўзлар: аграр соҳа, техника, парк, техник ҳолат, техник хизмат, такомиллаштириш, сервис, база, модернизация, мосланувчанлик.

ПРОБЛЕМЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ТЕХНИКИ, СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕХНИЧЕСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ

Игамбердиев А.К. - д.т.н., и.о. профессора, Йулдашев Ш.У. – академик, д.т.н., профессор
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье приведены материалы о сути и задачах постановлений Президента, Совета Министров, протоколов Совета, о проблемах эффективного использования сельскохозяйственной техники в системе технического обслуживания и путях их решения. С этой целью было проанализировано количественный состав сельскохозяйственной техники Республики, в том числе Сырдарьинского района Сырдарьинской области, внесены предложения анализу количественного состава сельскохозяйственной техники и состояния системы технического обслуживания.

Ключевые слова: аграрный сектор, техника, парк, техническое состояние, техническое обслуживание, совершенствование, сервис, база, модернизация, приспособляемость.

PROBLEMS OF EFFECTIVE USE OF AGRICULTURAL EQUIPMENT, IMPROVEMENT OF TECHNICAL MAINTENANCE SYSTEM

Igamberdiev A.K. - Doctor of Technical Sciences, Associate Professor
Yuldashev Sh.U. - Academician, Doctor of Technical Sciences, Professor
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article provides materials on the nature and objectives of the decisions of the President, the Council of Ministers, the minutes of the Council, on the problems of the effective use of agricultural machinery in the maintenance system and ways to solve them. For this purpose, the quantitative composition of agricultural machinery of the Republic was analyzed, including the Syrdarya region of the Syrdarya region, proposals were made to analyze the quantitative composition of agricultural machinery and the state of the maintenance system.


Keywords: agricultural sector, machinery, park, technical condition, maintenance, improvement, service, base, modernization, adaptability.

Кириш. Маълумки, Республикамизнинг аграр соҳасида қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга механизация хизматлари кўрсатишнинг ягона ўзаро боғланган тизими яратилди, қишлоқ хўжалиги корхоналари, «Ўзагротехсервис» АЖ ташкилотларининг корхоналари ва машина-трактор паркларини қайта жиҳозлашга эришилди. Шунга қарамасдан, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзагротехсервис» АЖ ва улар таркибидаги корхоналарнинг, хусусан, машина-трактор паркларининг кўрсаткичлари ва фаолиятини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Чунки, қишлоқ хўжалиги техникаси паркларининг ресурсларидан тўла фойдаланиш, таркибини меъёрий талаб даражасида бўлишини таъминлаш, модернизация қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш сезилмаяпти. Қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерларнинг зарур техникалар билан тўла камраб олиншини таъминлаб бермаяпти, механизация ва техник хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти самарали бўлмаяпти ва натижада уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, агротехник ишларни ташкил этишда уюшқоқлик, маъсулиятлилик, ташкилотчилик каби ёндошувлар етишмаяпти. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини тўла механизациялаш, техникалардан самарали фойдаланиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажариш, назорат қилиш, агрегатларни агротехник талабларга мос ростлаш, фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, носозликларни оператив бартараф этиш, диагностикалаш ва тўғри сақлаш каби кўп муаммолар малакали операторлар, агрономлар ва инженер техник ходимларнинг етишмаслиги сабабли ўз ечимини топмаяпти.

Масаланинг қўйилиши. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10.05.2018 йил ПҚ-3712 сон, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис

хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751 сон ва 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4410-сон қарорларида айнан юқорида қайд этилган масалалар, жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, замонавий ва сифатли техникалар билан таъминлаш, машина-трактор агрегатлари паркини янгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, диагностикалаш, узоқ муддат сақлаш, хусусан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, яъни: қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кенгайтириш, аграр секторни ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос келадиган маҳаллий ишлаб чиқариладиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйиш, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйишда илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлашувини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган мавжуд техника турларини оптималлаштириш ва ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, машина-трактор паркларининг мавжуд техникалари ва бўш турган ер майдонларини оптималлаштириш, уларни таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни йўналишлари бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда шу йўналишлар бўйича ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, соҳага тегишли олий ўқув юртларининг кафедраларини «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизим корхоналарида ташкил этиш, янги ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникалари учун ўрнатилган техник талабларни республиканинг тупроқ-иқлим шароити ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, дилерлик тармоғини кенгайтириш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи зарур техникалар билан жиҳозланган ва кўчма хизмат кўрсатувчи минтақавий сервис марказларини ташкил этишга эътибор берилган, тегишли вазифалар белгиланган[1, 2, 3].

Юқорида белгилаб берилган ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг айрим жиҳатларини яхшилаш мақсадида қуйида тавсиялар ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Машина ва механизмларнинг техник кўрсаткичларини ошириш бўйича тавсиялар

Юқоридаги тавсиялар конструктор, технолог ва синовчи инженер мутахассислар томонидан машиналар конструкцияларини такомиллаштириш қуйидаги йўналишлар бўйича бажарилиши керак:

- ❖ Дала шароитида пайдо бўладиган носозликларни бартараф этишга мосланганлиги;
- ❖ Устахоналарда буткул таъмирлашга мосланганлиги;
- ❖ Агрегат усулида носозликларни бартараф этишга мосланганлиги;
- ❖ Узоқ ва қисқа муддатга сақлашга мосланганлиги;
- ❖ Узел, механизм ва агрегатларни диагностикалашга (ташхис қўйишга) мосланганлиги.

Бу таклифлар фермер, деҳқон ва сув хўжалигида фойдаланиладиган машина ва насосларнинг ресурсларидан самарали ва тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

Республикамизда 138 та туманидан 77 таси тўлиқ “Кластер тизими”га ўтиш муносабати билан туман хўжаликларидagi машина ва механизмлар ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш ва моддий техник базасини яратиш (модернизациялаш) бўйича, уларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш ва диагностикалаш, детал, узел, агрегатлар ресурсларини тиклаш технологик жараёнларини бажарувчи тармоқ (Марказлар) яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги муҳим масалаларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаси паркинни янгилаш ва такомиллаштириш ҳисобидан қишлоқ хўжалигини техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш даражасини янада ошириш, машина ва механизмларнинг агротехник кўрсаткичларини сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида 2018 - 2020 йилларда янги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини барпо этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш юзасидан инвестиция лойиҳаларини шакллантириш билан бирга қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳар бир тури бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган. Бунинг учун «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш, ўрганиш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникаси паркинни тўлиқ хатловдан ўтказиш, молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, техник хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш масалалари қўйилган ва бозор ислохатлари туфайли қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилган, яъни: қишлоқ хўжалиги техникаси паркинни унификация қилиш ва жойларда уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш; зарур эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш ҳисобига агротехника тадбирларининг турлари бўйича қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган миқдорий эҳтиёж, фойдаланишга яроқсиз ҳамда ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган техникани инobatга олган ҳолда уларнинг амалда мавжудлигини таҳлил қилиш ва янгилаш бўйича таклифлар киритиш; мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаси паркинни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжни қоплаш усуллари ва йўллари аниқлаш; хорижий бозорларда ўхшаш техниканинг сифати ва нархини таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини маҳаллийлаштириш имкониятларини ўрганиш ва бошқалар. Шунинг учун «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ корхоналарида тайёрланадиган машина, агрегат ва механизмларни (уларнинг номланиши-маркалари 70 дан ортиқ) техник кўрсаткичлари ва фойдаланишган мосланувчанлиги таъминланиши ва маҳаллийлаштиришни 60 % гача етказиши керак (1-расм)

Сўнги йилларда ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда. Лекин, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда тизимли муаммолар мавжудлиги, соҳанинг барқарор ривожланишига салбий таъсир этаётгани боис Вазирлар Маҳкамасининг 9 январь 2019 йил 14-сон қарорида пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами 100 гектардан кам бўлмаслиги, ер участкаларини мақбуллаштиришда контурларнинг яхлитлигини сақлаш, тупроқ шароити, сув йўли ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши белгиланган. Бироқ, мақбуллаштирилган контурларга мос агротехника тадбирларининг турлари бўйича қишлоқ хўжалиги техникаси турларига бўлган миқдорий эҳтиёж аниқланмаган. Натижада қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш таъминланмаяпти. Республикамизда ҳозирги кунда

машина-трактор паркларида йилига икки марта техникаларни мавсумга тайёрлаш тадбирлари ўтказилмоқда. Кундалик ва даврий техник хизмат кўрсатишлар ҳамда таъмирлаш ишлари жойларда ўтказилмай қўйилган. Техникаларнинг ҳолатини ташхис қўйиш усуллари, уларни сақлаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Сирдарё вилояти туманларида олиб борилган хронометраж кузатувлар техникаларнинг тез ишдан чиқиши, фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, туман “агросервис МТП” МЧЖ ларда таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатадиган малакали мотористлар, ташхисчилар, токарлар, пайвандчилар ва чилангарларнинг муқим ишламаётганлигини кўрсатмоқда.

Хукумат томонидан мавжуд муаммолар доирасида қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, механизация, техник хизматлар кўрсатиш, таъмирлаш сифатини ошириш, машина-трактор парклари томонидан кўрсатиладиган механизация ва техник хизматлар рўйхатини кенгайтириш, сифатини ошириш, инвесторларни жалб этиш, биргаликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, машина-трактор паркларининг жиҳозларини модернизация қилиш, механизация, ремонт ва техник хизмат кўрсатиш ҳар томонлама замон талаби даражасидаги техника, жиҳозлар ва малакали кадрлар билан таъминлаш, машина-трактор паркларини бошқаришнинг намунавий ташкил этиш ва унинг энг самарали шаклини қўллаш бўйича асосланган таклифлар яратиш вазифалари туман ва вилоят хокимликларининг қишлоқ ва сув хўжалик бўлимларига юклатилган [2]. Жумладан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг илмий салоҳиятга эга бўлган соҳага оид тегишли кафедралар профессор-ўқитувчилари иштирокида биттадан туманни қишлоқ хўжалиги техникаларига намунали хизмат кўрсатадиган туманга айлантириш вазифаси юклатилган.

1-жадвал

Республикамизнинг «Ўзгросервис» АЖ корхоналари ва Фермер хўжаликларига тегишли қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича маълумот

№	Қишлоқ хўжалиги техникалари номи	жами	«Ўзгросервис» АЖ корхоналарида	Фермер хўжаликларида
1	Хайдов трактори	11 701	1 711	7 302
2	Чопик трактори	30 156	1 192	21 646
3	Транспорт трактори	24 023	441	13 625
4	Мини тракторлар	402	325	67
6	Ғалла ўриш комбайнлари	4 350	1 671	1 615
7	Шоли ўриш комбайнлари	144	2	108
8	Ем-хашак машиналари	1 640	28	1 296
9	Пахта териш машиналари	1 437	933	29
10	Трактор тиркамалари	25 390	68	12 934
11	Чигит экиш сеялкалари	11 711	940	5 649
12	Дон экиш сеялкалар	1 161	19	360
13	Культиваторлар	22 721	694	14 953
14	Кўсак териш машиналари	37	13	5
15	Чизеллар	4 331	453	2 701
16	Омочлар	7 926	1 430	3 817
17	Ер текислагичлар	2 474	99	1 329
18	Дискли бороналар	80	1	11
19	Пуркагичлар	4 267	593	1 296
21	Минерал ўғит сепиш машиналари	3 059	8	1 704
22	Органик ўғит сепиш машиналари	45	0	11
Республика бўйича жами:		176 957	10 773	102 546

Шунга мувофиқ «Ўзгросервис» АЖ таркибига кирувчи ҳудудий "Агросервис МТП" МЧЖ фаолиятини таҳлил қилиш, ўрганиш, қишлоқ хўжалиги техникаси паркиннинг мақбул сонини асослаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш масалалари қўйилган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда мақолада мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари тўғрисида маълумотлар таҳлил қилиниб 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал маълумотлари таҳлили Республикамиз бўйича мавжуд 176959 дона техникаларнинг қарийиб 6,1 % «Ўзгросервис» АЖ корхоналарига, 57,9 % фермер хўжалиқларига тўғри келишини кўрсатмоқда (1-жадвал).

1-жадвалдаги техникалар сони йилма-йил Республикадаги машиналар сонига қўшилиб боради ва уларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш каби ишларни туманларда яратилган «Марказ»лар бўлимларида ва хўжалиқларида ўтказилиши керак.

Қуйида 2017-2030 йилларгача асосий қишлоқ хўжалиги техникаларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

2018-2030 йилларгача асосий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари

№	Техника турлари	2018 й.	2019 й.	2021й	2028 й.
1	Тракторлар	4717	5000	6000	7000
1.1	Шу жумладан пахтачилик тракторлар	2200	2500	3000	3500
2	Ғалла комбайнлари	500	600	650	700
3	Пахта териш машиналари	619	1000	1500	2000
4	Плуглар	1492	2000	2250	2500
5	Сеялкалар	1290	1500	2000	2500
6	Культиваторлар	1654	1500	2000	2500
7	Опрыскиватели	1074	2500	3000	3500
8	Трактор прицеplари	1030	2000	2500	3000
9	Бошқа техникалар	6062	7000	8000	9000
ЖАМИ		18438	23100	27900	32700

Таҳлиллар қуйидаги муаммолар борлигини кўрсатди:

1. «Агросервис МТП» МЧЖлардаги иқтисодий масалаларнинг мавжудлиги, малакали мотористлар, ташхисчилар, токарлар, пайвандчилар ва чилангарларнинг етишмаслиги туфайли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг тўла олиб борилмаётганлиги кузатилди.
2. Зарур эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда керак бўладиган энг зарур машина, механизм ва жихозларнинг эскирганлиги, носозлиги сервис, таъмирлаш хизматларини сифатли ва ўз вақтида бажара олмаслиги муаммоларни келтириб чиқариши аниқланди.
3. Жойларда фермерлар ихтиёридаги техникаларга сервис ва таъмирлаш ишларининг малакали бажарилмаслиги натижасида тўловларни вақтида ундирилмаганлиги ҳамда тўловларни амалга ошириш механизмининг умуман издан чиқиб кетганлигини кўрсатади.
4. «Агросервис МТП» МЧЖ томонидан кўрсатилган хизмат учун маблағларни тўлиқ ундирилмаётганлиги оқибатида катта миқдорда қарздорлик вужудга келганлиги, қайтмаган тўлов ҳисобидан сифатли сервис ва таъмирлаш ишлари ихтисослашган ҳолда бажарилмай келинаётганлиги аниқланди.

Хулосалар:

1. Республикамиз туманларида қишлоқ хўжалиги учун намунавий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш долзарб ҳисобланади.
2. Биринчи навбатда туман миқёсида техникаларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, йили бўйича тоифаларга ажратиш, Республикада ишлаб чиқарилаётган хайдов, чопиқ ва транспорт ишлари учун тракторлар ва уларга мос қишлоқ хўжалиқ машиналари комплектини Вазирлар Маҳкамасининг 9 январ 2019 йил 14-сон қарорида яхлитланган контурларга (дала майдонларининг ўлчамлари, яъни гектари, шунга мос бўйи ва эни) мос келадиган классдаги тракторлар ва қишлоқ хўжалиқ машиналари билан таъминлашни асослаш керак. Бунда албатта, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини кам харажат ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида тракторларнинг кўпмаркалилигига чек қўйиш керак.

3. Республикамиз «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари комплексини, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш, диагностикалашга мосланганлик кўрсаткичларини оширишда механизм ва жихозларнинг ихтисослашган постли усулда қўллашни ташкил этиш мақсадида, кам маркалилик асосида ишлаб чиқишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.
4. Ўзи сотиб оладиган, лизинг ёки кредит эвазига имтиёзли фоиз ставка билан харид қилиш имкониятига эга барча қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан фермер-деҳқон хўжаликларининг техникаларини камида хайдов, чопиқ ва транспорт ишлари учун “уч маркали” тракторлар (хайдов, чопиқ, транспорт) билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш туман “Агросервис МТП” МЧЖ томонидан кўрсатилган хизматларни тўла ихтисослашган ҳолда бажариш имконини яратади.
5. Техникаларни ишлаб чиқарувчи ва уни лизингга етказиб берувчи корхоналар учун соғлом ракобат муҳитини яратишда ҳам улар қишлоқ хўжалигидаги трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарнинг кўп маркалилигига чек қўйиши керак.
6. Фермер-деҳқон хўжаликлар фаолияти учун зарур бўлган техникаларнинг мақбул вариантлари, нархлари ва турларини сотиб олишлари учун кўп маркали бўлмаган кам маркали техникалар бозори таклифи яратилиши керак.
7. Фермер-деҳқон хўжаликлари техникаларига сервис хизматларининг мураккаблиги, меҳнат сарфи, сифати бўйича аввалдан белгиланган прејскурантлар асосида амалга оширилиши, хизматлар кафолатланиши, яъни, диллерлик хизмати томонидан кафолатли амалга оширилиши жорий этилиши керак.
8. Субсидия ҳисобидан харид қилинадиган техникалар учун 3 йилдан кам бўлмаган кафолат муддати таъминлашида ҳам кўпмаркалиликка йўл қўймаслик асосий принцип бўлиши, сервис марказларини зарур бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан етказиб бериш механизмларини яратишда ҳам шу принципга амал қилиниши, техникалардан тўхтовсиз, самарали фойдаланиш имконини яратиши зарур.

Фойдаланилган манбалар:

1. “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.05.2018 йил ПҚ-3712 сон қарори.
2. “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751 сон қарори.
3. “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон қарори.
4. Yo`ldoshev Sh.U. Mashinalar ishonchligi va ta`mirlash asoslari (darslik). Toshkent. O`zbekiston, 2006, 696 b.
5. Мишин М.М. Проектирование предприятий технического сервиса (учебное пособие). Мичуринск : Издательство МичГАУ, 2008. 213 с.
6. Yo`ldoshev SH.U. Mashinalar resursidan foydalanish asoslari va muammolari (muammoli ma`ruzalar to`plami). Toshkent. 2009, 34 b.
7. Мерданов Ш.М., Шефер В.В., Конев В.В. Проектирование предприятий по эксплуатации и ремонту машин (учебное пособие). Тюмень. ТюмГНГУ. 2009, 244 с.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ПАРКИДАН САМАРАЛИ
ФЙДАЛАНИШ ВА ТЕХНИКАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Игамбердиев А.К.- т.ф.д., профессор в.б., Алиқулов С – т.ф.н., доцент,
Йўлдошев Ш.У. - академик, т.ф.д. профессор

Тошкент ирригация ва қишлоқ жўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада Президент қарорларининг мазмун-моҳияти, қишлоқ хўжалиги техникалари паркидан самарали фойдаланиш ва техникавий хизматлар кўрсатиш бўйича кўтарилган камчиликлар ва қўйилган вазибалар, уларни ҳал этиш ечимлари берилган. Сирдарё вилояти Сирдарё тумани бўйича олиб борилган таҳлилий маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги техникалари паркидан самарали фойдаланиш ва техникавий хизматлар кўрсатиш механизмини такомиллаштириш таклифлари берилган.

Калит сўзлар: аграр соҳа, техника, парк, техник ҳолат, марказ, техникавий хизмат, такомиллаштириш, сервис, база, модернизация, мосланувчанлик.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ И
ТЕХНИЧЕСКОЙ УСЛУГИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ТЕХНИКИ**

Игамбердиев А.К.- д.т.н., и.о.профессора, Алиқулов С – к.т.н., доцент,
Йўлдошев Ш.У. - академик, д.т.н., профессор

Аннотация

В статье представлены сущность президентских указов, недостатки и цели эффективного использования сельскохозяйственной техники и предоставления технических услуг, а также пути их решения. На основании аналитических данных по Сырдарьинскому району Сырдарьинской области были внесены предложения по совершенствованию механизма эффективного использования парка сельхозтехники и технического обслуживания.

Ключевые слова: аграрный сектор, техника, парк, техническое состояние, центр, техническое обслуживание, благоустройство, сервис, база, модернизация, гибкость.

**IMPROVING THE MECHANISM FOR THE EFFICIENT USE OF THE PARK OF
AGRICULTURAL MACHINERY AND TECHNICAL SERVICES**

Igamberdiev AK- Doctor of Technical Sciences, Associate Professor
Aliqulov S - Ph.D., associate professor

Yuldashev Sh.U. - Academician, Doctor of Technical Sciences, Professor
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article presents the essence of the Presidential decrees, the disadvantages and objectives for the effective use of agricultural machinery and the provision of technical services, and the solutions to them. Based on the analytical data on the Syrdarya district of Syrdarya region, proposals were made to improve the mechanism of efficient use of agricultural machinery fleet and technical maintenance.


Keywords: agrarian sector, machinery, park, technical condition, center, maintenance, improvement, service, base, modernization, flexibility.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 10.05.2018 йил ПҚ-3712 сон қарорида қатор камчиликларнинг мавжудлиги, жумладан: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон техника билан таъминлаш, техника паркани янгилаш, шунингдек, уларга ўз вақтида сервис хизматини кўрсатиш ишларида жиддий камчиликлар сақланиб қолаётганлиги; машина-трактор парклари, тегишли хизматлар кўрсатувчи хусусий ташкилотлар, шунингдек, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш бўйича буюртмаларни шакллантириш, шартномалар тузишининг бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги; ўзиорар қишлоқ хўжалиги техникасининг етарли эмаслиги, ўз вақтида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилмаганлиги; ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги; ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси таннархининг рақобатбардош эмаслиги механизация хизматлари ва ишлаб

чиқарилаётган якуний маҳсулот нархининг ошиб кетишига олиб келаётганлиги; қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмнинг мукамал эмаслиги, хусусий сервис ташкилотлари ва фермер хўжаликлари маблағларини жалб этишдан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги; “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751 сон қарорида: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш тизимида ханузгача қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлиги; машина-трактор парклари фаолиятининг самарасиз ташкил этилаётганлиги, бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши кераклиги; механизация ва сервис хизматларини кўрсатишдаги мавжуд чекловлар мазкур хизматлар бозорининг ривожланишига ва қишлоқ хўжалиги ерларининг зарур техника билан кенг қамраб олинishiга тўсқинлик қилаётганлиги; механизация ва сервис хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этишда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг сусткашлиги оқибатида уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги; агротехник ишларни ташкил этишда алоҳида ёндошувнинг мавжуд эмаслиги, жумладан ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқилмаётганлиги, шунингдек ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда механизация хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат молиявий кўмагининг мавжуд эмаслиги машина-трактор паркларида сезиларли даражада қарздорликлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолаётганлиги; “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон қарорида: маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган техникаларда импорт қисмлари улушининг юқорилиги, аграр секторни техника билан таъминлашнинг барқарор тизими мавжуд эмаслиги, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги ҳамда илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлашмаганлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этаётганлигига жиддий эътибор берилган.

Мавжуд муаммолар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу қарорларида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот ҳамда таълим муассасалари билан самарали илмий-техник кооперацияси ва ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш; жаҳон бозорида янги, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги техникаси турлари ва моделларини ишлаб чиқиш, яратиш, тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ягона режасини ишлаб чиқиш, ташкилотлар фаолиятига жорий қилиш; қишлоқ хўжалиги техникаси паркини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги техникаси паркини унификация қилиш ва жойларда уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, зарур эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, агротехника тадбирларининг турлари бўйича қишлоқ хўжалиги техникасининг фойдаланишига яроксиз ҳамда ҳисобдан чиқарилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда миқдорий эҳтиёжини аниқлаш ва уларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш; машина-трактор парклари тизимини оптималлаштириш, инвесторларни жалб қилиш бажарилмаётганлиги; машина-трактор паркларининг жиҳозларини модернизация қилиш, шунингдек механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган жиҳозларнинг янги замонавий турларини сотиб олиш; 2020 йил 1 январгача машина-трактор паркларини бошқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклини қўллаш бўйича асосланган таклифларни киритиш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, замонавий ва сифатли техникалар билан таъминлаш, машина-трактор агрегатлари паркини янгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, диагностикалаш, узоқ муддат сақлаш, хусусан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, яъни: қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кенгайтириш, аграр секторни ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос келадиган маҳаллий ишлаб чиқариладиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан

таъминлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизимини йўлга қўйиш, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйишда илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлашувини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган мавжуд техника турларини оптималлаштириш ва ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, машина-трактор паркларининг мавжуд техникалари ва бўш турган ер майдонларини оптималлаштириш, уларни таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервиси йўналишлари бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда шу йўналишлар бўйича ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, соҳага тегишли олий ўқув юртларининг кафедраларини «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖ тизим корхоналарида ташкил этиш, янги ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникалари учун ўрнатилган техник талабларни республиканинг тупроқ-иқлим шароити ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, дилерлик тармоғини кенгайтириш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи зарур техникалар билан жиҳозланган ва кўчма хизмат кўрсатувчи минтақавий сервис марказларини ташкил этиш вазифалари белгилаб берилган [1, 2, 3].



1-расм. Қишлоқ хўжалиги техникалари паркидан самарали фойдаланиш ва техникавий хизматлар кўрсатиш механизмини такомиллаштириш модели

Муаммоларнинг ечими. Мақолада юқорида белгилаб берилган ва бажарилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифаларнинг айрим жиҳатларини яъни: қишлоқ хўжалиги техникаси паркини тўлиқ хатловдан ўтказиш; уларнинг фойдаланишга яроқсиз ҳамда ҳисобдан чиқариш; қишлоқ хўжалиги техникалари бошқарув тизимини такомиллаштириш; ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос келадиган маҳаллий ишлаб чиқариладиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, уларни таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштиришни амалга ошириш

каби муаммолар ечими қуйидаги инновацион таклифлар ва тавсияларни кенг муҳокама қилиш учун тақдим этилади.

Сирдарё туманида қишлоқ хўжалиги техникаларининг сони туман қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган хўжаликларнинг тупроқ-иқлим шароити, иқтисодий ва ташкилий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва ҳосилни ўриб йиғиб олишда бажариладиган механизациялашган ишлар ҳажмини белгиловчи ер майдонларига асосланади (1-жадвал).

1-жадвал

Сирдарё вилояти Сирдарё туманининг 2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ажратилган ер майдонлар ва ҳосил РЕЖАСИ

№	Экин тури	Майдони, га	Режадаги ҳосил, ц/га
1.	Пахта	8000	30,6
2.	Очиқ майдонга экиладиган ғалла	4903	
3.	Вўза орасига экиладиган ғалла	5097	49,2
4.	Такрорий экинлар, шу жумладан:	10000	
	- сабзавот	1900	179,8
	- картошка	100	150
	- полиз	500	190
	- дуккакли	4400	10
	- шоли	1500	30
	- озуқа учун	1600	197,5

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаги технологик жараёнлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий технологик ҳариталарга мувофиқ бажарилади [4].

Сирдарё туманида қишлоқ хўжалиги техникалари сони туманнинг тупроқ-иқлим шароити, иқтисодий ва ташкилий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда намунавий технологик ҳариталарга керакли ўзгартиришлар киритилиб тузилган технологик ҳарита асосида аниқланиши тавсия этилади. Чунки, намунавий технологик ҳаритада келтирилган айрим операциялар туман далаларида бажарилмаслиги мумкин. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун тузилган технологик ҳариталарда бажариладиган механизациялашган ишлар календар муддатларга мос кетма-кетликда бажарилиши таъминланиши керак.

2-жадвал

Умумий ишларни бажарадиган тракторлар билан энг кўп ишлов бериладиган (қизгин даврда) майдонлар ҳисоби

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи- кузги шудгор. Шудгорлаш муддати – 1.11-30.11 гача

№	Экинлар тури	Жами майдон, га	Шудгорланадиган майдон
1.	Пахта	8000	2900
2.	Ғалла	10000	-
3.	Ғалладан бўшаган ерларга экиладиган такрорий экинлар		
	- маккажухори	1600	1600
	- сабзавот	1900	1900
	- полиз+картошка	600	600
	- бошқалар	5900	5900
	Жами:	18000	12900

Қатор орасига ишлов берадиган тракторлар билан энг кўп ишлов бериладиган (қизгин даврда) майдонлар ҳисоби

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи- қатор орасига биринчи культивация қилиш

№	Экинлар тури	Жами майдон, га	Жами культивация қилинадиган майдон, га
1.	Пахта	8000	8000
2.	Ғалла	10000	-
3.	Ғалладан бўшаган ерларга экиладиган такрорий экинлар		
	- маккажухори	1600	1600
	- сабзавот	1900	-
	- полиз+картошка	600	
	- бошқалар	5900	
	Жами:	18000	9600

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини энг кўп (қизгин даврда) тракторлар билан ташиш транспорт ишлари ҳисоби

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи- пахта ҳосилни ташиш.

Ишни бажариш муддати – 1.09-15.10

№	Экинлар тури	Жами майдон, га	Жами ҳосил, тонна	1.09-15.10 муддатда ташиладиган тонна
1.	Пахта	8000	24500	24500
2.	Ғалла	10000	49200	-
3.	Ғалладан бўшаган ерларга экиладиган такрорий экинлар			
	- маккажухори	1600	41600	-
	- сабзавот	1900	34200	-
	- полиз+картошка	600	11500	-
	- бошқалар	5900	8900	8900
	Жами:	18000		33400

Тракторларга бўлган талабни аниқлаш

№	Тракторлар тури	Ишлов бериладиган майдон ва ташиладиган юклар миқдори	Агрегат таркиби		Ишчи кунлар сони	Бир кунлик иш унуми	Талаб этилади
			трактор	ҚХМ			
1.	Умумий ишларни бажарадиган (пахта, такрорий экинларда)	8750 (65 %) га	Axion 850	EvrOpal 7 4+1	25	14	25
		4150 (35 %) га	Arion 630	EvrOpal 5 3+1	25	7	23
2.	Қатор орасига ишлов берадиган	9600 га (пахта, маккажухори)	Axsos 340	КХУ-4Б	15	5	128
3.	Транспорт ишларини бажаришда	33400 тонна (пахта, шоли, дуккакли экинлар)	Axsos 340	2ПТС-793А (2 тадан)	25	17	78 (156 та тиркама)


Сирдарё тумани бўйича қишлоқ хўжалиги тракторлари ва машиналарига бўлган талаблар (жами майдони - 18000 га).

№	Техникалар номи	1000 га талаб этилади, дона	Жами талаб этилади ва тавсия қилинади, дона		Мавжудлар сони, дона		Фарқи (+), (-)
			сонини	русумини	сонини	русумини	
I. Хайдов тракторлар:							
1.1.	4 кл	2,86	25	200-300 о.к. мансуб тракторлар	54	Т-7060, Агрон-630с, МХ-255 Махсум, Магнум Беларусь-1523, бошқалар.	+29
	3 кл	5,71	23	150-200 о.к. мансуб тракторлар	67	ТЛ-5060, ТЛ-100, Т-6070 Ахос-340с, Кейс-5250 МХ-135, К-700, К-701К, Т-150, Т-150К, ВТ-150, Т-4А, ДТ-75.	+44
1.2.	Универсал чопик тракторлари	13,3	127	100-150 о.к. мансуб тракторлар	135	ТТЗ-100НС, ТТЗ-811 ТТЗ-100К-11, ТТЗ-80-11 ТТЗ-60-11, МТЗ-80Х Т-28Х4М, Беларусь-80Х	+8
1.3.	Универсал транспорт тракторлари	12	166	100-150 о.к. мансуб тракторлар	198	Беларусь-1221, Беларусь-1025, ТТЗ-LS, ТД-5.110 4WD, ТТЗ-100К-10, ТТЗ-80-10, МТЗ-82, ЮМЗ-6Л, Т-40А Т-28Х4МС	+32
II. Қишлоқ хўжалик машиналари:							
2.1.	Плуг- 4+1	2,86	25	EvrOpal 7 4+1	65	ПЯ-3-35, ПН-3-35, ПН-4-35 Даичи 3+1, ЛЕМКЕН EurOpal 3+1, ЛЕМКЕН EurOpal 4+1	+17
	Плуг- 3+1	5,71	23	EvrOpal 5 3+1			
2.2.	Ер текислагич	4,2	24	М-12 Лазер	13	ПН-2,8 П-2,8, ППА-3,1, П-4	-11
2.3.	чуқурюмшаткич	2,9	17	ГРП-3/5	74	-	+57
2.4.	Маъданли ўғит сепкич	3,85	14	РМУ-0,75	33	НРУ-0,5	+19
2.5.	Махаллий ўғит сепкич	10,0	36	РОУ-6	4	-	-32
2.6.	Трактор тиркамалари	12	166	2ПТС-793А	131	2-ПТС-4-793, 2-ПТС-4-887	-35
2.7.	Тишли бороналар комплекти	1	8	БЗСС-1,0, БЗТС-1,0	10	БЗСС-1,0, БЗТС-1,0	+2
2.8.	Чизель культиваторлар	5	40	ЧКУ-4А	26	ЧКУ-4А	-14
2.9.	Чигит экиш сеялкалари	8,33	67	СЧХ-4А ёки СЧХ-4Б	71	СХУ-4, СЧХ-4, Франция	+4
2,10	Дон экиш сеялкалари	5	25	СЗ-3,6 ёки СЗУ-3,6	-	-	-25
2.11	Дон экиш сеялкалари	5	25	ДЕМ-3,6	-	-	-25
2.12	Пахта культиваторлари	13,3	127	КХУ-4 ёки КРХ-3,6	93	КХУ-4, КХУ-4Б	-34
2.13.	Ўза туллари чилпиш мосламаси	13,3	106	ЧХУ-4А	-	-	-106
2.14.	Дори пуракагичлар	4	32	ОВХ-600	50	ОВХ-600, Штангали	+18
2.15.	Пахта териш машиналари	15	120	МХ-1,8	72	"Кейс" 2022, МХ-1,8 Жон Дир	-48
2.16.	Ғалла комбайнлари	5	50	Доминатор-130	14	"Кейс" 2166, 2366 "Кейс" 5580, "Нью-Холланд"	-26

						"Клаас-Доминатор-130" "Вектор",	
2.17	Ем хашак йиғиш ва силос ўриш комбайнлари	10	116	КСК-100А ёки Марал-125	-	-	-116
2.18	Ўтўргичлар	20	32	КС-Ф-2,1 ёки КИР-1,5М	9	КИР-1,5	-23

Тавсия этилаётган туман техникавий хизматлар кўрсатиш маркази (ТТХКМ)нинг тузилмаси ва вазифалари

Таклиф этилаётган туман техникавий хизматлар кўрсатиш маркази (ТТХКМ)нинг тузилмаси 8 та хизмат кўрсатиш бўлимлари ва ҳудудий хизматлар кўрсатиш шохобчаларидан иборат бўлиб, тумандаги барча давлат ва фермер хўжаликларига кўп энергия талаб этиладиган ишлаб чиқариш жараёнларини (агротехник тадбирларни) бажариш ҳамда мавжуд қишлоқ хўжалиги тракторлари ва машиналарини мавсумга тайёрлаш, мавсум давомида соз ҳолатда бўлишини таъминлаш мақсадида техник сервис хизматлари кўрсатиш, замонавий инновацион технология-техникалар билан таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширади (2-расм).



2-расм. Туман техникавий хизматлар кўрсатиш марказининг намунавий тузилмаси

Шу билан бирга туман ҳудудларида ташкил этиладиган ҳудудий шохобчалар ҳамда мобил кўчма устaxonалар (мобил автовоситалар) ёрдамида дала шароитида хизматлар кўрсатади.

Туман техникавий хизматлар кўрсатиш маркази бўлимларининг вазифалари:

1. Техникалардан фойдаланиш бўлими.

Бўлимда марказдаги мавжуд юқори унумли (тракторлар, ғалла комбайнлари, пахта териш машиналари ва бошқалар) агрегатлар ёрдамида кўп энергия талаб этиладиган агротехник тадбирларни (ер хайдаш, тирмалаш, чуқур юмшатиш, экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш ва бошқалар) шартнома асосида бажарилади.

2. Техникаларни сақлаш бўлими.

Марказдаги мавжуд трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини мавсум тугагандан кейин сақлашга тайёрлаш ва сақлаш даврида уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари ташкил этилади.

3. Техник хизмат кўрсатиш бўлими.

Тумандаги Мустақил давлатлар ҳамдўстлик (МДХ) мамлакатларида ишлаб чиқарилган тракторлар ва ўзиюрар машиналар (комбайнлар) га ТХК-3, мавсумий ва махсус хизматлар кўрсатиш ишларини бажаради.

4. Фирмавий техник сервис бўлими.

Хориждан сотиб олинган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларига сотишдан олдин кафолат даврида ва регламентли техник хизматлар кўрсатади. Бу бўлимда тумандаги энг кўп техникалар сотиб олинган фирманинг техник сервис туман маркази (дилерлик хизмат кўрсатиш) ташкил этилади.

5. Эҳтиёт қисмлар алмашиш ва сотиш бўлими.

Бўлимда МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган техникаларга талаб этиладиган эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва сотиш ишлари бажарилади.

6. Носоз техникаларни сотиб олиш, тиклаш ва қайта сотиш бўлими.

Бўлимда фермер хўжаликларида мавжуд носоз техникаларни сотиб олиш, тиклаш ва қайта сотиш ишлари амалга оширилади.

7. Инновацион технологиялар ва техникалар бўлими.

Мамлакатимизда ва хорижда яратилган инновацион технологиялар ва техникаларни тарғиб этиш (реклама), кўргазмалар ташкил этиш, техникаларни сотиб олиш ва етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш бажарилади.

8. Техникаларни тиклаш бўлими.

МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ва хозирда фойдаланилаётган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини жорий таъмирлаш, уларни ишчи қисмларини тайёрлаш ва мавжудларини тиклаш ишлари бажарилади.

Тумандаги мавжуд хориж ва МДХ мамлакатлари ишлаб чиқарган техникаларга техник хизмат кўрсатиш ишлари махсус жихозланган кўчма устахоналар ва автовоситалар ёрдамида техник хизматлар кўрсатади.

Хулосалар:

1. Республикамиз туманларида қишлоқ хўжалиги учун техникавий хизматлар кўрсатиш тизимининг намунавий тузилмасини яратиш долзарб ҳисобланади.
2. Биринчи навбатда туман микёсида техникаларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, йиллари бўйича тоифаларга ажратиш, республикада ишлаб чиқарилаётган хайдов, чопиқ ва транспорт ишлари учун тракторлар ва уларга мос қишлоқ хўжалик машиналари тузилмаларини (комплектини) дала майдонларининг ўлчамлари, яъни майдон юзаси (гектари) ҳамда даланинг бўйи ва энига мос синфга мансубдаги тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлашни асослаш тавсия этилади. Бунда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини кам харажат ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида тракторларнинг кўп русумлилигига чек қўйиш керак.
3. Республикамиз «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган, лизинг ёки кредит эвазига имтиёзли фоиз ставка билан харид қилиш имкониятига эга барча қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан деҳқон ва фермер хўжаликларининг хайдов, чопиқ ва транспорт тракторлари билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш керак. Бу тизим туман техникавий хизматлар кўрсатиш маркази томонидан кўрсатилган хизматларни тўла ихтисослашган ҳолда бажариш имконини яратади.
4. Деҳқон ва фермер хўжаликлари техникаларига сервис хизматларининг мураккаблиги, меҳнат сарфи, сифати бўйича аввалдан белгиланган хизмат баҳолар (прейскурантлар) асосида амалга оширилиши, хизматлар кафолатланиши, яъни, диллерлик хизмати томонидан кафолатли амалга оширилиши тавсия этилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.05.2018 йил ПҚ-3712 сон қарори.
2. “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751 сон қарори.
3. “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон қарори.
4. Асосий қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 й.й. Тошкент. 2016, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, 1- 2 қисмлар.

УДК 631.362.34:633.491

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ УПРУГИХ СВОЙСТВ КЛУБНЕЙ КАРТОФЕЛЯ, КАМНЕЙ И КОМКОВ ПОЧВЫ

Голдыбан В.В. -*к.т.н.*, Воробей А.С. -*к.т.н.*, Матмуродов Ф.М. -*к.т.н., доц.*, Игнатчик А.А. -
соискатель

РУП «НПЦ Национальной Академии Наук Беларуси по механизации сельского хозяйства»
г. Минск, Республика Беларусь

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, г. Ташкент,
Республика Узбекистан

Аннотация

В статье описан метод определения упругих свойств клубней картофеля, камней и комков почвы, представлены результаты исследований, а также предложена перспективная принципиальная схема отделителя компонентов картофельного вороха.

Ключевые слова: картофельный ворох, упругие свойства, клубни, камни, комки почвы, маятниковый копр, коэффициент восстановления, угол падения, угол отражения.

EXPERIMENTAL STUDY OF ELASTIC PROPERTIES OF POTATO TUBERS, STONES AND SOIL LUMPS

Haldyban V.V., Verabei A.S., Matmurodov F.M., Ihnatchyk A.A.
RUE «SPC National Academy of Sciences of Belarus for Agriculture Mechanization»
Minsk, Republic of Belarus

Abstract

In article was describes method provides experiments researches for determine elastic properties potato tubers, balls of soil and stones, was showed its result's, also proposes a schematic diagram of the mechanical separator of potato heap.

Key words: potato heap, elastic properties, potatoes, stones, balls of soil, coefficient of recovery, pendulum copr, the corner of drops, the corner of reflect.

Введение. Широкое применение средств механизации в картофелеводстве ставит задачи снижения и предупреждения повреждений клубней. С увеличением повреждений снижается качество клубней, и растут их суммарные потери. Существенно снижает качество клубней каменистость поля и образование комьев земли, за счёт наносимых ими повреждений при уборке и послеуборочной обработке. Кроме того, каменистость поля повышает износ техники, а также затраты на уборку и переработку. Посадка поврежденными клубнями может снизить урожайность картофеля на 30 %. В Республике Беларусь, среди пахотных земель сельскохозяйственных предприятий, каменистые почвы занимают 506 тыс. га, что составляет 9,9 % от общей площади пашни.

Исследования, связанные с изысканием способа отделения камней и комков почвы из картофельного вороха, являются актуальными и своевременными, а их выполнение имеет

важное народнохозяйственное значение для агропромышленного комплекса страны. Для сохранения качества убранных урожаев требуется разработка отечественного отделителя камней и комков от картофельного вороха, простого по конструкции, доступного в денежном выражении любому производителю картофеля и встраиваемому в серийные линии по послеуборочной доработке картофеля.

Мелкие почвенные примеси выделяют из основного вороха на уборочной технике при помощи пальчатых горок. Сложнее обстоит дело с комками и камнями, размер и масса которых, сопоставимы с размерами клубней.

Исследования и разработка средств механизации для отделения комков почвы и камней из картофельного вороха осуществляются ведущими мировыми разработчиками техник для возделывания картофеля AVR CSKS (Бельгия), Vijlsma Hercules (Нидерланды), Herbert Solutions (Англия).

Методика исследований В данной статье использован метод анализа процесса отделения вороха от клубней картофеля. Применен метод обработки статических данных для изучения размерно-весовых характеристик исследуемых компонентов картофельного вороха.

Результаты исследований. Для отделения клубней картофеля от камней и комков почвы на стадии послеуборочной доработки нами предлагается использовать различие упругих свойств компонентов вороха при сбрасывании с основного элеватора на металлическое препятствие. Различие упругих свойств определяется коэффициентом восстановления, который будет рассчитывается по выражению

$$k_{\epsilon} = \frac{\sin \frac{\alpha}{2}}{\sin \frac{\alpha_0}{2}} \quad (1)$$

где α – угол отражения, град, α_0 – угол падения, град.

Разделение сельскохозяйственных продуктов с использованием разницы в коэффициенте восстановления привлекло внимание исследователей ещё со второй половины XX века.

Брайн и Андерсон исследовали повреждения апельсинов на жестком барабане [1]. Упругие свойства черники при столкновении с плоской жесткой поверхностью исследовались Вольфом и Сингом. Оба научных коллектива протестировали металлический барабан для отделения твердых плодов от мягких.




Рисунок 1 – Принципиальная схема отделителя оливок

В работе Элорза [2] предлагается использовать разделение по упругим свойствам для сортировки оливок по степени спелости (рисунок 1).

Авторы исследований пришли к выводу, что различия в расстоянии отскока могут быть использованы для отдельного разделения отбеленных оливок от остальных. По их мнению, чтобы отделить оливки, упругие свойства могут рассматриваться как наиболее эффективный параметр. Эффективность разделения составила 95 %.

Группой исследователей из Техасского университета предложено несколько устройств, для разделения по упругим свойствам лука и комков почвы [3].

Для определения упругих свойств компонентов картофельного вороха были отобраны клубни картофеля, камни и почвенные комки, ворох которых, был разделен сортировальным

пунктом. Для опытов, мы отобрали клубней картофеля, камни и почвенные комки в количестве 50 штук каждого компонента рисунок 2.



а) клубни картофеля

б) камни

в) комки почвы

Рисунок 2 – Исследуемые компоненты картофельного вороха

Исследуя зависимость коэффициента восстановления, мы использовали устройство - маятниковый копр (рисунок 3).

Для проведения исследований использован маятниковый копр, на который дополнительно была размещена отражательная пластина. Исследуемый образец помещался в нейлоновую сетку и закреплялся на подвес установки. Подвес отклонялся на определенный угол, обеспечивающий безопасную высоту падения на металлическую пластину без повреждения. Положение подвеса и образец фиксировали механическим фиксатором. Опуская фиксатор, исследуемый образец под собственным весом перемещался к горизонтальной пластине и отскакивал от нее. Визуально определяли угол отскока по градировочной шкале прибора. Каждый опыт проводили с пятикратной повторностью. Результаты исследований представлены в таблице 1.

Угол отражения исследуемых образцов, характеризующий их упругие свойства, находится для клубней картофеля в интервале $35-47^\circ$, камней: $28 - 35^\circ$ и комков почвы: $24-33^\circ$.

Разные углы отражения обеспечивали разные траектории полета и координаты падения исследуемых компонентов картофельного вороха. Чтобы сделать расстояние между данными падения отраженных компонентов более выраженными предлагается использовать в качестве отражательной пластины металлический вращающийся барабан. Внесенная схема предложенного устройства представлена на рисунке 4. Таблица 1 – Размерно-весовые характеристики исследуемых компонентов картофельного вороха.



Рисунок 3 –Маятниковый копр

Таблица 1 – Размерно-весовые характеристики




Рисунок 4 – Схема отделения компонентов картофельного вороха

Для проверки эффективности разделения компонентов картофельного вороха на вращающемся металлическом барабане ведется изготовление экспериментальной установки.

№	Размерные характеристики									Вес, гр.			Угол, ° отражения (средне значение)		
	Длина, мм			Толщина, мм			Ширина, мм			Камни	Клубни картофеля	Почвенные комки	Камни	Клубни картофеля	Почвенные комки
	Камни	Клубни картофеля	Почвенные комки	Камни	Клубни картофеля	Почвенные комки	Камни	Клубни картофеля	Почвенные комки						
1	620	750	410	280	470	300	420	570	370	130	105	50	30	41	29
2	700	870	540	310	500	450	600	660	510	200	150	105	35	39	30
3	570	600	730	420	430	450	520	510	560	175	80	165	32	36	26
4	900	780	720	610	590	550	710	700	640	485	170	225	33	41	30
5	770	600	560	420	420	440	470	540	470	215	80	110	34	37	30
6	800	770	680	440	470	390	670	550	550	270	105	125	33	48	20
7	610	710	410	400	410	300	540	620	380	170	105	60	32	41	26
8	710	920	340	470	590	310	570	640	330	235	220	40	34	49	29
9	910	880	540	470	600	350	690	710	410	335	240	70	38	37	30
10	730	980	690	420	620	520	480	720	620	195	265	190	35	47	31
11	520	660	360	350	420	290	600	590	340	190	95	60	34	42	30
12	540	650	410	260	420	329	470	540	370	95	90	75	36	41	32
13	600	770	390	370	510	270	550	680	280	165	160	60	35	37	28
14	800	650	380	430	450	290	620	560	320	275	95	55	30	37	30
15	990	920	430	570	490	260	600	670	380	465	180	75	29	50	30
16	630	920	510	400	560	370	610	690	460	220	205	60	32	42	28
17	730	900	480	410	690	360	620	810	370	195	290	65	30	43	28
18	720	840	610	610	510	420	630	600	540	255	150	80	30	35	30
19	820	800	570	430	460	380	460	580	430	245	130	90	29	50	27
20	790	780	490	430	530	290	460	610	350	240	155	85	32	38	28
21	620	800	810	370	450	490	590	600	650	65	135	190	32	41	30
22	780	570	850	430	460	500	610	520	610	270	80	235	35	39	28
23	600	800	720	470	470	510	560	580	560	155	130	165	34	39	27
24	800	720	1200	360	470	460	490	550	610	170	110	270	34	39	35
25	620	580	650	330	490	350	600	500	480	165	85	110	32	40	30
26	1010	880	600	540	630	240	770	800	430	585	245	55	35	50	27
27	730	780	660	320	440	510	520	530	620	145	115	190	31	40	27
28	570	850	620	310	480	430	410	600	510	125	170	125	31	42	30
29	640	1010	570	340	460	500	520	760	540	160	230	150	34	42	30
30	660	780	720	520	450	370	580	610	510	245	125	85	34	41	28
31	720	600	490	400	410	360	580	480	410	280	75	75	35	40	27

32	800	820	440	430	490	360	590	630	370	315	150	40	31	45	28
33	860	840	530	350	420	310	720	520	500	310	125	70	32	40	30
34	560	770	400	340	530	270	460	650	300	105	155	60	36	42	27
35	860	760	500	490	470	320	550	660	390	390	140	65	32	42	29
36	680	760	650	420	530	340	460	640	590	175	145	80	28	37	30
37	650	740	620	490	490	330	570	620	470	255	145	85	30	37	29
38	680	700	470	290	500	340	490	580	450	150	125	60	29	41	30
39	640	750	510	310	430	460	490	570	480	145	120	70	32	39	31
40	720	720	630	310	430	360	390	600	470	165	115	75	32	38	26
41	1110	00	510	490	390	440	680	510	480	675	65	65	30	38	27
42	660	800	460	410	430	390	470	520	410	165	120	55	34	37	29
43	970	740	480	510	480	360	570	660	470	375	140	60	32	38	30
44	850	700	460	550	450	430	590	530	430	285	105	65	34	40	32
45	530	770	490	300	500	420	480	580	430	135	155	70	36	40	31
46	710	750	520	490	390	430	640	530	480	275	105	65	32	55	26
47	540	720	470	400	440	410	450	550	420	155	100	55	35	42	28
48	630	950	530	430	450	480	470	610	480	170	160	80	32	41	30
49	760	730	450	520	410	350	660	520	360	360	90	55	28	36	28
50	700	830	430	490	550	370	580	760	410	250	205	65	30	43	29

Выводы. 1. Определен угол отражения исследуемых образцов: клубней картофеля в интервале 35-47°, камней: 28 – 35° и комков почвы: 24-33°

2. Результаты проведенных исследований упругих свойств позволили установить, что рассматриваемое технологическое свойство может быть использовано для эффективного разделения клубней картофеля от камней и комков почвы;

3. Предложена перспективная схема отделителя компонентов картофельного вороха.

Использованные литературы

1. Bryan, W. L. Mechanically Assisted grading of oranges for processing / W.L. Bryan, B. J. Anderson and J. M. Miller // TRANSACTIONS of the ASAE. – 1978, vol. 21(6).– P. 1226-1231.

2. Elorza, B. Separacion de aceitunas sobremaduras y alambradas en linea mediante rebote / B. Elorza, P. and M. Gonzalez, A. and R. Altisent, Margarita // Fruticultura profesional. – 2003. Vol. 137. – pp. 48-56.

3. Feller, R. Separation of Soil Clods from Onions Using Impact / R. Feller, D. Nahir, C. G. Coble // TRANSACTIONS of the ASAE. – 1984, Vol. – P. 353-357.

УДК 631.3-7:681.142-523.8

УНИВЕРСАЛ СЕРВИС МАРКАЗИНИНГ РАЦИОНАЛ ЖОЙЛАШИШ ЎРНИНИ АНИҚЛАШ

Сейтимбетова З.А. – тадқиқотчи

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Маколада Тошкент вилоятининг пахта етиштирадиган ва етиштирмайдиган туманлардаги машиналарга техник хизмат кўрсатувчи универсал сервис марказларининг жойлашиш ўринларини аниқлаш усули баён қилинган.

Калит сўзлар: Трактор, қишлоқ хўжалиги машиналари, универсал сервис маркази, жойлашиш ўрни, хизмат кўрсатиш радиуси, сервис кўрсатиш.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАЦИОНАЛЬНОГО МЕСТОРАСПОЛОЖЕНИЯ УНИВЕРСАЛЬНОГО СЕРВИСНОГО ЦЕНТРА

Сейтимбетова З.А. – соискатель

Научно-исследовательский институт механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье изложена методика определения рациональных мест расположения универсальных сервисных центров, выполняющих услуги технического обслуживания машин Ташкентской области.

Ключевые слова: трактор, сельскохозяйственные машины, универсальный сервисный центр, месторасположение, радиус обслуживания, оказание сервисных услуг.

DEFINITION OF THE RATIONAL LOCATION OF THE UNIVERSAL SERVICE CENTER

Seytimbetova Z.A. - competitor
Research Institute agricultural mechanization

Abstract

The article describes the methodology for determining the rational locations of universal service centers that perform maintenance services on machines in the Tashkent region.

Key words: tractor, agricultural machinery, universal service center, location, service radius, provision of services.

Кириш. Тошкент вилоятидаги барча истеъмолчилар (фермер хўжаликлари, агрокластерлар, “Агросервис МТП” ва бошқалар) балансидаги ҳар ҳил турдаги мураккаб машиналар (масалан, тракторлар, ғалла ва озуқа комбайнлари, пахта териш машиналари, пневматик сеялқалар)нинг иш қобилиятини йил давомида юқори даражада ушлаб туриш учун уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини сифатли ва тўлақонли бажарувчи универсал сервис марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир [1, 2, 3].

Тадқиқот услубиёти. Тадқиқотларни бажаришда монографик кузатув усуллари ва назарий механика фанининг статика бўлими қоидаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ўрнини қуйидаги тартибда аниқлаймиз:

1) ҳисоб-китобларни вилоятнинг пахта етиштирадиган Чиноз, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон, Бўка, Ўртачирчиқ, Пискент, Юқоричирчиқ, Бекобод ва пахта етиштирмайдиган Қибрай, Паркент, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик, Оҳангарон туманлари учун алоҳида-алоҳида бажарамиз;

2) Пахта етиштирадиган туманлар бўйича қишлоқ хўжалиги техникаларининг сонлари: m_1 (Чиноз) = 1108 дона, m_2 (Қуйичирчиқ) = 1085 дона, m_3 (Янгийўл) = 1194 дона, m_4 (Оққўрғон) = 1661 дона, m_5 (Бўка) = 2165 дона, m_6 (Ўртачирчиқ) = 1701 дона, m_7 (Пискент) = 1339 дона, m_8 (Юқоричирчиқ) = 1045 дона, m_9 (Бекобод) = 1434 дона; пахта етиштирмайдиган туманлар бўйича: m_{10} (Қибрай) = 1314 дона, m_{11} (Паркент) = 791 дона, m_{12} (Зангиота+Тошкент) = 1448 дона, m_{13} (Бўстонликж) = 965 дона, m_{14} (Оҳангарон) = 1447 дона;

Тошкент вилоятининг маъмурий харитасида барча туманларнинг географик $m_1 - m_{14}$ марказларини (туманларнинг “оғирлик марказларини”) белгилаймиз (1-расм).

Географик марказлар қуйидаги шаҳарча, кўрғон ёки қишлоқда ёхуд уларнинг атрофида жойлашган: Чинозники m_1 – Бирликда, Қуйичирчиқники m_2 – Хўжаовулда, Янгийўлники m_3 – Шўралисойда, Оққўрғонники m_4 – Зафарда, Бўканики m_5 – Қоратошда, Ўртачирчиқники m_6 – Қорасувда, Пискентники m_7 – Еттибой ёнида, Юқоричирчиқники m_8 – Оқмола ёнида, Бекободники m_9 – Фарход шаҳарчасида, Қибрайники m_{10} – Улуғбек кўрғонида, Паркентники m_{11} – Суқоқ кўрғонида, Зангиота ва Тошкент туманлариники m_{12} – Назарбек шаҳарчасида, Бўстонликники m_{13} – Хўжакент шаҳарчасида, Оҳангарон туманикини m_{14} – Нуробод кўрғонида;


Пахта етиштирувчи туманлардаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг сонлари ва туман марказларининг координаталари

Туманлар	m_i , дона	x_i , мм	y_i , мм
Чиноз	1108	28	94
Қуйичирчиқ	1085	53	73
Янгийўл	1194	56	115
Оққўрғон	1661	59	48
Бўка	2165	90	28
Ўртачирчиқ	1701	115	107
Пискент	1339	142	55
Юқоричирчиқ	1045	143	132

Бекобод туманидан ташқари пахта етиштирувчи қолган 8 та туманни $x_1, 0_1, y_1$ тўғри бурчакли координаталар системасига оламиз (2-расм). Бунда $0_1, x_1$ ўқи Бўка туманининг, $0_1, y_1$ ўқи эса Чиноз туманининг энг четки чегара нуқтасига уринма бўлиб ўтади.

$m_1, m_2, m_3, m_4, m_5, m_6, m_7, m_8$ нукталарнинг координаталари $(x_1, y_1), (x_2, y_2), (x_3, y_3), (x_4, y_4), (x_5, y_5), (x_6, y_6), (x_7, y_7)$ ва (x_8, y_8) қийматларини 1-расмдаги харитадан 1:500000 (1 мм = 0,5 км) масштабни ҳисобга олган ҳолда ўлчаб аниқлаймиз. Туманлар кесимида техника воситаларининг сонлари $m_1 - m_8$ ва туманлар марказлари координаталарининг аниқланган қийматларини жадвалга киритамиз.

1-расм. Универсал сервис марказлари жойлашиш ўринлари (C_1, C_2) нинг x_1, y_1 ва x_2, y_2 санок системасига нисбатан координаталари



2-расм. Биринчи универсал сервис марказининг жойлашиш ўрни (C_1) ва пахта етиштирадиган туманларнинг географик марказлари (m_i) орасидаги масофалар

Жадвал рақамларидан фойдаланиб X_{C_1} ва Y_{C_1} координаталар қийматларини ҳисоблаб топамиз.

$$X_{C_1} = (m_1x_1 + m_2x_2 + m_3x_3 + m_4x_4 + m_5x_5 + m_6x_6 + m_7x_7 + m_8x_8) : (m_1 + m_2 + m_3 + m_4 + m_5 + m_6 + m_7 + m_8) = (1108 \cdot 28 + 1058 \cdot 53 + 1194 \cdot 56 + 1661 \cdot 59 + 2165 \cdot 90 + 1701 \cdot 115 + 1339 \cdot 142 + 1045 \cdot 143) / (1108 + 1085 + 1194 + 1661 + 2165 + 1701 + 1339 + 1045) = (31024 + 57505 + 66864 + 97999 + 194850 + 195615 + 190138 + 149435) / 11298 = 983430 / 11298 = 87 \text{ мм.}$$

$$Y_{C_1} = (m_1y_1 + m_2y_2 + m_3y_3 + m_4y_4 + m_5y_5 + m_6y_6 + m_7y_7 + m_8y_8) : (m_1 + m_2 + m_3 + m_4 + m_5 + m_6 + m_7 + m_8) = (1108 \cdot 94 + 1085 \cdot 73 + 1194 \cdot 115 + 1661 \cdot 48 + 2165 \cdot 28 + 1701 \cdot 107 + 1339 \cdot 55 + 1045 \cdot 132) / (1108 + 1085 + 1194 + 1661 + 2165 + 1701 + 1339 + 1045) = (104152 + 79205 + 137310 + 79728 + 60620 + 182007 + 73645 + 137940) / 11298 = 854607 / 11298 = 75 \text{ мм.}$$

1-расмдаги харитада $X_{C_1} = 87$ мм ва $Y_{C_1} = 75$ мм координаталарга Оққўрғон туманининг Эскиолимкент кўрғонида жойлашган C_1 нукта мос келади. Демак, Тошкент вилоятининг пахта экадиган туманларидаги техника воситаларига сервис кўрсатувчи биринчи универсал сервис маркази шу кўрғонда жойлашади.

Аниқланган C_1 нуктадан туманларнинг географик марказлари орасидаги километр ҳисобидаги масофалар 2-расмда келтирилган. Чизмадан кўришиб турибдики, саккизта туман марказлари $m_1 - m_8$ ва C_1 нукта орасидаги масофалар 18-40 км диапазонда, яъни $R_c = 40$ км радиусли доира ичкарисида ётади.

Харитадан Бекобод туманининг энг четда жойлашган Такачи қишлоғи ва C_1 марказ орасидаги масофани 84 км га тенглиги келиб чиқади. Шу боис $m_1 = 1434$ донга турли қишлоқ хўжалиги техникаларига эга Бекобод туманида фирмавий техник сервис пункти (ФТСП)ни

ташкил этиш ва уни туманнинг географик маркази – Фарход шаҳарчасига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир;

5) пахта етиштирмайдиган Қибрай ва Паркент туманларини x_2 O_2 y_2 тўғри бурчакли координаталар системаси билан камраб оламиз (1-расм): O_2 x_2 ўқи Паркент туманининг, O_2 y_2 ўқи Қибрай туманининг четки нуқталарини чегаралайди.

Техника воситаларининг сони: Қибрай туманида $m_{10} = 1314$ дона, Паркент туманида $m_{11} = 791$ дона.

Қибрай ва Паркент туманлари географик марказларининг координаталарини 1-расмда келтирилган харитадан ўлчаб оламиз:

$$X_{10} = 25 \text{ мм}, Y_{10} = 74 \text{ мм}; X_{11} = 75 \text{ мм}, Y_{11} = 41 \text{ мм}.$$


X_{C_2} ва Y_{C_2} координаталар қийматларини ҳисоблаймиз.

$$X_{C_2} = (m_{10}x_{10} + m_{11}x_{11}) / (m_{10} + m_{11}) = (1314 \cdot 25 + 791 \cdot 75) / (1314 + 791) = = (32850 + 59325) / 2105 = 92175 / 2105 = 44 \text{ мм}.$$

$$Y_{C_2} = (m_{10}y_{10} + m_{11}y_{11}) / (m_{10} + m_{11}) = (1314 \cdot 74 + 791 \cdot 41) / (1314 + 791) = = (97236 + 32431) / 2105 = 129667 / 2105 = 62 \text{ мм}.$$

1-расмдаги харитада $X_{C_2} = 44$ мм ва $Y_{C_2} = 62$ мм координаталарга Паркент туманининг Қирғизовул қишлоғида жойлашган C_2 нуқта тўғри келади. Бу нуқта Қибрай ва Паркент туманларидаги қишлоқ хўжалиги машиналарига сервис кўрсатувчи иккинчи универсал сервис марказининг жойлашган ўрнидир.

C_2 нуқта Қибрай ва Паркент туманлари марказларигача бўлган 12 ва 19 км масофалар мазкур туманларни $R_c = 40$ км радиус ичида ётишидан далолат бериб турибди (3-расм).



3-расм. Иккинчи универсал сервис марказининг жойлашиш ўрни (C_2) ва пахта етиштирмайдиган туманларнинг географик марказлари (m_i) орасидаги масофалар

Хулосалар. Зангиота ва Тошкент туманларида $m_{12} = 1448$ дона, Бўстонликда $m_{13} = 965$ дона ва Оҳангарон туманида $m_{14} = 1447$ дона трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари мавжуд.

Зангиота ва Тошкент туманларини C_2 марказдан Тошкент шаҳри ажратиб туради. Бу ҳолат кўчма устахоналарнинг C_2 марказдан мазкур туманларгача бўлган йўлларни босиб ўтиш учун сарфланадиган вақт миқдорини кескин ошириб юборади.

Зангиота, Бўстонлик ва Оҳангарон туманларининг энг четида жойлашган Ўзбекистон, Тепар ва Эртош қишлоқлари билан C_2 марказ орасидаги масофалар мос равишда 48 км, 83 км ва 70 км га тенгдир. Демак, мазкур туманларнинг ҳар бирида ФТСПларни ташкил этиш ва уларни Назарбек, Хўжакент ва Нуробод шаҳарчаларига жойлаштириш кутилган самарани беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тошболтаев М., Рустамов Р., Қобулов М. Қишлоқ хўжалигида ҳудудий фирмавий техник сервис тизими. – Т.: «Фан», 2007. – 182 б.

2. Тошболтаев М., Рустамов Р., Сейтимбетова З. Қишлоқ хўжалик машиналарига фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимининг математик ва статистик моделлари. – Т.: «Фан», 2011. – 156 б.

**УНИВЕРСАЛ СЕРВИС МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАРУРАТИНИ
АСОСЛАШ**

Тошболтаев М.Т. – т.ф.д., проф.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Мақолада Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган барча турдаги машиналарни иш қобилиятини сақлаб туриш мақсадида универсал сервис марказларини ташкил этишнинг зарурати асосланган.

Калит сўзлар: Трактор, машина, сервис корхонаси, сервис кўрсатиш, компания, завод, дилерлик пункти.

**ОБОСНОВАНИЕ НЕОБХОДИМОСТИ СОЗДАНИЯ УНИВЕРСАЛЬНОГО СЕРВИСНОГО
ЦЕНТРА**

Тошболтаев М.Т. – д.т.н., проф.

Научно-исследовательский институт механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье обоснована необходимость создания универсального сервисного центра для поддержания работоспособности всех видов машин, используемых в сельском хозяйстве Ташкентской области.

Ключевые слова: трактор, машина, сервисное предприятие, оказание сервисных услуг, компания, завод, дилерский пункт.

**MOTIVATION to NEED of the MAKING the UNIVERSAL
SERVICE CENTRE**

Toshboltaev M.T. - doctor of sciences, professor
Research institute to mechanizations of the agriculture

Abstract

In article is motivated need of the making the universal service centre for maintenance of capacity to work all type machines, used in agricultures Tashkent region.

Keywords: tractor, machine, service enterprise, rendering the service services, company, plant, dealership.

Кириш. Фермер хўжаликлари ва агрокластерлар балансидаги ҳайдов трактори, ғалла комбайни, пахта териш машинаси каби мураккаб машиналарга хорижий компаниялар иштирокида ташкил этилган сервис корхоналари, чопиқ ва транспорт тракторлари, пневматик сеялка, дори пуркагич, культиватор сингари нисбатан содда машиналарга туманлардаги “Агросервис МТП”лар томонидан техник хизмат кўрсатилмоқда [1, 2, 3].

“Магнум-8940”, “Arion-630C” ва ТТЗ-80.11 чопиқ тракторларига эга бўлган фермер уларга сервис кўрсатилишини сўраб “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказларига ҳамда туман “Агросервис МТП”га мурожаат этишга мажбур бўлмоқда. Бу учта манзил, учта банк ва олти марта бориб келиш харажатлари деганидир.

Бу ноқулайликларни барча турдаги қишлоқ хўжалиги машиналарига сифатли ва тезкор техник хизмат кўрсатиш имкониятларига эга бўлган универсал сервис марказини ташкил этиш йўли билан бартараф этиш мумкин.

Тадқиқот услубиёти. Тадқиқотларни бажаришда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказларидан олинган маълумотларни аналитик таҳлил қилиш ҳамда монографик кузатув усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган машиналарнинг таркиби, русумлари ва миқдорлари ҳақидаги маълумотлар, машиналарга техник сервис кўрсатишнинг амалдаги тизимининг таҳлили қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда:

1) “ТошкентКейссервис”, “ТошкентКлаассервис” марказлари ва туман “Агросервис МТП”лар томонидан вилоятдаги мавжуд 18697 дона техника воситасининг 2359 донасига сервис кўрсатилмоқда. Қолган 16338 дона техника сервис тадбирларидан четда қолиб кетмоқда;

2) Сервис соҳасига жалб этилмаган техника воситаларининг хорижий давлатлар ва фирмалар бўйича таркиби:

АҚШнинг “Жон Дир” ва “PUMA” фирмаларининг юқори унумли ҳайдов тракторлари (JOHN DEER-6135, PUMA-180) 68 дона;

Германия “Лемкен” фирмасининг кенг қамровли сеялка (Saphir 7/300-DS) ва айланма плуглари (EurOral 3+1 каби) 197 дона;

Белорусь Республикасининг транспорт тракторлари (Беларусь-82.1, МТЗ-80 каби) 2546 дона;

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург, Волгоград ва Олтой каби трактор заводларида ишлаб чиқарилган ғилдиракли ва занжирли тракторлар (К-701К, ВТ-150, ЮМЗ-6Л) 1226 та, “Вектор”, “Енисей-1200” русумли ғалла комбайнлари 40 дона. Жами Россия техникаси 1266 та;

Хитой давлатининг тракторлари (УТО, ВУ-304) 29 та;

Туркия, Италия, Корея ва Франциядан келтирилган турли русумдаги машиналар 10 дона.

Кўриниб турибдики, жами бўлиб 4116 дона мураккаб хорижий техника воситаларига уларни ишлаб чиқарган компания, фирма ва заводлар томонидан сервис кўрсатилмаяпти;

3) вилоят фермер хўжаликлари балансидаги ТТЗ-811, ТТЗ-80.11, Т-28Х4М чоппик тракторлари, ТТЗ-80.10, Т-28Х4МС транспорт тракторлари, 2-ПТС-4-793 тиркамалар, СХУ-4, СЧХ-4 чигит экиш сеялкалари, ОВХ-600 дори пуркагич каби 12222 дона (16338-4116) қишлоқ хўжалиги машиналари тизимли равишда техник хизмат кўрсатишга тортилмаган, чунки бу вазибаларни бажарувчи махсус сервис корхоналари ташкил этилмаган;

4) “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаасервис” марказлари фақат “Кейс НьюХолланд” ва “Клаас” фирмаларининг машиналарига ФТС кўрсатади. Уларнинг вилоятдаги жойлашиш ўринлари ва хизмат кўрсатиш радиуслари илмий асосда танланмагани боис, кўчма устахоналар томонидан бажарилаётган сервис тезкорлиги паст. Носоз эҳтиёт қисмлар АҚШ ва Германиядан олиб келинаётгани учун таъмирлаш ишларининг баҳоси юқори.

Россия Федерациясидан импорт қилинган тракторлар ва ғалла комбайнларига ФТС кўрсатиш тадбирларини бажариб келган “Агроалтайсервис” ва “ЎзДонМаш” сервис корхоналари ҳозирда номларига яраша фаолият олиб бормаяпти.

Хитой, Туркия, Италия, Корея, Франция каби бир қатор давлатлардан келтирилган қимматбаҳо техника воситаларига талаблар даражасида сервис кўрсатилмаяпти.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари бозорига кириб келаётган АҚШнинг “Жон Дир” фирмаси ўзининг дилерлик пунктларини ташкил этишга яқиндагина киришди. Шу боис улар ҳозирча техник жиҳатдан тўла шаклланмаган.

Хорижий компаниялар, уларнинг иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ўзларининг техник марказлари, дилерлик пунктлари ва бошқа хилдаги сервис корхоналарини ташкил этишда юқоридаги реал ҳолатларни ҳисобга олишлари зарур бўлади.

Табиийки, Россия, Хитой, Туркия, Италия, Корея, Франция каби Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги техникаларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириб бораётган ёки қўшма корхоналар орқали янги машиналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган хорижий мамлакатлар Ўзбекистонда дилерлик пунктларини очишга ҳаракат қиладилар.

Бунинг учун улар хорижий тажрибаларга таянадилар. Масалан, АҚШнинг машинасозлик фирмалари мамлакатнинг маккажўхори етиштирадиган ҳудудларида 300-500 нафар буюртмачига 50 км радиусда хизмат кўрсатадиган дилерлик пунктларини ташкил этадилар. Ҳар бир буюртмачида фирмадан сотиб олинган мураккаб машиналар сони ўртача 2 тадан (масалан, битта ҳайдов трактори ва битта ғалла комбайни) бўлганда битта диллер томонидан ФТС кўрсатиладиган техникалар сони 600-1000 тага, 4 тадан бўлса – 1200-2000 донага етади.

Юқорида айтилганидек, ҳар бир дилер фақат бир хорижий фирманинг вакили ҳисобланади – ўша фирманинг техникасини сотади ва унга хизмат кўрсатади. Демак, яқин келажакда Ўзбекистонда дилерлик пунктлари (сервис корхоналари, техник марказлар)нинг сони 10-15 тага етиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, дилерлик пунктлари сонининг ошишининг салбий томонлари ҳам бор. Масалан, бир буюртмачи (фермер ёки агрокластер) бир вақтнинг ўзида “Кейс НьюХолланд” компаниясининг “Магнум-8940”, “Клаас” фирмасининг “Arion-630C” гилдиракли ва Волгоград трактор заводининг ВТ-150 занжирли тракторига эга бўлса, у сервис кўрсатишларини сўраб бир йўла учта – “ТошкентКейссервис”, “ТошкентКлаассервис” ва “Агроалтайсервис” корхоналарига буюртма беришга мажбур бўлади. Бу корхоналар вилоятнинг турли манзилларида жойлашган, хизмат тезкорлиги ва сифати бир-биридан фарқланади, хизмат баҳолари ҳар хил, буюртмачини учта юридик (бир қанча физик) шахс (механиклар, чилангарлар, диспетчерлар) билан алоқа қилишига тўғри келади. Бу ҳолатлар сервис корхоналари ва буюртмачилар орасидаги ташкилий ва иқтисодий муносабатлар даражасига салбий таъсир кўрсатади.

“ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” корхоналарининг вилоят ҳудудида рационал жойлаштириш орқали бу салбий ҳолатларнинг бир қисмини яхшилаш мумкин.

Хулосалар. Юқоридаги камчиликларни батамом йўқотиш, фермер хўжаликлари, агрокластерлар, “Агросервис МТП” ва бошқа субъектлар балансидаги ҳам хорижий, ҳам маҳаллий мураккаб машиналарга тўла, тезкор, сифатли ва арзон баҳоларда техник хизмат кўрсатиш учун универсал сервис марказ (УСМ)ларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тошболтаев М., Рустамов Р., Қобулов М. Қишлоқ хўжалигида ҳудудий фирмавий техник сервис тизими. – Т.: «Фан», 2007. – 182 б.

2. Тошболтаев М., Рустамов Р., Сейтимбетова З. Қишлоқ хўжалик машиналарига фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимининг математик ва статистик моделлари. – Т.: «Фан», 2011. – 156 б.

3. Тошболтаев М., Рустамов Р. Қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг назарий-статистик тамойиллари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2018, 272 бет.

ОЦЕНКА РЕАКЦИЙ ГРУНТА НА ПЛУЖНЫЙ РАБОЧИЙ ОРГАН С ПОМОЩЬЮ МАШИННОГО ЭКСПЕРИМЕНТА

Н.В.Венкова

(ФГБОУ ВО РГАУ - МСХА имени К.А. Тимирязева) Институт мелиорации, водного хозяйства и строительства имени А.Н. Костякова

Аннотация

Плужный каналокопатель – простая машина, перспективная для прокладывания каналов небольших размеров. Ее недостаток – энергоемкость рабочего процесса. Для снижения энергоемкости надо использовать более совершенный рабочий орган. Один из способов правильного выбора параметров рабочего органа – формирование математической модели взаимодействия плужного рабочего органа с грунтом.

Ключевые слова Каналокопатель, математическое моделирование, машинный эксперимент, параметры рабочего органа, реакции грунта.

Для нарезки сети мелких каналов широко применяют специальные мелиоративные орудия – плужные каналокопатели. Они просты в изготовлении и обслуживании, надежны в работе, имеют сравнительно малую удельную металлоемкость и большую производительность. Однако существенными недостатками этих орудий являются низкое качество нарезаемого канала и большое тяговое сопротивление.

При большом тяговом сопротивлении орудия увеличивается степень его воздействия на стенки канала, возрастают внутренние напряжения в грунте. Это увеличивает деформацию грунта, приводит к появлению крупных глыб и трещин в откосах канала.

Улучшить качество работы и одновременно уменьшить тяговое сопротивление плужных каналокопателей можно, прежде всего, за счет совершенствования формы их рабочих лемешно – отвальных поверхностей. Изменяя соответствующим образом форму и параметры рабочей поверхности, можно обеспечить желаемое относительное движение

почвенного пласта, при котором достигается улучшение технико-экономических показателей орудия [1].

Реакция грунта на плужный рабочий орган зависит от трех основных групп факторов: тип и состояние грунта, форма и размеры отрываемого канала, тип и параметры рабочего органа.

Основные размеры прокладываемого канала – это H_k – его глубина, m – коэффициент заложения откосов и b_d – ширина канала по дну. Корпус плужного двухотвального каналокопателя состоит из двух частей, каждая из которых содержит лемех и отвал, работающих в различных условиях. В связи с этим задачу обоснования рациональных параметров корпуса каналокопателя можно подразделить на две: на обоснование параметров лемеха и обоснование формы и параметров отвала. Угол между лезвием лемеха и направлением движения (угол захвата) α_l и угол резания δ_l определяются из условий незаклинивания пласта грунта между лемехом и откосами канала и отсутствия взаимного столкновения левого и правого пластов. Форма и параметры подъемно-отвальных поверхностей полностью и однозначно определяется уравнениями направляющей кривой и кривой сферического отображения [2].

Используя теорию планирования эксперимента, на кафедре мелиоративных и строительных машин разработана математическая модель, связывающая исследуемый параметр (реакцию грунта на плужный рабочий орган ΣR) с некоторыми влияющими на него факторами (ширина канала по дну- b_d , коэффициент заложения откосов- m , параметры направляющей кривой - НК и кривой сферического отображения - КСО). Очевидно, что зависимость реакции грунта на плужный рабочий орган от глубины прокладываемого канала – прямо-пропорциональная. Исследование влияния остальных параметров на ΣR представляет цель данного эксперимента.

Машинный эксперимент проводился для грунтов II категории при давлении массы грунта на плужный рабочий орган $p_0 = 100$ МПа.

Уравнение направляющей кривой имеет следующий вид:

$$f_1(z) = x = Az^3 + Bz^2 + Cz + D,$$

где A, B, C, D – постоянные коэффициенты, определяемые по известным координатам начальной и конечной точек направляющей кривой, а также значениями производных в этих точках.

Уравнение кривой сферического отображения выглядит следующим образом:

$$f_2(\delta) = \alpha = \alpha_0 + \alpha_1 \delta + \alpha_2 \delta^2,$$

где $\alpha_0, \alpha_1, \alpha_2$ – постоянные коэффициенты, соответствующие заданным геометрическим условиям [2].

Определение коэффициентов направляющей кривой и кривой сферического отображения производится с помощью компьютера по программе расчета параметров для построения проекций плужного рабочего органа. Для того чтобы воспользоваться этой программой необходимо составить матрицы коэффициентов для направляющей кривой и кривой сферического отображения.

Матрица коэффициентов для направляющей кривой:

$$\begin{array}{ccccc} 1 & z_k & z_k^2 & z_k^3 & x_k \\ 1 & H & H^2 & H^3 & L \\ 0 & 1 & 2z_k & 3z_k^2 & ctg \delta'_l \\ 0 & 1 & 2H & 3H^2 & ctg \delta'_{oms} \end{array}$$

где z_k, x_k – координаты начальной точки направляющей кривой, равные соответственно 0,125м, 0,34м (для плужного каналокопателя МК-16), H – полная высота рабочего органа, 1,1м, L – горизонтальная проекция направляющей кривой, для верхнего уровня принята равной 1,51м, для нижнего уровня – 1,815м.

Матрица коэффициентов для кривой сферического отображения:

$$\begin{array}{cccc} \delta_l^2 & \delta_l & 1 & \alpha_l \\ \delta_{отв}^2 & \delta_{отв} & 1 & \alpha_{отв} \\ 2\delta_{отв} & 1 & 0 & 0 \end{array}$$

где δ_l для верхнего уровня принята равной 28° , для нижнего 32° ,
 α_l для верхнего уровня равна 46° , для нижнего 50° , $\delta_{отв} = 90^\circ$,

Если имеется n факторов и K уровней, то число комбинаций $L = K^n$. Основные характеристики плана многофакторного эксперимента 2^4 представлены в таблице 1.

Уровень факторов	Фактор			
	X_1 (b_d), м	X_2 (m)	X_3 (КСО)	X_4 (НК)
верхний	0,5	1,2	$\alpha_0 = 54,85746$ $\alpha_1 = -0,3746106$ $\alpha_2 = 0,002081178$	A = 0,3681676 B = -2,086793 C = 3,25444 D = -0,034918
нижний	0,4	1	$\alpha_0 = 61,26275$ $\alpha_1 = -0,4280605$ $\alpha_2 = 0,002378$	A = -0,2899536 B = -0,8774644 C = 2,982958 D = -0,0185931

Так как в рассматриваемой сложной системе существует функциональная связь между параметрами рабочего органа и действующими силами, то в общем виде математическое описание процесса представляется зависимостью:

$$Y = f(X_1, X_2, X_3, \dots, X_n)$$

Где Y - зависимая переменная или функция отклика (исследуемый параметр); $X_1, X_2, X_3, \dots, X_n$ - независимые переменные, влияющие на Y факторы[3].

Эту функцию можно представить для четырех факторов ($b_d, m, \text{КСО}, \text{НК}$) уравнением регрессии:

$$Y = b_0 + b_1X_1 + b_2X_2 + b_3X_3 + b_4X_4$$

Где Y - оценка значений функции отклика; b_0, b_1, b_2, b_3, b_4 - оценки коэффициентов уравнения регрессии.

На кафедре мелиоративных и строительных машин создана программа, позволяющая определить реакцию грунта на плужный рабочий орган с учетом влияния основных факторов. С помощью этой программы был проведен полный факторный эксперимент. В эксперименте реализованы все возможные, различные комбинации уровней всех факторов.

План многофакторного эксперимента 2^4 и результаты опытов приведены в таблице 2

№ опыта	b_d X_1	m X_2	КСО X_3	НК X_4	R_{r1}	R_{r2}	R_{b1}	R_{b2}	ΣR
1	-	-	-	-	69,59	1,206	55,41	0,52	90,223
2	+	-	-	-	75,61	1,26	60,79	0,54	98,338
3	-	+	-	-	78,70	1,41	62,18	0,61	101,785
4	+	+	-	-	84,72	1,46	67,56	0,63	109,895
5	-	-	+	-	70,8	1,21	56,89	0,52	92,094
6	+	-	+	-	76,89	1,26	62,53	0,54	100,425
7	-	+	+	-	80,08	1,4	63,76	0,61	103,839
8	+	+	+	-	86,18	1,46	69,69	0,63	112,177
9	-	-	-	+	67,795	6,54	43,76	1,88	87,228
10	+	-	-	+	73,81	6,84	48,41	1,97	95,092
11	-	+	-	+	76,54	7,61	48,7	2,19	98,388
12	+	+	-	+	82,56	7,91	53,44	2,28	106,252
13	-	-	+	+	64,73	10,41	44,71	3,53	89,292
14	+	-	+	+	70,61	1,91	49,57	3,7	97,382
15	-	+	+	+	72,97	12,1	49,78	4,1	100,697
16	+	+	+	+	78,85	12,6	54,63	4,27	108,776

Для оценки влияния различных факторов на реакцию грунта на плужный рабочий орган необходимо определить коэффициенты уравнений регрессии.

$$b_0 = \frac{1}{L} \sum_{i=1}^L X_0 \bar{Y}_i,$$

$$b_i = \frac{1}{L} \sum_{i=1}^L X_{i\delta} \bar{Y}_i (i = 1, 2, \dots, n)$$




Рис. 1

Так как программа позволяет определить вертикальные и горизонтальные составляющие реакции грунта на плужный рабочий орган в двух точках (рис. 1), составлено четыре уравнения регрессии для этих составляющих и одно уравнение для суммарной реакции ΣR . Суммарная реакция определяется по формуле:

$$\Sigma R = \sqrt{(R_{c1} + R_{v1})^2 + (R_{c2} + R_{v2})^2}$$

Уравнения регрессии для горизонтальных составляющих реакций грунта:

$$Y(R_{c1}) = 75.84 + 3.189X_1 + 4.61X_2 - 0.701X_3 - 6.107X_4$$

$$Y(R_{c2}) = 5.349 + 0.113X_1 + 0.395X_2 + 1.07X_3 + 4.016X_4$$

Уравнения регрессии для вертикальных составляющих реакций грунта:

$$Y(R_{v1}) = 55.725 + 2.565X_1 + 2.966X_2 + 0.682X_3 - 6.589X_4$$

$$Y(R_{v2}) = 1.782 + 0.038X_1 + 0.132X_2 + 0.455X_3 + 1.208X_4$$

Для суммарной реакции грунта на плужный рабочий орган уравнение регрессии имеет следующий вид:

$$Y(\Sigma R) = 99.493 + 4.05X_1 + 5.73X_2 + 1.09X_3 - 1.16X_4$$

По результатам эксперимента, очевидно, что с увеличением ширины канала по дну и коэффициента заложения откосов, вертикальные и горизонтальные составляющие реакции грунта на плужный рабочий орган возрастают.

Впервые получены коэффициенты линейного уравнения регрессии, позволяющие оценить влияние направляющей кривой и кривой сферического отображения на реакцию грунта. Анализируя полученные данные, можно сделать вывод, что плужный рабочий орган, имеющий более пологую направляющую кривую (при вылете - $L=1.85$ м) позволяет существенно снизить горизонтальную R_{r1} и вертикальную R_{v1} составляющие реакции грунта в первой точке (рис.1). Однако, во второй точке на том же рабочем органе, R_{r2} и R_{v2} несколько возрастают.

Литература

1. Г.Е.Листопад, В.К.Шаршак, В.В.Сконодобов «Мелиоративные орудия для устройства временной оросительной сети», - М., 1986г.
2. И.И.Мер «Мелиоративные машины», - М., 1980г.
3. Ю.Г.Ревин «Практикум по мелиоративным машинам», - М., 1995г.

ТУПРОҚ ШИББАЛОВЧИ ИШ ОРГАН ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚ ЭТИШ

¹Игамбердиев А.К., ²Худойбердиев Т.С., ²Муродов Р.Х.

¹Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти. ²Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

Аннотация

Мақолада суғориладиган очик майдонларда буғдойни сепиб, суғориш арикчаларини очиб, пушта энини шакллантириб, унинг юзасига буғдой сепиб, суғориш арикчаларидан олинган нам тупроқ уюмини пушта юзасига бир хил қалинликда сочилган буғдойларни бир хил қалинликда кўмиб, агротехник талаб этилган миқдорда зичлаб кетадиган шиббаловчи иш органнинг параметрларини асослашнинг назарий ва экспериментал тадқиқот натижалари берилган. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра шиббаловчи иш орган қанотининг баландлиги $h=85$ мм., унинг тупроққа ботиш чуқурлиги $h_0=0,6-0,65$ см, қанотининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчагини $\alpha = 47^0$, зичловчи қисмининг пушта кўндаланг кесими бўйича эни $b_{ш} = 700$ мм., узунлиги $l_{ш}=150$ мм.га тенг қийматлари мақбул параметрлар деб қабул қилинган.

Таянч сўзлар: майдон, юза, суғориш аникчаси, тупроқ уюми, буғдой, сепиш, кўмиш, зичлаш, шиббалаш, параметр.

ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ УПЛОТНЯЮЩЕГО РАБОЧЕГО ОРГАНА

¹Игамбердиев А.К., ²Худойбердиев Т.С., ²Муродов Р.Х.

¹Ташкентский институт инженеров ирригации механизации сельского хозяйства.

²Андижанский филиал Ташкентского аграрного университета

Аннотация

В статье приведены результаты теоретических и экспериментальных исследований по обоснованию параметров уплотняющего рабочего органа, обеспечивающего выравнивание почвенной кучи ровным слоем, с последующим уплотнением в пределах агротехнических требований, образованной в процессе формирования поливных борозд. По результатам теоретических и экспериментальных исследований рекомендованы рациональные параметры рабочего органа, такие как, высота крылья, равной 85 мм., глубина погружения, равной 0,6-0,65 мм, угла установки крылья по направлению движения, равной 47^0 , ширину и длину, равной соответственно 700 мм. и 150 мм.

Ключевые слова: поля, площадь, болевная борозда, почвенная куча, пшеница, разбрасывание, заделка, уплотнение, параметр.

THEORETICAL AND EXPERIMENTAL STUDY OF THE PARAMETERS OF THE SEALING WORKING BODY

Ihamberdiev A.K., Khudoiberdiev T.S., Murodov R.Kh.

Abstract

The article presents the results of theoretical and experimental studies on the justification of the parameters of the compacting working body, which ensures equalization of the soil heap with an even layer, followed by compaction within the agrotechnical requirements formed during the formation of irrigation furrows. According to the results of theoretical and experimental studies, rational parameters of the working body are recommended, such as the height of the wings, equal to 85 mm., The depth of immersion, equal to 0.6-0.65 mm, the angle of installation of the wings in the direction of movement, equal to 47^0 , width and length, equal respectively to 700 mm. and 150 mm.

Keywords: fields, area, painful furrow, soil heap, wheat, scattering, incorporation, compaction, parameter.


Қириш. Жаҳон амалиётида ғалла ва бошоқли дон экинлардан юқори ҳосил олиш учун инновацион технологиялар ва техник воситаларни яратиш муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда дунё миқёсида 215 млн. гектардан ортиқ майдонга ғалла экилиб, йилига 730 млн. тоннадан кўпроқ дон ҳосили етиштирилмоқда. Жаҳонда дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни

истеъмол қилиш даражасининг ортиб бориши ресурстежамкор, технологик ва техник жиҳатдан модернизациялашган техник воситаларни тадбиқ этишни тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, ...2017–2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш" вазифалари белгилаб берилган [1,2]. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан очиқ майдонларда буғдой сепиш, суғориш ариқчаларини очиш, буғдой сепилган юзани беркитиб, шиббалаб кетадиган техник воситаларни яратиш ҳисобига кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш **муҳим масалалардан бири ҳисобланади.**

Тадқиқот услуби. Тадқиқот жараёнида назарий механика, математик таҳлил ва математик статистика, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, қишлоқ хўжалик техникаларини синаш усуллари қўлланилган ҳамда мавжуд меъёрий хужжатлардан фойдаланилган. Бир ўтишда пушталарнинг бутун профили бўйича кузги буғдойни сепиш, суғориш ариқчаларини очиш, ундан олинган нам тупроқ билан пуштага сепилган уруғларни бир хил қалинликда кўмишда тупроқни агротехник талаб даражасида зичлаб, буғдойни пушта юзаси бўйича бир текис униб чиқишини таъминловчи ишчи органнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган.

Назарий тадқиқот натижалари. Агротехник талабга кўра шиббаловчи иш органнинг асоси тупроқ уюми ёйилган пуштада ҳосил бўлган нотекисликларни текислаб, кесакларни майдалаб, тупроқни зичлаб, рельефини текис бўлишини таъминлаши учун тупроққа маълум чуқурликда ботиб, оғирлик кучи таъсирида шиббалаб кетиши керак (1-расм).



1-расм. Шиббаловчи иш органнинг тупроққа ботиш чуқурлиги ва параметрларини аниқлаш схемаси

Қатор олимларнинг тадқиқотлари асосида [3; 130-132-б. 4; 1-7-б. 5; 3-124-б.] бу шартни пуштага ёйилган тупроқ уюмининг шиббалангандан кейинги зичлиги билан ифодалаш тавсия этилади. Шунга кўра

$$h_0 = \frac{h_{ю}(\rho - \rho_0)}{\rho} \quad (1)$$

бунда: $h_{ю}$ –пуштага ёйилган тупроқ уюмининг қалинлиги, см; ρ –пуштага ёйилган тупроқ уюми зичлиги, г/см³; ρ_0 –шиббаланган тупроқ зичлиги, г/см³.

Тадқиқот натижалари асосида шиббаланадиган пушта тупроғининг агротехник талаб этиладиган зичлиги $\rho=1,20...1,25$ г/см³ ораликда бўлиши, пуштага ёйилган тупроқ уюми зичлиги ўртача $\rho_0=1,05...1,10$ г/см³ ораликда бўлишини инобатга олсак, (1) ифода бўйича шиббаловчи иш органнинг тупроққа ботиш чуқурлиги $h_0=0,6-0,65$ см ораликда бўлади [3; 130-132-б.].

(1) ифода таҳлили шуни кўрсатадики, шиббаловчи иш орган агротехник талаб даражасида пуштага ёйилган тупроқ зичлигини таъминлаши буғдойни ўз вақтида бир текис униб чиқишини таъминлайди.

Шиббаловчи иш орган қанотининг (1-расм) баландлигини юқорида қайд этилган тадқиқотлар натижаларига асосан шиббалашда иш орган қанотини олдида тупроқ уюми ҳосил бўлиб, устидан ошиб тушмаслик шarti билан асослаймиз

$$h \geq K_c(h_n + h_0), \quad (2)$$

бунда h -шиббаловчи иш орган қанотининг баландлиги, м; K_c - тупроқ уюлиб қолишини ҳисобга олувчи коэффицент; h_n - тупроқ юзаси нотекислигининг баландлиги бўйича ўртача қиймати, м.

(1) ифодани ҳисобга олиб, (2) ифодани қуйидаги кўринишга келтирамиз

